

ЛАТИФ МАҲМУДОВ

# ТОҒДА ОТИЛГАН ЎҚ



Қиссалар ва пьесалар

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти  
1983 йил

Ёзувчининг бу китобига «Икки дангасанинг саргузаштлари», «Тоғда отилган ўқ» қиссалари ҳамда бир қатор пьесалар жамланган.

Ҳурматли китобхон! Сиз авторнинг «Эски дуторнинг сири» китобини ўқигансиз. Шу қиссанинг давоми бўлмиш «Тоғда отилган ўқ»да ёзувчи қаҳрамонларнинг кейинги ҳаёти, уларнинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилади. Асар қаҳрамонлари яна бир синовдан ўтадилар.

Ўрта мактабни тугаллаш ва касб танлашга бағишланган охирги — учинчи қисмини муаллиф яқинда сиз ўқувчиларга тақдим этади.

Тақризчи **ФАРҲОД МУСАЖОНОВ,**

# ҚИССАЛАР


## ИККИ ДАНГАСАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

— Ҳой, нима шовқин?

Ҳар куни аҳвол шу: кўзойнак таққан, оппоқ чўққисоқолли киши деразадан қарайди-ю, дарров ўқитувчилар хонасидан чиқади. Ҳовли этагида эски дўппини осмонга отиб қий-чув қилаётган болаларга қараб юриб, куйиб-пишиб гапиради. Сезиб қолганлар «қоч, Алижон Валиевич» деб тумтарақай бўлади. Аммо битта-яримта лапашанг қўлга тушса бас, қўнғироқ чалингунча бош кўтармай қизариб-бўзариб насиҳат эшитади. Бечора иккинчи бундай қилмайман, деб сўз ҳам беради. Бордию ўша лапашанг бирор ойдан сўнг яна илинса, Алижон Валиевич:

— Хўш, ваъда қани?— деб тоза уялтиради.

Эсида турганини-чи! Езиб юрса керак. Бўлмаса кеча еган овқати одамнинг хаёлидан чиқиб кетади-ку, ўн-ўн беш боланинг кунига берган ваъдаси ёдида қандоқ қолсин?! Шу одамга ҳайронман. Қачон қарасанг, болаларни пойлаб юргани-юрган. Уқитувчилар хонасига-ку, ондасонда киради, ўшанда ҳам биров қувлагандай дарров юғуриб чиқади-да, хўш, нима гап, деб ҳаммага қарайди; кейин эса танаффус тамом бўлгунча тутнинг тагидаги скамейкада ҳовлидан кўз узмай ўтиради. Мен сизга айтсам, мана шу адабиёт ўқитувчимиз Алижон Валиевич мактабга янги келганда бунақа эмас эди, йўқ, тамоман бошқача, жуда раҳмдил эди, баъзи ўқитувчиларга ўхшаб уйга бир талай дарс бермасди. Бола бечоралар ўйнаб-кулсин дер эди. Унинг дарси бор куни ҳамма маза қиларди, биров берилиб эшитса, биров расм чизар, бошқаси ёнидаги шериги билан пичир-пичир гаплашар, хуллас, қирқ беш минут қандай ўтганини билмасдик. Шу ўқув йили Алижон Валиевич синф раҳбари бўлиб тайинландию айнади-қолди.



Шундай олтин одам-а! Илгари дарсини тугатиб мактабдан тезда жўнаб қоларди. Энди эса қиладиган иши йўқдай бошқа дарсларга ҳам кириб, то қўнғироқ чалингунча миқ этмай орқада ўтиради. Ендафтарига нималарнидир ёзади. Катта танаффусда-ку, албатта синфга мўралаб ўтади. Бунинг устига ҳар жума синф мажлиси. Илгари деворий газетани ўқув йили бошида бир амаллаб чиқариб олсак бас эди, ёзгача турарди. Обрўсини қаранг! Энди-чи? Бирини ўқиб улгурмай, иккинчисини кўрасиз. Ичи тўла мақтов гаплар бўлганигами аввалги газетани ҳар кўрганда одам ўзидан-ўзи илжаяверар эди. Энди-чи? Янгисига кўзингиз тушиши билан юрагингизни ари чаққандай бўлади; у бола ёмон, буниси яхши, ундан ўрناق ол, бунга қўшилма, тавба! Бунга фақат Алижон Валиевич эмас, Қунира билан Аҳмадга ўхшаган болалар ҳам айбдор. Қизинги шуки, газетанинг янги сони чиқса, синфга ҳамма юра-

гини ҳовучлаб киради. Ҳеч гап йўқми, деб газетани шоша-пиша ўқишга тушади. Баттар бўлларинг, дейман. Албатта, бунақа гапларни ошкора айтиб бўлмайди. Нега десангиз, Мирвали бир марта шундай деб тоза расво бўлган. Эртасига газетага тушди. Мирвали аламга чидамай дарсдан кейин деворий газета редактори Аҳмадга ёпишди. Илгариги пайтлар бўлса-ку, Мирвалининг қўлига тушган одам соғ чиқмас эди. Чунки унинг қиёфаси ҳар қандай болани даҳшатга солар эди. Пақана, оёқлари калта-калта бўлгани билан елкаси кенг, кўкракдор, калласи катта, кўришганда баъзи нимжон болаларнинг кўзидан олов чиқиб кетарди. Энди-чи? Аҳмад, ўша пуф деса учиб кетадиган нозик-ниҳол бола, Мирвалининг дўқ-пўписасига парво қилмай:

— Қўлингни торт,— деди чийиллаб,— ҳозир Алижон Валиевичга айтаман!

Шунда Мирвалига бир қарасангиз: ранги оқарди, кўзлари пирпиради, қўллари эса икки ёнига шилқ этиб тушди-ю, синфдан чиқиб кетди. Сиз бундан Алижон Валиевич жуда баджаҳл одам экан, деб ўйламанг. Алижон Валиевич бировга қаттиқ гапирмайди, уришмайди, қовоғини ҳам солмайди. Ҳатто айбингизни ҳам айтмайди. Гуноҳингиз оғир бўлса икки эллик хат ёзиб конвертга солади, яхшилаб елимлайди, сизнинг оппоқ оқариб кетаётганингиздан завқланиб бепарволик билан қўлингизга тутуди...

— Шунини дадангизга бериб қўйинг.

Ўз қўлингиз билан бўйнингизга сиртмоқ солади. Дунёда шундан оғир, шундан ёмони бўлмаса керак. Конверт олган бола то дадасига хатни етказиб бергунча не хаёлларга бормайди дейсиз, ҳамма қилмишини бирма-бир эслайди, куйиб-пишиб ўз гуноҳини қидиради.

Мана, мен ҳам боядан бери қўйнимга типратикон солиб олгандай чўнтагимдаги конвертни ўйлаб бош қотириб ўтирибман. Дарс аллақачон тугаб, ҳамма кетиб қолган. Синф бўш, фақат қадрдон дўстим Мирвали одамгарчилик қилиб олдимда турибди. У дам бу ёнимга, дам у ёнимга ўтади, куйиб-пишиб нимадир дейди. Аммо қулоғимга ҳеч нарса кирмайди. Бурнимнинг тагида худди ари гинғиллаётгандай бўлади.

Мирвалининг тоқати тоқ бўлиб:

— Тур,— деди ниҳоят,— тур, бунақада одам девона бўлиб қолади, ошна.

Аранг эс-хушимни йиғдим. Бошимни кўтариб Мирвалига қарадим. Башарам жуда ўзгариб кетган бўлса керак, Мирвали ғалати бўлиб секин ёнимга ўтирди:

- Нима қила қолувдинг?  
— Ким билади?!  
— Одамга алам қиладигани ҳам шу-да,— деди у қи-зишиб,— гуноҳингни айтмай мана шунақа қийнаб қўяди. Бугун сендан сўрагани йўқмиди, ошна?  
— Мен хўрсиниб бош чайқадим.  
— Бошқалар-чи?  
— Арифметикадан доскага чиққан эдим.  
— Ҳа, айтгандай, уч олувдинг,— деди Мирвали,— ас-лини олганда уч баҳо эмас ё икки ол, ё беш! Бошқа баҳо-ларни тан олмайман. Ҳа, майли, қани, эрталаб уйдан чиқ-қандан бошлаб нима қилдинг-у, кимлар билан гаплаш-динг, ҳаммасини эсла, эҳтимол бирор гуноҳ қилиб қўйиб, ўзинг сезмагандирсан.  
— Ке қўй,— дедим бўғилиб,— эслаганим билан нима фойда?  
Мирвали эса қўлларимни маҳкам ушлаб:  
— Хомкалла!— деди ҳовлиқиб,— хатда нима дейилган, биласанми?  
— Йўқ.  
— Бўпти-да,— деди аллақандай сирли товуш билан,— менинг куним келмасин дейман, ошна!  
Мирвали арзимаган бир гуноҳ билан қўлга тушган эди. Ушанда Алижон Валиевич берган хатни тўппа-тўғри дада-сига элтиб берганда, дадаси эрта билан мактабга югуриб келган эди. Ана шу эсимга тушиб бўшашиб кетдим.  
— Сен... Қаёқдан биласан?  
— Билмайман-у, аммо юрагим сезяпти. Шундай бўл-гандан кейин нима қилганингни эсла?  
Мирвалининг гаплари ҳақиқатга ўхшар эди. Нима де-йишимни билмай кўзларимни пирпиратиб қулт этиб ютин-дим.  
— Нима қил дейсан?  
— Дадангни бошлаб келишингни бўйнингга олавер,— деди Мирвали,— битта-яримтани дўппослаган бўлсанг, бор, узр сўра, иложи бўлса ўша калтак еган бечорани ҳам бошлаб кел, даъвойим йўқ десин ё икки эллик хат ёзди-риб ол!  
— Бас!— дедим юрагим тарс ёрилиб ва жопҳолатда Мирвалининг ёқасига ёпишдим,— овозингни ўчир, нима деяпсан, нега мен бировни бекордан-бекорга дўппослар эканман-а?  
Мирвали важоҳатимдан ҳазилакам чўчимаган экан. Аранг ёқасини бўшатиб, ҳар эҳтимолга қарши эшикка яқин борди. Мени юпата бошлади:

— Э, девона, гуноҳ-пуноҳинг бўлса эсинга солай деб мисол учун айтяпман. Ҳозирги қилиғинг учун даданг билан бирга ойингни ҳам қўшиб чақиртириш керак экан!

Ҳазабдан қалтираб кетдим. Олдимдаги папкани улоқтирдимми ё ўзи учиб кетдим, эслай олмайман. Бир маҳал ўзимга келиб қарасам, Мирвали қўрқиб кетганидан ҳадеб қўлимни силаяпти. Бир нима деб гўлдирайди. Папкамдаги китоб, дафтар, қалам, ручка, бувим солиб қўйган бир ҳовуч бодом синф билан битта бўлиб ётибди. Хаёлимда ўзим ҳам мана шу бир ҳовуч бодомдек ҳар қаёққа тўзғиб кетдим. Оёқ-қўлим қалтираб жойимга ўтирдим ва ҳўнграб юбордим.

— Қўй,— деди Мирвали ва бошимни тез-тез силай бошлади,— қўй, нега сен бировни ураркансан. Ҳамма дўп-послаганда ҳам сен гинг демай туриб берадиган боласан! Биламан, сенга ҳозир жуда қийин, қийин бўлганда ҳам, эҳ-ҳе, бунақа ҳам ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Бошинг ғовлаб кетган. Ҳозир бошинг бош эмас, қовоқ! Шунинг учун қилган ишингнинг қай бири яхши-ю, қай бири ёмон, ўзинг ҳам билмайсан, ошна, сен айтиб тур, мен гуноҳингни ажратиб берай, нима дединг?

Бечора қадрдон дўстим Мирвали, мен учун жон куйдирипти-ю, мен тентак бўлсам...

— Гапир,— деди Мирвали.

— Эрталаб уйдан кеч чиқдим,— дедим ҳиқиллаб,— ҳар куни мактабга яёв келардим. Бугун қарасам кечикадиганман. Трамвайга ўтирдим. Одам кўп экан. Ке, ким билиб ўтирибди, деб индамай келавердим.

— Демак, билет олмадинг, шундайми?

Мен Мирвалига қарагани ботинолмай...

— Ҳа,— дедим.

— Мана!— деди Мирвали хурсанд бўлиб,— мана, кўрдингми, битта гуноҳинг аниқ бўлди, ошна, гапир!

— Биласан,— дедим ўзимни оқлаб,— мактаб икки оستانовканинг ўртасида, орқага қайтиб юраманми, деб трамвайдан сакрадим. Олдимдан машина чиқиб қолди. Шофёр қўрқиб машинани бурган эди, машина симёғочга урилишига сал қолди. Дарров одам тўпланди. Мен қочдим. Шофёр машинадан туша солиб қувди ва ҳаллослаб кўчанинг бошида қўлимдан тутиб олди.

— Кечиринг, амаки,— дедим бор кучим билан қутулишга уришиб,— бошқа қилмайман, жон амаки!

— Э, тўхта,— деди у жеркиб,— ҳеч еринг майиб бўлгани йўқми?

Шу пайт қўққисдан ҳуштак чуриллатиб милиционер

пайдо бўлди-ю, шофёр милиционерга қараши билан бир силтаниб қўлидан чиқиб кетдим ва мактабгача орқамга қарамай югурдим. Кейин нима бўлди, билмайман.

— Эҳ-ҳе!— деди Мирвали,— бу жиноят-ку!

Юрагим шув этиб:

— Йўғ-е?— дедим.

— Ҳа, сен бунинг оқибати нима бўлишини биласанми?— деди Мирвали, бирдан дўққа ўтиб. Аммо яна авзоимни кўриб, раҳми келиб озгина шаштидан тушди,— лекин сен буни жўрттага қилган эмассан, шундайми?

— Албатта!— дедим шошиб,— албатта. Бундай номаъқулчилик қилмасликка эрталаб қасам ичганман.

— Бўпти,— деди Мирвали,— шуни ҳисобга олиб, буни ҳам гуноҳингнинг қаторига қўшиб қўя қолайлик, демак гуноҳинг иккита бўлди, гапир!

Мен Мирвалининг одамгарчилигига қойил қолиб, ичимда миннатдор бўлиб қўйдим-да, давом этдим:

— Йўлда сени учратдим.

— Бу гуноҳ эмас,— деди Мирвали керилиб,— қани, қолганини айт.

— Буёғи сенга маълум,— дедим хўрсиниб,— яхши иш қилган бўлсам ҳам, ёмон иш қилган бўлсам ҳам буёғига сен шериксан.

Бу гап Мирвалига шу қадар қаттиқ таъсир қилдики, гўё менинг чўнтагимдаги типратикон унинг қўйнига кириб қолгандек сапчиб туриб кетди. Кўзлари ола-кула бўлди. Қўллари ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилди. Қалин лаблари титраб жонҳолатда қичқирди.

— Нима, яна битта қайтар, нима дединг?

— Ҳа?— дедим мен ҳам бўш келмай,— бояги-чи, чойхонанинг олдидан индамай ўтиб кетганимиз-чи, хўш?

Мирвали бўшашиб сал жаҳлидан тушди. Аммо сир бой бермасликка тиришиб, кўзимга қанча бепарво қарашга уринмасин қулоқларигача қизариб кетди-ю, пешочасини ишқалади.

— Чолларга салом бермай ўтганимиз яхши эмас,— деди,— бунга сен ҳам, мен ҳам айбдор эмасмиз. Иккаламиз гапга тушиб кетиб сезмай қолибмиз. Аммо-лекин...

У ерга қараганча жим қолди. Сепкилли юзига яна билинар-билимас қизиллик югурди, анчадан сўнг секин бошини кўтарди.

— Хўш?— дедим.

— Синфда ҳеч ким йўқ. Айта қолай. Узимиз ҳам бақатеракка ўхшаб гўдаийиб кетган эканмиз, ошна, ҳа!

Шундан сўнг қизишмай ақл-идрок билан ўйлаб кўр-



сак, арзимаган уч-тўрт соат ичида талайгина иш қилиб қўйган эканмиз. Катта танаффусда Мирвали аллақердан папирос топиб келди. Кўчага чиқиб чакдик. Она тилидан уйга берилган машқни бажармаган эдик. Охирги соат Алижон Валиевичнинг дарси. Дафтарни тўғрилаб қўйма-сак бўлмайти. Уйлаб-уйлаб Мунирадан кўчиришга аҳд қилдик. Сағал қўрқоқроқ, камгап, доим бир нарсадан ҳадиксираб кўзлари ола-кула бўлиб юрадиган бу қиз, аввало қўшним, ҳовлимизни битта девор ажратиб гуради, демак гинг демаслиги керак. Оғзидан гуллайдиган бўлса, кўчага чиқиш уёқда турсин, ҳовлида ҳам юролмайти, қолаверса, икки-уч дафтаридан кўчирганимизда ҳеч кимга айтган эмас. Ана шу мулоҳазалардан сўнг бир танаффусда ҳамма чиқиб кетиши билан мен Муниранинг қўлидан маҳкам ушлаб турдим. Мирвали папкасини очди. Она тили дафтаридан кўчириб олдик. Сап-сариқ олмаси бор экан. Уртадан бўлдик. Мунира дафтарни олганимизга жаҳли чиқди-ю, аммо олмага индамади. Қарс-қурс қилиб еяётганимизда оғзининг сўлаги келиб қулт этиб ютинди. «Ош бўлсин» деди секунгина.

Дафтарларни папкага жойлаб, хотиржам синфдан чиқдик. Қилган ишимизга завқимиз келиб қиқир-қиқир куламиз. Мирвали дам елкамга туртиб, дам қулоғимга шанғиллаб бораётган эди, биринчи синф болалари ўқийдиган хонадан йиғига ўхшаган товуш эшитилди. Мирвали ичкарига қаради ва мени имлаб:

— Юр!— деди.

Олдинма-кейин кирсак, охирги партада кичкинагина қизча папкасига бошини қўйиб ўтирибди. Аҳён-аҳён пиқ-пиқ йиғлаб қўяди. Тепасига бордик. Мен томоқ қириб йўталдим. Қизча бошини кўтармади. Шунда Мирвали қулоғининг тагида сичқоннинг думидек диккайиб турган сочидан тортди. Қизча бошини кўтарди. Унинг кўзлари йиғидан қизариб кетганди. Мен ёнига ўтириб:

— Отинг нима?— дедим.

Қизча бир менга, бир Мирвалига қараб:

— Умида,— деди ва яна лаблари осилиб кетаётган эди, аранг тўхтатдим.

— Қўй, оппоқ қиз,— дедим,— нима бўлди?

Хуллас билсак, бечора арифметикадан бир олибди-ю, уйдагиларга қандай кўрсатаман, деб юраги ёрилиб ўтирган экан.

— Хўп бераҳм ўқитувчилар бор-да,— деди Мирвали ачиниб.

— Қизил қаламинг борми, Умида?

— Ҳа.

— Ол,— дедим.

Мен бирни тўртга шундай айлантирдимки, ўқитувчининг ўзи кўрса ҳам, ҳа, бу баҳони мен қўйганман, дейишдан бўлак гап айтолмасди. Янги танишимиз Умидахонни хурсанд қилиб ҳовлига чиқдик. Ундан кейин... эҳ-ҳе, ўйлайверсак турган-битганимиз гуноҳ экан!

\* \* \*

— Қани,— дедим,— айт, Алижон Валиевич қайси гуноҳимиз учун дадамни чақиртирди экан?

— Эй!— деди кўзлари олайиб Мирвали,— нима деясан?

— Ҳа?!

— Гуноҳим де!

Менга энди бари бир эди.

— Майли, сен айтгандай бўла қолсин, хўш?

— Ҳа, яша,— қўлларини бир-бирига ишқалаб уёқдан-буёққа юра бошлади у,— бу савол ўринли. Мана энди ўзинг айт. Сенинча қай бирини Алижон Валиевич кўриб қолган ё айтайлик, битта-яримтадан эшитган?

Мен яна йиғламоқдан бери бўлиб:

— Менимча ҳаммасини кўрган,— дедим қўл силтаб,— ҳаммасидан хабари бор! Нега десанг мана шу Алижон Валиевич назаримда кўчада юрсам елкамдан, уйда китоб ўқиб ётсам шипдан қараб турганга ўхшайди.

Мирвали ёқасини ушлаб қолди.

— Йўғ-е!

— Улай агар, шундоқ!

— Бўлди, тур!— деди Мирвали ва шоша-пиша китобдафтарларни папкага сола бошлади.— Эшикнинг тирқишидан қулоқ солиб, ҳаммасини эшитиб турганга ўхшайди, тур, кетдик.

Иккаламиз ҳовлиқиб кўчага чиқдик.

\* \* \*

— Ҳали уйингга келаман, ошна.

— Майли.

— Уша ерда бемалол гаплашамиз.

— Ҳўп.

— Унгача шу ҳафта қилган ҳамма гуноҳингни эсла. Эринмасанг битта дафтарга ёз! Даданг келгунча ҳар бири устида жиддий бош қотириш керак, эшитдингми?

— Ҳа.

— Даданг ишдан нечада қайтади?

— Билмадим!— дедим ва юрагимни ваҳима босди.

Мирвали ажабланиб тўхтади.

— Нега?!

— Боя эрта билан «машина бўлса совхозга кетаман» деяётган эдилар. Кетган бўлсалар ўн беш кунсиз келмайдилар.

— Қойил бўларди-я, ошна,— деди Мирвали қувониб,— қани шундоқ бўлса!

Мен ҳам ичимда қани шундоқ бўлса деб боряпман. Бироқ бу ҳали аниқ эмас. Машина бўлганми, йўқми, номаълум. Негаки, дадам кўпинча шундай деб қўйиб, қайтиб келган кунлари кўп бўлар эди. Ўйлаб кўрсам, дадамнинг кетишига бекор умид боғлаётган эканман. Ойим-чи?

— Нега?— деди Мирвали эътироз билдириб,— дадангга аталган хатни нега ойингга бераркансан? Аввал Алижон Валиевичдан сўраш керак, ошна.

— Нима?

— Қайтага суюн,— деди у,— то Алижон Валиевичдан сўраб хатни ойингга бергунча икки-уч кун ўтади, ошна, вақтдан ютасан!

Бу фикр менга маъқул тушди-да, юрагимга далда бўлди. Аммо-лекин яна кўп ўтмай хатни ўйлаб кўнглим ғашлана бошлади. Ичимни аллақандай титроқ босди. Қаллам бозорнинг ғала-ғовуридан чиққан одамникига ўхшаб ғувиллайди; ичи тўла айқаш-чайқаш, бир-биридан кўнгилсиз, даҳшатли хаёллар. Яхши ҳам ёнимда Мирвали бор, деб қувонаман ва унга миннатдор бўлиб қарайман. У эса бутунлай менинг ташвишим билан банд!

Мана, шаҳримизнинг янги кўчаларидан бирига бурилдик. Шу кўчадан чапга, тор кўчага чиқилса, бизнинг ҳовли! Янги кўча асфальт, тош. Унда-бунда шағал уюмлари. Одамлар ҳовлини тозалаш билан овора. Шовқин-сурон. Бўш турган одам йўқ. Қаердадир мотор гувиллайди. Олисда кранларнинг ҳавога санчилган хартуми дам эгилиб, дам кўкка пишқиради. Уч-тўртта киши йўл ёқасига эгат тортипти.

Мен-ку, буларга ҳар куни маҳлиё бўлиб борардим. Аммо бугун юрагимга қил сиғмайди.. Кўчанинг ярмига етиб қолганимизда:

— Қара,— деди Мирвали қўлимдан ушлаб,— бизни чақиряпти.

Эғнида оқ яхтак, бошини қийиқ билан танғиган, увоққина чол кўчанинг у бетида бизга илжайиб турарди. Ёни-

да каттакон қоп. Мен Мирвалининг таниши шекилли деб, унга қарадим, у эса бир нима демоқчи бўлиб менга ўғирилган эди, чол яна имлаб қолди.

Олдинма-кейин югуриб бордик.

— Бўтам,— деди чол,— шуни кўтартириб юборинглар.

— Хўп бўлади,— деди Мирвали,— қани, ошна!

Ичига тош солганми, нима бало, роса оғир экан. Инқиллаб-синқиллаб икки киши қопни аранг ердан узишимиз билан Мирвали қўйиб юборди. Қоп тап этиб ерга тушди.

Чол чўчиб ёнига ўғирилди.

— Ҳа, бўтам?

— Ота,— деди Мирвали,— уйингиз олисми?

— Йўқ, жилла узоқ эмас.

— Йўл бошланг,— Мирвали папкани чолга тутди,— ўзимиз олиб борамиз.

Чол оппоқ соқолини тутамлаб бир менга, бир Мирвалига қаради-да:

— Шундоқми, майли,— деб папкани қўлига олди,— умрингдан барака топ.

Чол йўл бошлади.

Энсам қотди. Бу чол бувангми, таниш-билишингми, яхши кўрингнинг келса, белингни қайиштириб ўзинг кўтариб кетавер, менинг номимдан керилиб нима қиласан? Узимнинг ташвишим каммиди! Мирвали эса қовоғидан қор ёғилиб:

— Ҳа, нега қараб турибсан, бир бошидан ушла,— деди.

Ана холос! Шунча қилғиликни қилиб, зардаси нима-си-а? Вой сурбет-ей! Шунақа одамларни кўрсам-чи, тавба, гап топиб беролмай довдираб қоламан. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Безрайиб турган башарасига қараб бир нима демоқчи бўламан, қани тилим айланса!

Жаҳл билан қопнинг бир томонидан кўтардим.

Йўлда Мирвали қоқилиб кетиб тиззасини қириб олди. Худди аламини мендан олмоқчи бўлгандай қопни бир силкиган эди, оёғимга тушиб бошмалдоғимни эзиб юборди. Хуллас, бир-биримизни еб қўйгудек бўлиб, зўрға манзилга етиб келдигу чолнинг дуосини ҳам эшитмай қочиб қолдик.

Мирвали йўлда тўхтаб тиззасини ишқалади.

— Қойилман!— дедим бошмалдоғимни ушлаб...

— Ҳа?!

— Оёғимни единг-а. Яхшиликка ёмонлик деб шуни айтишлар-да.

Мирвали юзимга галати тикилди.

— Нима? Яна битта қайтар, нима деднинг?

Мен унинг бақрайиб турганини кўриб, яна гап топиб беролмай бўзрайиб қолдим.

— Э, бор-эй,— дедим ўзимни тутолмай,— танишингнинг қопини кўтариб айбдор бўлдимми?

Мирвали оғир-оғир киприк қоқди.

— Уйлаб гапир, нега меники бўлар экан. Узингники-ку!

— Яшавор,— деб юбордим,— сени имлаб чақирди-ку.

— Ҳеч-да. Нега мени бўларкан. Сени!

Бундоқ аниқласак, чол унинг ҳам таниши эмас, менинг ҳам. Мирвали нима дейишини билмай тиззасини уқалади. Мен эса довдираб:

— Чолни кўриб бувам деб юрган эканмиз,— дедим бошмалдоғимни ушлаб.

Анча йўлгача жим кетдик.

— Менга қара,— деди Мирвали юмшаб,— сенинг бувангми, меникими, бари бир эмасми-а? Ахир кимнингдир буvasи, кимнингдир таниши-ку, нима деднинг?

— Рост,— дедим енгил тортиб. Негадир ҳозир юрагимда қайнаб турган ғазаб бирдан сўнди-ю, ҳатто бошмалдоғимнинг оғриғини ҳам сезмай қолдим. Мирвали эса айтган гапи ўзига ёқиб кетиб илжайди.

— Юр,— деди елкамга қўлини ташлаб,— кетдик.

Иккаламиз йўлдаги кўнгилсизликни унутдик. Орқага қайтарканмиз юрагимнинг бир чеккаси ёришгандек эди. Нега? Ўзим ҳам билмас эдим. Тор кўчага келганимизда эса бояги ваҳимали хаёлларга ҳам парво қилмай, тавба, дангал уйга бурилдим!

\* \* \*

Бувим айвонда кўрпа қавиётган экан. Ойим ишдан эрта келганга ўхшайди, ичкари уйдан машинанинг тақир-туқур овози эшитилар эди. Мени кўрар-кўрмас:

— Ҳой, бебош! — деб койиб кетди бувим, — қаёқларда юрибсан-а. Даданг шўрлик, ўғлим билан хайрлашай деб кута-кута яқинда кетди.

— Қаёққа?!

Бувим менга кўзойнак устидан синовчан қараб қўйди.

— Қаёққа бўларди, совхозга.— Бувим ҳар гал дадам кетганда куюниб айтадиган гапларини такрорлай бошлади,— ўн куни уйда ўтса, ўн куни далада! Тинчроқ иш топ. Нимангга етказолмайсан. Ойингнинг индамагани-чи!

Ичкарида ойим қотиб-қотиб кулар эди.

— Бор,— деди бувим аламини мендан олиб,— қозонда ошинг турибди. Совимасдан олиб е!

— Ойи, нима деяпсиз,— ойим деразадан қаради,— ўғлингиз атайлаб кетганлари йўқ-ку. Завод чиқарган машина аввал ўша совхозда синаб кўрилади. Тепасида ўзлари турмасалар бўладими.

Ойим билан бувимнинг баҳсига қулоқ солиб ўтирмадим. Улар билан ҳозир мутлақо ишим йўқ эди. Қувончим чексиз, ҳовлини бошимга кўтариб қичқиргим келарди. Узимни тутолмай бувимни қучоқлаб олдим. У юзидан, бу юзидан чўлп-чўлп ўпдим, сўнг ҳовлининг ўртасига бориб ирғишлай бошладим. Юрагим тошиб кетди. Гулзор пайкалидан кесак кўчириб, Мунираларнинг тутига қараб отдим. Бир гала чумчуқ чуғурлашиб ҳавога кўтарилди-ю, ҳаммаёқ тинчиб негадир ҳувиллаб қолди. Бувим ишини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, зимдан менга қараб ўтирган экан.

— Товба,— деди ёқасини ушлаб,— дадаси кетганига суюнган болани энди кўришим!

• • •

Қўрқа-писа эшикдан Мирвали қараганда мен дафтарнинг сағалкам бир бетини тўлғазаётган эдим. У дадам кетганини эшитиб хотиржам айвонга чиқиб ўтирди-да, дафтарни қўлига олди.

— Эҳ-ҳе!— деб юборди бирдан,— Алижон Валиевич тагин ҳам инсофли одам экан. Бу ердаги йигирма битта гуноҳнинг учун ҳар куни дадангни мактабга чақирса бўларкан, қара!

Яна юрагимни даҳшатли ваҳималар чулғаб олди. Мирвалига қараган эдим, бироқ у негадир кўзимга иккита бўлиб кўриниб кетди.

— Аммо,— Мирвали юмшади,— бугун савоб иш ҳам қилдинг, ярми меники-я!

— Албатта,— дедим шошиб.

— Шуни ҳисобга олиб,— дафтарга кўз ташлади,— қолаверса, ўн саккизгаси майда-чуйда гаплар экан, бор ана, ўн тўққизта гуноҳнингни ўчириб ташлай қолайлигу қолганлари устида жиддий ўйлайлик, ошна, нима дединг? Шулардан биттасига дадангни чақирган, ҳа!

Шулардан биттасига! Айтишга осон. Ҳали ҳаммасига жавоб беришим керак. Тагин дадамнинг олдида-я! Яна бўшашиб юрагим дук-дук ўйнаб кетди. Ҳозир бутун умидим Мирвалида эди.

— Хўш?

— Бўлди,— деди Мирвали,— бўлди, шу гуноҳларинг-

нинг олдини ол, вассалом, Алижон Валиевич билан даданг нега бундай қилдинг деса, хатоимни вақтида тузатганман, деб тураверасан. Ўзи тушуниб, хатосини тўғрилаган одамни жазолаш мумкин эмас. Қарабсанки, хатдаги гап бекор! Хўш, қалай?

— Қойил!— дедим илжайиб. Назаримда Мирвали қўйнимдаги типратиконни чангаллаб суғуриб олди-ю, узоққа улоқтириб юборгандай бўлди!

— Хўш,— ҳовлиқиб қолдим,— нима қил дейсан, хўш?

— Қулоқ сол,— деди Мирвали,— мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Шунини қилсанг оппо-осон қутуласан-қўясан.

— Йўғ-е?

— Аммо битта шартим бор,— гапида давом этди у,— қаерга олиб бормай, нима қилмай, мендан ҳеч нарса сўрамайсан, айтганимни ғинг демай бажарасан! Шунга сўз берсанг...

— Шуми?

— Ҳа.

Мен дунёдаги бор қасамларнинг ҳаммасини биратўла ичиб юбордим. Ҳар бир минут ғанимат, ишни бошлайверамиз, эрта билан барвақт келаман деб, Мирвали жўнади.

\* \* \*

— Ботир!

Битта кўзимни аранг очиб бошимни кўтардим. Офтоб кўтарилиб қолган эди: ўрикда мусича кукулайди, ҳовлининг ўртасида узала тушиб олган бароқ мушук дам-бадам ўрикка қараб эринчоқлик билан кўз юмади. Майин шабада ялпиз исини димоққа уради. Бувим хамирли қўллари бир-бирига ишқалаб ошхонанинг деразасидан қараб турар эди.

— Нима?

— Вой, кун алламаҳал бўлди-я, тур, болам.

Жаҳл билан кўрпага буркандим. Эрталабки уйқудан ширин нарса борми дунёда! Дам олиш кунини бўлса, ётгани қўядими, йўқми. Тавба, дадам будильник олиб келганда: «Болани ўтакасини ёрма, мен турганда будильникка бало борми», деб қўйдирмаган эдилар. Энди бувим будильник бўлгандан бери азобдаман. Дам қулоғимдан чўзиб, дам бурнимни чимчилаб, хуллас ҳар кунини каллайи саҳарлаб уйғотадилар: барвақт турса одамнинг умри уза-ярмиш!

— Ҳой Ботир!

— Ҳа?!

— Кўчага чиқ, биров «Ботир, Ботир» деб чакаги тушди.

Сапчиб турдим. Йўл-йўлакай кийиндим. Шоша-пиша водопроводнинг тагида ювина бошладим. Буни қаранг, кечаги гап битта эсимда йўқ. Кутиб хуноб бўляпти десангиз-чи? Бечора Мирвали, дейман пичирлаб, яхшиликларингни унутсам кўр бўлай. Менинг ташвишим билан каллайи саҳарлаб эшигимнинг тагида ўтирасан-у, э, бувимнинг айтганича бор. Уйқучиман, биров индамаса тўпгача бўкиб ётавераман.

Енгим билан юзимни арта-арта кўчага чиқсам, Мирвали жиғибийрон бўлиб эшикнинг тирқишидан қараётган экан. Менинг ялиниб-ёлвориб узр сўрашимга қулоқ солмай:

— Бўл тез!— деди.

— Қаёққа?

— Кейин биласан, ошпа.

Унинг оёғида керзи этик, эғнида ёқаси бўғиқ, чўнтакли жигарранг кўйлак. Енги резинка билан боғланган, аммо икки елкаси осилиб турибди. Ўзиники эмаслигини дарров пайқаш мумкин. Бунинг устига дадасининг темир йўлчилар рамзи қадалган эски шапкасини қошигача бостириб олганидан қиёфаси шу топда ҳам салобатли, ҳам аллақандай кулгили эди. Кулги қурғур ғалати нарса экан. Бўлмаса ҳозир ҳеч ўрни эмас, юрагим мушук тимдалагандай бўлиб турибди-ю, ўзимни тутолмайман. Ошхонага ўтиб бувимдан сўраб чиқдим.

Йўлга тушдик.

— Дўстинг учун заҳар ют экан,— деди Мирвали.— Сени деб жиннига ўхшаб юрсам-у...

Мен хижолат чекиб:

— Кечир,— дедим ва меҳр билан елкасидан маҳкам қучдим. У аста қўлларимни олиб:

— Бир қараганда,— деди юмшаб,— ҳозир сендан хафа бўлиш аҳмоқлик!

Унинг меҳрибонлик билан айтган илиқ гапларидан негадир ўпкам тўлиб кетди.

— Рост,— деб энтикдим. Мирвали қадамини секинлайтиб мени қўлтиқлаб олди.

— Қани, айт,— деди маъюс,— қани, айт, менга осонми-а?

— Йўқ, албатта.

— Каллам ишдан чиқай деяпти,— деди у куйиб-пишиб,— каллам-а! Ҳозир бечора бу калла сен учун ҳам.



Ўзим учун ҳам баб-баравар хизмат қиляпти! Шундай бўл-  
гач, нима десам сўзсиз хўп дейишинг керак, ошна.

— Албатта!— дедим шошиб.

Мирвали тўхтаб:

— Пулга қалайсан?— деди.

— Бор.

— Ол ҳаммасини!

Мен тангаларимни қоқиштириб унга топширдим. У  
битта-битта санаб кўкрак чўнтакка солди.

Бекатга келдик.

Чошгоҳ пайт. Йўловчилар оз. Булар ҳам куннинг исси-  
рига парво қилмай, ивирсиб бозор қилишни яхши кўради-  
ган қари-қартанглар эди. Қўлларидаги тўрва кўкпиёз,  
турли хил хушбўй кўкатлар, сап-сариқ олтиндай узумлар,  
қип-қизил олмалар, қўйинг-чи, файзли куз бозорининг но-  
зу-неъматлари билан тўла. Болалик хотинлар сал нарида-  
ги садақайрағоч тагида жон сақлайди, енгларини шима-  
риб олган сувчи хотин қўли-қўлига тегмайди. Ҳаммаёққа  
сачратиб, сув қуяди. Мирвали икки марта ширин сув ич-  
ди, менга битта чистий олиб берди. Аммо бари бир томо-  
ғим қақрай бошлади. Қани ҳозир муздек айрон бўлса!  
Кўзларининг юмиб, қулт-қулт шимирсанг!.. Похол шляпа-  
ли, қориндор, бақалоқ йўловчи кучоққа сиғмайдиган ола-  
чипор қўзивой тарвузни дам у қўлига, дам бу қўлига ола-  
ола ҳарсиллаб келиб қолди. Аранг энгашиб тарвузни ерга  
қўйгунча, икки лунжи осилиб, гўштдор юзи, йўғон калта  
бўйни қизариб кетди. Лапанглаб бориб кетма-кет тўрт  
стакан сув ичди, терлади, бўшашди, рўмоли билан тепа-  
кал бошини, юз-кўзини артди. Ариқ бўйига чўккалаб, шля-  
па билан елпинди. Мирвали секин туртиб қулоғимга ши-  
вирлади:

— Мунча ағраясан?

— Ҳа?!

— Бери кел, гап бор.

Четга ўтдик.

— Шу дақиқадан бошлаб сен мени танимайсан, мен  
сени, тушундингми?

Мен тушунмасам ҳам бошимни қимирлатиб:

— Ҳа,— дедим.

Трамвай кўринди.

— Ваъдани эсингда тут,— деди яна шошиб у,— ёнинг  
демайсан-а!

Мен оғзимни очиб улгурмай трамвай келиб қолди-ю,  
Мирвали у эшигидан, мен бу эшигидан чиқдик. Одам кўп  
эмас эди. Шундай бўлса ҳам бақалоқ киши чиққунча бўш

жой қолмади. Мана, у тарвузни қорнига тираб қучоқлаб олганча кўзлари билан жой қидирарди. Аммо ўтирганларнинг кўпчилиги кекса одамлар ё бўлмаса қўли тўла нарса. Икки-уч ёш-ялангнинг эса, бири атайлаб юзини китоб билан тўсган, қолганлари гап билан овора. Сочи елкага тушган, ориқ, рангпар олифта йигит чиройли мўйловини ўйнатиб қаршисида ўтирган атлас кўйлакли қизга нимадир дейди. Қиз овозининг борича хахолаб кулади ва худди майнага ўхшаб писта чақади. Қизнинг кўзлари, худди Умидахонникига ўхшаркан.

— Опа, секинроқ кулинг.

— Сенга нима?— деди йигит елкаси оша қараб.

— Сиз... Сиз гапга аралашмай, патта кўрсатинг!

— Нима?!— йигитнинг кўзлари олайди ва бирдан хахолаб кулиб юборди.— Бор, тошингни тер, тирранча, сенга ким қўйипти патта текширишни!

Ҳамма овоз чиққан томонга қаради. Менинг-ку, кўзларим юм-юмалоқ бўлиб кетди. Нега десангиз, олифта йигит билан айтишаётган Мирвали эди. Билагида қизил боғич. Дарров қаёқдан топиб боғлаб олди, билмайман. Қўлларини белига тираб аллақандай гердайиш билан қизнинг тепасида турибди. Қиз ўсма қўйган қошларини ғалати кериб қаради-да, юзини четга бурди.

— Башаранг қурсин бола бўлмай.

— Ҳой зумраша, ҳа!—Йигит кўзлари қинидан чиққудай бўлиб ингичка бўйнини чўзди. Чиройли мўйлови тез-тез силкина бошлади. Мирвали ҳам бўш келмай овозининг борича:

— Туринг,— деди.

— Нима?

— Уят!— Мирвали қизишиб кетди,— кап-катта одам тарвуз қучоқлаб тепангизда турса-ю, сиз кўриб кўрмаганга оласиз-а, жой беринг.

Бақалоқ киши оғир-оғир нафас олар, пишиллаб йигитга бақрайиб турар эди. Ҳозир жой бермасанг, мана шу тарвуз билан бошингга тушираман, деган важоҳатда эди. Одамлар ҳар ер-ҳар ердан йигитни изза қилиб гап ота бошлади. «Эндиги ёшларга ҳайронман», деб бир кампир пичинг қилди. Бақалоқ киши ҳарсиллаб йигитга бир қаддам ташлаган эди, йигит сапчиб туриб кетди. Орага ноқулай жимлик чўкди. Мирвали бир лаҳза доводи раб қолди-ю, ўзини ўнглаб олди. У қошларини ғалати чимириб, жиддий бир қиёфада одамларга қараб турарди. Баъзилар қизиқиш билан, баъзилар аллақандай шубҳа билан чўнтақларини ковлаштира бошлади.

— Қани, паттангизни кўрсатинг!— деди Мирвали одамларга юзланиб. Мен қизиқ аҳволда эдим. Олифта йигитни болади. Қойилман, аммо патта билан нима иши бор, деб юрагимни ҳовучлайман. Биров билиб қолса-я, борди-ю, ҳайдовчи кўрса ё ҳақиқий контролёр чиқиб қолса, расво деяверинг, тавба, бу тентак нима қилипти ўзи-а?! Юр деганда нега аммамнинг бузоғидек эргашиб келавердим. Қаёққа, нимага, деб сўрасам бўлмасмиди? Менга қараса имо-ишора билан «бас қил» дердим. Қараш қаёқда, парвойифалак. Оёғини чалиштириб деразадан кўчага қараб бораётган қора кўзойнакли киши Мирвалига бир нараса деди. Мен олисда бўлганим учун эшита олмадим. Яқин атрофдаги йўловчилар Мирвалига ўгирилиб пичир-пичир қила бошлашди. Мирвали эса кўзлари олазарак бўлиб қолди. Қўлга тушди, дедим. Юрагим шувиллаб эшикка яқин бориб турдим. Аммо шу пайт менга орқа ўгириб ўтирган оқ яхтакли чол гапга аралашди.

— Бу болани мен танийман,— деди ва Мирвалига қараб жилмайди. Бу кеча йўлда учраган ўша эзма чол эди! Шу тобда Мирвалини кўрсангиз. Қувончидан жинни бўлаёзди. Югуриб келиб чол билан кўриша кетди.

— Қопингиз борми, ота?— деди ҳовлиқиб.

— Йўқ, болам, йўқ,— чол кулди ва ёнидан патта олиб Мирвалига узатди,— мана, болам.

Мирвали эса чолнинг паттасини қўлига олар экан, гердайиб одамларга қараб қўйди.

Энди ҳеч кимда шубҳа қолмаган эди. Олифта мўйловли йигит патта олишни унутган экан, қизариб-бўзариб ёнидаги йўловчига секин пул узатган эди, Мирвали пулини олди-да, жаҳл билан кассага ташлаб иккита билет йиртди. Осиглиқ турган «Тошкент оқшоми»ни қўшиб, атайлаб атлас кўйлакли қизга узатди.

— Мана опажон, писта чаққандан кўра, газета ўқинг.

— Вой опаси айлансин,— деди қиз қошларини кериб,— шунинг ўрнига пастдан бир дона морожний олиб чиқиб берсангиз савобга қолар эдингиз. Томоғим бирам қақраб кетяптики.

Қиз боладимми, дегандек чиройли кўзлари билан ҳаммага бир-бир қараб қўйди. Олифта йигит мўйловини силкитиб кулди. Аммо Мирвали гапни бошқа ёққа буриб кетди.

— Сабр қилинг, опажон, сабр қилинг,— деди атайлаб овозини баландроқ қилиб,— келажакда шундай трамвайлар чиқадики, юмшоқ креслоларда ўтириб хоҳланг газета

Ўқинг, хоҳланг журнал варақланг. Бир бошида морожний, бир бошида муздек сув. Морожнийни ўшанда ейсиз.

Одамлар илжайишди.

Бақалоқ киши лабларини ялаб шу қадар ҳузур қилиб кулдики, тиззасидаги тарвуз коптокдек сакрай бошлади. Қиз яна юзини тескари буриб минғиллади.

— Тили мунча заҳар.

Мирвали эса парво қилмай бир даста газетани олиб ҳаммага улашиб чиқди.

— Бекор ўтирмай ўқинглар. Бунинг ичи тўла янгилик. Олмаликда гигант комбинат қуриляпти. Джон Кеннедининг хотини 68 яшар грек миллионерига тегибди!

Одамлар чўнтак ковлаб майда қидира бошлашди.

Умримда бунақа завқланмаганман. Узимни тутолмай ҳиринг-ҳиринг кулаётган эдим, бирдан Мирвали рўпарамда тўхтаб:

— Ҳа, йигитча, — деди, — нега ишшайяпсиз, маймун ўй-патапмами?

Биров бошимга тўқмоқ билан ургандай оёқ-қўлим бўшашиб, кўз олдим қоронғилашди-ю, жонҳолатда:

— Оғзингни юм! — дедим, — эсингни едингми?

Кўзларини катта-катта очиб Мирвали ажабланган бўлди.

— Ия?!

— Ҳа?

— Товба! — деди Мирвали овозининг борича, — патта олмаганингиз-олмаган, тагин дўқ қиласиз-а! Уят! қайси мактабда ўқийсиз, ошна? Хўш?

Аввалига, Мирвали ҳазиллашяпти, деб тургандим, қўлини белига тираб безрайиб туравергач, дод деб юборишимга сал қолди. Одамларнинг олдида шармандасини чиқармоқчи бўлдим-у, бироқ нуқул ёўлдирайман!

— Мана буни узатиб юборинг, — деди Мирвали бир йўловчига пул узатиб, — битта патта, қолгани штраф ҳақи! Бу бола илгари кунни ҳам патта олган эмас. Бундан кейин трамвайга тушсангиз биқиниб кетмай, патта олинг!

— Офарин! — деди чол жилмайиб.

Одамлар аллақачон менга ўгирилишган эди; кимдир пичинг қилар, аллаким ўқрайди. Жаҳл билан бир нечта паттани қўлимга тутиб, Мирвали нари кетди. Агар безорликка кирмаса, шу тобда Мирвалининг оғзи-бурнини қопқора қон қилган бўлардим. Бахтимга бақалоқ киши билан олифта мўйловли йигит айтишиб қолди, одамлар чалғиб мени унутишди. Бақалоқ киши қизариб-бўзариб шанғиллар, рангпар йигит чийиллаб, титраб-қақшаб, ўзини оқлар

эди. «Уят бўлади, ҳоё, тинчланинглар», деб чол ҳам бир-икки луқма ташлади. Трамвай бекатларининг бирида тўхташи билан «нима гап» деб ҳайдовчи чиқди. Бу катак кўйлакли, озғин, сочига оқ оралаган ўрта яшар киши эди. У гердаийб туриб олган Мирвалига, қўлидаги қизил боғичига кўзи тушиб:

— Ия, жиян,— деди ажабланиб,— кимсан?

Мирвалининг ранги ўчди. Секин орқага тисарилди. Ҳайдовчи унга томон бир қадам ташлаган эди, Мирвали чаққонлик билан трамвайдан сакради-да, орқасига қарамай қочиб қолди. Одамлар бақалоқ киши ва олифта йигитнинг жанжали билан овора эди. Оёғини чалиштириб ўтирган қора кўзойнакли киши чолга истехзоли кулиб:

— Ота,— деди пичинг билан,— танишингиз номард экан!

Чол бошини қуйи солганча миқ этмай қолди. Мен лип этиб қочай дедим-у, одамларнинг эътиборини яна жалб қилишдан чўчиб, биқиниб туравердим. Бақалоқ киши билан олифта йигитнинг жанжали босилди. Ҳайдовчи пошиб кириб кетди. Бояги гап чолга жуда алам қилган экан, кўзойнакли кишига энгашиб:

— Бу боланинг нега қалбаки контролёр бўлганига ҳали ҳам тушунолмайман. Ҳар қалай бирор сабаби бордир, аммо-лекин бояги гапни чакки айтдингиз, иним,— деди,— танишимнинг гуноҳи нима, хўш? Бировни урдими, сўкдимми ё ноҳақ дилини оғритдим. Вақтингиз қуруқ хаёл билан ўтмасин деб қўлингизга газета тутди. Одобсиз йигитнинг кўзини очиб қўйди. Текин кетаётган баъзиларга патта олишни эслатди, ҳатто, қани анави бола?— чол кўзи билан мени кўрсатиб давом этди,— ўртоғи! Ҳа биламан, паттаси йўқ экан, юз-хотир қилмай уялтирди. Бу ҳам етмагандек, паттага ҳам, штрафга ҳам ёнидан тўлаб юборди. Қани, айтинг, номард бўлиб нима қилди, хўш?

Кўзойнакли кишининг юзидан кулги қочди. Нима дейишини билмай қолди. Чолга қарагани ботинолмай афтини четга буриб шоша-пиша газета ўқишга тутинди. Ортиқча биқиниб ўтиришнинг ҳожати қолмаган эди. Бекатларнинг бирида тушдим-да, бадбахт Мирвалини қидириб кетдим.

\* \* \*

Хиёбонга яқинлаб қолганимда:

— Тўхта!— деди Мирвали садақайрағоч панасидан чиқиб,— битта гуноҳингдан қутулдинг, тўхта, ошна!

Овозини эшитишим билан қўлларим мушт бўлиб ту-

гилди. Юрагим газабга тўлиб оғир-оғир нафас олдим. Ҳозир тўхтасам бўғаман, бу аниқ. Нега десангиз, бояги шармандаликдан сўнг ўзимга ҳеч келолмасдим. Аммо кўчада одам бор эди. Хиёбондан четроққа, холироқ жойга етиб олай дедим-у, қадамимни тезлатдим. У югурди. Мен жўртага унинг ҳой-ҳойлашига қулоқ солмай боряпман. Қараб турсин, шундай дўппослай, шундай дўппослай, эслаганда тушида шайтонлаб чиқсин. Узим ҳам ўлгудай гўл, лақманман. Ким нима деса ишонавераман. Бўлмаса шу тентакнинг гапига кириб, ярим кунимни бекорга ўтказаманми-а? Бу ҳам майли. Одамларнинг орасида расво бўлганим-чи.

Одам йўқ, овлоқ ерга келишим билан тўхтаб шартта ўгирилган эдим, Мирвали ҳаллослаб келиб зарб билан менга урилди.

— Хўш?— дедим ёқасидан ушлаб,— ўртоқ сохта контролёр, энди нима дейсиз, хўш?

Аввалига Мирвали ҳам бояги менинг аҳволимга тушди. Ҳазил деб ўйлади. Кўзларини пир-пир учирди. Тишининг оқини кўрсатиб тиржайди: унинг пешонасидан, чаккасидан маржондек тер қуяр эди. Мен силтаб ўзимга тортдим:

— «Нега тиржасиз»,— дедим жаҳл билан,—«хўш, маймун ўйнатяпманми?»

У кулишдан тўхтади.

— Эй,— деди у атрофга қараб олиб,— жинни бўлма!

— Ҳа?

— Қўйиб юбор.

— Бекор айтибсан,— дедим ва жон-жаҳдим билан сайҳонга судрадим. У эса кўзлари ола-кула:

— Қаёққа?— деб хирилларди. Мирвали менга қараганда бақувват бўлгани учун ўзим ҳам салда ҳаллослаб қолдим. Аммо одам жаҳли чиққанда куч қуйилиб келавераркан. Мана, Мирвалининг ёқасидан омбурдек сиқиб, судраб боряпман. Қараб турсин, бекордан-бекорга шарманда қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! Бироқ у катта тўнкага оёғини тираб олди. Бор кучим билан силтадим, ўзим ҳам мувозанатни йўқотиб устига йиқилдим.

— Эй, ошна, сенга нима қилдим-а?

— Ҳо, билмайсизми ҳали.

— Йўқ.

— Шунақами,— дедим-у, хиппа бўға бошладим. Мирвалининг ранги девордай оқарди. Кўзлари аллақандай ваҳима билан термилар, қўллари билан ёқасини бўшатишга уринар, бироқ кучи етмасди.

— Ҳали менинг устимдан куладиган бўлдингми, а?

— Ҳой, ошна, гапимга қулоқ сол,— деб ялинди у.

— Э, сенга қулоқ сола-сола бўлганман!

Мен қулай вазиятдан фойдаланиб устига миниб олдим. Энди у куч билан ҳам, ялиниш билан ҳам мендан қу-тула олмас эди. Қўриниши кулгили ва аянчли эди. Бир-пас бақрайганча ётди. Сўнг бирдан бўшашди. Қўлларини ёнларига ташлади. Қўзлари ола-кула бўлиб бир типирчи-лади-ю, қимир этмай жим бўлиб қолди. Анчадан сўнг га-лати товуш билан:

— Майли,— деди йиғламсираб,— майли, ошна. Яна битта гуноҳ орттирдинг. Улиб қолсам... Улигим кўчада қолмасин. Жасадимни елкангда уйимга элтиб қўй, васия-тим шу.

У қўзларини юмиб бошини шилқ этиб ташлади-ю, на-фас ҳам олмай қўйди. Ранги оппоқ оқарди. Сепкиллари яна ҳам аниқроқ кўрина бошлади. Мен қўрқиб ўрнимдан туриб кетдим.

— Эй,— дедим секин оёғимнинг учи билан туртиб.

Аммо Мирвали миқ этмади. Анчагача тикилиб ўтир-дим. Унда жон асари йўқдек. Пешонасини ушладим, муз, юрагим орқага тортиб:

— Нега индамайсан!— дедим ёқасидан ушлаб ва жон ҳолатда силкита бошладим. Аммо унинг калласи уёқдан-буёққа шилқиллаб тушарди. Мен товонимгача қалтираб кетдим-у, ёқасини қўйиб юбордим. Боши тақ этиб майсага тушди. Нима қилишимни билмай қолдим. Тепасида туриб дағ-дағ титрайман. Бир маҳал телбага ўхшаб қоча бош-ладим. Ярим йўлда тўхтаб қўрқа-писа орқага қарадим. У ўша алпозда ётарди. Юрагим гуп-гуп урар, томоғимга нарса тикилиб, нафас олай десам ҳаво етишмасди. Яна секин тепасига келиб энгашдим. Юзида қон қолмаган, бир кўзи хиёл очилиб, қорачиғи қийшайиб қолибди. Чўкка ту-шиб кўйлагини ечдим. Кўкрагига қулоқ тутдим. Ўзимнинг юрагим гурсиллар, икки чаккам худди биров муштлаган-дек лўқиллаб оғрирди. Кўкраги иссиқ бўлгани билан юра-ги уряптими, йўқми, билолмадим. Ҳўнграб ўзимни унинг устига ташладим.

— Азизим,— деб юзларидан, кўзларидан ўпа бошла-дим,— мен аҳмоқ нима қилиб қўйдим!

Шу пайт Мирвалининг васиятини эсладим-у, даст кў-тариб елкамга қўйдим. Икки оёғидан маҳкам ушлаб ол-ганман. Боши орқамда, худди тўрвадаги коптокдек уёқдан-буёққа чайқалиб борарди. Упкамни босолмайман, пиқ-пиқ йиғлайман. Қўзларимдан селдек ёш оқади. Ярчм йўл-га бориб қолган эдим, хаёлимга бирдан касалхонага олиб

бормай қаёққа кетяпман, деган фикр келди-ю, орқага қайтдим. Дармоним қолмаган эди. Йигидан кўзларим хиралашган, оёқларим қалтираб, букилиб кетарди.

— Тўхта,— деди ғалати таниш товуш,— шапкам тушиб кетди!

Юрагим муз бўлиб, ваҳима билан Мирвалининг оёғига қарадим. Боши орқамда осилиб бораётганини эслаб жонҳолатда қочдим. Елкамда лапанглаб бораётган Мирвали лайлак бўлиб кетди. Аммо икки-уч қадам юрмай ўзим ҳам гуп этиб йиқилдим.

Урнимдан турганимда Мирвали қайрағочнинг тўнкасига чиқиб, чордона қуриб ўтирганди. У оппоқ тишларини кўрсатиб тиржайрди. Кулишимни ҳам билмайман, додлашимни ҳам. Турай десам оёқ-қўлим жонсиз, кесакдек қотиб қолган эдим. У пастга сакраб тушди-да, бирдан кўзларига ёш олиб:

— Мени шунчалик яхши кўришингни билмас эканман!— деди ва маҳкам қучоқлаб олди. Мен ҳали ҳам кўзларимга ишонмас эдим. Унинг қўли тегиши билан этларим жимирлаб кетиб, ҳушимни йўқотаёздим.

Сўзсиз, узоқ бир-биримизга қараб ўтирдик.

— Қойилман,— дедим, ниҳоят ўзимга келиб,— тиржайгандан кўра ўлганинг яхши эди.— Урнимдан турдим-да, оёғимни қўлимга олиб уйга югуриб қолдим.

— Тўхта!— деди у яна кетимдан эргашиб,— энг катта гуноҳингдан қутулдинг, ошна, тўхта!

\* \* \*

Алижон Валиевич баъзи ўқитувчиларга ўхшаб дарсни чўзиб ўтирмайди. Шу одати яхши. Лўнда-лўнда тушунтиради. Сўрасангиз қисқа ва аниқ жавоб беради. Уй вази-фани тўғри кўчирдими, деб ҳамманинг дафтарига эринмай кўз ташлаб чиқади. Сўнг қўлларини ишқалаб:

— Хўш,— дейди жилмайиб,— хўш? Савол-жавобга ўтамизми?

Бу ҳаммага маъқул тушади. Менга ҳам, анави Мирвалига ҳам. Негаки, буида қатнашиш мажбурий эмас. Хоҳланг савол беринг, хоҳланг йўқ. Муҳими, йўқламага баҳо тушмайди, кўнгилни хотиржам қилиб ўтираверасиз. Мен сизга айтсам, мана шу дақиқани Алижон Валиевичнинг ўзи ҳам жуда орзиқиб кутса керак. Бир гапириб, бир кулади. Ҳазилкаш, меҳрибон, хушчақчақ ўша аввалги Алижон Валиевичга айланади-қолади. Бу савол-жавоб ўқув йилининг бошида ташкил топган бўлиб, ҳафтада бир — шанба кунини ўтарди. «Бунинг фойдаси катта,— дерди Али-



жон Валиевич,— ким нимага қизиқишини мана шу савол-жавобдан билиб олса бўлади!..» Бунда дарсга оид бўлмаган қандай саволингиз бўлса, марҳамат, бераверинг, ё болалардан биронтаси жавоб қайтаради, ё ўқитувчининг ўзи. Дўстлик нима, ёввойи одам борми, нега мушукни томдан ташласа боши билан эмас, оёғи билан тушади, қиз бола билан ўғил бола дўст бўла оладими, Марсга қачон училади, эҳ-ҳа, бунақа саволларнинг қанчасини ҳал қилиб ташладик. Гап футбол устида борса, баҳс қизишиб, кўпинча жанжал билан тугар эди. Шундай пайтлари Алижон Валиевич синфни зўрға тинчитар ва ўз фикрини айтиб ҳар иккала томонни ҳам яраштириб қўйишга ҳаракат қиларди. Қизларнинг саволи жуда ғалати бўлар эди. Бир марта Мунира «болаликда ҳам севиш мумкинми?» деганда, Мирвали пиқиллаб кулиб юборди. Мен эса оғзимнинг таноби қочиб хохоломоқчи бўлиб турган эдим, Алижон Валиевич:

— Нимаси кулги,— деди жиддий,— хўш?!

Мирвали қизариб партага энгашди. Мен шоша-пиша қўлим билан оғзимни ушладим. Шу-шу Мирвали гапга аралашмай юрарди. Мана бугун негадир ҳаммадан олдин қўл кўтариб қолди.

— Менда учта савол бор,— деди туриб,— гуноҳ ҳақида.

Алижон Валиевич бундай жиддий савол кутмаган бўлса керак, ҳафсала билан кўзойнагини артаётган эди, шошиб бурнига илди. Кўпчилик қизиқиш билан Мирвалига ўгирилди. Мунира эса, Мирвалининг бошида худди эртақдаги Искандарникига ўхшаш шох ўсиб чиққачини кўриб қолган сартарошдек, оғзини очиб ағрайди. Мени... юрагим уришдан тўхтади.

Алижон Валиевич кафтини қулоғига қўйиб:

— Қани,— деди,— қани, хўш?

У эса қандоқ гап бошлашини билмай:

— Масалан,— деди довдираб,— масалан, бир одам гуноҳ қилди. Шуни яшириб кета оладими?

— Асло!— Шошиб жавоб берди Алижон Валиевич,— асло! Бу ҳақда ажойиб халқ мақоли ҳам бор. Қасални яширсанг, иситмаси ошкор қилур!

— Уша одам,— давом этди Мирвали,— қилмишини дарров бўйнига олсинми ё гуноҳини ювиб сўнг узр сўрасинми?

Алижон Валиевич бояғидек шошиб:

— Албатта, кейингисин маъқул,— деди,— албатта гуноҳини ювиб, узр сўрагани яхши.

Мирвали яна гап бошлашдан аввал менга кўз қирини ташлади. Бусиз ҳам тамом бўлиб ўтирган эдим. Назаримда, чўнтагимдаги типратикон ғимирлаб чиқди-ю, қўйнимда ўрмалай бошлади. Баданимга игнаси санчилган сари дод деб юборишимга оз қолади.

У эса парвойфалак.

— Гуноҳи бор одам жазоланади,— деди яна гапга тушиб,— шундайми?

— Албатта!

— Борди-ю, гуноҳини ювган бўлса-чи?

Алижон Валиевич ўйлаб қолди.

— Бу нозик масала,— деди у,— дунёдаги нозик масалалардан бири шу. Гуноҳи унчалик оғир бўлмаса, вақтида тушуниб тузатса, узр сўраса, менимча, кечса бўлади!

Мирвали мамнун бўлиб жойига ўтирди. Мен эса ўзимни тутолмай секин уф тортиб қўйдим. Типратикон ўлгур яна чўнтагимга кириб дим бўлди. Алижон Валиевич Мирвалининг саволларини қайта таҳлил қилди ва узундан-узоқ гапирди. Нима деяётгани қулоғимга кирмайди. Баданимнинг безгакка ўхшаб титраши ҳали тўхтагани йўқ. Анавининг тиржайишини кўриб ичимда «ўл» дейман, тунув кунни тилини суғуриб олмаганимга кўп афсусланаман. Савол-жавоб қизийди. Қимдир бахт ҳақида мулоҳаза юритади. Алижон Валиевич саволни ўртага ташлади. Бир чеккадан болалар туриб гапира бошлади. Ҳар ким ҳар хил фикр айтди-ю, тортишув авжига чиқади.

Уқитувчи қўл кўтариб тартибга чақирди.

— Тўхтанглар,— деди у,— маъноси кенг, чуқур масала бу. Вақт тугай деб қолди. Шунинг учун келар шанбагача бахтни ким қандай тушунади, яхшилаб ўйлаб, ҳар ким ўзича ёзиб келсин-а! Кўрамыз, кимнинг фикри чуқур маънога эга бўлар экан.

• • •

Мирвали олдимдан ўта туриб:

— Эшитдингми,— деди жаҳл билан,— раҳмат дейиш ўрнига қовоқ-тумшуқ қилиб юрибсан, ошна.

Уша воқеадан кейин мен у билан гаплашмай қўйган эдим. Аммо кўп афсусландим. Нега деганда, гаплашадиган, кўнгил очадиган одамнинг бўлмаса жуда-жуда қийин бўлар экан. Бошингга ташвиш тушганда бу, айниқса билинар экан. Шундай диққинафас бўлган кунларим юрагим тарс ёрилай деб икки-уч Мирвалиларнинг ҳовлисига йўл олдим. Аммо ҳар гал эшикдан киргани ғурурим қўймай, қайтиб келардим. Мана, ҳозир Мирвалининг олдимга

келганидан қувониб пилдираб кетидан чиқаётган эдим, йўқламага ниманидир эринмай ёзиб ўтирган Алижон Валиевич бош кўтариб имлади.

Юрагим гуп-гуп уриб унга яқинлашдим. Эшикдан Мирвали бош тиқиб қаради.

— Хўш?!— деди ўқитувчи.

Дадам йўқлигини айтиб, қўйнимдаги типратиконни секин унинг олдига қўйишим билан, тавба, танамга ёпишган аллақандай шилимшиқ қуртдан қутулгандай вужудим бирдан яйраб кетса-я. Аммо Алижон Валиевич хатни олиб ўйлаб қолди.

— Ойисига берса-чи?— деди Мирвали.

Алижон Валиевич унга бир қараб қўйди-ю, индамади. Ичимда ўл, гапга аралашиб нима қиласан дедим ва еворгудек бўлиб ўқрайдим. У эса қизариб-бўзариб бошини эшикдан тортиб олди.

— Ойингга берма. Фойдаси йўқ,— деди ўқитувчи анчадан сўнг,— яхшиси, даданг келганда ўзига бер, ма, сенда турсин!

Қўлларим қалтираб яна хатни олдим.

Эшикка чиқдим.

Ҳовли қий-чув, ўйин-кулги қилиб юрган болаларга тўла. Ҳавас билан уларга қарардим. Қандай бахтли! Менга ўхшаб на ғами бор, на ташвиши. Анави Мирвали ҳам ўшалар билан бирга-я, тавба. Жонажон дўстинг ҳам арзимаган нарсага юз ўгириб кетар экан. Бўлмаса синфдан чиқишимни кутиб туриши лозим эди! Тўғри, менда ҳам айб бор. Уша куни уйга киритмадим. Эшикни гурсиллата-гурсиллата кетди. Эртасига синфда кўришмоқчи бўлиб қўл узатган эди, индамай ўтиб кетдим. Танаффусда гаплашмадим. Аммо ўзи бир марта «сендан хафа бўлган — аҳмоқ, нима яхши-ю, нима ёмон, ўзинг ҳам билмайсан, ҳозир сенинг бошинг бош эмас, қовоқ» демаганмиди?! Аҳволимни тушунса-ю... Биров астагина энгимдан тортқилаб хаёлимни бўлди. Ўгирилсам, ёнимда Умидахон чиройли кўзлари билан қараб турган экан.

— Ҳа?

— Юринг,— пичирлади у ва мендан олдин пилдираб синфга кириб кетди. Истар-истамас орқасидан борсам, тентак қиз арифметикадан яна бир олган экан!

\* \* \*

Юрагим ғаш бўлиб мактабдан келдим. Айвонда чой ичиб ўтирган бувим оғзи қулоғида, хурсанд, бир нарсани эслаб нуқул жилмаяр эди. Менга кўзи тушиб:

— Суюнчи бер, болам,— деди,— даданг қўнғироқ қилди. Бир ҳафтада қайтармиш.

Наридан-бери чой ичдим-у, дарс тайёрлагани ўтирдим. Ваҳимали хаёлларни унутиш керак. Ўзимни чалғитмасам бўлмайди. Қўлимга қалам, қоғоз олдим. Диванга ёнбошлаб, хўш, бахт деганингиз нима экан, Алижон Валиевич, дея ўйлай кетдим. Дарвоқе, туғилганимдан бери шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Қалламга яхшироқ фикр келавермади. Унча-мупча гапни қоғозга туширишни ўзимга эп кўрмадим. Бунақа позик, шоирона фикр одам ғамсиз, беташвиш, руҳи тетик бўлганда келар экан: дарё бўйида қумда думалаб ётсанг, арчазор тоғларда кезсанг, ҳеч бўлмаса қовун полизда тунасанг — осмонга сон-саноқсиз юлдузлар сочилган ойдин кеча, ҳаммаёқ ананас, босволди, шакар-палакларнинг исига тўлган...

— Оҳ, овозингдан ўргилай,— деди бувим. Жилмайиб бошини тебратиб қўйди,— одамни сел қиласан-а!

Девор орқасида Мунира ашула айтар эди. Оҳ, ҳозиргина қовун полизнинг гаштини суриб турган эдим-а, эй, ашула айтмай ўл!

— Буви!— дедим овозимни борича,— радиони ўчиринг!

— Вой, болам, нима деяпсан? Ашулани Мунираҳон айтяпти-ку, айтаверсин, болам, қўй, ашулага не етсин.

Мунира девордан қараб илжайиб қўйди. Афтинг қурсин, дедиму тескари ўгирилиб яна бахт ҳақида мулоҳаза юрита кетдим, қани, Алижон Валиевич, айтинг-чи, бахт нима ё кимни бахтли одам деса бўлади. Мана шу қиз бахтлими ё анави кўм-кўк осмону фалакда рақс тушиб парвоз қилаётган оқ кабутарми, ё бувимнинг оёғи тагида ўрикка муғамбирона қараб ётган бароқ мушукми — қай бири бахтли? Мушук эмас, албатта. У ҳам ўзимга ўхшайди; менга ҳар минут ёнимдаги типратикон игнасини санчса, мушук бечора чумчуқ уяга чиқаман деб ўрикка тирмашди бошига бувимнинг таёғи тушади.

Шу жиҳатдан мушук иккимиз бир хилмиз. Мунира билан анави кабутар эса, эҳ, тамом бошқача. Беташвиш, беғам, нимасидир бир-бирига ўхшайди, рост, жуда ўхшайди.

Ўйлайвериб каллам шншиб кетди-ю, ўрнимдан туриб бувимнинг олдига бориб чўккаладим.

— Буви.

— Ҳа, болам.

— Сиз... сизнингча... хўш, умуман бахт нима?

Бувим ойнак остидан менга ғалати қараб, шидан тўх-

тади, қўлидаги бир қатим ипга тикилганча анчагина ўйлаб турди-да, секин хўрсинди.

— Менга... болам, менга, дадагинангнинг уйга тезроқ кириб келиши бахт...

— Нима?!

Бир ёқда — хат, дадамнинг келиши, қалашиб ётган гуноҳларим, бир ёқда — Алижон Валиевичнинг топшириғи, фикрларим аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Қаллам бутунлай қовоқ бўлиб қолган эди. Бунга энди ишондим. Узимдан-ўзим сакраб туриб кетдим. Бувимнинг қаёққа деб жаврашига қарамай Мирвалиникига югурдим. Энди Мирвали нима деса шуни қиламан, бўлди, гап битта, бўлмаса ўйлайвериб ваҳима касалига учрашим турган гап. Қолаверса, Алижон Валиевич бутун синф олдида: «Гуноҳини ювса, кечиб юбориш мумкин», деди-ку!

\* \* \*

Келишимни мутлақо кутмаган экан. Эшикдан киришим билан Мирвали уйдан югуриб чиқди.

— Қе!

Мен гапни нимадан бошлашни билмай:

— Боя бекор қилдинг, — дедим, — ўша гапни айтмаганингда, шунча азоб тортганинг етар, деб хатни йиртиб ташлармиди?

Мирвали кулди.

— Ўша одам-а! Хомхаёл бўлма. Ҳали нима деди?

Мен айтдим.

— Бўпти-да! Гапнинг маъносига тушундингми?

— Хўш?

— Демак, гуноҳинг шу қадар оғир, шу қадар оғирки, ойинг билан гаплашишнинг фойдаси йўқ, дегани, билдингми?

Дарҳақиқат, Алижон Валиевичнинг гапидан бундан бўлак хулоса чиқариш мумкин эмас эди! Шу тобда аламиндан йиғлашга ҳам тайёр эдим. Кўзларим ўз-ўзидан ёшланди-ю, бўшашиб зинага ўтириб қолдим. Мирвали мени бирдан бағрига босиб:

— Қўй, — деди, — қўй, мана кўрасан, даданг келгунча ҳамма гуноҳингни ювиб оппоққина бўласан-қоласан.

— Оҳ, қани эди, — дедим шилқ-шилқ бурчимни тортиб.

— Бу ўзингга боғлиқ, ошна.

— Майли, — шониб қўл чўздим, — бўлди! Шу дақиқадан бошлаб сенинг ихтиёрингданман!

Уларнинг ҳовлиси тинч ва холи эди. Дадаси провод-

ник, поездда юради, бир кетса уч-тўрт кун йўқ бўлиб кетар эди. Ойиси боғчада ишлайди, бутун ҳовлида кечгача Мирвалининг ўзи! Шотутнинг тагига шолча ташлаб иккаламиз чўзилдигу қиладиган ишларимизнинг режасини туза бошладик.

— Энг муҳими,— деди Мирвали,— ўқишни бўшаштирма!

— Хўп.

— Мунира билан қалайсан?— сўраб қолди у. Мен нега қизиқиб қолганлигини тушунолмай:

— Биласан-ку...— деб гап бошлашим билан Мирвали сўзимнинг охиригача эшитмай:

— Алоқани яхшила!— деди.

— Хўп.

Шундан кейин Мирвали билан ўйлаб кўрсак, дадамнинг бунчалик тез келиши хавfli эмас экан. Ҳали олдимизда роппа-роса олти кун бор. Демак, ҳар кунни биттадан гуноҳ ювишга бағишлаганда ҳам Мирвалининг гапига қараганда мен уч кунда мусаффо бўлар эканман.

— Ке, энди пича дарс қилайлик,— у ровондан папкасини қўлтиқлаб келди,— яхши баҳо олиб Алижон Валиевични бир ҳайрон қолдирайлик, хат ёзганига пушаймон бўлиб юрсин!

Китоб-дафтарларни олдимизга ёзиб дарсга жиддий киришиб кетдик. Аммо ўтган темалар эсимиздан чиққанми ё бунақа мукка тушиб дарс тайёрлаш биринчи марта бўлаётганигами, иш унмади. Шунча вақт бекор кетди, эсиз.

— Бошим сенинг ташвишинг билан банд,— деди Мирвали ўзини оқлаб.— Бундоқ қилсак: сен хаёлингни фақат дарс тайёрлашга сарфла. Қолган ишлар билан мен шуғулланай. Уйга бор, дам олу эрталабгача она тили машқини тайёрлаб, чоракам саккизда синфда бўл!

— Хўп.

Шундан кейин бирпас копток тепишдигу мен кетадиган бўлдим.

— Яхши келдинг,— деди Мирвали мени кўчагача кузатиб,— ўйлаб кўрсам, менда ҳам майда-чуйда гуноҳлар бор экан. Алижон Валиевич дадамни чақириб қолмасдан сенинг баҳонанг билан шуларни ювиб қўйсам ёмон бўлмас.

\* \* \*

Деразадан кўчага қарайман. Ҳеч ким кўринмайди. Нега мени эрталаб чақириб қўйди-ю, ўзидан дарак йўқ? Синф-

да уёқдан-буёққа юриб шу ҳақда ўйлар эдим. Қалламдаги бор фикрлар тутқич бермай айқаш-чайқаш бўлади-да, яна кўзим тўрт бўлиб кўчага тикиламан.

Кута-кута ҳафсалам пир бўлди. Энди ҳовлига чиқмоқчи эдим, эшик зарб билан очилди.

— Хўш,— Мирвали ҳаллослаб ичкари кирди,— ҳеч ким келдими?

— Йўқ,— дедим.

У мамнун жилмайди.

— Қойил! Она тили нима бўлди?

→ Тайёр.

У қўлимдан дафтарни олиб варақлади-да, деразадан кўчага қараб:

— Ма,— деди ва шоша-пиша охирги партанинг орқасига яширинди,— мен мутлақо йўқман. Тушундингми!

Шу пайт синф эшиги очилди, остонада Мунира пайдо бўлди. У бугун негадир бошқача эди. Сочига оппоқ лента таққан, оёғида янги қизил шиппак, ҳар куни кийиб юрган формаси ҳам бугун ўзига жуда ярашиб тургандай эди. У мени кўриши билан лентадек оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайди-да:

— Мана келдим,— деди хурсанд. Кўзлари эса жуда ғалати эди. Мен нима дейишимни билмайман, ютинаман, нуқул кўз қиримни охирги партага ташлаб, Мунира тикилган сари қулогимгача қизараман. У менга жуда яқин келиб пичирлади:

— Келмайди... деб қўрққанмидинг?

— Йўғ-э.

Мунира қошларини кўтариб бир қараб қўйди. Бу қарашда ажабланишми, ўпкаланишми, қандайдир маъно бор эди. Сўнг бирдан хахолаб кула бошлади. Мен беихтиёр орқага қалқиб кетдим.

— Қўй,— деди жиддийлашиб куюнган оҳангда,— қўй, бунақа нарса ёзма, билдингми, ҳали сен ҳам, мен ҳам бунақа нарса ўйламаслигимиз керак, билдингми, ке... яхшиси шундай дўст бўла қолайлик-а? Нега, айт, нега қиз бола билан ўғил бола дўст бўлиши мумкин эмас.

Мен суратга тушаётган одамдай қотиб қолганман. Тушимми, ўнгимми, билмайман. Ҳадеб маъносиз киприк қоқаман.

— Мумкин!— деди Мирвали бош кўтариб. Мунира деразага суянди. У оғир аҳволда қолган эди. Юзидан илиқ ифода қочди. Кўзлари эса олазарак бўлиб қолди. Деразанинг бир қанотини маҳкам ушлаганича, мен билан Мирвалига қараб яна қизариб кетди-ю, бошини қуйи солди.

— Сен билан шуни маслаҳат қилмоқчи эдик,— деди Мирвали яқин келиб ва чўнтагидан битта олма олиб, Мунирага тутди.

— Ма!

Мунира ерга қараганча бош чайқади.

— Ол!— Мирвали олмани зўрлаб чўнтагига солиб қўйди, шошиб менинг она тили дафтаримни олди-да, партининг устига ташлади,— дўст бўлиш учун орани очиқ қилиб қўяйлик!

Мунира ажабланиб бошини кўтарди.

— Ушла!— деди Мирвали менга ўгирилиб. Мен тушуполмай турган эдим, у яна ўшқириб берди.

— Ҳой, мунча ағраясан!

— Ҳа?!

— Қўлимдан ушла!

Мен унинг қўлини орқага қайирдим. Шундагина Мирвалининг мақсадига тушуниб, ҳовлиққанча...

— Кўчир!— дедим Мунирага.

Мунира эса ҳамон ҳайрон эди.

— Мунира,— деди Мирвали,— яхшиликча она тилни кўчириб ол. Бўлмаса...

Унинг вазоҳати ҳозир жуда даҳшатли эди. Мунира бир сўзли бу боладан яхшиликча қутулмаслигини билдими ё Мирвалининг дўқ-пўписасидан чўчидими, ҳушсиз одамдек секин партага ўтирди ва қўрқа-писа папкасидан дафтарини олди-ю, ниманидир эслаб хахолаб кула бошлади.

...Қатта танаффусда ҳамма чиқиб кетгач, Мунира қаламтарош билан олмани учга бўлди, бир бўлагини оғзига солди, ёжимланган қоғозга ўраб менга тутди, қолганини эса Мирвалининг олдига қўйиб югурганча синфдан чиқиб кетди. Мен қоғозга қўл чўзишим билан Мирвали сапчиб юлиб олди.

— Ҳа?!

— Э, қўй,— деди у қоғозни бурда-бурда қилиб йиртар экан,— буни сенинг номингдан ёзган эдим. Бўлмаса келармиди!

\* \* \*

Емон баҳо олган кун Умидахон синфимизга мўралайдиган бўлиб қолганди. Унинг тоза хурсанд қилиб юрган эдик. Орадан кўп ўтмай ишимизнинг пачаваси чиқай деб қолди.

Қатта танаффус эди. Алижон Валиевичнинг бугун дар-



зи йўқ. Мактабга келмаган. Бунинг устига бош пионервожатий ишларимизни мақтагани Мунира билан Аҳмадни эргаштириб радиога чиқиб кетган. Ҳовлини бошимизга кўтариб, роса футбол ўйнаётгандик. Мен дарвозабонман. Икки кўзим коптоқда. Агар шу гал ютсак, марра бизники. Аmmo рақиблар — олтинчи «А» синф ўқувчилари ҳам бўш келадиган эмас. Эҳ, Мирвали мунча ағраяди. Оёгининг тагидаги коптокни илдириб юборди-я, қаёққа қараяпти бу, деб бошимни кўтарсам бир чеккада Умидахон бошмалдоғини оғзига солиб турган экан. Шу пайт тўп тўсатдан Мирвалининг оёғига яна илиниб қолди. У шошди. Рақибига чап бераман, деб кўзини юмиб тепган эди, копток ўлгур шундоқ бошимдан ўтиб, тўппа-тўғри ўзимизнинг дарвозага урилса бўладими!

Қийқириқ кулги босиб кетди ҳаммаёқни. Иккаламиз шалвираб майдондан чиқиб кетдик. Эси наст қиз Умидахон эса хафа бўлиш ўрнига чапак чалиб кулар эди.

— Ҳа!— деди Мирвали жеркиб.

Умидахон уёқ-буёққа аланглаб:

— Мана!— деб чўнтагидан тўрт буклоқ қоғоз олди,— мана, дадам берди.

— Бу нима?

— Хат.

— Қимга?

— Салима опага.

— Э, олиб бор ўша Салима опанга,— деди Мирвали,— нега бизга кўрсатасан?

Умидахон қўрқув аралаш:

— Йўқ,— деб бош чайқади ва чиройли кўзларини катта-катта очиб пичирлади,— ўқинг, ичида ёмон нарса бор.

Иккаламиз ажабланиб бир-биримизга қараб олдик. Хатни қўлимга ушлаб:

— Қалай бўларкин?— дедим иккиланиб,— ўзим ҳалигидек бўлиб турганимда бировнинг хатини ўқиш гуноҳга кирмасмикин?

— Буёққа ол,— деди Мирвали ва хатни очди.

— «Ҳурматли Салимахон, аввало салом ва ихтиромимни қабул қилгайсиз,— ўқий бошлади у,— ҳо, гапни қара. «Ҳурмат ва ихтиромимни».

— Уқи!

— Қани эди, ҳа, ҳа, мана. «Олдингизга кириб қизимиз Умидахоннинг ўқиш, хулқ-атворидан хабардор бўлолмаганимиз учун кечиргайсиз».

— Биз хабар олиб турибмиз!— дедим керилиб. Умидахон эса оғзини катта очиб илжайди.

— «Вақт топиб яқин орада албатта кираман,— давом этди Мирвали,— ҳозирча хат орқали мени ташвишга солган бир нарсани сўрамоқчиман. Ҳар куни Умидахоннинг дафтарини кўриб таажжубланаман. Ичи тўла имло хато, чалкаш, сўзлар нотўғри ёзилган. Ҳисоб дафтарининг қалам билан тузатилмаган ери йўқ. Қизим, дарс тайёрла, машқ қил, десам, «ада, бундан ортиқ баҳо олиб бўлмайди»,— дейди.

— Тентак!— дедим Умидага дўқ қилиб,— одам адага ҳам шунақа дейдими?

Умидахон кулишдан тўхтади.

— Буёғини эшит,— деди Мирвали ҳовлиқиб.— «Дарҳақиқат, оладиган баҳоси нуқул яхши! Болага нисбатан бир оз талабчанлик лозим эмасмикин. Биз ўқиган пайтда (уруш йиллари эди) арзимаган битта хато учун ўқитувчи зўрға ўрта қўярди. Эҳтимол, ҳозирги педагогика илғор назарияларга таянган ҳолда мен айтган масалага бошқача қарар...».

Бу совуқ хат аъзойи-баданимни жунжитиб юборди. Мирвали бўлса, бақрайиб қолган эди. Қутилмаган ташвиш иккаламизни ҳам эсанкиратиб қўйди. Умидахон эса бошмалдоғини оғзидан олмай, биздан кўз узмасди. Орага жимлик тушди. Бу жимлик кўнглимга аллақандай ғашлик солар, азоблар, тоқатимни тоқ қилиб юборар, аммо гапирришга ботинолмас эдим. Мирвали эса кўзларига ичпонмай хатга қайта-қайта қарар эди. Ниҳоят сабрим чидамай:

— Бу қанақаси бўлди?— дедим.

У хатдан бош кўтарганда юзида қўрқувга ҳам, кинояга ҳам ўхшаш ғалати ифода бор эди.

— Сендан сўраш керак.

— Ҳа?!

— Уша куни манавининг баҳосини тузатиб бермаганинда шу ғалва йўқ эди.

— Қойиле,— ўзимни туюлмадим,— шу гапни ўйлаб гапиряпсанми? Синфга ким бошлаб кирди, ким?

— Э, бақирма,— деди Мирвали уёқ-буёққа қараб,— бўлди! Қаллам шилиб энди қайси гуноҳ сеникки-ю, қайси бири меникки, ажратолмай қолдим. Сенинг бутун қилмишинг бунинг олдида бир пул. Бу гуноҳларнинг гуноҳи, бу нима, биласанми, бу жиноят!

...Айбни бир-биримизга тўнкаб тоза олишдик. Ниҳоят жаҳлдан тушиб ўйлаб кўрсак, дарҳақиқат тушунмай расво иш қилиб қўйган эканмиз. Яхшилиқ қиламиз деб, Умидахонни дангасаликка, ёлғончиликка ўргатиб қўйибмиз. Бу аҳволда юраверса синфда қолиши ҳеч гап эмас. Умида-

хонга хатни қайтариб, қатъий қарорга келгунимизча ўқитувчига кўрсатмай туришни тайинладик.

Дарсдан сўнг синфда қолдик.

— Эртага дадаси келса-я,— дедим юрагим шувиллаб.

— Ваҳима қилмай, қутулишни ўйла.

— Хўш?

— Битта йўл бор,— деди Мирвали,— Умидахонни аълочилар сафига ўтказамиз! Унгача шундай қилиш керакки, дадаси мактабга келмай турсин.

— Ана холос!

— Ҳа?!

— Бўлмаса дадасига бориб айт!

— Сен билан бирга борамиз,— деди Мирвали сўзимни бўлиб. Мен ҳазиллашяпти, деб Мирвалига қарасам, йўқ, жиддий гапираётган эди.

— Нима?!— дедим бўшашиб.

\* \* \*

Данғиллама кўк дарвозадан ичкари кирдик. Каттагина ҳовли. Тўрда устунлари ўйма гуллар билан ишланган айвон, деразаларига тўр пардалар тортилган оппоқ уйлар. Ҳовлининг тўрт чеккаси айланма йўл. Чиройли қилиб гишт терилган. Уртаси катта гулзор эди. Оқ, сариқ, қизил атиргуллар офтобда минг бир хил товланади, кўз қамаштиради. Ҳаммаёқ ёқимли, одамнинг кўнглини яйратиб юборадиган аллақандай исларга тўла. Дадаси роса гулга ишқивоз экан. Нега Умидахондан доим атир ҳиди гуркираб туришини энди тушундим.

Гулзор ўртасида темиркаравот. Деворга ёпишиб ўсган азим туп нок сўрига олачалпак соя ташлайди, хонтахта устидаги оппоқ дастурхонга ғалати, хаёлий гуллар чизади. Қаердадир шалоплаб сув оқади. Куннинг иссиғига қарамай, нокнинг устида қушлар тинимсиз чуғурлайди. Мен ажабланиб Мирвалига қарайман, у эса уёқ-буёққа аланглаб узун-узун томоқ қиради. Аммо ҳовлида ҳеч ким кўринмайди. Қанча турганимизни билмайман, бир маҳал нокнинг тагидаги беланчак чайқалиб, Умидахоннинг боши кўриниб қолди.

— Ҳой!— дедим. Бизни пойлаб ўтириш ўрнига тентак қиз беланчакда маза қилиб ухлаб ётган экан,— оинг қани?

— Уйда,— деди Умидахон кўзларини уқалаб.

— Чақир!— деди Мирвали ва Умидахон пилдираб уйга кириб кетиши билан қулоғимга пичирлади:

- Узингни тута бил, ошна.
- Хўп.
- Уша хатдаги болалар сен билан мен-а!
- Билаган.

...Уйлаб-уйлаб Салима опанинг номидан Умидахоннинг дадасига хат ёздигу ўша куни бериб юборган эдик. Унда Умидахон яхши қизлигини, аммо ўқишга бир оз қунти йўқлигини айтиб, ўқитувчи Салима опа: «Хурматли Асқаржон ака, мактабга бирор ойлардан сўнг келсангиз,— деб илтимос қилар эди.— Мен Умидахонни жуда яхши кўриб қолганим учун талабчанликни бўшаштириб юборган эканман! (Мирвали отасини эриттириб юборадиган гапларни аямайлик, деганига роса мақтаган эдик.) Қизингиз шундай мулойим, шундай яхшики, у шубҳасиз, келажакда аълочи бўлади. Мен олдингизга мактабимизнинг фахри, энг илғор икки ўқувчини жўнатдим. Кўринг, суҳбатлашинг. Яхши, ахлоқли, илм-маърифат бобида (бу сўзларни не-не машаққатлар билан луғатдан қидира-қидира мен қўшган эдим) тенги йўқ болалар! (Айниқса, биттаси жуда зўр, боши гиж-гиж ақл, кўриб одам ҳайрон қолади, деган сўзларни Мирвали хиралик қилиб ёздирган эди, мен ўчириб гашладим.) Шуларга розилик берсангиз-у, ҳар куни Умидахонни ярим соат синфда олиб қолиб ўргатса...»

— Хушёр бўл!— деди Мирвали яна пичирлаб,— ана!

Уйдан атлас кўйлакли, сочини бошига чамбарак қилиб олган ўрта бўйли, лўппигина, кўзлари Умидахонникига ўхшаган ёқимли аёл чиқди. У худди аммаваччаларини кутиб олгандек қучоқлаб кўришди ва қўярда-қўймай сўрига бошлади. Умидахон эса биздан кўз узмай муғамбирона илжар эди. Мен негадир қулоқларимгача ловиллаб қизарман. Мирвали бўлса гап тополмай Умидахоннинг кўзи очилиб юмиладиган қўғирчоғини бағрига босиб нуқул уни мақтайди. Қўғирчоқ эса ўлгудай иркит эди. Бир кўзи йўқ, сочи юлинган, юзлари тимдаланган, башараси маймуннинг ўзи, бошининг бир чеккаси ёриқ, қараб менинг негадир кўнглим айнийди.

Умидахоннинг ойиси жуда меҳмондўст эканми ё Салима опанинг «хати»даги икки «илғор» ўқувчини кўнгилдагидек кутаман деб аввалдан ҳозирлик кўриб қўйганми, бирпасда хонтахани қанд-қурс, ҳар хил печенье, торт, юмшоқ патир ва аллама балолар билан тўлғизиб ташлади-ю, мис чойнак кўтариб чой қўйгани ошхонага кетди. Қоринимиз роса очган экан. Енг ишариб овқатга тушиб кетдик.

— Умидахонни бугундан оталиққа олдик,— деди Мир-

вали оғзини торт билан тўлдириб,— баъзи-баъзида мана шунақа келиб турсак.

— Емон бўлмайти, — дейман, аммо хаёлим бошқа ёқда. Мураббога қўл узатсаммикин ё сариёғ билан асални аралаштириб есаммикин.

Ойиси чой олиб келди.

— Хуш келибсизлар,— деди чой узатиб,— синглингизга ёрдам бермоқчи бўлганингизни эшитиб бирам қувондим. Дадасининг хурсанд бўлганини айтмайсизми.

Бу гапдан анави Мирвали талтайиб ёстиққа суяниб олди. Мен яна кўзларимни қаерга яширишни билмай ҳовлига кўз югуртирдим. Ойиси миннатдорчилигини айтиб адо қилолмас эди. У қизига:

— Акаларингнинг сўзидан чиқма,— деб бир неча бор тайинлади. Меҳмондорчиликдан роса бўкиб, энди турмоқчи эдик, кўча эшикдан бир сетка нарса кўтариб Умидахоннинг дадаси кириб қолди.

У чеккаларига оқ тушган, пакана, кенг елкали киши эди. Эғнида ёқаси гулдор кўйлак, энглари тирсагигача шимарилган, каламенка шимининг чўнтаги дўппайиб турибди. Ичида бир нарса бор. Тиш чўткага ўхшаш қалин қошлари бир оз чимирилган бўлса ҳам, кўзлари кулиб турибди. Мен уни қаердадир кўрганман, қошлари билан кўзлари таниш, бироқ қайта-қайта қарасам ҳам ҳеч эслай олмасдим. У қўлидаги сеткани хотинига тутди. Бўйнига осилиб олган Умидахонга чўнтагидан бир ҳовуч қурт олиб берди. Хотини кулимсираб нимадир деди. У бизга бир қараб қўйди-да, Умидахоннинг қўлидан ушлаб сўри томон кела бошлади. Биз аллақачон пастга тушиб қўл қовуштириб турар эдик.

— Оббо азаматлар-ей,— у илиққина кўришиб, қизиқиш билан ҳар биримизга алоҳида-алоҳида қараб чиқди-да. менга ғалати тикилиб қолди.

— Кўзимга иссиқ кўриняпсиз, ука, қаердадир кўрганман.

— Мен ҳам,— дедим-у, бирдан кўзларим ғилай бўлиб кетди. Овозимнинг борица чинқириб юборишимга өз қолди. Агар Мирвали ёнимда бўлмаса гандираклаб кетишим аниқ эди. Аҳволимни кўриб бечора Мирвали ўзини қўйгани жой тополмай типирчилар ва Асқар акага қараб маъносиз ишшайарди. Яхшики Асқар ака «қани, бемалол чиқиб ўтиринглар», деб ювингани водопроводга қараб кетди.

— Ҳа?!— деди Мирвали менга қараб.

— Уша!

Мен липпа қочай деб эшикка қараган эдим, Мирвали қўлимдан маҳкам ушлади:

— Ким «ўша?»

— Шофёр,— дедим ҳовлиқиб,— шофёр! Трамвайдан сакраганимда довдираб, машинани симёғочга уриб олай деган шофёр.

Бу тасодиф Мирвалини ҳам эсанкиратиб қўйди. Қўллари шалвираб ёнига тушди, майкачанг бўйин-юзларига совун суртиб водопроводнинг тагида ювинаётган Асқар акага қараб анграйиб турди-да, бирдан ёқамга чанг солди:

— Бахтинг бор экан!

Мен жоним ҳалқумимга тиқилиб:

— Ҳа!— дедим.

— Ҳозир гуноҳингни ювасан!

— Қўй,— ёқамни бўшата бошладим,— қўй, дўстим, ўтиниб сўрайман, қўй, ўша одамнинг кўзига кўринмай, майли, гуноҳи бўйнимда кетсин! Ахир қизини аълочи қилмоқчимиз-у, шунча яхшилик етмасмикин?

— Бекор айтибсан,— деди Мирвали ўжарлик билан,— бу бошқа!

Мен яна ялишишга тушдим. Қўйиб юбормасанг бир туртиб йиқитаман-у, қўлингдан бари бир чиқиб кетаман. Унда иккаламиз шарманда бўламиз, деб қўрқитдим. Ҳеч қандай гапга кўнмаслигимни кўриб Мирвали бир оз бўшашди.

— Бўлмаса... узр сўра!— деди шошиб,— эсинг бўлса ҳозир шу ерда узр сўраб қол.

— Қўй, сўраганман,— дедим йиғламсираб,— қўй!

— Э, ҳозиргиси бошқа.— Пичирлади у ва водопровод томон қараб овозининг борича:

— Асқаржон ака!— деди.

Асқаржон ака қайрилди. Унинг кўзлари, юзлари оппоқ совун эди.

— Бўл!— деди Мирвали. Мен тилим ёпишиб қолгандай ҳадеганда гапиролмас эдим. У биқинимга бир туртган эди:

— Мени... кечиринг!— дедим зўрға. Асқаржон ака эса ҳеч нарсага тушунмай бошини қимирлатиб:

— Ҳа, майли,— деди ғўлдираб ва шалоплатиб юзини юва бошлади-ю, бирдан орқасига ўгирилиб бизга қараб қолди. Вақтдан фойдаланиб иккаламиз кўчага чиқиб олдик.

— Қутулдинг!— деди Мирвали мамнун бўлиб,— муҳими нега узр сўраганингни мен билдим. Энди гувоҳинг бор. Қўрқмасанг ҳам бўлади.

Дунёда ўқитувчиларга маза бўлса керак. Ҳамма оёққа туриб тантана билан кутиб олади. Оҳ, мендан сўрамасин, деб болаларнинг юраги така-пука, кўзлари жавдираб туради. У синфга киргач, истаганини қилиши мумкин. Хоҳласа сўрайди, хоҳласа баҳо қўяди. Энг муҳими, ҳеч ким тепасида уни қил-буни қил, деб турмайди. Ҳамма қийинчилик, ҳамма ташвиш бечора ўқувчиларнинг бошида!

Шунинг учун Мирвали «ке, Умидахонга галма-галдан ўқитувчи бўламиз», деганда бир маза қилиб қоларканмиз-да!— деб аввал қувонган эдим. Ўргатишни асли ўтган кундан бошлаганмиз. Биринчи кунёқ қийинчиликка дуч келдик. Нега десаки, Умидахон тантиққина, ўқишдан кўра ўйинни яхши кўрадиган, ишёқмас деб юрсак турганбитгани одобсиз, ёлғончи қиз экан. Бўлмаса кечаси билан ухламадик. Биринчи синф дарсликларини ўргандик. Она тили, арифметика, ўқиш китоблари ёд бўлиб кетди, десам лоп эмас. «Ўқитувчи биринчи кунёқ, ўқувчини қойил қолдириши керак»,— деди Мирвали ва менга сенинг хатинг чиройли деб, дарс планини туздириб олди!

Шундай қилиб, Мирвали дарс ўтадиган-у, мен Умидахонни кузатадиган бўлдим. Бундан мақсад: Умидахон дарсни қандай қабул қилади, кўзи китобда бўлгани билан хаёли бошқа жойдаки, сабр-тоқати, қунти, чидами қай даражада. Хуллас, Умидахоннинг бутун борлигини ўрганиш менинг зиммамда эди.

— Енимда ўтирасан,— деди Мирвали останада тўхтаб,— мен пақиллатиб дарс ўтаверман. Сен ундан кўз узма.

— Хўп,— дедим. Ўзим ҳам Мирвалидан баттар ҳаяжонланардим.

— Қани,— деди Мирвали,— кирдик!

Биринчи бўлиб останадан у ҳатлади. Мен ҳам орқасидан кирдим. Умидахон бошини партага қўйиб олган, мингиллаб ашула айтарди. Мирвали сени йўталди. Оёғим билан полни тақиллатиб қўйдим. Умидахон эса парвойифалак, ашуласи авжидан тушмасди. «Одобсиз»,— деди Мирвали тишларини ғижирлатиб ва эшикни тарақлатиб ёпиб юборди. Умидахон чўчиб кетди-ю, ўрнидан туриб қаринлаш ўрнига оппоқ тишларини кўрсатиб илжайди. Чўнтагидан қурт олиб ея бошлади. Шу кун дарс қолиб кетиб, ярим соат вақт насиҳат қилиш билан ўтди. Бир Мирвали гапиради, бир мен. Умидахон эса қайбиримизни эшитишни билмай ағраяди. Оғзида қурт, кўзлари бизда. Аммо

хаёли бошқа ёқдалигини сезиб турибман! Шундай бўлса ҳам айтилган гапнинг ўндан бири қулоғида қолар-ку, деб жаврашдан тўхтамаймиз. Дунёда насихат қилишдан гаштли, мароқли иш йўқ экан. Мен Алижон Валиевичнинг нега болаларни тутиб олиб бунақа эзмачилик қилишини энди тушундим.

— Шунча гапдан сўнг,— деди Мирвали ниҳоят чарчаб,— эртага ахлоқдан аъло ол!

Умидахон чиройли кўзларини пирпиратиб:

— Хўп,— деди ва папка кўтариб қолди.

— Ҳа?!

— Уйга.

— Дарс-чи?

Умидахоннинг лаблари осилиб кетди, юзи буришди. Назаримда сал қаттиқ гапирсак йиғлаб юборгудек эди.

— Бошим оғриб кетди.

Унга раҳмимиз келди. Қолаверса ўзимиз ҳам кўп гапириб юборган эканмиз. Жағимиз оғриб кетган эди. Майли, борақол деб жавоб бердик. Аммо бир маҳал бундоқ деразадан қарасак, айёр қиз кўчада ҳиринг-ҳиринг кулиб кетяпти. Бизни тоза лақиллатган экан!

— Яша!— Пичинг қилди Мирвали,— нима деган эдим?

— Мана кўрасан, эртага бунақа бўлмайди,— дедим қизариб.— Сен дарс ўтгунча юрагининг ич-ичига мўралаб миридан-сиригача билиб оламан.

...Дунёда ажабланидиган нарсалар кўп экан. Тавба, икки аҳмоқ сени аълочи қилай деб ўлиб-қутулса, раҳмат, акажонлар, раҳмат, демайсанми, тентак қиз! Қилиғини қаранг. Шу инсофданми. Нима, биз бекорчимизми ё қиладиган ишимиз йўқми. Буёқда дадамнинг келишига ҳам оз қолди. Уйда тайёргарлик зўр. Бувим бел оғриғини ҳам унутдилар-у, эрталабдан туриб хамир қордилар. Қўниқўшни сўрагани чиқса, олдига тўрттагина ёпган нон қўймаса уят бўлармиш! Ойим дунёнинг кирини ювган эдилар. Бувим:

«Ҳой келин, ҳаммаинг олдида ёйилиб ётмасин», деб танбеҳ берди. Ойим кирларга кечаси билан дазмол уриб, жавонга тахлай бошлади, мен, фақат мен бечора хурсанд эмасман. Юрагимга қил сиғмайди. Аламимдан кечаси билан тиканга ағанагандек бўлиб чиқдим!

Эртасига дарсдан сўнг шу муштумдай қизнинг «миридан-сиригача» билолмайманми, деб қатъий аҳд қилдим-у, Умидахоннинг қаршисига бақрайиб ўтириб олдим. Анави Мирвали эса, Салима опанинг курсисида гердаиб китоб варақлаш билан овора. Умидахон биздан осонликча қутул-



маслигини пайқаган эди. Кўнглим ўлгудай бўшлигини билиб, менга мўлтираб қаради. Қиёфамни жиддий қилиб кўрсатишга уриниб дам ўнг қошимни, дам чап қошимни зўр бериб чимираман. Умидахон эса менга бирпас қараб турди-да, у ҳам қошини учирди.

— Ҳой қиз,— деди Мирвали китобдан бош кўтариб,— нега қош қоқасан!

— Ана,— Умидахон мени кўрсатди,— ўзлари шунақа қиляптилар-ку.

— Яша,— Мирвали ўрнидан туриб кетди,— мен уёқда жиғибийрон бўляпман-ку, сен бўлсанг...

Аламимдан қизариб-бўзариб:

— Эй!— дедим,— оғзингга қара!

— Ҳа?

— Нима деяпсан!

Бошланди. Жанжал ўлгур тоза авжига чиқди. Ўзимиз ҳам ит-мушук бўлиб олишдик. Ниҳоят ҳолдан тойдик. Бўшашиб жой-жойимизга ўтирдик.

Умидахоннинг кўзлари негадир яна дир-пир уча бошлади.

— Нима бўлди?— дедим.

— Яна, — Умидахон лабини бурди, — яна... бошим.

— Кечагига ўхшаб оғриб қолдим?

Умидахон бир энтикиб:

— Ҳа,— деди.

— Бекор айтибсан,— Мирвали жеркиб берди,— китобни оч. Дарс ўтамиз. Эртага арифметикадан бўлмаганда тўрт олмагин, мен сенга бош оғриғи қанақа бўлишини кўрсатиб қўяй! Ойинг нима деган-а!

Умидахон қўрқа-писа китобни очди. Мирвали мисолни доскага ёзди-да, Умидахонга ўгирилди.

— Қани, чиқар-чи.

Умидахон доскага чиқди-ю, индамай тураверди.

— Менга қара,— деди Мирвали,— бешдан иккини олса, неча қолади, хўш?

Умидахон эса оғзига бошмалдоғини солиб миқ этмасди.

— Ҳой,— Мирвали тоқати тоқ бўлиб кетди,— қўлинг-ни ол!

Умидахон икки қўлини ёнига тушириб қотиб туриб қолди. Кўзлари эса олазарак, секин менга қараб энтикиб энтикиб қўярди. Мен Мирвалининг қулоғига пичирладим:

— Сен ўқитувчисан-а, нега дўқ қиласан?

— Ҳа.

— Илжайibroқ гапир,— дедим.

Мирвали зўрма-зўракай кулди.

— Қани, оппоқ қиз, хўш, неча бўлади?

Умидахон эса йиғламсираб:

— Нима?— деди ва яна бошмалдоғини оғзига солди. Қарасам, Мирвалининг юзлари қизариб, кўзлари олайиб кетяпти. Бир тарсаки туширишдан ҳам тоймайдиган. Мен бориб Умидахоннинг оғзидан секин қўлини олиб қўйдим-да, «беш минут танаффус», деб Мирвалини ҳовлига олиб чиқдим.

— Нима дейсан?

— Бу аҳволда бўлмайди.

— Нега?

— Дарсни кўргазмали қурол асосида, Алижон Валиевич айтгандай, жонли мисоллар билан ўтиш керак,— дедим,— айниқса арифметикани, арифметика нозик фан-а!

— Хўш?

Мен фикримни айтдим. Маъқул тушиб кетди-ю, Мирвали дарров синфга кирди. Умидахон ҳам анойи қизлардан эмас. Вақт бекор ўтмасин деб оғзини тўлдириб сомса еяётган экан.

— Папкада яна нима бор?

Мирвали қўл чўзган эди, Умидахон қўрқиб кетиб, папкани кучоқлаб олди. Кўзларига филт этиб ёш келди. Мен алдаб-сулдаб зўрға юпатдим. Мирвали қўрқитиб юборганидан хижолат чекиб, шоша-пиша илжайди. Қўнглини кўтармоқчи бўлиб ҳар хил қилиқлар кўрсата бошлади. Умидахон ўзига келди. Қиқир-қиқир кула бошлади. Шундан сўнг хотиржамлик билан дарсни янгитдан бошладик. Умидахоннинг папкаси биз муҳтож бўлган кўргазмали қуролларга тўла экан. Нега папкаси дўппайиб юради десам, эҳ-ҳе, унинг ичидангина кўриб оғзим очилиб қолди: қурт, ёнғоқ, қовурилган данаг-у, қоғозга ўралган пирожнийгача бор!

— Папканг буфет экан,— дедим.

Мирвали кўзлари ўйнаб қулт этиб ютиниб қўйди.

Умидахонга бу мақтов ёқиб кетиб бир ҳовуч данакни ўртага қўйди. Мазаси қанақа экан, деб бирпасда ярмини еб қўйдик. Қолгани билан дарс ўта бошладик. Қатор бешта данакни тиздик. Умидахонга кўрсатиб қайта-қайта санаб чиқдик. Кейин Умидахон орқасини ўгириб турди, иккита данакни яшириб қўйдик.

— Хўш, оппоқ қиз,— деди Мирвали,— энди неча қолди?

Умидахон партанинг устига қараб, қиқирлаб кула бошлади.

— Ҳа?— деди Мирвали,— нега куласан?

— Билмайди дейсизми?

— Нимани?

— Йўқолганини.

— Хўш.

— Чўнтагингизда!— деди у.— Топдимми?

— Топдинг, оппоқ қиз,— дедим шоша-пиша,— хўш, Мирвали аканг нечтасини ўғирлаган экан, хўш?

Мирвали эса кўзлари олайиб:

— Нима деяпсан!— деб қичқирди.

— Жим,— мен уни зўрға босдим,— тентак, мисол учун айтяпман. Болага жонли тил билан гапириш керак.

Умидахон эса бирдан чапак чалиб овозининг борича чинқира бошлади.

— Мирвали ака ўғри экан! Иккитасини ўғирлапти.

— Яша!— Қувончдан Умидахоннинг елкасига бир туширдим.— Демак партада нечта данак қолипти.

— Учта!

— Аъло!— деб юборди Мирвали ҳам хурсанд бўлиб,— оппоқ қиз, мана бугун битта аъло олдинг!

...Шундай қилиб, Умидахонга арифметикадан уйга берилган вазифани ишлатдик. Иккаламиз ҳам чарчадик. Гапиргани ҳолимиз қолмади. «Бундан кўра ҳаммолчилик қилган яхши экан», деди Мирвали. Мен эса дунёда ўқувчига маза-ку, ҳамма қийинчилик, ҳамма ташвиш бечора ўқитувчининг бошида экан, деб қўйдим.

...Қўнғироқ жиринглади.

Биз яна Умидахоннинг синфига йўл олдик. Энди қандай қийинчиликларга дуч келсак ҳам Умидахонни аълочилар сафига қўшмай қўймаймиз!

• • •

Дадам келди! Узим ҳам билмай қолдим. Маза қилиб ухлаб ётган эдим. Биров тонг-саҳарда аста қулоғимдан тортди. Бувим деб кўрпага бурканиб олдим. Оёғимни қитқлади. Кейин у юзимдан-бу юзимдан ўпа бошлади-ю, сесканиб қарасам... тепамда соқоллари ўсиб кетган дадам кулиб турибдилар.

• • •

— Бердингми?!

Мирвали ҳовлиқиб қўлларимдан маҳкам ушлаб, юзимга тикилиб қолди. У мендан баттар оқариб кетган, лабла-

ри, кўзлари пир-пир учарди. Мен бўшашиб партага ўтирдим.

— Йўқ.

— Яхши қилибсан,— Мирвали ёнимга чўккалади,— мендан бемаслаҳат бера кўрма.

— Хўп.

— Энг муҳими, ўзингни йўқотма,— деб тайинлади у,— гуноҳларингни ювдинг ҳисоб. Бунга мен гувоҳман. Қўрқмасанг бўлади. Хатни топшираётганда, албатта, ёнингда мен туришим керак.

— Яхши бўларди,— чўнтакдаги хатни ушлаб юрагим яна шувиллади,— сен бўлмасанг, ўлай агар, ўзимни тутолмайман, хўп де, кечқурун топшира қолай. Қачонгача бунақа қийналиб юраман-а?

— Майли,— деди Мирвали шошиб,— майли, кечқурун мени кут.

\* \* \*

Мирвали иккаламиз, ксмага тушганинг жони бир, деб дадамни кутдик. Дадам ишдан келиб ювинди. Овқатга ўтирди. Чойдан сўнг газета тита бошлади. Дадам буни атайлаб бизни қийнаш учун қилаётганга ўхшарди. Ниҳоят, газетадан бош кўтаришлари биланоқ, хатни секин олдиларига қўйдим. Дадам ажаблангандек бир менга, бир хатга қараб, қўлига олди. Оҳ, тезроқ оча қолсалар дейман ва бу фикрдан чўчиб тушаман. Йўқ, яхшиси тўхтаб турсинлар, йўқ. Унга қандай қарайман! Дадам буни сезгандай конвертни очишга шошилмасди. Ўрнидан турди. Жавоннинг тортмасидан қайчи олиб, конвертнинг бир чеккасини секин қирқа бошлади. Бўлди, дедим. Анави Мирвали эса лип этиб кўчага чиқиб кетди. Мен тентак нега хатни топшира қолдим. Аввал йиглаб-сиқтаб узр сўрасам бўлмасмиди?

Мен кўзларимни чирт юмиб, тескари қараб олдим.

Бирпас кутдим. Ҳаммаёқ жим. Дадамдан садо чиқмади. Яна ҳовлиқа бошладим. Дадам миқ этмади. Бир маҳал битта кўзимни очсам, дадам жилмайиб турипти! Иккинчи кўзим ҳам очилиб кетди-ю:

— Ҳа?— дедим қўрқа-писа.

— Хўп ўқитувчинг бор-да,— дадам негадир жуда хурсанд эди,— олтин одам! Завадингизга экскурсия уюштирмақчимиз, пахта териш машинаси ҳақида болаларга гапириб берсангиз, қачон борсак, деб сўрабди. Бориб айт, ўғлим, қачон келсангизлар, бажону дил кутиб оламиз.

Кўзларимга ҳам, қулоқларимга ҳам ишонмасдим!

Ҳеч маҳал дарсда шу бугунгидек хурсанд, бемалол ўтирган эмасман. Ўзимни қушдай енгил ҳис қилардим. Ҳаммага қараб илжайгим келарди. Танаффусни мендан қувноқ ўтказган бола бўлмаса керак!.. Мактабга келган заҳотим дадамнинг жавобини Алижон Валиевичга етказдим. У мамнун бўлди. Мен эса бениҳоя бахтиёр эдим. Бошлаган ишни бўшаштириб юбормайлик, деб Мирвали иккаламиз катта танаффусда Умидахондан хабар олдик. Арифметикадан уч олган экан. Қувончимиз чексиз эди. Ҳамманинг олдида Умидахонни эркалаб сочидан тортиб қўйдим. Дарсга кирганда эса мен ҳам бахт ҳақида ёзганимни Алижон Валиевичга тантана билан топширдим.

— Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунаркан,— деди Алижон Валиевич қоғозларни тез-тез кўздан кечириб,— аммо бир ўқувчи жуда яхши гап айтибди. Менга ёқди.

Алижон Валиевич жим бўлиб қолди, хаёлга толди. У бола ким экан? Ҳамма сабрсизлик билан Алижон Валиевичнинг оғзига қарар эди!

— Мана, эшитинглар,— Алижон Валиевич ўқий бошлади.— «Дунёда бегуноҳ яшаш бахт экан!» Яхши гап-а, хўш, нима дейсизлар?

Бу, бу... менинг дафтарим эди!

# ТОҒДА ОТИЛГАН УҚ

## I БОБ

Мирҳалим ака тўсатдан оғриб қолиб ҳамманинг ўта-эасини ёриб юборди. Унинг дардини ҳеч ким билмасди. Қунбўйи хонани қоронғилатиб ётгани-ётган. У-бу юмуш билан бот-бот хонага кирган хотини ҳар гал ё ўртада қақ-қайган курсига, ё хонтахтага қоқилар: «Ҳой, дадаси, деразани очинг, ё лахат ўлгурдан ҳовлига чиқиб ётинг», деб вайсашни қўймасди. Мирҳалим ака эса унинг нолишига аввалгидек бепарво эди. Кўзларини шипга қадаб миқ этмай ётарди.

Қамбар ота ҳам келди. Ушандан бери... «имонсиз»ни энди кўриши эди. Авваллари «иним Мирҳалим, суҳбатнинг султони — ғийбат эмиш», деб эшикдан қандай очилиб-сочилиб келарди. Аммо бу гал бамисоли жанозага кечиккан одамдек хонага шўппайиб кирди. Мирҳалим аканинг тепасида бир лаҳза қаққайиб турди, кейин савол аломатидай энгашди-да, беморнинг елкасига қўлини тегизди.

— Омонмисан, Мирҳалим? Хабар ололмадим, иним, ўзим ҳам нари бориб бери келдим.

Хумдан чиққандай бўғиқ овози Мирҳалим аканинг нақ юрагига қадалди. Елкасига тошдек ботган чангак бармоқлари эса кекирдагига чанг солган қузгун чангалига ўхшаб, Мирҳалим ака совуқ сесканди. Орага мудҳиш жимлик чўкди. Қамбар ота тепки еган мушукдек олазарак бўлиб курсига омонат ўтирди: «Зўр келса койир, бақириб-чақириб ҳовуридан тушар, барига бардош бермай иложим қанча», деб ўйлаган эди. Аммо ундай бўлмади. Мирҳалим ака миқ этмади. Чолнинг кўнгли эзилди: о, шўрлик Мирҳалим, кимнинг домига тушганингни пайқамайсан, ҳали мендан юз ўгирмай... мушукулим осон бўлсин, деб кўнглидан ўтказаркан, жуда олисдан Мирҳалим аканинг титраб-қақшаган овози эшитилгандай бўлди.



— У дунё, бу дунё рози эмасман.

Қамбар ота асло буни кутмаганди, бехос ўрnidан туриб кетди. Каловлаганча узоқ турди-да, алланарса демоқчи бўлиб, қиргоққа улоқтирилган балиқдек оғзини каппа-каппа очди, аммо овоз чиқармади. Базўр остонага бориб, шунда ҳам илинжини узолмай орқага ўгирилди. Шу тобда Мирҳалим ака биргина ингоҳ ташласами, калтакесакдек судралиб келиб, унинг қўлларини кўзига суртишга тайёр эди. Мирҳалим ака қайрилиб қарамади. Аича маҳалдан кейин: «Ҳой, муснчадек беозор одамни мунча ўлгандан беш баттар қилиб жўнатдингиз», деб хотини кирганда, бир алами минг бўлиб, Мирҳалим ака инграб юборди.

Хотини чўчиб энгашди.

— Ҳой, дадаси?

— Йўқол!— титраб-қақшаб қичқирди Мирҳалим ака, кўзлари қоронғида ғазабнок ялтиради, вужудида турган

титроққа сим каравот силкина бошлаган эди. Хотинининг ўтакаси ёрилиб, коптокдек сакраганча ташқарига чиқиб кетди. Мирфаёз икковлари киришганда Мирҳалим ака бошига қарсиллатиб мушт туширар, йиғлаб, аллакимнинг гўрига тош қаларди.

— Қўйинг, дада,— деди Мирфаёз,— қўйинг.

— Оҳ, болам, ўлиб қолсам...

— Вой, нега ўласиз, дада,— ҳўнграб юборди Мирфаёз,— ўлмаиғ, мен нима қиламан, дада?

У дадасининг оёқларини маҳкам қучоқлаб олди.

Ўғлининг йиғламсираб боқишлари-ю, ялиниб-ёлворишлари Мирҳалим акага таъсир этдими, бирмунча ҳушига келиб, оғир хўрсинганча яна кўзларини юмиб узоқ ётди; йўқ, анави суллоҳнинг етти пуштини булғамоқчи эмас эди. О, наҳот шу йўсин аламдан чиқса? Ўзи, ёш ўлгур кетган сайин, тавба, одам боласи қилт этган шабадага ҳам силки-нарканми, бўлмаса, ҳаҳ понкўр-а, имонини сотади-ю, ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам оёғини кишанлайдими? Мирҳалим акани муздек тер босди. Ҳа, лаънати, бу кишандан қутулмоқ жилла жўнга ўхшамаси-ю, ана шу ўлгурнинг даҳшати оёғидан олди. Олди-я?! Бўлмаса денг, дастлабки кунлари дарсга қанақа яйраб-яйраб бориб юрди. Унинг назарида тойчоқдек ирғишлаган болалар хийла ювош тортиб, лойқа сувлар ҳам тиниб расмана изга тушгандек эди. Улуғ ҳам бирров янги ўқув йили билан қутлаб кетдилар. У кишини директор билан мулоим сўзлашганини кўриб Мирҳалим ака ичида зил кетса-да, аммо ҳар ширинни аччиғи ҳам бор, деб юпатди ўзини. Бир танаффусда денг котиб қиз дамлаган кўк чойни қайтариб, ҳам чойни, ҳам ёз бўйи айқаш-чайқаш бўлган хаёлларини тиндириб, диванда ёнбошлаб ётганида Бўрижон ака эшикни очди.

— Э, Бўрижон, қани, қани.

Диван қурғурнинг пружинаси ўйнаб, ногоҳ осмонга ирғитгандай, Мирҳалим ака сапчиб турди.

— Ҳа, хаёл суриб ўтирибсиз?

— О, иним, келажак режаларни ўйлаб каминада на кечаси ҳаловат бор, на кундузи!

— Мен ҳам.— Бўрижон ака кулди,— ўша режаларингизга битта таклиф қўшгани кирдим.

— Оҳ, тилингизга бол, Бўрижон, биласиз, камина таклифларингизга муҳтожман, биласиз.

Мирҳалим ака хонанинг ярмини эгаллаган стол тортмасидан тилла ҳаллари ярақлаган жонон пиёла олиб чой қуйди. Бу пиёлани фақат «мўътабар» одамларгагина тутарди. Бўрижон ака мийиғида кулди.



— Ҳикматилла ҳақида нима дейсиз?

Мирҳалим ака ҳушёр тортди. Торознинг посонгисини бараварлаб жавоб қилди.

— Нима десам экан, Бўрижон, нима десам экан, баъзи жиҳатлари демасангиз, умуман...

— Йўқ, зерикиб қолмаса дейман.

— Нечун?

— Дарси озми, шу одамга синфингизни берсак.

Мирҳалим ака бир парча муз ютгандек қалқиб кетди.

— Сиз,— давом этди Бўрижон ака,— мени дарсимни давом эттирсангиз.

Бадани илиб хаёлан хомчўт қилиб кўрса, йўқ, ютқизмас экан, аммо асл муддао нима?

— Ўзингиз-чи?

— Э, мени қўяверинг,— Бўрижон ака ўрнидан турди,— битта директорликни юмуши-ю, қолаверса синф раҳбарлиги етиб ортаркан, бир ўйланг-а?

У чиқиб кетгач Мирҳалим ака бўшашиб чой қўйди, аммо ичмади. Чойнинг шамасига қараб узоқ ўтирди. Бу одамдан ҳар бало кутса ҳам, буни кутмаган эди: синмоқчими? Анави соддадилга суяк ташлаяптими? Ўзи бузиб-ёриб, расво-ю, радди бало қилган синфни Мирҳалим акага ошириб, мункитиш пайидами? Бу одам ғалвирак ёнғоқ эмаски пўстини арчиб, мағзини татиб кўрса, зўлдир, улуғдек одам тепкилаб чақолмаган зўлдирки...

Эшик қия очилди.

— Мумкинми?

Мирҳалим ака хаёли чалғиб бош кўтарди.

— Келинг,— деди у. Остонадан бамисоли илон ўрмалаб кираётгандай жунжикиб кетди-да, дивандан туриб жойига ўтди. Ичкарига кирган одам ёш боладек қимтиниб рўпарасидаги стулга жойлашди. Узоқ сукут сақлади. Қуюқ қошлари остидан Мирҳалим акага қараб хўрсинди. Мирҳалим ака бу одам билан узоқдан тил учиди саломлашиб юрарди. Аммо ўшандан бери, қамти келмаган эди. Қиши бўлса ҳар кўрганга икки қўли кўксида-ю, мажнунтолнинг навдасидек эгилиб мулойим-мулойим қараб қўярди. Ҳар гал Мирҳалим ака буни ўзича йўйиб, аъзойи-бадани нохуш жимирлаб кетарди; тавба, бетовфиқ нечун кирди олдига?! Мирҳалим ака асабийлашиб қўллари ишқалади-да, зўрма-зўракай илжайди.

— Иним, вақт ўлгур зиқроқ, муддаога келсак!

— Муддао?— деб қўйди киши бош чайқаб,— буни дабуруст айтиш осон эмас, ака.

Мирҳалим ака ажабланди.

У эса етти ёт бегона бу жойларда сўққабош тоғасининг дуосини олай деб тентираб юрганини, дам сувга чўқаётган одамдек хаприқа-хаприқа, дам мозор бошидан қайтган ёш боладек ўксиб-ўксиб узоқ сўзлади. Мирҳалим аканинг юраги жиз этмади: Йўқ, аксинча, турқи-таровати баттар бўл деяётганга ўхшарди. Киши бунни пайқар, пайқаган сари кўзларига қон қуюларди. Аммо Қамбар ота «зинҳор Мирҳалимнинг аччиғини кўзғаманг, ука, кўнглини мойдек эритишга мушарраф бўлсангиз марра сизники», деганига, тишини-тишига қўйиб аранг ўтирарди.

— Андек сабр қилинг, иним, иш дедингиз...

— Қуллуқ, ака, қуллуқ.

— Балли, каминадан яна не истайсиз?

— Уй-жой қилсам...

— Нима? Бунга мени нима дахлим бор?

Киши шошиб Мирҳалим акага энгашди.

— Бор, ака, бор, бир бева аёлни сўратсам... қизи билан бобосининг ризолиғисиз бир нарса дёлмасмиш, ака, қизи ўзингизда ўқийди.

— Қим?!

— Э, биласиз, ака,— киши илжайганча ўрнидан туриб дераза томон юрди. Мирҳалим ака ночор кўзғалди. Ҳовли кафтдек кўринганига Мирҳалим ака бу деразани «ойнаи жаҳон», деб атар эди. Ҳовлидаги жами ҳангомаларни шу ердан кузатарди. Биров ножўя хатти-ҳаракат қилсам, зир югуртириб келиб чунон койирдики, бечора гуноҳкор бир ҳафта танаффус нималигини билмасди. Ё тавба, шу жойдан директорнинг болалар билан копток тепишганини ҳам кўрган-а. Эсласа, ҳай-ҳай, ҳали-ҳали вужудидан муздек тер чиқиб кетади! Мирҳалим ака кайфи чоғ кезлари барчанинг сир-асрори каминага беш қўлдек аён деб мақтаниб ҳам қўярди. Уқитувчилар орасида бировнинг хулқ-атвори ҳақида гап кўзғалса, Мирҳалим ака «ойнаи жаҳонда» кўрганларини дарров тўкиб солар, Бўрижон ака аччиғлаиб: «Болани пойламаг, Мирҳалим ака, ўрганинг», деб қўярди. Бу Мирҳалим акага туриб-туриб кор қиларди; вожаб, пойламай ҳам ўрганиб бўларканми? Хуллас «ойнаи жаҳон» ҳозир ҳам бўш эмас-у, ҳовлидаги қий-чув, тўс-тўполон айни авжига чиққан маҳал эди: ана, бир бола ҳаллослаб, орқасидан қувган шеригидан кўз узмай сув ича бошлади. Шериги кела солиб жўмракка ёпишди, бола ҳовучини сувга тўлғизиб шеригининг бошига қўйиб яна қочди, тавба, нима зарил-а? Аммо юқори синф болалари бунақа қалтис ҳазилдан ўзларини бирмунча ти-

йиб олишган эди. У ер-бу ерда тўп-тўп бўлишиб кўриниб қолишарди. Ораларида анави «каклик» бўлсами, қаҳқаҳа ўлгурга денг «ойнаи жаҳон» ҳам ларзага келарди. Аммо яқин орадан бери қўнғироқ чалиниши билан аксари юқори синф болалари кўчада ғойиб бўлишарди. Шу тобда кўзлари аланг-жалаг анави «каклик» пайдо бўлди. Ҳовлининг ярмига қуюқ соя ташлаган тут остидаги синфга шипиллаб кирди-да, кўп ўтмай Холпошша билан бошлашиб чиқди. Мирҳалим аканинг юзлари тортишиб кетди. Бола чўнтагидан олган олмани қоқ бўлди. Қизга тутди. Ярмини ўзи ғажиганча олдинма-кейин кўчага чиқиб кетишди: нима бало, боғдан ўмарганми? Ҳалитдан иккови битта олмани бўлиб еса, ҳай, охири баҳай бўлсин! Шу аснода Абулқосим Шароповичнинг ўғиллари ҳам кўринди-ю, Мирҳалим ака бир оз чалғиди. Оти нима эди, қаҳ, Мелиқўзи эди шекилли. Мелиқўзи оёқларини керганча лоқайд қараб турди-да, пешонасидаги бир тутам сочини силкитганча тез-тез юра кетди. Қаранг-а, туришлари-ю, виқорли қарашларигача баайни дадасининг ўзи-я. Байбайбай, анавиларга қўшилиб миси чиқмаса-чи, жуда бўладиган бола-да. Синфдан чиққан бир гала бола орасидан узун бўйли, ориққина, қош-кўзлари қоп-қора қизча ажралиб водопровод томонга кела бошлади...

— Ана,— деди киши шошиб.

— Нафиса?!

Мирҳалим ака ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Шундоқ, ака, шундоқ, шўрлик тоғам икковимиз исик-совуқсиз қолиб кетдик, қари одам, кир-чири бор, мушкулимизни осон қилмасангиз, биз шўрликларнинг кимимиз бор, жон ака, шу тирмизак билан бобосининг розилигини олиб беринг.

— Мен-а?— деди Мирҳалим ака,— йўқ-йўқ, қийнаманг, иним, қийнаманг, камини бош қўшолмайман. Сабаби... ўзингизга аён-ку.

— Ҳа, балли!

Кишининг турқи-таровати тўсатдан ўзгарди. Модомки мойдек эритишга мушарраф бўлмадими, бас, раҳматли тоғаси айтмоқчи, «омад — вақтни бой бермай ўлжага жонжаҳди билан ёпишганники. Полвоннинг ютуғи рақиби эҳушини йиққунча шартта ёнбошга олганда!» У чўяндек қаттиқ панжалари билан бирдан Мирҳалим аканинг пахтадек юмшоқ қўлларини ушлади. Мирҳалим ака дабдурустдан нима дейиши-ю, нима қилишини билолмай, дилидаги қурғурнинг тилига қандоқ келганини пайқамай қолди.

— Ҳадеб, одамни қитиғига тегаверманг, ука!

Бу гап кишига ҳазилакам наша қилмади; девнинг ово- зига ўхшаш дўрилдоқ товуш билан шундай кулдики, шун- дай кулдики, Мирҳалим аканинг хаёлида бамисоли шип ўпирилиб тушди, у жон аччиғида «бас» деб қичқириб юборди. Шу пайт қўнғироқ товуши эшитилди. Киши ра- пидадай бесўнақай кафтлари билан ёшланган кўзларини арта-арта, «кўпчиликнинг олдида бир қитиқлаб қўяман-а», деганча шошқалоқлаб чиқиб кетди. Мирҳалим ака серрай- ганча қолди: хўрлиги келиб, ёш боладек ўпкаси тўлди. Нима? Нима деди? У ғазабдан шундай титраб кетдики, назарида стол, стул, шип, боринги, уйдаги жами нарса силкинаётгандек эди. Сапчиб турди-да, анавининг уккис- мон совуқ кўзларини ўйиб, илонникидек заҳар-заққум тил- ларини таг-туғи билан суғуриб олгудек важоҳатда орқа- сидан югурди. Югурди-ю, остонага етолмади. Кўз олди қоронғилашиб, боши арининг уясидек ғувиллаб, оёқлари чалишиб кетди...

...Дарвоза гурсиллади.

Мирҳалим ака чўчиб, ёстиғидан бош кўтарди.

— Ким?

— Вой, вой, мунча терак баргидек қалтирайсиз, дада- си,— хотини шипиллаб хонадан чиқа бошлади,— ким бў- ларди, битта-яримта кўргани келгандир!

Мирҳалим ака ўғлига юзланди.

— Бор, болам, бор бетамиз онанг ким бўлса тепамга бошлаб киради, тиш дўхтир бўлса, дадам қаттиқ ётибди, деб эшикдан жўнат, уқдингми?

Мирфаёзнинг чувак юзлари яна ҳам чўзилди, дадаси- га ағрайди-да, ҳеч бало уқмаса ҳам «хўп» деганча она- сининг орқасидан зинғиллаганча чиқиб кетди. Хиёл ўтмай ҳовлидан Бўрижон ака билан Ҳикматилла аканинг овози келгандек бўлди, шундай бўлса ҳам Мирҳалим ака ён- бошлаб қулогини кафтига олиб узоқ тинглади. Овоз ўша- ларники эди. Каравот суянчиғидан сочиқни юлқиб, шоша- пиша бошини боғлади. Ҳаммалари ичкари киришганда Мирҳалим ака қўлларини икки ёнига ташлаб, кўзларини шипдан узмай чалқанча ётарди. Ора-чора инграб қўярди, бунини аввал хотини пайқади-ю, тепасига югуриб келди.

— Ҳой, дадаси, туппа-тузук эдингиз-а, вой ўлмасам, яна нима бўлди сизга?

Мирҳалим ака хотинининг осма соатнинг капкиридек сира тинмаган тилларини суғуриб олгиси келиб, «жағинг ўчсин», деб қўя қолди. Хотини эса унинг дам оёқларини, дам қўлларини уқалаб елпатак бўлишини қўймасди. Мир-

фаёзнинг кўзларига ғилтиллаб ёш келди. Доимо мулоим жилмаядиган дадаси, дадажони нега бу аҳволга тушди-ю, уни ким шу кўйларга солди, ким? Шу тонда у дадасининг баъзан ишдан куйиб-пишиб келишларини, ойсининг жиғибийрони чиқиб: «Улинг, товуқ деб хўрозга дон сочиб юрибсиз», деб, юмма талаганларини эслади. Эслади-ю, беихтиёр ер остидан Бўрижон акага хўмрайиб қўйди. Мирҳалим ака «хурмат» юзасидан инқиллаб-синқиллаб ёнбошлади-да, хотини билан ўглини чой-пой ҳозирланглар, деб чиқариб юборди.

— Одамни ҳоли шу экан, Бўрижон.

— Бе, кўнгилни чўктирманг, Мирҳалим ака, кўнгилни,— Бўрижон ака қўлини оҳиста унинг елкасига қўйди,— чўкдим деган одам чўкаверади, улуғ салом дедилар.

— Улуғ?— Мирҳалим ака шошиб қолди,— келдиларми?

— Ҳа, йўл устида бирров кирган эканлар, хушхабар айтдилар.

— Омон бўлсинлар, не хабар экан?

— Лойиҳа қайта кўрилибди. Йўл аввалгидек нокзорни кесиб эмас, пастрооқа — қўшни колхоз билан чегара ялангликка тушаркан. Қўш садага ҳам тегмас экан. Ҳозирча ҳамма куч тоғ бағрини очишга ташланибди.

— Оҳ,— деб юборди Мирҳалим ака бошини оғир чайқаб,— зап иш бўпти-да. Сада кесилади дейишганда, Бўрижон, ўзимни қўярга жой тополмаганман-а.

Сада атрофидаги миш-мишни, шубҳасиз, Ҳикматилла ўғлидан ё ҳовлисига кўчириб чиққан анави чолдан эшитган. Тунов кунни болалар билан аррачилар орасидаги маш-машадан ҳам хабари бор. Ҳа, ана, «сада» сўзи қулоғига чалиниши билан кўзлари бежо бўлиб қолди.

— Шунга одамларни ҳашарга ташласак, болалар нок-олма теришга боқишса, дедилар.

— Сиз нима дедингиз?

— Хўп дедим.

— Яхши қилгансиз, Бўрижон, бағоят яхши қилгансиз,— деди Мирҳалим ака ичи ачиб.— У кишининг гаплари бежиз эмас, бола болаликдан меҳнатда тоблансин, деган кўнгилда айтганлар буни, Бўрижон.

Бир пиёла-бир пиёла чойдан кейин меҳмонлар қўзғалишди ҳамки Мирҳалим ака ўзига келолмади; демакки, улуғ Бўрижонни йўқлаган бўлса, бу ораларида юзага кела бошлаган илиқликдан бир далолат. Мирҳалим акани ёдлабдими, ҳали Мирҳалим акани кўнгилдан буткул чиқазиб ташлаган эмас; торозни посонгиси барабар экан,

минг бод энди хато қилмаслик лозим! Аммо Мирҳалим аканинг кўнглини аччиқ аламга ўхшаш нарса бари бир тимдалаб ўтди; э, аттанг, ўзи билан ўзи ўралашиб қолди-я, йўқса анави қайсарнинг ял-ял ёнишлари, ҳай, майли, оёғи остидаги манави палакатни бир ёғлиқ қилсин-чи. Чол-ку, тирик мурда, аммо анави бетовфиқ... наҳот журъат қилса? Йўғ-е, жилла унчаликка бормас: наинки шармандаи шармисор одамдан бирон наф кўрса? Хўш, бетовфиқнинг асли ўзи ким-у, нечун шаҳарни, касб-корини тарк этиб, оч арвоҳдай бу жойларда изғиб юрибди? Чол иккови тоға-жиянми? Нега имонсиз чол билан шунча йил ошқатиқ бўлиб билмади? Сафсата. Нечун, не мақсадда тўқилган сафсата? Жумбоқ ўлгур шундаки, калаванинг учини топмаса... Аммо ҳозирча хавф-хатар йўқлигига комил ишонч ҳосил қилиб, Мирҳалим ака бирдан ўзини қушдай енгил сизди-да, «ётиб қолгунча отиб қол», деб юборди ва ҳаммани таажжубда қолдириб, қаҳрабо қадалган таёқчасини ушлаб ҳовлига чиқди: қўрққанга қўша кўринар, деганлари шу, бўлмаса ёруғ жаҳоннинг гаштидан кечади-ю, ҳали бошига тушмаган гурзининг азоб-уқубатини ўйлаб, «қоронғи лахатда» ётадимми? Жомошовда гупиллатиб кир юваётган хотини ўнгимми, тушимми, деб оппоқ кўпикка беланган қўллари билан кўзларини беихтиёр ишқади-ю обдастага ёпишди. Ойисининг овозига ошхонадан Мирфаёз чиқди, бир лаҳза қотиб қолди: бола дадасининг ҳозиргина «вой-войлаб» ётганидан, ва айни пайтда қаҳрабо дастали ҳассани силкиб ҳовли ўртасида жилмайиб турганидан ҳайратга тушганди!

\* \* \*

Аллақачон ҳаммаёққа тун чўкди. Йўл ёқаларида симчироқлар милтираб қолди. Боланинг кўзига сира уйқу келмади. У кўнгли сокин жилғага ўхшарди. На бирон марта чинакам жўшиган-у, на шалоладек кўпириб тошган эди. У ҳеч нарсани ўйламас, ҳеч кимни кўрмас, дадасини, ҳа, ҳа, ойиси айтмоқчи, дадасининг «ҳикматли» сўзларига маҳлиё эди. Улғайган сари улардан қанчадан-қанча маъно топиб яйради. Шунда дадаси осмонда ярқираган анави якка-ягона юлдузга ўхшаб кетарди-ю, хаёлида у юлдузга на етиб ва на уни сир-асрорини билиб бўларди. Нима-ни-ма, «ўхшарди» дедими? Энди-чи?! Боланинг хаёли бир лаҳза тўхтаб қолди ва у бундан чўчиб кетди. Вужудини силкиб келган аллақандай нохушлик бўғзига ёпишиб, тўсатдан йиғлаб юборди. Шу алпозда ёстиққа юзларини ишқаб узоқ ётди. Унда-бунда хўроз қичқирганда кўзини оч-

ди. Очди-ю, осмонга аланглади. Тонг отиб уфқ гардиши оқариб келарди. «Анави» юлдуз эса сув бетиде қалқинган муз парчадай кўриниб-кўринмай тўсатдан эриб кетди-я!!

Боланинг кўнгли ёмон увишди.

Мирфаёз бўшашиб эшик очди-ю, синфдаги ғала-говур қўл келиб, секин бориб жойинга ўтириб олди. Унинг зафарон юзи-ю, киртайган кўзларида ғалати ғамгинлик бор эди. У ора-чора бош кўтариб қўйса ҳам, на бўлаётган ҳангомаларга қўшиларди-ю ва на бирон гап-сўз қулоғига кирди.

Уни аввал Отақўзи пайқади.

— Вой-эй, Мирфаёз, осмондан тушдингми, ё ердан чиқдингми-а?

Мирфаёз индамади.

Отақўзи яқинига келиб тикилди.

— Нима бало, касалмисан?

Яхши ҳам Мелиқўзи луқма ташлади.

— Оббо, сўраб нима қиласан, кўзлари шундоққина «осмондан тушдим», деб турибди-ку, шунақами, Мирфаёз?

Мирфаёз ўлганининг кунидан тишининг оқини кўрсатди-ю, Отақўзининг «соғмисан, касалмисан» деб мияни ачитишидан қутилди. Отақўзи чалғиб нари кетди. Мелиқўзи оғзи қулоғига етиб илжайди. Отақўзи қўлларини чашиштириб дераза раҳига суянган Холпошшага кўз ташлади-да, жўрттага овозини кўтариб:

— О, ошнам Мелиқўзи,— деди,— сенга ишонмай бўларканми, хоҳлаган одамнингнинг кўзига қараб, келажакини беҳато айтиб бероласан-ку!

Мелиқўзи сузилиб партага ястаниб олди.

— Ҳо,— деб қўйди Нури,— мақтов ёқмай ўлсин.

Мутал хахолаб кулди.

— Мақтов мойга ўхшаган нарса.

— Оёқ остига ташласанг от тояди,— гапни илиб кетди Нури.

— Балки, от тояр,— деди Отақўзи жиддий,— аммо, Мелиқўзи тоймайдн.

— Вой, шунақами?— деб бирдан ўгирилиб Холпошша оҳу кўзлари билан бир қарадики, Мелининг нафаси ичига тушиб, сапчиб турди.

— Пўқ, Отақўзи, бир марта хато ҳам қилганман.

Отақўзи ўзини гўлликка солди.

— Йўғ-е?

— Улай агар, шундоқ.

Мелиқўзи қизчанинг олдидаги «айбини» бирмунча

енгиллатган бўлди-ю, аммо кўнглининг бир чеккаси ширин уюшиб, «кўзинг осмонга тушса, ловиллаб офтоб куйгай», деб бехтиёр пичирлаб қўйди. Тавба, шунақа бир қизни оламга муқаррар келажакни билган-а, шоир! Унинг кўзлари шоир айтмоқчи, одам тугул офтобни ҳам жизгинини чиқариб ташлайди-я.

Орада ҳазил-ҳузул тугаб, дарсга қўнғироқ чалинди. Мирфаёзнинг юраги гурсиллаб уриб кетди: бугундан дадаси дарс олиб боради. Ҳали бирон бола хабардор эмас, қандай қабул қилишаркин? Кўп ҳаялламай ичкарига Бўрижон ака билан бир қўлида таёқча, иккинчи қўлида йўқлама ушлаб Мирҳалим ака кириб келди. Болалар аланглаб олишди. Мирфаёзнинг кечаги дадаси бугунги дадасига асло ўхшамас эди: эғнида ўша-ўша тахтакашдек шим, чап чўптакдан қордек оплоқ дастрўмолнинг учи кўриниб турган китель. Оёғидаги қора амиркон туфлигига қараб соч тараса бўлади. Кўнглидаги ғашлик бирмунча тарқаб, дадасини ўша аввалги бенуқсон қиёфасига маҳлиё бўлиб қолди. Салом-аликдан сўнг Бўрижон ака ҳаммага бир-бир қараб, Мирҳалим акага юзланди:

— Қалай, буларни танияпсизми, Мирҳалим ака?

— О, таниганда қандоқ, Бўрижон,— деб қўйди Мирҳалим ака қошларини чимириб.

— Қаранг-а, қир ёқипти, ўзлари ҳам тоза чиниқишиб, бўйлари ҳам чўзилибдими!

— Ҳаммани эмас,— деди аллаким.

— Йўғ-е?

Бехос луқма ташлаган Мелиқўзи эди.

— Орамизда, битта Отақўзи энига ўсган.

— Бекор айтибсан,— деди Отақўзи,— сен бўйингга, мен ақлимга ўсганман.

Бўрижон ака «балосан» деб Отақўзининг елкасига уриб қўйди. Мирҳалим ака ичида ғижинди: тавба, бу қанақаси, бола ўқитувчи билан ҳазил-ҳузул қилса! Абулқосим Шароповичнинг ўғилларики айнибдими, бас, ким билан, ёлғиз Мирфаёз билан дарс ўтадимми?! Хаҳ, аввалги муносабатлари бўлгандами, Бўрижон кўра-била туриб, мени ўт-оловга ташлади, бир гап бўлса, айб менда эмас, деб ҳар эҳтимолга қарши улуғга шипшитиб қўярди-я. Аммо анави ишшайган қизча ҳаммасининг белига тепди: ё тавба, шу муштдек бола, қиз боши билан ўшанда атай ўзини кўрсатмоқ пайида раисни ўлим чангалидан юлиб олдимми?! Ё чиндан ҳам... тавба, турқи-таровати баайни дадасиники-я! Бу ҳам ғалвирак ёнғоқ эмас, қаҳрабо таёқча билан бир уриб чақиб кўрса. Ҳар қалай бу ўзгариш бо-



лаларга таъсир қилса-да, аммо бунчаликка боришини Мирҳалим ака сира ўйламаган эди. Бўрижон ака айтганда синф шунақа ҳувиллаб қолдики, бу жойда бола зоги борми-йўқми, деб Мирҳалим ака беихтиёр аланглаб қўйди. Ҳаммадан алам қилгани, Бўрижон ака чиқаётганда аллаким шундай хўрсиндики, ҳатто Бўрижон ака ҳам эшикнинг бандини ушлаб бир лаҳза тўхтаб қолди. Мирҳалим ака аранг жойига бориб ўтирди-да, анчадан кейин дилини ўртаган нарсани юмшоққина ифодалаган бўлди.

— Болани вазифаси катталарни хоҳишига бўйсунмоқ, фақат...— дея «орангизда ким топқир» деб жилмайди, боядан бери унинг гап-сўзларининг ғалати оҳангига учиб бошларини чайқаб ўтирган Отақўзи довдираб:

— Бўйсинмоқ,— деб юборди.

— Баракалло!— дея Мирҳалим ака йўқламани очди. Отақўзи оёғининг учи билан Мунисанинг оёғини босди.

— Нима дейсан?

— Оҳ, сенга раҳмим келяпти.

— Вой, нега?

— Сен бечорани атиги биттагина ҳуқуқинг бор?

— Ҳо, қолгани-чи?

— Қолгани ҳам шуни ичида.

— Э, бор-е,— деди кулиб Муниса. Шу пайт Мелиқўзининг партасига «тап» этиб бир нарса тушди. Мирҳалим ака бошини кўтариб қараб қўйди, то Мелиқўзи эпчиллик қилиб ушлагунча қоғоз пастга, оёғининг остига сирғалиб тушиб кетди. Оёғининг учи билан пайпаслаб тополмади, Мирҳалим аканинг кўзини шамғалат қилиб энгашиди: қоғоз анча нарида эди. Ҳадеганда партанинг остига киролмай типирчилаб ўтирди-да, сўнг не-не машаққат билан қоғозни олганда аллаким қулоғи остида секин томоқ қириб қўйди. Мелиқўзи парта остидан чиқиб ҳанг-манг бўлиб қолди.

Мирҳалим ака мулойим жилмайди.

— Нима қилиясиз, ўғлим?

Мелиқўзи довдираб қўлидаги қоғозни қандай узатганини пайқамади. Бошқа одам бўлгандами, ким билсин... аммо бу одамнинг олдида мудом довдирагани-довдираган эди; дадасининг ҳаяжонланиб: «Болам, иккимиз то абад бу одамдан қарздормиз», деган сўзларини беихтиёр эсларди-ю, аммо бу одамга нисбатан кўнглида қилча ҳам, ҳа, ҳа, қилча ҳам илиқлик сезмасди.

Мирҳалим ака жойига борди. Қўлидаги ғижим қоғозни столга ташлади. Курсига оғир чўкди, узоқ ўтирди, сўнг қоғозни олиб кафти билан текислади, аммо ўқимади, йўқ,

тўрт буклаб кўкрак чўнтакка солди, тирсагига таяниб яна ўрнидан турди-да, бошини қуйи солганча уёқдан-буёққа юра бошлади; дарсда болаларнинг пичирлашиб ўтириши-ю, баъзан хат ёзиши аслида анчайин нарса, жилла бунга чалғимаса ҳам бўлар эди. Аммо бу зумрашаларни қирда кўрсатган машмашалари, ўлганни устига кўмгандай боя директор синфдан чиқаётгандаги нақ шипни ўпиргудай хўрсинишлари Мирҳалим аканинг иззат-нафсига ёмон теккан эди. Бас, буларни ҳозирдан домига солмаса, аммо қанда-ю, қай йўсинда?! Шу тобда ниннадай нарса кўзига бирдан туядай кўришиб:

— Ким ёзди-ю, нима ёзди,— деди тўхтаб.

Садо чиқмади. Мирҳалим ака бир-бир қарай бошлади; анави бошларини ушлаб ўтирган безорими? Унинг қирдаги можаролари... Ҳой, от ўлгур бир махлуқки, қанча қамчиласанг, туядай лопилламай, шунча енгил йўрғалайдиган бўлади. Бунинг устига денг «от жинниси» раисга айтаман, деб қилган дўқ-пўписалари, йўқ, қирда ёввойи какликдай сайраган бўлса, энди тўтидай измига тушсинки ҳали. Мабодо бунга мушарраф бўлса, ошиғи олчи, кўпчиликнинг бошвоғи анави директорнинг эркатойи билан шу боланинг қўлидалигига шак-шубҳаси йўқ. Мирҳалим ака бошқасига қаради, аммо бошқаси ундан бешбадгар эди, ҳушига унча ёқинқирамаган холдор қизча қўлидаги қаламга лоқайд қараб ўтирарди. Афти-ангоридан эса бирон маъно уқиб бўлмасди, бай-бай-бай, ёшига номуносиб вазминлигига ўласизми бу қизининг. Мирҳалим ака назарнда бу қизининг табиати сирти сокин-у, туби шиддатли жилғага ўхшарди. Ҳай-ҳай, бунақа жилға ўлгур тошмасин, тошса борми, ё ўша, раиснинг устига баҳайбат пок қулаганда бу жилға ўзанига сиғмай бир тўлиб тошдими-а? Унда қайдан куч-қувват пайдо бўлди-ю, уни ким ато қилди?! Бе, гўрдами, муштдай болада-я? Бу бир бебошлик, ҳа. Бу бебошликнинг сабабчиси бўлган анави навбакор отасининг тағин ҳам омади бор экан, йўқса... Ундан кейинги партадагилар — Мурод билан анави ўжар чолнинг набираси Нафиса — ҳам номозшом кўнглини равшан қилмади. Икковига разм солиб, «писмиққина» деб қўйди-ю, аммо тўсатдан ғалати бўлиб, яна Нафисага тикилиб қолди. Боя, дарвоза олдида қўлларини кўксига босиб, рози бўлса бўйнига осилгудай қувонч билан Мирҳалим акани қаршилаган анави тиш доктори шу тобда лоп этиб кўзига кўринди-да, «ишшаймай ўл», деб қўйди ичида. Хаёлларини чалғитмоқ мақсадида Нафисадан кўзини олиб, Мелиқўзи томонга ўгирилганда, бола қулоқларигача қизариб кетди.

— Мен қаёқдан билай...

— Билмайсиз, ўғлим, билмайсиз, сизни чалғитмоқ пайига тушган болада тариқча инсоф-диёнат бўлса, айбини бўйнига олиб, нима ёзганини дарров ўзи айтиб берган бўлур эди, афсус.

Аллаким «билса бўлади-ку», деб қўйди. Аммо бу гап унинг қулоғига «ўқи-қўй-да, мунча қийнайсан», деган маънода чалиниб, кулимсираганча дераза олдига келди. Чўнтагидан хатни олди. Майда-майда қилиб йиртди. Ҳовучида узоқғижимлаб, ҳовлига улоқтирди.

— Камина директоримиз Бўрижонни ажиб анъанасини давом эттириш ниятидаман,— деди жиддий.— Яъни, ҳозирги соатни иншога бағишласак.

Буми, ё ҳозирги «мардлиги» сабабми, ҳар қалай синфда енгил кайфият пайдо бўлди. Муз кўчди шекилли, дея хаёлидан ўтказди Мирҳалим ака.

— Мавзу борасига келсак,— деди ўйланиб Мирҳалим ака,— ўзингизга ҳавола.

Синфда ғала-ғовур бошланди.

— Ҳар ким калласига келганни ёзаверсинми?

— Кўнглидагини нима қилсин?

— Сувга айтсин, тентак, шуни ҳам билмайсанми.

— Вой, ҳей, ўримга борганимизни ёзайлик.

— Ҳа-я, ҳаммасини тўпласак...

— Майли, аммо бор гапни ёзамиз.

— Э, ёлғон-яшиқ кимга керак.

— Маъқул.— Мирҳалим ака хаёлига келган антиқа фикр-мулоҳазадан энтикиб, дастрўмол олиш баҳонасида гупиллаб кетган юрагини ушлади,— ҳа, балли, ҳақиқат бўлмоғи лозим.

Мирҳалим ака бугунча ўзимнинг «А» синфимга кирмасам асло кўнглим тинчимас, майда-чуйда болалар янги одам олдида гангиб қолмасин, дея чиқишга ҳозирлик кўраётганди. Шу пайт орқа партада алланечук бўлиб ўтирган ўғлига кўзи тушди.

— Мирфаёз, тобинг йўқми, бора қол, уйда ёзарсан, бора қол.

Мирфаёз олазарак кўзларини секин кўтариб бош силкиди ва папкасини қўлтиқлаганча чиқиб кетди: тавба, кечадан бери мудрови паст. Ишқилиб чиллакини кўриб чумақ урмасин. Бу ёшда бола зоти баайни қалқиган бир томчи симобки, нишабига қараб думалайверади, деб ўйлади-да, Холпошшага, йўғ-е, Мелиқўзига ўгирилиб тайинлади:

— Уғлим, дарс тугаши билан барча дафтарларни йиғиб каминга ўзингиз топшинг.

Бу алоҳида урғу билан айтилган гапдан Мелиқўзи партининг тагига кириб кетгудай аҳволга тушди. Мирҳалим ака чиқиб кетиши билан Мутал олдига келиб унинг елкасига қўлларини қўйди:

«Ўзингиз топшинг!»— дея Мирҳалим акага шу қадар тақлид қилиб айтдики, синфда гуриллаб кулги кўтарилди.

— Ҳа, нега куласанлар?

— Нима, йиғлайликми?

— Маймун ўйнатаётибманми?

— Йўғ-е, маймун бўлиб ўйнаяпсан, ошна.

Мелиқўзи сакраб туриб кетди.

— Нима?

— Чўзма,— деди Мутал,— нима қилдинг?!

— Нима қилдим?!

— Нега хатни бердинг?

Мелиқўзи бирдан бўшашди.

— Вой сотқин-е,— деди Муниса,— сўрамаса, нега икки қўллаб хатни тутасан?

— Улай агар,— Мелиқўзи кўксига мушт урди,— кўзларига қараб довдираб қолдим.

Холпошша завқланиб кулди. Нури бўлса, «э, кимни кўзига қараса довдирайди-я», деб қўйди лабини буриб. Боядан бери алланечук бўлиб ўтирган Отақўзи:

— Менга қара, Мутал,— деди оҳиста,— айб ўзингда.

— Биладан,— деди Мутал чўрт кесиб,— биладан. Бу бошқа масала. Аммо Мелиқўзини қилиғи... Отақўзи, ўзинг Мелиқўзини ўрнида бўлганингда нима қилардинг?

— Ҳа-я,— деди Муниса ҳам,— қани, айт?

— Менми? Бел Бошимга таёқ билан туширганда ҳам, бермасдим, қоғозни шартта оғзимга солиб ютиб юборардим.

— Ҳа, яша,— деди Мутал,— гап мана шунда-да.

Мелиқўзининг пешонасига тушган бир тутам сочи силкиниб, кўзлари олайди.

— Ўзинг-чи?

— Нима ўзим?

— Жуда мард экансан, нега боя миқ этмадинг?

— Пойладим,— деди Мутал.

— Нимани?

— Уқийдими, йўқми...

— Ҳа,— дея Мелиқўзи қийқирди,— кутдингми? Кутганинг бўлмадими?!

Мутал иложсиз кулди.

— Афсус...

— Э, қойил-е.— деди Отақўзи.— Вой, мен хомкалла, ҳой, Мирҳалим акани бояги мардлиги, бошқа одам бўл-сами!

Мелиқўзи ҳам шошқалоқлаб:

— Ҳа-я, шуни айт, боя мен ҳам кўзларига қараб...— дея ҳовлиққанча ўзини оқлашга тушганда, аллаким «об-бо, кўздан текканми бунга», деб пиқиллаб кулган эди, Мелиқўзи ўдағайлаб тепасига келди:

— Кулма.

— Ҳа, вой, мунча.

— Кулма, билсанг, ўша одам ўлимдан олиб қолган мени, билсанг, кўзларига қараб алдай олмайман, билсанг...

— Бас-э,— деди Холпошша алланечук бўлиб. Мелиқўзи аланглаб бир хил бўлиб кетди. Боядан бери гап-сўзга қўшилмай маъюс ўтирган Нафиса кўзларига ғилтиллаб келган ёшни кафтлари билан артди. Ким билсин, Мелиқўзининг айтганлари, дадасини эслатдимми? Мелиқўзи аламини Муталдан олди:

— Мард бўлсанг, нима ёзганингни айтардинг.

— Айтаман.

— Айт.

— Керак бўлса ўқлоғидек қилиб ёзиб ҳам қўяман.— Мутал доскани қитирлатиб ёза бошлади: «Мелиқўзи, ойнан жаҳон дастидан кўчага қочардик, энди нима қиламиз?» Имзо чекайми? У катта-катта қилиб «Мутал» деб ёзди-да, жаҳл билан бўрни ҳовлига улоқтирди.

— Рост-а, энди қаёққа қочамиз?— деб юборди қий-қириб Муниса, синфни ғала-ғовур кулги босди. Мелиқўзи ҳам беихтиёр илжайиб, «ҳа-я» деб юборганини пайқамади.

— Шунақа, ошна,— деди Мутал алам билан,— бу ҳам айни ҳақиқатки... э, бировларни орқасидан пойлаган одамга ўлсам ҳам ишонмайман, ишонмаган одамимга кўнглимдагини ёзолмайман!

— Э, кўнглингдагини ёзма, қаллангдагини ёз!— деди Мелиқўзи кулиб, аммо ўзидан бошқа одам тишининг оқини кўрсатмади. Орадаги нохуш жимликни бузиб, Отақўзи бошини қашиб:

— Мана сизга ҳақиқат,— деб қўйди. Ҳозиргина синфда пайдо бўла бошлаган илиқлик ҳовурини аллақандай шамол бирдан учириб кетгандай кўнгли ҳувиллаб қолди ҳамманнинг.

Мутал қўлини силтаб жойинга ўтирди.

— Э-э, э, ёзмайман!

— Ҳо,— деди Муниса,— унақаси кетмайди, ёзасан! Ҳаммага ўхшаб сени ҳам ҳуқуқинг битта: бўйсинмоқ, бўйсинмоқ...— уёгини айт, деб Отақўзини туртди:

— Бўйсинмоқ,— деб қўйди Отақўзи тўнғиллаб.

— Ана, билдингми?

Аммо на ҳазил-ҳузул, на гап-сўз қовушди. Дарс туга-ёзганда бирин-кетин лоқайдлик билан қўлларига қалам олишди-ю, ўйлаб қолишди: хўш, Мирҳалим ака таъбири билан айтганда, ҳақиқат деганлари нима?! Кўз кўриб, кулоқ эшитган нарсаларми?!

Мирҳалим ака қўнғироқдан кейин ҳам синфда ҳаяллагувчи эди, бу гал биров қувгандек қўшалоқ йўқламани қўлтиғига босиб ҳаммадан аввал остона ҳатлади. Кетмакет чиққан Ҳикматилла акага «хўш» деб қараб қўйди-да, кўзлари билан ҳовлидаги болалар орасидан Мелиқўзини қидира бошлади.

Ҳикматилла ака бирои нарса дейишга ийманиб жилмайди.

— О, синф эмас, жоннинг роҳати!— деди Мирҳалим ака,— мана ахлоқ, мана одоб, Ҳикматилла! Бу болалар овозингизга маҳлиё бўлиб, ўзингизни ҳам пайқамайди-я. Сизни туққандан аъло кўраман, йўқса... Аммо Бўрижон дўзахга ташлади мени!

— Йўғ-е, киройи сизга ишониб.

— Бе,— деди Мирҳалим ака сени бош чайқаб. Бу соддадилга директор ўзи ёққан оловни ўзи ўчирмоққа ожизлик қилганини айтиб, кўнглининг бир чеккасини очмоқ ниятида оғиз жуфтлади. Шу пайт дарвозадан бўйбаста келишган, кўҳликкина бир жувон шошқалоқлаб кирди. Узига қараб югурган қизчани бағрига босиб, шунақа ялаб-юлқадик, Ҳикматилла ака бўзрайиб қолди. Қизчани дарров таниди — Нафиса. Онасими, деб қўйди Ҳикматилла ака. Ҳа, онадан бошқа ким болани шундай меҳри жўшиб бағрига босолади. Аммо уларникида турганига мана бир ойдан ошиб қолди, бу аёлни биринчи кўриши.

— Утган-кетганда кириб юради,— деб қўйди Мирҳалим ака совуққина. Шу топда ҳар иккови ғалати аҳволда қолди. Ҳикматилла ака ҳамон она-боладан кўз узолмасди. Хотини ҳам ўғлини бир кун кўрмаса бағрига босиб, шунақа ялаб-юлқалардик... унинг кўнгли бузилиб кетди. Хотини болажон эди. Ўғли бир қиш қаттиқ оғриб қолди. Бола неча кун чўғ бўлиб ёнган бўлса, онаси ҳам шунча кун мижжа қоқмади. Бир куни ярим кечада уйғонса, қўлини сочиқ билан ўраб, ўғлининг тепасида инграб ўти-

рибди. Сут пишираётганимда бармоғим куйди, деб қўя қолди. Аммо кейин... кейин билса, ухлаб қолмай деб, атай... ё тавба, бунақа қурбонга фақат оналаргина қодирми, балки! Эҳ, ҳали кўҳна бу дунё не-не мўъжизалар шоҳиди бўлмайди-ю, нималар абадий йўқолиб, нималар бунёдга келмайди дейсиз. Ахир қудрати нималарга етмаган инсонни. Аммо меҳриғиёси жаҳонни яшнатиб-яшартган она аталмиш мўътабар зотни оламга қайта келтириб бўлармиди?.. Аллақандай баҳайбат кўланка томдан сакраб тушди. Судралиб келиб Мирҳалим аканинг оёқларига чиппа ёпишди. Кўз очиб юмгунча вужудига чирмашиб чиқа бошлади. Мирҳалим ака қалқиб кетди: чолнинг бургути ўтган экан! Махлуқ нечун шу тобда пайдо бўлди? Тасодифми? Ўлсин тасодиф шунақа бўлса. Мелиқўзи келиб чақирмасами, осмону фалакда оғир-оғир қанот силкиб юрган бургутдан кўз ололмасди.

— Мана, — деди Мелиқўзи бир даста дафтарни Мирҳалим аканинг қўлига тутқизиб, кейин гизиллаб кўчага чиқиб кетди. Ҳовли бир зумда ҳувиллаб, дарвоза олди ҳам аллақачон бўшаб қолган эди. Боядан бери ўғри мушукка ўхшаб деразадан мўралаб ўтирган тиш доктори билан Мирҳалим аканинг кўзлари беҳос тўқнашди. Мирҳалим ака нигоҳини олиб қочди. Ё тавба, осмонда анави махлуқ, ерда манави бетовфиқ, қанақа кўргилик бу ўзи? Мирҳалим ака шошганча Ҳикматилла аканинг тирсагидан ушлади.

— Юринг Ҳикматилла, юринг, ичкари кирайлик.  
Улар олдинма-кейин бошлашиб идорага ўтишди.

## II БОБ

Олисларда тўлғаниб оққан телба сой қирғоқлари сайхон этакларига бориб туташарди. Соининг совуқ пишқириши сайхоннинг бу бошига ҳам баралла эшитиларди. Бу сой юқоридан бирмунча юввош келарди-ю, аммо сайхонга яқин қолганда кескин буррилиб, ўзанидан сакраб чиққудек важоҳат билан буралиб оқарди. Бир лаҳза сонсаноксиз ўнгирилларда йўқолиб, оғир-оғир чайқалиб чиқарди-да, даҳшат билан қирғоқдаги тошларга бош урарди. Қирғоқдаги катта-кичик тошларни ювиб, беҳисоб симоб қатраларидек тўзиб кетарди. Бунинг аламига яна баттар қутуриб келарди... Икки-уч йил аввал эди шекилли, баҳорда ҳам тошганди. Сайхоннинг қоқ белидан сўқмоқ йўл ўтарди. Йўл сайхон ярмига бормай «дарз» кетар ва элликлтмиш метрдан кейин яна яхлитлашиб сўнг икки томон-

га ажраларди. Ушанда тошқин сўқмоқнинг мана шу жойларигача келган, дейишарди. Мутал йўлнинг «буғи шохлари»га ўхшаб икки томонга ажраган ерини сира хушламасди. Аммо илиқ-иссиқ кунлар келиб, тоғда қор эрий бошлаши билан сайхон майсаларга қопланар ва «буғу шохлари» кўкмакларга кўмилиб, узоқ вақтгача йўқолиб қоларди: шунда сайхон бамисоли майса гилам-у, одамнинг юргиси эмас, устида думалагиси келарди. Қани энди, эртакларда баҳайбат тоғни елкасида ушлаб туролган забардаст паҳлавон мана шу майса гиламни бир бошидан хиёл кўтариб юборса, одам думалаб кетаверса! Аммо яхшининг умри қисқа бўларкан. Бу қувонч кўпга бормасди. Езнинг иссиқ нафасидан майсалар бирдан қовжираб, «буғу шохлари» куя тушган пўстакдек лоп этиб яна пайдо бўларди.

Ҳар кун Мутал билан Холпошша ана шу сўқмоқдан қайтишарди. Ҳар кун йўлнинг буғу шохига ўхшаган жойигача келишарди-ю:

— Айрилиш бекати, — дерди Холпошша кулиб.

Мутал шундагина оёқлари остига қараб, ҳовлиққанча ялина бошларди. Баъзида қизча Мутални кўп ҳам қийнамасди. Бошини ажабтовур қийшайтириб, «офтобни ҳам куйдирган» кўзлари кулимсирарди-да, орқага қайтарди. Мутал оламга сиғмай қоларди шунда. Икковлашиб сайхонни бошидан то «буғу шохлари»гача битта-битта қадам ташлаб жимгина келишарди, мабодо Мутал яна хархаша бошласа, қизчанинг хаёлига негадир анави сайхон этагидан илоддек ўрмалаб оққан тентак сой тушарди. Ҳар икковининг, ҳа-ҳа, Мутал билан сой орасидаги ғалати ўхшашликдан ҳайратда қоларди. Сой то бурилгунча ювош оқиб келарди-да, бирдан талвасага тушарди. Мутал шунча йўл юришса ҳам миқ этмасди-ю, аммо «буғу шохлари»га келишлари билан тўсатдан... нима «тўсатдан?!» Қизча бунини ўйламас, йўқ, ўйлагани сарни юраги дов бермасди. Аммо бугун шунақа бир ҳодиса рўй беради, деб хаёлларига келтиришмаган эди икковлари. Уқишдан кейин одатдагидек болалар кўчада бирпас хангомалашиб, қий-чув билан ҳарёққа тарқаб кетишди. Мутал билан Холпошша ҳам сайхон томонга бурилишди.

— Мутал. Нега шундай қилдинг-а?

— Нима? Нима қилдим?

— Қўй-е, қуп-қуруқ дафтар топширдинг, қари одам, калака қилди деб ўйласа-чи?

Мутал елкасини учириб қўйди.

— Узидан кўрсин.



— Узи... яна нима қилди сенга?

— Ҳа, қирдаги каммиди-а?— қизишди Мутал,— камми-а?

— У бошқа,— деди Холпошша,— эшитдингми, бошқа! Бундай қилишга ҳаққинг йўқ эди, кўрган-билганларингни ёзиб беришинг шарт эди, ҳа, шарт эди!

Мутал бошини чайқаб кулди.

— Мен бечорани атиги биттагина ҳуқуқим бор.

— Бас қил.

Мутал ҳазил-ҳузул билан қутилиб кетолмай, пича жим қолди-да, ноқулай аҳволга тушганини яшириш учун папкани осмонга ирғитиб ушлаб олди.

— Холпошша.

— Ҳа, нима дейсан?

— Сенга ростини айтмайми, айтмайми?— У папка билан бошига «тап» этиб урди,— манави, оймқовоққа ўхшаб қолган.

Холпошша хандон ташлаб кулди.

— Улай агар, шундоқ.

— Бечора, энди нима қиласан?..

— Билмайман,— Мутал папкани кўксига босди,— мен юрагим билан яшаётганга ўхшайман, ёзсам, фақат шундаги нарсаларни ёзаман, буни ҳеч кимга, билдингми, ҳеч кимга ишонмайман.

Холпошша довдираб қолди.

— Вой, қизиқсан-а, одам... одам бошсиз ҳам яшарканми?

— Яшаркан, Холпошша, яшаркан,— деди Мутал ва овозининг борича қичқиргиси келди. Улар йўлнинг «дарз» жойига келиб, бир-бирларига термилганча узоқ туришди. Шу топда икковининг иродасига бўйсунмаган ғалати ҳодиса содир бўлди.

— Мутал...

— Нима?

— Вой... жиннимисан?

— Ҳа!

— Нега титрайсан?

— Узинг-чи?

Холпошша қўлларини Муталнинг қўлларида кўриб жонҳолатда тортиб олди. Нима, Мутал атай қилдими? Унда нега пайқамади? Шундай бўлиб қолганини балки Мутал ҳам билмадимикан? Холпошшанинги юраги ғалати шувиллади. Нега авваллари ҳаммаси бошқача эди, ҳа-я, бошқача эди. Холпошша аравада, Мутал эса мудом бочка устида тиззасини қучоқлаб жимгина ўтиришарди. Аммо на

унинг ва на бунинг хаёлига бунақа нарсалар келарди. Ойнинг кўкиш нурида ястанган қир-адирлар, тоғ этакларида аҳён-аҳён ўрмалаган машиналарнинг мунчоқсимон кўзларига қараб ўтиришдан ширин нарса борми оламда. Ё китобларда ёзишгандек (китобларга ишонмай бўларканми) одам бир-бировини кўргиси келаверса, учрашганда ўзлари ҳам билмай... ким билсин, балки, бўлмаса қайси қиз бола жўрттага ўғил болага қўл ушлатиб қўяди? Нималар деяпти ўзи? Унинг хаёллари айқаш-уйқаш бўлиб, бирдан қўрқув аралаш хахолаб кулгиси, уввос солиб йиғлагиси келди. Бу нотаниш туйғу қаршисида қизча довдираб қолди. Шу тобда у гирдобда қолган полапон қушчага ўхшарди: қушча мурғак қанотларини қанча силкиб уринмасин гирдоб қуршовидан чиқолмасди. Ерда анчайин кўринган жами нарсалар юқоридан нақадар ҳайратга солишини қушчага намоёиш қилмоқчи бўлгандек гирдоб уни етти қават осмонга олиб чиқиб кетди. Сўнг қушчанинг ҳайратдан энтикиб талпинганини кўрди-да, бирдан пастга ташлаб юборди. Қушча бундай парвозга кўникмаган қанотларини ҳадеганда ростлай олмай, чархпалак бўлиб пастга шўнғиди. Унинг вужуди шувиллаб, шундай саросимага тушдики, аммо гирдоб яна бир ҳамла билан ярим йўлда илиб олди-ю, чайқаб-чайқаб олисларга суриб кетди. Қушча алланарсанинг қанотларида қалқиб-қалқиб бораркан, аҳён-аҳён чирқиллаб қўярди. Опасининг иссиқ қаноти остида ширин-ширин мудраганларини кўмсармиди, ё вужудини ўртаган потаниш ҳаяжонни кичкина юрагига сиғдиролмай энтикармиди, билиб бўлмасди. Холпошша ҳам шу аҳволда эди, кўзларидан бир томчи ёш сизиб чиқиб, юзида қотиб қолди. Мутал чўчиб тушди. Орадаги «дарз»ни босиб ўтишга журъат этолмай, бармоғини қўрқапса чўзиб қизнинг юзидаги ёшни секин сидириб олди. Унинг қилиғига Холпошша маъюс жилмайди.

— Ҳа?

— Ўзим.

— Вой, нега йиғладинг?

Қизча ҳазилга олди.

— Атиги биттагина ҳуқуқим борлигини ўйлаб хўрлигим келди.

— Ҳой, менга қара,— деди Мутал бирдан,— бизда данганни хусумати борми, нега бундай қилди?

Холпошша кулди.

— Ўзидан сўра.

— Нима, сўролмаманми?

— Вой, сўра деяпман-ку.

— Сўрайман,— ҳовлиқди Мутал,— хоҳласам, ундан каттароғини ҳам сўрайман...

— Ундан каттароғи деганинг нимаси?

— Айтайми? — деди Мутал сой тепасида туриб сувга шўғғийми-йўқми, деб саросимада қолган одамдек,— айтайми?

— Ҳой, мунча чўзасан?

Мутал энтикиб кетди, аммо қизнинг кўзларига қараб, тилидагини айтолмади.

Холпошша ортиқ қистамади уни.

Улар «буғи шохлари»га тикилганча яна анча вақт жим туришди-да, сўнг одатдагидек Холпошша бир «шохдан», Мутал бошқасидан уйлари томон кетишди. Холпошша бора боргунча ўйларди: «Вой, тавба, айтмоқчи бўлгани нима эди-а?» Мутал эса яна орқага қайтди. Ёзда нақ раис бувани босиб қолаёзган баҳайбат пок тўнқасига чиқиб чўнқайди. Анчагача сойнинг шовқинига қулоқ солиб «буғи шохлари»га қараганча хаёл суриб ўтирди.

Эҳ, оламда сира-сира тугамайдиган, на боши-ю, на охири бор кўчалар бўлса-ю, ўша кўчалардан икковлари кетаверишса, бир умр тўхташмаса. Сой томонга бир гала майда-чуйда бола чувиллаб ўтиб кетди. Кейин яна ҳаммаёқ, ҳамма нарса сойнинг тинимсиз шовиллашига кўмилиб мудради. Офтоб нокзор ортига ўтди. Дарахтларнинг сайҳондаги узун-қисқа соялари «ўсиб», бора-бора сўқмоқни кўмиб қўйди. Анави «айри шохлар» ҳам йўқолиб, хаёлида сайҳонни кўкламдаги ўша барра майсалар қоплади-ю, кўкмаклар орасида юрган какликка ўхшаб тўлиб-тошиб сайрагиси келди, аммо, эшитармикан?

Холпошша ҳам уйга келди-да, на овқатланди, на одатдагидек енг шимариб уйни йиғиштирди. Хонасига кирганча каравот суйанчиғига папкани илиб ўзини ўринга таппа ташлади. Шу кўйи узоқ ётди, бирдан ойисининг бўйнига ёш боладай осилиб овозсиз, унсиз тўлиб-тошиб йиғлагиси келдики, тавба, нега кўнгли бундай бўлди?! Қизча болалиги билан, энди сира-сира қайтиб келмас беозор, беғубор болалиги билан хайрлашарди!

Алланарсанинг шарпасидан чўчиб бош кўтарганда даси ҳам ишдан қайтиб айвоннинг чироғини ёққан эди. Эшик тирқишидан пичоқдай ярқираб полга тушган шуъла каравот суйанчиғида синди-да, қуббаларини тухумдек оқартириб қўйди. Шунча ётдимми, дея қизча сапчиб турди, шоша-пиша кийим-бошларини алмаштираётганда даданинг овози эшитилди.

— Қизим, нега чироқ ёқмадинг?

— Узим,— деди ва бўшашиб эшикни очди. Дадаси ҳозиргина чайиб келган помидорни ҳафсала билан тақсимчага тўғрарди. Овқатни шусиз емасди. Олдироқ узилса таъми йўқолади, деб, эринмай томорқадан помидор териб келиб, кейин овқатга ўтирарди.

— Дада, овқат қилолмадим.

— Нега? Узинг-чи, қизим, оч қолдингми?

— Йўғ-е...

— Бўлмаса тўрттагина тухум чақа қол, ота-бола мана булар билан енгилгина овқатланайлик.

— Майли,— деди Холпошша ва ошхонага ўтиб кетди.

Ажаб, деб қўйди қизини сира бунақа аҳволда кўрмаган ота. Унинг маъюс кўзлари... ё шундай туюлдими? Чарчаганми? Бир ёқда ўқиш, уйнинг майда-чуйда юмуши, буёқда ойиси йўқ, анчадан бери шаҳарда илмий ишини тугаллаш билан овора, соғинган. Холпошша тақсимчани ўртага қўйганда қизининг кўнглини кўтариш ниятида:

— Онанг дейман, бизни унутиб юбордимми-а?— деди ҳазил аралаш.

— Вой, дада,— ажабланди Холпошша.— Хат билан посылка келганига икки кун бўлди-ку.

— Ҳа-я,— деди хаёлларини жамлаб Бўрижон ака.

Хайрият, деб бир оз таскин топди-ю, аммо қизига яна разм солиб ажабланди. Уни қирда шу аҳволда кўрганди. Қир шароити, кечгача жазирама офтобда ишлашнинг ўзи бўлмайди, деб қўя қолганди ўшанда. Энди-чи, энди нима бўлдийкин? Сўрасинми? Бе, бу ёшдаги қайси бола мана, деб дафтар варағидек кўнглини очади. Қолаверса, буни ўзига эп ҳам кўрмасди. Ё тоби қочдими, йўғ-е! Ота ҳаргал ишдан қайтганида қизининг самимий жилмайиб кутиб олишини жуда ёқтирарди. Аммо бугун, ё тавба, шубҳа қурғур мунча елимдек ёпишмаса кўнглига? Сира бунақа одати йўқ эди-ку, ё Мирҳалим акадан юқдими? Бўрижон ака қўлларини арта туриб беихтиёр кулиб юборди.

Холпошша ошхонадан чиқиб, дадаси рўпарасига чўққайиб олди.

— Дада, нега кулдингиз?

— Э, қўявер, қизим, шунчаки, одам кўнглига қараса, кўнгил қурғур не қўйларга солмайди, шунга кулдим.

— Вой, дада,— Холпошша кўзларини катта-катта очди,— ўзингиз одам кўнглига қараб яшаса хато қилмайди, дегансиз-ку?

— Деганман, қизим,— деди Бўрижон ака шошиб,— кўнглига келган нарсани бир карра фикр-мулоҳазадан ўтказса, хато қилмайди, деганман.

Холпошша айвон устунига тегиб турган нок шохларига қараганча, негадир жилмайиб қўйди, вужуди яна бир ширин жимирлаб кетди. У дадаси билан хаёлан сўзлашаётганга ўшарди-ю, аммо дадасининг овози яқиндан эшитилаётганига ҳайрон эди. Бўрижон ака эса ундаги кайфиятни нимага йўйишни билмай боши қотиб ўтирарди. Ҳа, гапирган, лозим бўлса, яна айтади. Аммо ҳозир ўз фикр-мулоҳазасини қизи оғзидан эшитганда, нечун таажжубда қолди? «Оҳ, инигинам, айтганман сизга, айтганман,— дея хаёлига лоп этиб Мирҳалим ака келди,— о, бу ёшда болага кўнгил қурғурдан асло оғиз оча кўрманг-у, бошвоғини бўшатманг».

— Нечун?— деб юборди Бўрижон ака.

— Қирдаги машмаша ёдингиздан кўтарилдим, иним, мустақил ҳаётга ўргансин дедингиз, болаларни қирга ёлғиз юбордингиз, оқибат, нима ютдингиз, Бўрижон?!

Бўрижон ака қолди.

— Мен ҳаловат йўқотдим.

— Балли!

— Аммо, нималарга қодирлигини кўриб кўнгилларида ишонч уйғонмадим, ана шуниси муҳим эмасми?

— Ана шу ўзбошимчалик азм туп нок улугни устига қулаганда, қизингизни оз бўлмаса фожеага етакладимми?

Бўрижон ака бошини чапгаллаб узоқ сукут қилгач, «аксинча» деб қўйди оҳиста.

— Қўйинг, ука, болага илм, ҳа, фақат илм даркор, жуғрофия, кимё, она тили... бай, бай, тилимизни беқиёс бойлигини айтинг, болани миясини ана шулар билан ачитиб ташланг, токи муштдай ёшидан фалсафа ўқишга ўрганмасин, вожааб, ўзи не истайсиз?

— Одам бўлсин дейман, Мирҳалим ака, одам бўлсин!

— Ия, ахир илм-маърифат билан...

— Олим,— унинг гапини бўлди Бўрижон ака,— аммо Мирҳалим ака, бебаҳо бу ёшликдан, тўғрилиқми, одилликми, покизалиқми, ким нима ололди? Ҳамма гап шунда эмасми? Борди-ю, ана шулардан бенасиб қолганлар бўлса, бунга нималар-у, кимлар сабаб?

...Анави тентак Муталнинг ғалати қилиқларини ўйлаб ўтирган Холпошша беихтиёр дадасига қаради-ю, шундагина дадаси қаршисида ўтирганини пайқаб қизариб кетди. Дадаси хонасига кириб кетганда ҳам қизча алламаҳалгача ўзига келолмади. Бирдан бошини папка билан тапиллатиб урган Мутал кўзларига кўриниб:

— Э, ўл-е,— деб юборди пичирлаб,— бошсиз ҳам яшаб бўларканми?

Аммо Мутал ҳамон хаёлида қичқирарди.

— Бўларкан, Холпошша, бўларкан!

Қизча эса орзиқиб:

— Қўй, Мутал, қўй,— деди ўпкаси тўлиб,— ўтакамни ёрма. Туппа-тузук бошинг бор-а, нега йўқ дейсан, тен-так!

Шунда Мутал бирдан аввалги, ювош, мулойим Муталга айланди-ю, Холпошшани кўнглини ширингина гувиллатиб тўлиб-тошиб «сайради»ки... Оҳиста ғичирлаган товушдан чўчиб тушди Холпошша ва нимага кўзларига дув этиб ёш келганига ўзи ҳам ҳайрон бўлиб кафтлари билан дарров артиб олди. Дадаси деразадан бошини чиқариб ҳовли томонга анчагача аланглаб:

— Ажаб, — деб қўйди, — тоғдан каклик адашиб келганми?!

### III Б О Б

Шу куни Бўрижон ака қанча безовталаниб чиққан бўлса, Мирҳалим ака шушча хотиржам ўрнидан турди. Дарси охириги соатдалигига чойни ҳам шошилмай ичди. Бемалол ёнбошлади. Кеча ҳовлиқиб кўрган дафтарларни яна бирма-бир варақлади: анави қирда каклик бўлиб сайраган бола, оббо, нодон, нимагадир аччиқ қилиб дафтарни қуруқ топширибди. Бошқаси — Нафиса, номига чалачулпа ёзибди. Ҳа-я, қирга бормаган, нимани ҳам ёзарди?! Қояда ўтирган бургут расмини солибди. Мирҳалим ака дафтарларга қараб ажаб хаёлда қолди: ўйлагани бўлмади-я... битта-яримтаси лақиллаб анави болани қирдаги қилмишларини ёзгандами, ақалли шама қилгандами, кўзини пахтасини чиқариб, йўғ-е, дангал ўзига ўқиб берарди-ю, кейин гаҳ деса... э, аттанг! У чўққи соқолини тутамлаб узоқ ўйга чўмди-да, бирдан ошхона томонга қараб қичқирди:

— Ҳой, нимага уннадинг?

Хотини овоз берди:

— Қовоқ қовурайми деб турибман.

— Бе, ош дамла!

— Ҳа, тинчликми?

— Меҳмон бор.

Хотини деразадан қаради.

— Оббо, яна дон сочишни бошладингизми?

— Алжирама,— Мирҳалим ака ўрнидан йигитлардек

енгил турди — «кўр ҳассасини бир маротаба йўқотади». — Қамбар ота билан жиянини чақирсамми, дейман.

Хотини индамади, анчадан сўнг қулоқларига ишонмай: «Ҳой, дадаси, ростми», деб чиққанда Мирҳалим ака аллақачон кийиниб, хотинига бундан ўттиз беш йиллар аввалги қирчиллама, пўрим чоғларини эслатиб, таёқчасини ўйнаганча кўча эшик томон юрганди. Хотини алланечук қараб қолди. У эрининг сўнгги кунларда чўпдан ҳам ҳадиксираб, шундоқ покиза одамдан «айнигани»ни сира тушунмас, ҳаммасига сабаб директор деб биларди. Уни кўргани кўзи-ю, отгани ўқи йўқ эди. Авваллари файз бошқача эди: қиш оқшомлари Қамбар ота уйларига бот-бот келарди. Шунда эри ипакдай майин тортиб, қуюқ дастурхон устида иккови оламдаги жами ёмонларни қарғашиб, яхшиларни мақташиб ўтказган осуда дамларни қўмсаб қўйдди. Шу тобда Мирҳалим ака ҳам хаёлига келган фикрдан дардига малҳам топгандай енгил тортиб борарди: ҳой, пашшадай махлуқ ҳам ожиз қанотини силкиса, ўргимчак тўридан омон қолармиш-у, нечун анавини дўқ-пўписасига гинг демай, нуқул оёғига пойандоз бўлади?

Майли, бу галча ҳам ҳожатини чиқарсин; чолни «ҳа» ё «йўқ» деган сўзини олиб берсин. Ош бир баҳона, акаси, бас, ҳар нарса эви билан деб юзига шартта-шартта солмасами?! Шундай деб юпанарди-ю, аммо кўнглининг аллақаерида бунга жилла ҳам ишонмасди. У чолнинг ҳовлиси томонга бурилди. Бурилди-ю, бехос қулоқлари остида аёл кишининг телбанамо чинқирғи эшитилиб, пахса деворни ушлаб қолди. Бу овозни ўн йилча аввал қандоқ эшитган бўлса, ё тавба, мана ҳозир ҳам эшитди-я. Аёл ўша жон талвасасида кетган экан — уч кун демай уни ҳам ўглининг ёнига қўйишди. Эри — чўяндек бақувват, забардаст одам бир кечада совуқ урган поядек тиришиб қолди. Кейин, анча йилларгача телбанамо бўлиб юрди. Мана шу набирасининг бўйи арчадай чўзилиб, кўзга кўриниб қолгач, аранг ўзини ўнглаб олди. Аммо шу-шу Мирҳалим акага рўйхуш бермади, уни кўрса алланечук ҳурпайиб оларди. Шунча йил мобайнида сада кесиладиган бўлганда чолнинг ўша гаплашгани демаса. Боягина анчайин туюлган нарса шунчалар мушкул-у, чолга қамти келиш азоб-уқубат эканини вужуди билан ҳис этиб, Мирҳалим ака товонигача музлаб кетди. Алланарса тепасида чунонам даҳшат билан силкинди ва пахса деворнинг шўрлаган тупроғи устига шувиллаб тўкилди. У жон аччиғида букчайиб олди.

— Чўчиманг... — деди аллаким. Шундагина ўн-ўн беш

одим нарида турган чолга кўзи тушиб, базўр ўзига келди. Чол унга қарамади. Қафти билан қуёшни тўсиб осмонга тикилди-да:

— Келинг,— деб қўйди совуққина.

— Ҳм, ўзим.

— Ановинда аллақандай зарурат билан олдимга ўтишингизни тиш доктори қизимдан айттирган экан.

Чол ҳовлига бошлади, аммо Мирҳалим ака эшик олдидаги супачага ўтирди. Уни авзойига қараб чол остонада тўхтади.

— Бетобмисиз?

— Шундоқ,— Мирҳалим ака рўмолча билан юз-кўзларини артди,— камина, бир қадам босишга мажолим йўқ.

Чол ночор унинг ёнига оғир чўкди, анчагача икковларидан садо чиқмай жимгина ўтиришди. Чол яна осмонга аланглаб қўйди. Аммо бургут олислаб кетгани учун кўзи ҳеч нарсани илғамади. Мирҳалим ака эса, «ҳа, лаънати, буёғини ҳам шиббалаган экан», деди-да, гапни нимадан бошлашни билмай ич-этини еб ўтирганда:

— Мирҳалим,— деди чол,— ўша шовиллаган нокзор-у, садаларни ўйласам... ё тавба, инсон хотирасига ҳам ҳеч замон болта кўтарадиларми?

Мирҳалим ака чўчиб кетди.

— Эшитгандирсиз.

— Ҳикматилла айтди, кимгадир инсоф келиб, режа ўзгарганмиш.

— Шундоқ,— деди Мирҳалим ака шошганча,— менга осон тутманг, ўшанда бажарган бўлсам, ўзгаларнинг хоҳишини бажарганман, аммо камина дилим вайрон бўлмаган дейсизми?

— Балки,— деб қўйди чол,— аммо, Мирҳалим, бировларнинг болтасига даста бўлманг, сизга ярашмайди.

Мирҳалим аканинг қулоқлари шанғиллаб кетди, кўзлари тинди. Боши ғувиллаб, боягидан бешбаттар лоҳас сизди ўзини. Шу тобда манави одам олдида тўнкадек гурсиллаб йиқилмаса бўлгани. У қўли билан пайпаслаб супачани ушлади. Чол ўйга толди. Одамзод қизиқ экан. Ҳой, урушда юриб ҳам ўзи пайванд қилган ниҳоллари хаёлидан кетмасди. Одамлар нима ташвишдаю, мингдан зиёд ниҳолни ким ҳам вақт топиб кўчат қилади, деб мудом юраги ачирди. Йўқ, келса, барака топгур мактаб болалари ўйлагандан ҳам зиёда қилиб нокларни сойнинг бу томонидаги сайҳонга ўтқазишибди. Шулар орасида ўғли ҳам бор эди, бор эди! Чолнинг кўзлари намланди.

— Улим, ёш-қари демайди, аммо қарчиғайдай болам-



ни бекор нобуд бўлганига, йўқ, чидолмайман, чидолмайман.

Чол бошини ҳам қилиб узоқ ўтирди.

— Бошқалар-чи,— деди жунжикиб Мирҳалим ака,— бошқаларни шуқури йўқми?

— Нега бўлмасин,— чол бошини кўтарди,— бор, якка-ягона чироқчим — набирам, ўз қизимдек бўлиб қолган — келиним, мана — Ҳикматилла. Болагинамни нафаси уриб турган Муроджон, бошқаларни шуқури бўлмаса, келинимга: «Акаларингни бағрида тур, болам, бирон мўмин-муслмон чиқса уй-жой қил, дунёдан ким... ким тоқ ўтибди», дермидим?

Мирҳалим ака ҳовлиқиб, «камина шу боисда», деб гап чайнади-ю, аммо дарров чолга разм солди. Чол оёғи остида ипдек чўзилган чумоли карвонидан кўз олмасди. Афтидан, унинг гапини англамади, ё эшитмади.

— Ҳа, айтмоқчи,— деди ўгирилиб,— қандай зарураи эди, Мирҳалим?

Мирҳалим ака энгагини таёқчага қўйганича узоқ ўйланиб ўтирди, ниҳоят дарс билмаган боладек гўлдираб, муддаонинг учини очганда, чол алланечук жавдиради.

— Мирҳалим, сиз, нечун мунча қайғурасиз?

— Қайғурмай бўларканми, қарчигайдай йигит кўксини мажнундек захга бериб ётса, қайғурмай бўларканми?

— Туғишганлари турганда...

— Илож қанча,— деди қўлларини ёзиб Мирҳалим ака,— ўшалардан аъло кўрса керакки, аввало сиз билан қизининг розилигисиз бир нима деёлмасмиш!

Чол фотиҳа тортгандек қўллари билан беихтиёр юзини тўсди.

— Кўзёши оқил одамни иши эмас.

— Биладан, аммо сабил ўзидан-ўзи қуйилиб келаверса... йўқ, бахтига тўғаноқ бўлмоқ ниятим йўқ, неварамни қўйинг, бағри тигланмасин, тақдир нимани раво кўрса шу.

Чол каловлаб ҳовлига кирди ҳамки, Мирҳалим ака вужудини алланарса куз япроғидек силкитиб юборди: супачага ёпишиб қолгандек ҳадеганда туриб кетолмади. бетовфиқ, икки оёғини бир этикка тикиб хархаша қилмаса, бу даргоҳга ўлса ҳам йўламас эди! Мактаб остонасигача боя кўнглига далда берган ажиб мулоҳаза билан «пашша ҳам силкинса...» деб юпаниб келди. Аммо «тиш доктори» деб ёзилган эшик тутқичини ушлаганда кўзига мушук кўринган сичқондай оёқ-қўли қалтираб кетди. Аранг эшикни очди. Анави «мажнундек кўксини захга берган

қарчиғай» курси суюнчиғига ялпайганча оёқларини чалиштириб папирос чекарди.

Мирҳалим ака томоқ қирди. Тиш доктори қўқон арава-нинг гупчагига ўхшаган бесўнақай оёғини тиззадан олиб «топ» этиб полга қўйди.

— Иш ўнгидан келдими, дейман-а?

Мирҳалим аканинг тарвузи қўлтиғидан тушди.

— Мен борганимни қайдан пайқадингиз?

У илжайиб курсида гир-гир айланди.

— Уз таъбирингиз билан айтганда, «оқил одам ҳамиша оқиллигича қолади», Мирҳалим ака, сиз шундай одам-сиз!

Бу хушомадми ё кайфияти тузукми, ҳар қалай Мирҳалим акада бояги дадиллик пайдо бўлиб, аввало яхшиликча, зўр келса, «пашшадек қаршилик кўрсатишни» ўйлаб, гапни узоқдан бошлади.

— Аммо, хаёлимга бир мулоҳаза келиб денг...

— Хўш?— у айланишдан тўхтади.

— Хўп денг, қарчиғайдай йигитсиз, хўп денг, қишлоқни суқсурлари турганда...

Хўп деганмиш-а, мунча жонҳалаксан, биламан дегандай Мирҳалим акага назар ташлади-да, унинг гапига ортиқ эътибор бермади. Йўқ, раҳматли тоғаси кексайган чоғида ҳам бунақа алжирамаган. У одамнинг ҳар калима сўзлари тиллога арзирди, тиллога! Ушанда ёшмиди, унинг гапларини жилла эламасди. Ё одамнинг иши ўнгидан келиб турганда бошқаларни менсимасмикин? Раҳматли, му-дом, ҳой бола, балиқнинг наҳангини ушлай десанг, қармоқни қирғоққа эмас, имкон борича дарё ўртасига ташла, дер эди. Бу ҳам мана ҳузур-ҳаловатдан кечди. Калаванинг учини топай деб бу ерларга келди. Ҳаммасини қайта мулоҳаза қилса, шаҳарда қилча илинжи йўқ, уста Олимнинг кўёви билан невараси шу ерда. Хўш, ишни ни-мадан-у, қандоқ бошламоқ лозим? Унинг фикри-зикри шу эди. Кўпинча чол пинакка кетди дегунча чопонини елка-сига ташлаб чиқиб кетарди. Уй-хаёлларига эрк бериб гонг саҳаргача изғир эди: ажабо, мана шу жойларда ҳалова-тини йўқотиб, бир маҳаллар тоғаси ҳам роса тентираган. Унга буюрмаган бунга насиб қилармикин? Қўш сада ол-дидаги сайҳонда ётиб туш кўрибди: қишлоқдан бош олиб кетаётганмиш. Ярим йўлда таниш овоз эшитилиб орқаси-га қараса, сутдек ойдин сўқмоқдан, жойинг жаннатда бўл-гур тоғагинаси оппоқ қордек кўйлак-ништонини ҳилпиратиб келаётганмиш. Кела солиб: «Қармоқшику дарёнинг кинди-гига ташладинг, тентак», дермиш куйиб-пишиб. «Сен из-

лаган наҳанг балиқ шу дарёда, шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирларми?» Узимга аён барча сир-асрорни ошкор эта қолай, деб тоғаси яна оғиз очганда олисда шу томон югуриб келаётган бир қиз билан ўғил боланинг овози эшитилиб, «ғафлатда қолмай десанг, анавилардан кўз узма», дея тўсатдан ғойиб бўлибди. Шайтонга дарс берган Мирзадўст тоғасининг энг муҳим гапни айтмай жуфтакни ростлаб қолгани тоза алам қилиб, «тоға, тоға»лармиш. Қора терга ботиб уйғонса, аллақадан қиз ва ўғил боланинг майин овози эшитилди. Анчагача осмонга қараб ётди, юлдузлардан энг йириги бирдан кўз қамаштириб учганда, туш эмаслигини пайқаб, таёқдек қотиб қолди. Шу аснода овоз яна такрорланди. Бу гал жуда яқиндан, шундоққина тепасида аниқ эшитилди. Юраги гурсиллаганча тўнтарилиб мўралади: бахтига ой энди кўтарилиб, қўшсада кўланкаси унинг устига тушганди. Садалар олдидаги бир қиз ва бир болани кўрди. Қизча ингичка қўллари билан тиззасини қучоқлаганча дарахтга хомуш суянган эди, бошқа дарахт тагида уста Олимнинг набираси — Мурод чўнқайиб ўтирарди. Совуқда қолган одамдек қалтқалт титрай бошлади. Бирон ноҳўя хатти-ҳаракат, ёхуд беихтиёр овоз бериб қўйишдан қўрқиб, юзини ерга қўйганча кўрган туши-ю, анавиларнинг кечаси бу ерда қўққисдан пайдо бўлишини ўйлаб узоқ ётди.

Қизчанинг майин товуши эшитилди.

— Мурод.

— Нима?

— Нега сени буёққа бошлаб келдим, биласанми?

— Йўқ.

— Бугун,— қизча хўрсинди,— бугун дадам туғилган кун! Бобомни авзойидан ҳеч нарса пайқамадингми?

— Йўқ, ҳали бетобман деб...

— Э, бу бир баҳона. Мени ўксимасин дейди. Ҳар йили шу куни уйга кириб, эшикнинг илгагини солиб, даданинг расмини юзларига суртиб тонготар йиғлайдилар, кошкни билмасам...

Қизча тиззасига юзини яшириб «пиқиллаб» йиғлади. Мурод ўрнидан турди-да, қизчанинг рўпарасига келиб оҳиста тиз чўкди.

— Нафиса...

— Қўй,— деди қизча,— қўй ўз ҳолимга...

Бола ҳайкалдек қотиб қизчага узоқ тикилди, сўнг сенинг эгилди-да, тўсатдан ўкириб юборди. Қизча чўчиб бир зумгина йиғидан тўхтади, ажабланиб болага термилиб қолди. Сўнг қўрқа-писа унинг сочларига қўл теккизди-ю,

дарров тортиб олди. Бола ҳайратда бош кўтарди. Йўқ, йўқ, бунда ўзга маъно, норасида кўнгилнинг тўлиб-тошган миннатдорчилиги бор эди.

— ...Мендан каттасан-а? — деб қўйди қизча.

— Билмадим, бир ойми, нега сўрадинг?

— Шунчаки.

— Айта қол.

— Ке... — деди қизча узоқ жим қолиб, — шу садалар гувоҳ, мен туғишган, билдингми, туғишган синглинг бўлай.

— Майли, — бола энтикди, — майли, ўла-ўлгунча.

...Ойдин кечада сокин мудраган далаларни тўлдириб олисда каклик сайради. Бола сапчиб туриб кетди. Бориб бояги жойига чўнқайди. Қизча шошиб юзидан қўлларини олди. Алаңлади. Сўнг ёйилиб жилмайди. Киши эса хавфсираб ер тишлаб қолди. Шу алфозда узоқ ётди. Кутди. Аммо бирон шарпа, бирон овоз қулоғига чалинмай, яна секин қаради. Энди қизча билан бола рўбарў ўтирарди. Қизча бояги қиёфада: оёқларини қучоқлаб, бошини тиззасига қўйганча боладан кўз олмасди. Бола ўнғайсизланди шекилли:

— Ҳа, расмимни чизасанми, — деб қўйди.

Қизча елкасини учирди.

— Балки...

— Ҳой, — деди бола яна довдираб, — нега расм дафтаринг иккита?

— Яхши кўрганларимни биттасига, ёмон кўрганларимни бошқасига чизаман.

— Мени-чи? — деди бола ҳазиллашиб, аммо бирдан қизариб жимиб қолди.

Қизча кулди.

— Вой, сен акамсан, сенга алоҳида дафтар тутаман, то мактабни битириб шаҳарга ўқишга кетгунингча ҳамма-ҳаммасини чизаман.

— Кейин-чи?

Қизча маънос ҳўрсинди.

— Шаҳарда расомларнинг ўқиши бор, — бола ажабланди, — бормайсанми?

Қизча оҳиста бош чайқади.

— Бобом-чи? Ҳам ўғли, ҳам қизи менман, қандай ташлаб кетаман? Қани тезроқ ўқиш бита қолса, бобомга ёрдамлашсам.

— Унақа дема, мен-чи? — деди бола шошиб, — мен ёрдамлашаман, ўқийсан, ҳа, ўқийсан! Кейин, сен ўқиб бўлгандан кейин, мен бораман.

Боланинг самимий гапларидан қизча энтикди:

— Сен, Мурод, сен шунақасанки!

— Қанақа?

Қизча унинг «қанақа»лигини айтмади-ю, аммо бу фикрини бошқачароқ ифодалади:

— Мабодо насиб қилса, фақат бобом иккаловингнинг расмингни яхшироқ чизишни ўргангани борардим.

Шу борада гап узилди-да, икковлари ерга боққанча узоқ жим қолишди. Ой ҳаволанди. Тоғ томондан шабада турди. Садалар дам кумушланиб, дам қорайиб майин чайқала бошлади.

— Ўшанда,— деди бола аллақандай ўкинч билан,— анави дафтарингни менга ташлаб кет.

— Э-э, э нима қиласан?! Мирҳалим акани расми бор, майлими?

— Учириб ташла!— деди тўсатдан бола.

— Вой, нега?

— Анави кунни дадамга: «Бўрижон илм ўргатиш эмас, болани кўнглини овлаш пайида юрган бир девона», дебди.

Бола қизчанинг ҳам жаҳли чиқади, деб кутган эди, аммо қизча қийқириб кулди.

— Қанийди оламда фақат Бўрижон акага ўхшаган «девона»лар яшаса. Шу деганига Мирҳалим аканинг расмини қайчи билан қийиб, анави ёмон кўрганларим орасига ёпиштириб қўяйкин...

— Майли,— деди бола.

— Кейин, дафтарни тиш докторига ташлаб кетай, нукул мени чақириб: «Мен дадангиз бўлсам, оппоқ қиз, тишингизни тилло қилиб берардим», дейди, вой тилланг бошингда қолсин. Шунақа ёмон кўриб қолдим ўшани!

— Мен ҳам,— деди бола.

Қиши бирдан бошини ерга қўйди-да, қулоқларини динг қилиб, оғир-оғир нафас ола бошлади, зумраша қўлимга тушсанг бир эмас, иккита тишингни суғуриб ташлай, деб хаёлидан ўтказаркан, яна боланинг овози эшитилди.

— Шу одамни қаерда кўрганман?!

Қиши ерга қапишиб, анчагача қимирламай ётди. Юраги така-пука бўлиб қараганда, саданинг ости бўм-бўш эди. Шу кунни уйига қайтгиси келмади. Санқиб юрди. Кўнгли нохуш эди. Ажаб нарсаларнинг шоҳиди бўлдимми? Анави боланинг «қаерда кўрганман?» деганини эслаб юраги гашланди-ю, аммо ўшанда сочини таг-туғи билан олдириб ташлаганига ҳозир мамнуи бўлди. Майли, иккови сада остида ака-сингилмиз, деб қасам ичса ичаверсин, аммо

бу иноқлик қурғур ўжар чолнинг келини билан уста Олимнинг куёвини учраштириб қўйса-чи? У узоқ бош қотирди. Мабодо шундай бўлса, режасидаги битта ҳалқа йўқолиб, занжир узилиб қолаётганга ўхшайверди. У сахар палла ҳовлиқиб уйига қайтди. Маст уйқудаги Қамбар отани уйғотди. Чол уйқусираб, унинг гапини чала-чулпа эшитди-да, «ниятингиз кўп маъқул, иним, кўп маъқул, аммо буни Мирҳалим ака уддаламаса», дея Мирҳалим акани балогардон қилди.

...Мирҳалим ака ҳамон остонада туриб гапини маъқулларди. Анави бўлса хаёл оғушида эди. Мирҳалим аканинг овози пашшанинг ғинғиллашига ўхшаб борган сари ғашига тегарди.

— Бас!— деди сапчиб туриб,— пишдими-йўқми, шуни айтинг.

Унинг ёқимсиз овози-ю, бежо кўзлари Мирҳалим акани бир лаҳза саросимага солиб қўйди. Аммо, «пашша ҳам силкинса» деб, арабг ўзини ўнглаб олди.

— Инонинг, иним, инонинг, камина асло бош қўшолмас эканман.

Анави ғалати ишшайди.

— Йўғ-е, ё чолга товба-тазарриқ қилиб келдингизми?!

— Қўйинг, неки содир бўлган бўлса, кўргилик, ука, кўргилик, қитиққа тегманг, бефойда, камина чўчимайман!

— Чўчимасангиз, даргоҳига борармидингиз.

Мирҳалим аканинг тили калимага келмай қолди.

— Очиғини айтайми,— ҳансираганча Мирҳалим аканинг тепасига келди,— ўша аёл мутлақо гапимга қулоқ солмай қўйса, буёғи ўзингизга ҳавола, кифтини келтирасиз. Қизи билан анави чолни ишга солинг, йиғласин-сиқтасин, кўндирсин!

— Нима? Аёл «қизим, қайнатам рози бўлса бас...» деди, демаганмидингиз. Оппоқ соқолимни ҳурматини қилмай алдадингизми?

— Ия, ия, оппоқ соқолингизни энди пайқадингизми, Мирҳалим ака?— дея бамисоли момақалди роқдек гулдираб кулди-да, Мирҳалим аканинг қўлидан зарб билан силтади. Мирҳалим ака коптокдек учиб бориб курсига қарсиллаб тушди. Курсининг суянчиғи полга бир тегиб турди. Шу аснода Бўрижон ака қўққисдан эшикни очди.

— Бўрижон...— жон аччиғида шайтонлаб чинқириб юборди Мирҳалим ака. Ичкарига «нима, нима» деб кирган Бўрижон акани кўриб, анави бир лаҳза саросимада қолди. Аммо вақтни бой бермай, сапчиб омбирни олди-ю, абжирлик билан Мирҳалим аканинг оғзига солди. Соппа-

соғ, ягона жағ тишини бураб суғурганда, Мирхалим аканинг кўзларида ўт чақнади!

— Қаранг!— деб бошмалдоқдек қоп-қора қон тишини Бўрижон акага кўрсатди,— соғ жойи йўғ-а, ҳой, Мирхалим ака, қандоқ чидадингиз?

Кўзлари соққасидан чиққудай олайиб, ранги қум ўчган Мирхалим аканинг қўлидан ушлаб:

— Тиш оғриғи қурсин,— деди Бўрижон ака,— ўзингизни босинг, қутулдингиз!

Мирхалим ака ғўлдираб гапиролмас, дағ-дағ титрарди. Орадан анча вақт ўтди. Мирхалим акани икки кишилашиб турғизишди, оёқлари букилиб-букилиб остонага зўрға етиб олди. Бўрижон ака ачиниб, «бориб ётинг», деб кўчагача кузатиб чиқди. Анави меҳрибонлик билан дарров қўлтиқлаб олди.

Йўл бўйи қўлини кўксига босиб: «Жон ака, ўзингиз айтинг, иложим қанча эди, жон аччиғида бир бало деб қўйсангиз, ҳозир бола-чақани олдига борармидингиз? Битта тиш ўлсин, бошингиздан садақа»,— деб тинмай жаврарди.

...Кечқурун қазили паловни иккови — Қамбар ста билан «жияни» пок-покиза туширди. Мирхалим ака бўлса хотини шошилиб пиширган бир товоқ аталага мўлтайиб, «одам бир тойимасин экан», деди афсусланиб. Алами меҳмонлар кетганда билинди. Ёши бир жойга борганда нечун сувда қалқиган хасдай гангиб қолди, ё тавба, нима-лар бўляпти-ю, ҳали пешонада нима кўргилик бор?! Алами сўнмас бир ғазабга айланди-ю, лунжининг лўқиллаётганини ҳам унутиб, сапчиб турди. Шу ёшга кириб ақл битмаган бошини мажақламоқчи бўлгандай хона ўртасида каловлаб гир-гир айланди. Кўзи иттифоқо тоқчадаги бир тўп дафтарга тушди-да, елкалари силкиниб ғалати кулди. Йўқ, ҳамма қарши, ҳатто анави муғамбир директорнинг ҳам нияти бузуқ. Ҳа, энди пайқади уни, ўзи расво қилган синфни бериб қўйиб мункитиш пайида! У қалт-қалт титраганча тоқчага яқинлашди, бир тўп дафтарни олиб оёқлари остига сочиб юборди. Кейин дафтарлар тепасида қаққайганча туриб қолди. Ажаб, ўтмишда бир олим, таянч нуқта бўлса, ерни коптокдек юмалатардим, деган экан! Йўқ, ҳали ҳам оқил иш тутса, ўша ўт-олов ичида ҳам бир таянч нуқтага мушарраф бўлиб, навбакорни коптокдек сакратсинки ҳали. У ҳаммасини фақат Бўрижон акага тақарди. Аммо, на Қамбар ота ва на «жияни»га ҳатто хаёлида ҳам бирор эътироз билдиришдан ожиз эди. Уша талвасада бир бало деб қўйса, шу тобда бола-чақасининг олдида ўтирармиди?

— Мирфаёз!— деб бақирди, аммо ўғлини нега чақирди? Манави ер билан битта бўлиб сочилган дафтарларни кўрса нима дейди?! Шошганича сочиқ билан энгагини боғлади. Ўғли дастёрчиликдан бўшаб, овқатланаётганди шекилли, панжаларини ялаб кирганда Мирҳалим ака чўққайиб дафтар титарди.

— Кел, болам, йиғиб бер, бошим айланиб...

Мирфаёз дафтарларни дарров йиғиштириб дасталади ва дадасининг олдига қўйди, Мелиқўзининг дафтарини кўриб, қўлига олганда:

— Қара, болам,— деди дадаси,— ўртоғингни маза-бе-маза нарса ёзганини қара, хат ёзаман деса...

Шу тобда ўғли чиқиб кетишини хоҳламасди, ёлғиз қолишдан чўчирди.

#### IV БОБ

Мелиқўзи кун ёйилганда уйғонса, Мирфаёз аллақачон келиб, чорпояда оёғини ликиллатиб ўтирган экан.

— Қойил-е!

— Кечикдикми?

— Бе, «ми»сини олиб ташла!

Мелиқўзи сакраб пастга тушди-да, ариқда ювинди, беҳининг шохидан сочиқни юлқиб олиб, йўл-йўлакай артиниб, ўртоғининг авзойига қараб, бўшашганча чорпояга келиб ўтирди.

— Ке, бораверайлик...

Мирфаёз бепарво қўл силкиди, маъноли илжайди-да, чорпоянинг оёғига суяб қўйган лўмбоздай халтани олиб бўшатди. Ўзи ҳам бир дунё нарса кўтариб келган экан: товоқда қазили ош, иккита патир, анча-мунча қовоқ сомса, бурда-сурда варақи-ю, бир ҳовучдан мўлроқ қовурилган чучвара. Ойиси эртага кун йўқми, деганда: «Алжирама, отасини қулоғига етса суюнади», деб Мирҳалим ака ҳамма қолган-қутган нарсани халтага босган эди. Ойисининг юраги туздай ачиб: «Лалаймай, тўйиб-тўйиб ўзинг егин, болам», деб атай чой ичирмай жўнатди. Мирфаёз битта чучварани оғзига солди-да, узоқ чайнади, кўзларини юмиб, «қулт» этиб ютди.

— Ошна, бугун дам олиш кунни бир маза қилайлик. Мен ош иситаман, сен мана буларни тўғра.

Мелиқўзи дарров ўрин-кўрпани бир чеккага йиғди. Ошхонадан Мирфаёз узатган гаримдори гулли сопол товоққа бодринг, помидорни солиб чайиб келди ҳам фикри-зикри нок узаётган болаларда эди. Кеча ҳаммалари боқ-



қа борамиз деб келишиб қўйишганди. Холпошша «уйқу-чироқсан» девди-я. Дадаси билан ойиси бўлганда тошдай қотиб ухлаб қолмасди. Қон очилгандан бери ишлари тигиз бўлиб, уйдан ҳам бирров хабар олишга зўрға улгуришарди. Мелиқўзи кўпинча ёлғиз қоларди. Аммо, кап-катта йигит бўлиб, дадаси айтмоқчи, «бир хонадоннинг эшигини эплаб очиб ўтиргани», ўзига ҳам ажабтовур хуш ёқарди. Ора-чора «ёлғизлигини билдирмай» Мирфаёз ҳам келиб турарди.

Мелиқўзи ошхонага қараб қўйди.

— Уйғотмабсан-да.

Мирфаёз кулди.

— Қўйсанг-чи, анавиларга ҳалақит бермайлик, дедим-да.

Ошхонада жаз-буз эшитилди. Мелиқўзи кўзларини ачитиб шошганча пиёз тўғрай бошлади. Мирфаёз овқатланишни ҳам қироати билан бўлишини яхши кўрарди. Чорпояга дарров дастурхон ёзди. Кўрпача тўшади. Олиб келган нарсаларини эринмай тақсимчага солди, чой дамлаб, сочиқ билан чойнакни ўраб чорпояга чиқди. Мелиқўзи бунақа мазали ош емаган, оғизда эриб кетади-я! Унга сари Мирфаёз лунжларини пуфакдай шишириб илжайрди.

— Ошна, кеча уйимизга нозик меҳмонлар келганди.

— Шунақами?

— Дадам Абулқосим акани насибалари, деб олдидан ошни товоққа бостирган эдилар, қўлим тегиб келолмадим.

Мирфаёз буёғини ҳам кифтини келтириб ташлади. Ошдан кейин чойнакни олдига сурди, дадасига ўхшаб чойни қайтарди-да, биров қитиқлагандай бошини силкиб, қиқир-қиқир кулди.

— Ҳа?

— Э, бери кел,— ҳеч ким бўлмаса ҳам энгашди,— яқинда ҳолва еймиз, тўй бўлади, шуни маслаҳатини қилишди уйимизда.

— Қанақа ҳолва, қанақа тўй?!

— Анави Нафисанинг ойисининг тўйи-да.

— Йўғ-е.

— Ҳа, поччамиз ҳам бегона эмаслар.

— Қим?

— Айтсам, оғзинг очилади. Тиш доктори.— Мирфаёз бошмалдоғини ҳавога бигиз қилди.— Манавинақа одам!

Мелиқўзи ўртоғига қўшилишиб кулди. Кейин ўйланиб қолди: ҳа, энди тушунди, ўша одам баъзан синфга мўралаб, Нафисани имлаб чақиргувчи эди. Қизча унинг олди-га қизариб-бўзариб чиқарди. Аммо ҳаялламай қайтарди-

да, худди тишини суғиртириб келган одамдай анчагача шумшайиб ўтирарди. Ораларида манавинақа ишлар бўлса, демак қизчанинг йиғи-сигисининг сабаби буёқда экан-да. Анавилар Мелиқўзини бекорга хўрлаб талашганда, у, ноҳақликка чидолмай айтиб берган. Мирфаёзнинг энсаси қотди.

— Э, эсинг бўлса, қиз болага ишонма, қиз боланинг салга кўзига ёш келаверади, аммо алами бошқа уни!

— Қанақа алами?

— Айтсам, ишонмассан.

— Нега ишонмай?

— Ушанда, дадам сени бургут чангалидан қутқариб қолган, аммо анавининг дадасини қузғунлар талаганда олдига улгуриб келолмаган экан. Ҳамма бало шунда!

Мелиқўзи бўзрайди.

— Менда нима айб?

— Дадамда-чи?

Мирфаёз ўртоғини ҳайкалдек қотириб қўйди, мана шунақа, ошна, деб оғир бош чайқади, чойни янгилай деб пастга тушаётганда Мелиқўзи сўради.

— Бошқалар-чи?

— Нима?

— Нега анавилар ҳам дадангни ёқтирмайди?

— Соддасан, ошна, соддасан, ҳаммасини тили бир!

Мелиқўзи хуши учиб узоқ ўтирди: наҳотки? Қўнглида сира ишонгиси келмаса ҳам, аммо хаёлида Мирҳалим ака, «баайни шундоқ», деб таёқчани ҳавода силкитаётганга ўхшайверди. Дадаси ҳам қўшилишиб: «Болам, бошидан сув ўгириб ичса арзийдиган бу олижаноб одамдан тоабд қарздормиз», дейдиган ўша гапларини такрор айтаётгандай бўлаверди-ю, анави Нафиса шунақа хунук кўриндики! Мелиқўзининг этлари жимирлаб кетди. Мирфаёз ошхонада уймалашса ҳам, аммо ўртоғининг дам-бадам ўзгариб турган турқи-тароватини назардан қочирмади. «Бўйнидаги қарзини жилла бўлмаса бир оғиз илиқ сўз билан эслаш ўрнига, қирдаги маза-бемаза нарсаларни ёзишга бало борми». Дадаси ҳеч маҳал Мирфаёз билан бунақа очилиб гаплашмаган эди. Уни куйиб-пишиши ўринли, Мелиқўзини ўз боласидай кўриб, анавиларга қўшилиб, «мисси чиқмаса» деб ташвишланса-ю, бу тентак... Мирфаёз аччиғи келиб, «айтайми» деган эди, дадаси: «Бе, кап-катта бола, тамизи йўқми», деб қўя қолди. Аммо туриб-туриб Мирфаёзга алам қилди. Йўқ, яна бунинг устига тунов кунни довдираганларини изза бўлиб эсласа, эҳ-ҳе, ҳали дадасини тузуккина билмас экан.

Мирфаёз чой дамлаб келди.

— Боя нима дединг?

— Нима дедим?

— Борсак, кимга халақит берамиз?

Мирфаёз кулди-ю, жавоб беришга шошилмади. Дада-сининг: «Зинҳор бировга гап айтма, болам, мабодо айтсанг, дарров тош-тарозга солиб кўрки, посонгиси сенга оғса, айт, йўқса...» деганини ўйласа, посонги пишаби ўзи томонда!

— Анавилар-да!

— Кимлар?

— Худди билмагандай сўрайсан-а? Холпошша билан Муталда!

— Нима, нима?!

— Ҳой, манави тансиқ нарсалардан олсанг-чи! — Мирфаёз қовоқ сомсани икки буклаб оғзига солди. — Ҳеч балодан хабаринг йўқми?

— Йўқ, — деди Мелиқўзи бўшашиб.

— Ана холос, ҳамма билади-ку...

— Нимани?!

— Оббо, қўймадинг, қўймадинг-да, иккови.. анавинақа!

— Қанақа?!

— Э, қанақа бўларди, айтдим-ку, анавинақа-да!

Ўзига шунақа нашъа қилдики, олчанинг данагидек кичкина кўзлари юмилиб кетди-ю, Мелиқўзининг тўсатдан ўзгарган авзойига қараб юзларида кулги қотди.

— Ҳой, нима дединг?

Мирфаёз томоғидаги сомсани амаллаб ютди.

— Ҳа?!

— Қаёқдан олдинг буни...

Мирфаёзнинг тили айланмай, кўзларини катта-катта очганча оғир-оғир нафас олиб, гўлдиради-ю, аммо тузик-қуриқ нарса деёлмади. Бу тентакнинг анави қизча кўзларига маҳлиё бўлиб юришини пайқарди-ю, аммо «девоналиги»дан беҳабар экан. Қўлига чойнак ушлаб Мелиқўзининг тепасига келди.

— Ё исботлайсан, ё туҳмат деб бўйнингга оласан!

Ҳазилми деса, кўзларининг олайишидан ҳазилга ўхшамасди!

Мирфаёз қалқиб кетди. Юзини қўли билан паналаб олди. Хаёлида тўсатдан оғиб кетган посонгига тош қалаштириб:

— Қирда каклик сайраганми?! — деди жон аччиғида.

— Қар эмасман, сайраган!

— Ҳой, девоиа, жазираиа қирда каклик ниа қилади,  
ё бунга ҳам калланг ишламайдими?

— Нега ишламасин.

— Бўпти-да, чойнакни қўй!

Мелиқўзи чойнакни қўйиб жойига ўтирганда Мирфаёздан эшитганларига асло ақли бовар қилмади. У ғалати жунжиб, оёқларини маҳкам қучоқлаб олди. Бошини тиззасига қўйганча ёзда буғдой ўримига чиқишганини беихтиёр эслади. Жазираиа иссиқ. Еру кўк, тоғу тош бамисоли ҳансирарди. Кечаси аллаким жўмракни яхши ёпмаганми, эрталабгача бочкада бир қатра сув қолмагани. Тушга яқин ташналик ҳаммани эзиб юборди. Тонг сажарда арава ҳайдаб сувга жўнаган Муталдан эса ҳамон дарак йўқ эди. Мелиқўзи дам-бадам қуришган лабларини ялаб, ғарам уяётган Холпошшага, «ҳой, Мутал сувга кетиб, сув бўлиб кетдими», дерди. Қизча тинка-мадсри қуриб, олисларга аланларди-ю, аммо қирга камар бўлиб тушган сўқмоқда арава тугул чумоли кўринмасди. Мелиқўзи чидолмади. Отақўзига ўхшаб майкани бошига салла қилиб олай деса, кураги орасидаги пичоқ тилиб кетгандай чандиқларидан уяларди. Бор-е, деб ўтовга ўтиб, майкани ечди. Узала чўзилди. Мудраб ётиб, тошдай қотиб ухлаб қолди. Уйғонса, олдида Холпошша ўтирибди. Қизчага бунақа яқиндан қарамаган, оҳуникидек кўзларига боқмагани. У бир лаҳза киприк қоқмай турди, кейин тўсатдан кўзларини юмди.

— Ҳой, сенга ниа бўлди?

— Ҳа, ниа бўпти?

— Отақўзи офтоб уриб, беҳуш ётибди деганига, ҳой, нега кўзингни юмасан?

Бола сабабини ўзи ҳам билмай титраб жавоб қилди.

— Очолмайман.

Қизча ҳазилакам чўчимади.

— Вой, нега?!

— Сенга қараб, кўзим тиниб кетди!

— Э, ўл-ей, ниа бало, сенга ҳам анави совуқ ўртоғингдан юққанми?

«Совуқ» ўртоғи — Мирфаёз. Тавба, нега шунақа деганига ҳали-ҳали тушунмасди. Қизча сапчиб турди-да, ташқарига чиқди. Хахолаб кулаётган Отақўзига муштларини кўрсатганча қува кетди. Отақўзи лапанглаб қочди. Тен-так, ўшанда ўзини офтоб урганга солиб ётавермайдими?! Мелиқўзи хўрсинди. Мирфаёз зиндан қаради. Аммо бирон ниа дейишга журъат этолмади. Шу-шу Мелиқўзи кечалари чорпояда милтираган юлдузларга қараб ётиб, ўша

ширин тушга ўхшаган воқеаларни хаёлида давом эттиргиси келаверарди. Давом эттирганда шундай ажойиб-ғаройиб бўлардики, у энди хаёлан беҳуш ётарди. Отақўзи ҳаҳолаб кулмасди, оёғи куйган товукдай парвона бўларди атрофида. Муниса эса уввос солиб йиғларди. Холпошша оҳуникидек кўзларига ёш оларди. Йўқ-йўқ, унинг йиғисига чидолмасди. Майли, анавиларга қўшилиб у ҳам олдида чўнқайиб ўтира қолсин. Холпошша Мелиқўзининг мисдай қизиган бошини дам-бадам ушлаб, уҳ тортди, унинг оҳига ўтов бўронда қолган кемага ўхшаб лопиллаб чайқалди. Хўш, кейин-чи?! Кейин, Отақўзи билан Муниса Мелиқўзининг лов-лов ёнган юзларига муздай сув сепайлик деб, сув қидириб ўтовдан чиқиб кетишса. Холпошша энгашиб яна оҳ тортди: «ўзим айбдорман, ҳозир соя-салқин тоғларда маза қилиб юрсанг бўлмасмиди», деса. Мелиқўзининг беҳушлигини эшитиб, Мутал аравани тўғри ўтовга олиб кирса! Холпошша бочка жўмрагини бураса-ю, Мелиқўзи бир оз ҳушига келиб, оқаётган муздай сувни ичаверса. Холпошша қувончдан қийқириб кулса! Шу пайт қизнинг кулгиси Мелиқўзининг қулоқлари остида бирдан жаранглаб кетди. Бола анчагача ўзига келолмади. Мирфаёз қараб-қараб қўяр, у-будан тотинар, аммо нима еяётганини билмасди, оббо, посонги қурғурни қаттиқроқ босиб юбордими. Мелиқўзи бошини кўтариб, бирпас ғалати қараб ўтирди-да, кейин мушти билан тиззасига чунонам қарсиллатиб урди. Мирфаёз ўзини чорпоя суйанчигига ташлади.

— Ҳа, мунча?!

— Ке, ёлғон дегин!

Мирфаёз ўзини билмаганга солди.

— Ростми, ёлғонми, сенга нима?

— Ке, ҳеч бўлмаса ҳазиллашдим дегин!

Мелиқўзининг кўзлари жавдиради. Мирфаёз қизиқ аҳволга тушди. Бир маҳаллар ўзи ҳам шунақа «жинни» бўлмаганмиди?! Яхшики ўшанда қизча чап берди. Эски яранинг ўрни аламли. Қирда қизча ғарам устидан думалаб шундоққина ёнгинасига тушганда, билмай қўлларини ушлаб олиб, дағ-дағ титраганини эсласа, ҳали-ҳали кўнгли шувиллаб, ўзини қўйгани жой тополмай қоларди. Ҳозир ўртоғининг тўрга илинган беданадек типирчилашини кўриб, мийиғида кулиб қўйди. Хаёлида у ликиллаб қолган посонгига жон-жаҳди билан тармашиб, уни бараварлашга уринарди-ю, аммо бефойда эди!

— Оббо, ке, ёлғон десанг, ёлғон бўла қолсин, шунга шунчами?

Мелиқұзи индамай чўзилди. Мирфаёз ҳам, «овқатдан кейин жиндаккина ётсанг маза», деб кўрпачани бир қаватини юмалоқлаб, бошига «ёстик» қилиб думалади. Мелиқўзининг хаёллари айқаш-чайқаш эди. Анави Муталнинг беўхшов қилиқлари. Уша куни хатни атай «чалғитай» деб ташлаганми? Бу ҳам камлик қилиб: «Дафтарни ўзингиз топшинг», деб майна қилгани-чи?! Нафисанинг йиғи-сигисига Холпошша «бас-е» деб жеркиганини элса. Соддадил Мелиқўзи ҳеч балога тушунмай юрган эканда, йўқса, Мирфаёз куйиб-пишиб «дадам-чи», деганда шунчалар довдираб қолармиди?! Ҳовли этагидаги оқланган қатор уйларнинг бири — Мелиқўзининг хонаси. Ёзув столининг ғаладонида эски чой қути сақланади. Дадаси ҳамиша кўз ўнгингда бўлсин, болам, деб уни сира бошқа жойга олдирамасди. Ушанда, одамлар қузғун нечун ер бағирлаб қолганига ажабланишганда, аллаким махлуқнинг оёғидан судраб келиб, кўксидан мана шу қутичадаги ўқни олган. «Ўғлингиз улғайганда эслаб юрар», деб дадасига берган экан. Жимжилогининг учидай қўрғошин парчасини кафтида ушлаб, халоскорининг мардлиги-ю, мерганлигига ҳайратда қоларди. Ўқ қузғунга эмас, ўзига, Мелиқўзига текканда-чи?! Тоғнинг нариги томонида туриб, пастда пилдираб бораётган болага шитоб билан ташланган қузғунни нишонга олаётганда бечора қай аҳволда қолганикин?!

Дадаси, шу-шу Мирҳалим ака милтиқ ушлолмасмиш, милтиқни қазноққа осиб қўйганмиш, деган эди. Қизиқ, нега шундай мард, ҳалол одамни ҳеч ким хушламай, орқасидан калака қилиб юришади?!

— Эҳ, хомкалла!— деди Мелиқўзи.

Мирфаёз ёнбошлади.

— Ҳа, ошна?

Мелиқўзи анчадан кейин сўради.

— Даданг дафтарни кўрдими?

— Бе, ўзи жағ тишини олдириб вой-войлаб ётибди-ку. Почча танглай ясаб, маржондай тилла тиш қадаб берайки, душманларингиз куйиб ўлсин, деб кетдилар. Нега сўрадинг?

— Узим.

Мирфаёзнинг қизиқиши яна ортди.

— Нега сўрадинг?

Мелиқўзининг хаёли бошқа ёқда эди: нега бу одамнинг аслида қанақалигини шартта ёзмади? Аттанг, билмаган-да, билганда шундай қилмасмиди?! Кўнглида аллаларса аланга олиб:

— Сендан бир нарса сўрайман!— деди.— Хўп дейсан!

Мелиқўзи шиппагини пойма-пой кийганча индамай хонасига қараб кетди. Мирфаёзнинг тинчи йўқолди, ётолмади, пастга тушди. Ҳовли айланди. Чорпояга қуюқ соя ташлаган сададай олмадан бир-иккита қолган экан, кесак отган эди, ариқнинг нариги томонига тушди. Поялари бир-бирига мингашган жўхоризорга киргиси келмай, аймақининг олдига борди. Томи янги мойдан чиққан икки уй, устунлари ўйма гулли пешайвонни ёзнинг жазирама офтобидан шу аймақи сақларди. Мирфаёз аланглади. Тойибини қизилики, ҳар боши пақирга сиғмайди-я! Тавба, шунча нарса кўтариб келди, бир бошгинани дарров узиб қўймайдими, дадасининг кўйиб: «Тамизи йўқ бунинг», деганича бор. У кичикроқ бошни мўлжаллаб, сўри нарвонига осилиб чиқди-да, Мелиқўзи кирган уй деразасига беихтиёр кўз қирини ташлади. Кўк парда тепасидан Мелиқўзининг столга мук тушиб ўтирганини кўрди. У шоша-пиша ёзарди. Мирфаёзнинг кўнгли алланарсани пайқаб, ҳовлиқиб кетди. Узумни ҳам унутиб, «тап» этиб пастга тушди-да, дарров жойига бориб чўзилди.

Кўп ҳаялламай Мелиқўзи шиппагини боягидай поймапой судраб, қўлида дафтар силкитганча Мирфаёзнинг тепасига келди-да, оғзининг таноби қочиб:

— Мана,— деди.

— Нима?!

— Уқисанг биласан-да, ошна!

Мирфаёз ичи тўлиб-тошиб турганига қарамай, дафтарни бепарво олиб варақлади. Варақлади-ю, беҳад ҳаяжонга тушди. Дадаси, дадажони «бошидан сув ўгириб ичса арзийдиган олижаноб одам». Аммо шундай нарсага анавиларнинг бачканалигини аралаштириб нима қиларкан?! Мирфаёзнинг юзи буришди.

— Ке, боя мен айтган нарсаларни қўшма.

— Нега қўшмай?— Мелиқўзи чорпоядан ошиб унинг ёнига чиқди,— дадангни майна қилишса майли-ю... йўқ, даданг ҳам уларни билиб қўйсин, ё, ёлғонми?!

— Нега ёлғон бўларкан!— деди Мирфаёз,— кўзим билан кўрмасам, сенга айтармидим?

Мирфаёз унинг кўзларига узоқ тикилди.

— Алмаштириб қўяйми?

— Ҳа-да, даданг уни эмас, буни кўра қолсин.

— Кейин-чи?

— Шу!

— Вой, анойи-ей!

— Ҳа?

— Алдайми, дадамни алдайми-а?!

— Нега алдар экансан?

Боягининг алами Мирфаёздан чиқмаган эди, вой, девона, қайноқ чойнак билан бошни ёрай деди-я! Манавинақа ялинишни билар экан-ку, деб дўқ-пўписага ўтган эди, Мелиқўзининг попуги пасайиб, ялиниб-ёлворишга тушди. Мирфаёз ўйланиб қолди, ҳозирги қилиғи: «Бир килограмм пахта оғирми, ё бир кило тошми?» деган саволга, дабдурустдан «тош-да» деган одамнинг доводиришига ўхшаб кетарди. Ҳўш, бор-е, оғзингдан гуллаб, тумшуғингдан илиниб турибсан-ку, деб посонгини битта чертиб, ўзининг томонига оғдириб юборса нима қилоларди?! Йўқ, тепкиласанг чарм копток ҳам йиртилади деб, дарров ҳовуридан тушди. Аммо, бунақа хаёл Мелиқўзининг етти ухлаб тушига кирмасди. Охири «ўла-ўлгунча», деб қасам ичгандан сўнг Мирфаёз бир оз бўшашди.

— Оббо, қўймадинг-да, ошна, асабимни буздинг, асабим бузилса нуқул томоғим қақрайверади, бор энди анави узумдан бир бош узиб кел!

Мелиқўзига жон кирди. У таг-туғи билан суғуриб келгудай бўлиб аймоқига югурди. Дарров беш бош узумни ўртага келтириб қўйди. Мирфаёз ёнбошлаб қўл чўзди. Бай, бай, мезон шамолига етилади деганлари шудир-да, карсиллашини қаранг. Уртоғининг кайфияти очилганидан Мелиқўзи ҳам иштаҳага кирди-ю, икковлари бир бош узумни зўрға еб тамомлашди. Хуллас, Мирфаёз уволи ёмон деб, қолган узумларни халтага, кетидан кўчага ялиниб чиққан Мелиқўзининг дафтарини қўлтиғига уриб уйига жўнади. Ўзи қувонч билан хафалик, яхши билан ёмон ёнма-ён юраркан-да! Мирфаёз дам қувончдан оёғи ерга тегмасди, дам ғашликдан латтадай бўшашиб борарди. Ўйласа, ғашланишининг сабаби оғирроқ кўринди. Қирда кечқурунлари ҳамма ҳориб-чарчаб дарров ухлаб қоларди. Аммо, тепалик орқасидан Муталнинг какликка ўхшаб сайрагани эшитилди дегунча ўтовдан Холпошша секин чиқарди-да, сув ташийдиган бочкали арава устида икковлари алламаҳалгача пичир-пичир гаплашиб ўтиришарди. Шунини дадасига айтганда, «зинҳор оғзингдан чиқарма», деб койиган эди! Боя жон аччиғида шунини гуллаб қўйди, энди буёғи нима бўлади?! Иложини қилолмадим, ошна, деб иссиғида дафтари... Йўғ-е, шундоқ нарсани-я?! У саросимада ҳовлига кирди. Уёқ-буёққа алаңлади. Дадаси ичкарида, ойиси қўшининикига чиққанми, ҳовлида ҳеч зор кўринмади. Халтани айвонга қўйди-да, хона эшигини очиб, остонада узоқ турди. Дадаси деворга ўгирилиб ёш бола-



дай пишиллаб ухлар эди. Оёқ учида ичкарига ўтиб, токчадаги дафтарларни тита бошлади...

Мирҳалим ака алламаҳалда уйғонди, тиниқиб турганигами, лунжининг лўқиллаши камайганга ўхшарди. Хотини олиб келган серқатиқ маставага гаримдорини эзиб уч-тўрт қошиқ ичгандан кейин кўнгли хийла очилгандай бўлди-ю, эртаги дарсни ўйлаб яна боши қотди. Ҳамма фалокат тўсатдан бостириб келса филни қулатади, нима бўлганда ҳам аввало кўнгилни бардам тутмоқ даркор! У ёнбошлаб олдидаги дафтарга бир чеккадан баҳо қўя бошлади. Мелиқўзининг дафтарига келганда, кўзларига ишонмай, яна бир бошдан ўқиди-ю, ўзини алламаҳалгача босолмай ўтирди. Дафтар бошқа, бунга шак-шубҳа йўқ. Ажабо, буни болага айтиб ёздириб келдими ё болани хоҳиши билан ўғли дафтарни алмаштириб қўйдими? Урнидан туриб, ҳовлига қаради.

— Уғлинг қани?

— Ухлади,— деди ошхонада идиш-товоқ юваётган хотини,— нима қиласиз?

Мирҳалим ака жавоб бермай қайта ёнбошлади, чўққи соқолини силаб жилмайди. Эртасига ана шундай мамнун жилмайиб дарсга кириб борганда...

## V Б О Б

Болалар жимгина кутиб олишди. Мирҳалим ака бошини силкиб йўқламани очди: давомат тузик, бу синфда бироқ боланинг бесабаб дарс қолдирганини эшитмаган, бу ёнига кўнгли тўқ. Аммо, минг мўмин-қобил кўринган билан булар олдида унча-мунча одамнинг гангиб қолиши ҳеч гап эмас. Бир маротаба директорнинг ўзи қай аҳволга тушганининг гувоҳи бўлган. Ушанда директор мана шу Мирҳалим аканинг жойида ўтириб, янги мавзунини тушунтирарди. Мирҳалим ака эса орқа партада ҳамма қатори жимгина қулоқ соларди. Бинойдек бошланган дарс ҳали охирига бормай мунозарага айланиб кетди. Мирҳалим ака ҳанг-манг бўлганча, на манави болаларни тинчитишни, на обрўси бир пул бўлаётган директорни ёқлашни билмасди. Улуғ рус ёзувчиси Гоголь ва замондошлари ҳақида гап борарди. Унинг Лермонтовга муносабати қандай бўлган-у, улар ҳаётда сира учрашганми, деган савол туғилганди. Бўрижон ака адибнинг шоир ҳақида айтган фикр-мулоҳазаларини батафсил изоҳлади. Аммо, қачон, қаерда учрашгани ёдимда йўқ, деб елкасини ночор қисди. Одам шу аҳволга тушса, жуда хунук бўлар экан. Мирҳа-

лим аканинг пешонасидан муздай тер чиқиб кетди. Ана довдираш-у, мана довдираш! «Ким билади» деганди, Мунира жавоб қилди.

— ...1840 йили Кавказга жўнаётган шоир йўлда Москвада тўхтади. Менимча шу ерда Гоголь билан Лермонтов биринчи бор учрашган бўлса керак.

— Ҳа, балли, бу сўнгги учрашув ҳам эди,— деди Бўрижон ака эслаб.— 9-Май, Гоголь туғилган кунини нишонламоқчи бўлиб ёр-биродарлари бир адабиётчининг боғига йиғилишади. Икки буюк адиб меҳмонлардан холироқ жойда, боғнинг ичкарисиди узоқ суҳбатлашадилар, аммо, минг афсус, суҳбат мазмуни ҳеч кимга маълум бўлмаган.

...Қўнғироқ чалинганда Мирҳалим ака «тавбага таяниб» чиққан Бўрижон акани секин қўлтиқлаб: «Одам қаредра қоқилишини билмас экан», деди ачиниб.

— Уқитувчи ҳамма нарсани ипидан-игнасигача мукамал билади, ёхуд хотирада сақлайди дейиш — хато!

— Аммо, бола зоти буни зинҳор пайқамаслиги лозимки, масаланинг нозик нуқтаси ҳамбаайни шунда деб биламан!

Бўрижон ака аллаларсани ўйлаб келаётиб, идорага яқин қолганда, афсуслангандек бош чайқаб қўйган эди: «Чамамда ўзингиз сабаб бўлдингизми, дейман, Бўрижон», деди Мирҳалим ака.

Бўрижон ака ҳаёлини тўплаб ажабланганча тўхтади. Мирҳалим ака қўлини кўксига босиб, бошини эгди-да:

— Маъзур тутасиз,— деди жилмайиб,— камина, ёлфонни — рост, қорани — оқ, демаганман, боя андак совуққонлик қилиб масалани нозик нуқтасига риоя қилсангиз, олам гулистон эди, иним.

Бўрижон ака пешонасини ишқалаб кулиб юборди.

— Мирҳалим ака, афсусланишим боиси бошқа. Бир-бирига мутлақо бефарқ бўлмаган икки улўф зот ҳаётда атиги бир маротаба учрашса-ю, на униси яқин-йироғига ёзган хатида, на буниси бирон кимса билан лоақал оғзаки суҳбатда эсламаса, суҳбат шундай дардли бўлганмикин.

Мирҳалим ака бўзрайиб қолди. Ё тавба, бу одам унча-мунча нарсани ўзига олмайди-я?! Унинг тарбиясини кўрган болалар билан мана, юзма-юз турибди. Угган сафар ҳам баҳарнов экан. Иншо ёздирди. Ҳикматилланинг олдида узоқ ўтирди. Энди эса, йўқ, ҳар бири хулоса ю, якун ясаб, мунозара-ю, мулоқотда асло қитиққа тегмасинлар деб хусусан адабиёт оламиндан қатор ибратли мисоллар келтириб узоқ сўзлади. «Улгурсак иншоларингиз таҳ-

лилига ҳам ўтармиз», дес столдаги бир тўп дафтарга ишора қилди-да, «Адабиёт» дарслигини қўлга олди.

— Лев Толстой. «Уруш ва тинчлик». Аёллар образи.

...Дарс давомида бундай одати бўлмаган Мугалнинг икки маротаба эсноғи тутди. Холпошша туртиб қўйди. Мелиқўзи билан Мирфаёз кўзлари чақнаб, вужудлари қулоққа айланди. Отақўзи партага муккасидан тушганча Мирҳалим акага қараб қолди. Унинг гап-сўзларидаги ажаб оҳанги хаёлини олиб қўйди. Бора-бора бу оҳанг уни шундай аллалай бошладики, Мирҳалим ака қиёфаси сувга ёққан қордай аллақаерларга сиғиб йўқолди. Фақат мулойим овози қолди. Боши оғирлашди. Кўзи юмилди. Очиш керак, деди ўзига-ўзи, аммо, эринди. Йўқ, Бўрижон ака бунақа ширин аллалашни билмасди. Унинг товуши ҳам бунақа қаймоққа ўхшаган эмас, аллақандай бўғиқ, ҳатто дағал эди. Ўшанда Чехов ҳикояларини ўтишарди. Бўрижон ака эса одатдагидек доска олдида қўлларини орқасига қилиб, уёқдан-буёққа юриб, ерга қараганча оҳиста сўзларди. Гўё ўзи билан ўзи гаплашаётганга ўхшарди. Сўзлари аввалига чалакам-чатти эшитила бошлади, аммо кўп ўтмай Отақўзининг кураклари орасидан, кейин эса ҳаммаёғидан муздай сув томчилари ўрмалаб тушаётгандай жунжиб кетди. Хаёлида тўсатдан эшик қарсиллаб очилди. Остонада жулдур кийимга ўраниб-чирманган «Уйқу истаги»даги бола турарди. Бечора сурункасига уйқудан қолавериб ипдек ориқлаган, юзида чўққайган бурни қолган, қоқ суяк, нимжон елкалари камзулининг йиртиғидан туртиб чиққан эди. Остонада осма соатнинг капгиридек чайқалар, аммо кўзларини очолмасди, «ухлагим келяпти», деб нуқул зорланарди.

Ҳамма, Отақўзи ҳам, «бу бола ким-у, қаердан пайдо бўлди», деб ҳайратда Бўрижон акага қаради. Қаради-ю, киприк қоқмай тикилиб қолди. Вожаб, ўрнида, маъюс жилмайганча бошларини қуйи солиб Антон Павловичнинг ўзи турарди!

— Болани мен олиб келдим,— деди оҳиста қадам ташлаб боланинг олдига келаркан. Унинг кир-чир, ҳурлайган малла сочини силаб, бағрига босди-ю, бирдан кўзларига ғилтиллаб келган ёшдан ийманиб, юзини четга бурди. Шу пайт тапур-тупур оёқ товуши эшитилди. Аллаким йўлакдан маймушнинг оёғига ўхшаган сержун қўлини чўзди, боланинг сочларига бехос чанг солди-да, бўғизланган буқадай хириллаб қичқира бошлади.

— Ҳа, хароми!

— Торт қўлингни!

Антон Павловичнинг овози қаҳрли эди.

— Нега?! Бу хароми таг-туғи билан меники бўлса-ю, нечун қўлимни тортар эканман? Унга бағримдан жой бердим, едирдим-ичирдим, эвазига арзандамни бўғиб қўйса-я!

— Уйқуси-чи?

— Уйқуси ҳам меники!

— Наҳотки...

— Шундай!

— Ҳайҳот!— Антон Павловичнинг кўзлари газабдан шундай чақнаб кетдики! Отақўзи бирон суратда уни бу аҳволда кўрмагани! Маймуннинг оёғига ўхшаган қўл эса баттар қутуриб, боланинг бошини танасидан суғуриб олмоқчи бўлгандай силкита бошлади.

— Қотил!

— Ким?!— деди даҳшатда Антон Павлович,— манавилар одил ҳукми айтсинлар, ким қотил?!

Бола бечоранинг кичкина юраги тоғдай азоб-уқубатларга дош беролмай остонага гурсиллаб йиқилди. Аллаким пиқиллаб йиғлаб юборди, кимдир хўрсинди. Упкаси тўлиб кетган Отақўзи бўлса чўчиб кўзларини очса, Мирҳалим ака «Адабиёт дарслиги»ни қарсиллатиб ёпган экан. Эҳ, мана шундай дарс олиб борарди Бўрижон ака, ўзи ҳам ман-ман деган адиб қиёфасига кириб кетганини пайқамай қолиб йиғларди, йиғлатарди, куларди, кулдиарди!

— ...Саволлар?

Садо чиқмади.

— Ё мавзу беш қўлдай аён, ёким, қани, Нури?

Нури туриб, партага қараганча қизарди, ниҳояг қимтиниб сўз қотди.

— Менга... Наташа Ростова.

— Хўш, хўш?

— Ёқди.

— Нечун?!

— Уни ҳалиги, покиза, илк туйғулари.

— Шундайми?— қошлари чимирилиб, бармоғи ўз-ўзидан кўтарилди Мирҳалим аканинг,— шу жиҳати ёқдим, қизим!? Қиссадан ҳисса сизга: ҳар образ таҳлилининг маъноси шуким, уни ибратли жиҳатини қабул этган ҳолда салбий жиҳатидан воз кечмоқдир, ё шундоқ эмасми?

— Шундоқ!— деди Мелиқўзи.

— Баракалло!

Дарс маҳалда тилини суғуриб тортса ҳам миқ этмайдиган Мелиқўзининг ҳозиржавоблиги Холпошшани ажаблантирди-да, кўз қирини ташлаб қўйди. Хоҳишига боғлиқ

бўлмаган фикр оқими Мирҳалим акани таҳликага сола бошлади. Умуман, илк туйғу «балоси»дан ўтдек ҳадиксировчи бу одам шу тобда кўнгилларга ширин титроқ солиб қўйган Ростова туйғуларига эмас, ўз хаёлларига берилди: аттанг, ўша ўзини қуйи синфида, гул-лолалар, зилол сувлар, тароватли баҳор тонглари тарафларини тараннум этгучи шеърларни болаларга ёдлатиб юравермасмиди?!

Жимликни Мутал бузди.

— Ҳайронман?

Мирҳалим ака ҳушёр тортиб жилмайди.

— Нимасига ҳайронсиз, ўғлим?

— Нимасигами? Шунисигаки, образ — яхлит инсон қиёфаси бўлса, уни бир жиҳати ибратли, бир жиҳати ибратсиз деб, нима, белига арра солиб тортамизми, масалан.

— Ҳа-я,— деди Муниса.

— Ўша Ростовани олсак, хўш, нимаси бизга...

Йўқ, уёғига қулоқ солмади Мирҳалим ака, масалани баайни нозик нуқтаси тобора яқинлашган сари, «нечун Ростова бунчалар кўнглини гимирлатиб қўйгани менга аён», дегандай андак совуққонлик билан жилмайди-да: «Ростовага баҳо беришни келгуси дарсда давом эттирсак», деб соатга қараганда кўнғироқ чалинди. Шунча йил дарс бериб, тамбурнинг нолишидай бунақа ёқимли бўлишини билмаган экан! Ҳамма шов-шув билан синфдан чиқаётганда йўқлама ёзиб ўтирган Мирҳалим ака бош кўтариб, «сен қол», деб Муталга имо қилди. Мутал бўшашганча жойига ўтирди. Отақўзи оёғи учуда қайтиб, «кугайми», деган эди, то Мутал жавоб бергунча: «Боравер, ўғлим, боравер, ўртоғинг билан жиндаккина гапимиз чиқиб қолди», деди Мирҳалим ака бошини кўтармай. Мирҳалим ака шошилмасди. Ёзганларини обдон қаради. Журнални аста ёпди. Чеккага сурди. Дафтарларни титкилаб охири биттасини олди. Боя синфга қандай жилмайиб кирган бўлса, шундай мамнунлик билан секин варақлади. Мутал деразага қаради. Ҳовлида болаларнинг шов-шуви аллақачон тинган эди. Қоровул чол пахса девор тагида чўккалаб, қумғон тагига олов ёқарди. Олисда, уфқнинг ярмини эгаллаган якка туп чинор устидан бургут секин сузиб ўтди...

...Бургутнинг баҳайбат кўланкаси сойга шўнғиб чиқди, сайҳонда «буғи шохлари»га ўхшаш икки томонга айрилган сўқмоқ йўллардан узоқ судралиб келди. Нокзорларга ёпирилиб, шохларга илина-илина тилка-пора бўлганча йўқолиб кетди. Нафиса кўзлари жавдираб анчага-

ча аланглади: йўқ, бургут қайтмади, ўша, олисларда ҳа-вога ханжардай санчилган тоғ чўққиларига қараб сузиб кетди.

Қизча яна ишга тутинди. Боя Муниса бир даста қоғоз-қалам ола келган экан, Бўрижон ака: «Майли, қизим, бир қорала, эсла, эсдалик бўлсин, сенинг улушингни ўзимиз териб берамиз», деб Нафисани боғ чеккасидаги катта тўнкага ўтқизиб қўйди. Қизча тиззасидаги оқ қоғозга алланарсаларни чизар — ва яна ўчиради. Дам-бадам атрофга назар ташларди. Узоқ, узоқ ўйлаб қоларди. Қоғоздаги нарсалар маъқул бўлмай, тўрт буклаб йиртарди-да, янгитдан қораларди.

Атрофда эса ҳаёт қизгин эди: мудом қушларни сайроғи келадиган боғдан болаларнинг гурунги-ю, шов-шувлари эшитиларди, терилган нокларни пақир-пақир ташиб Нафисадан пастроқдаги ялангликка пай уришарди. Қизчани паналаб турган бир жуфт катта нокнинг орқасидан Бўрижон аканинг аҳён-аҳён овози эшитиларди. Боя дардан сўнг ҳамма боққа йўл олганини кўриб анави тиш доктори ҳам орқама-орқа етиб келган эди. Уни бир сафар «биз ҳам қоғозни чеккасига илиниб қолайлик» деб шундоққина олдига келиб чўққайганини қизча пайқамай қолди-ю, чўчиб бошини кўтарди; совуқ ялтираган кўзларига қараб, ҳаммаёғи жимирлаб кетди; бу одамни ўзи кулса ҳам, тавба, кўзлари кулмас эди. У Ҳикматилла акадан сира ажралмас, уни соясига айланган эди. Машина ташлаб кетган бир талай яшикларни икковлари тузатишар экан, узуқ-юлуқ гап-сўзлари ора-чора қизчани қулоғига чалиниб қоларди. Аммо қизча эътибор бермасди.

Нок ғажиб Холпошша келди-да, секин чўнқайди.

— Мутал келмади-я?

— Ҳо,— деди Нафиса шўхлиги тутиб,— хавотир оляпман денг?

Холпошша кўзларини катта очганча қизариб, тўсатдан Нафисанинг елкасига бир туширди.

— Ул-е, нима деяпсан?!

Қизлар қотиб-қотиб кулишди. Туриб-туриб, Нафиса ҳам ажабланди:

— Ҳа-я, ё шартта уйга жўнаган, ё Мирҳалим ака икковлари Ростованинг қанақалигини ҳалигача баҳслашишпти!

Холпошша эса, қани шундай бўлса, дегандай оҳиста жилмайди. Аммо юраги бирдан шувиллади. Йўқ, бир гап бор, нега бўлмаса боядан бери кўнгли ғаш? Мутал учиб келмасмиди?! Мирфаёз билан Мелиқўзи олдинма-кейин

бошлашиб келиб пақирларини бўшатиб қайтишаётганда Мелиқўзи ўгирилиб қаради. Кўп ўтмай уч-тўртта сап-са-риқ нок кўтарганча Мурод келди-да, нокларни Нафисага бериб, ўзи расмларни кўра бошлади. Олисдан Нурининг овози эшитилди.

— Холпошша! Қаёқдасан, томошадан қолдинг-ку!

Холпошша шошганча нокзор томон кетди.

— Нафиса!— деди Мурод.— Нега бундай чиздинг?

— Қандай?!

— Дадам билан анави одам нега қўлтиқлашиб олган-га ўхшайди?

— Вой, нима қилай,— кулди Нафиса,— дадангдан бир қадам ҳам жилмайди, тавба, ўзим ҳам чизиб бўлганимда пайқабман.

— Э, йўқот,— деди Мурод,— манави жойидан шартта кесиб ташла!

— Йўқ,— деб бош чайқади қизча.— Жон дердим-а, бўлмайди-да, дадангнинг қўли билан елкасини, кўрдингми? Ке, Мурод, бошига манавинақа соч қилай-да, бошқа одам бўла қолсин, нима дединг-а?

— Майли,— деди Мурод,— ие, шу ҳам сочми? Хумдай каллага пўстакдай соч ёпиштириб қўйдинг-ку, бунақа бошга, эҳ-ҳе, биласанми, қанақа соч керак?

— Қанақа?

— Саватдай!— Мурод ўрнидан турди. Кўп ўтмай Холпошша қайтиб келди-да, қўярда-қўймай Нафисани судради. Қизлар боққа киришди. Шакароб қилиб сув сепгандай ола-чалпоқ сояларни босиб боришаётганда, шотига мингашиб, ҳафсала билан нок тераётган Бўрижон ака қараб қўйди.

— Ҳа, йўл бўлсин?

— Нафисага суратбоп нарса кўрсатай, дада,— деди Холпошша. Қизлар анча-мунча юриб боғнинг овлоқ жойида тўхташди. Бу жойдаги ноклар зич, уларнинг тарвақайлаган шохлари бир-бирига мингашиб тагига тангадай офтоб тушмасди, атроф кунботардагидай нимқоронғи, ҳаммаёқ жимжит эди. Холпошша оёғининг учида дарахт панасига ўтиб, ўртоғини имлади, рўбарўдаги бир жуфт нокка имо қилиб секин туртди. Нафиса аланглаб турганда нокнинг каттагина пастки шохи қимирлади-ю, кафти билан оғзини ушлаганча кула бошлади. Нокнинг битта шохига Мелиқўзи узала чўзилиб олган, бошқасида эса Мирфаёз оёқларини ликиллашиб ўтирарди. Мирфаёз ўтирган шох қаттиқ бир силкинганди, қизлар дарахт панасига биқиниб олишди.

Мирфаёз «пиқ-пиқ» кулди.

— Ҳа? — деди Мелиқўзи.

— Э, одамни хаёлига ҳар бало келавераркан-да...

— Нима келди?

— Авлод-аждодларимиз маймун бўлган бўлса, бечоралар то биздай одам бўлгунча ё горларда, ё дарахтларда яшашган-а?

— Мен қаёқдан билай, — деди Мелиқўзи ҳафсаласизлик билан. Устига ёпирилиб тушган катта шохнинг учидан ушлаб, оҳиста сурди. Қаршисида кўм-кўк мусаффо осмон очилди-ю, анчагача кўзини узолмай ётди. Қизлар яна бояғидай эҳтиётлик билан олдинма-кетин орқага қайтишди. Холпошша нок узаётган ўртоқларининг олдида қолди. Нафиса эса жойига келиб боя чала қолган ишини чиза бошлади. Алламаҳалда Мурод икки пақир нок кўтариб келганда узоқдан расмни кўрсатиб:

— Қалай? — деди.

Мурод тўхтади.

— Э. боплабсан!

— Айтганингми?

— Ўзгинаси!

— Ҳой, Мурод, — чақирди Нури, — қаёқда қолдинг?!

— Ҳозир! — Мурод шошганча нокзорга бурилди. Аммо тўсатдан тўхтаб: «Қани, қани яна битта кўрсат», деганча қизнинг олдига келди. Қўлига олиб узоқ разм солди, сўнг бўшашди, чўнқайди, бир нарсани эсламоқчи бўлгандай анчагача кўзларини юмиб ўтирди, кейин яна расмга тикилди-ю, бирдан кўзлари олайиб, ранги оқара бошлади.

— Нафиса, манави саватдай ҳурпайган сочининг икки чеккаси қуюқроқ бўлса, кейин кўзлари...

— Нима, кўзлари?

— Уккиникига ўхшаб ёнса-ю, кейин, ярим кечаси шу одам чинор остида олайиб турса, шуни сола оласанми?!

— Вой, олаймай ўлсин, нима деяпсан?!

— Биласанми, — дея Мурод ҳовлиққанча гап бошлаганда Нури бақириб қолди:

— Ҳой, пақирни оласанми, йўқми, қўлим узилиб кетди-ку!

Мурод сапчиб турди-да, бўш пақирларни силкитганча нокзорга югурди. Қизча ҳайрон бўлиб қолди. Тавба, нима бўлди унга?! Мунча безовта?! Манави одамнинг шундоқ ҳам хунук кўзларининг уккиникига ўхшаб ёнишини-ю, яна ярим кечаси дарахт тағида девдай шўппайиб туришининг нима кераги бор?! Нима?! Йўғ-е! Қизчанинг ўзи ҳам ажаб



ҳайратда энди қўлига расм олганда. Мурод ҳаллослаб келди.

— Ҳой, ўшами-а?!

— Уша!— деди Мурод уёқ-буёққа аланглаб,— эсладим! Сенга, қаерда кўрганман-а, демаганмидим!

— Йўғ-е?

— Улай агар!

Икковлари жим қолишди.

— Уша бўлмаса-чи?

— Уша, раис бува нима деган эди?

— Нима деган эди?

— Девдай бақувват бўлмаса ёлғиз ўзи сўлоқмондай отнинг ўлигини судраб чуқурга ташлай олармиди, демаганмиди-а?

Нафиса бўшашиб:

— Деган эди,— деди.

...Машинанинг гуриллаган овозини эшитиб, нокзордан болалар бирин-сирин чиқиб кела бошлашди. Олисдан Мунисанинг Отақўзини юмма талаётгани эшитилди.

— Ҳой, қаёқларда юрибсан-а?

Шундоқ ҳам Отақўзининг фигони фалакка чиқиб келганмиди, қорнини ушлаганча:

— Э, сенлар манави жойда маза қилган бўлсаларинг,— деди,— мен бош кўтармай нок едим!

— Нок едим?!

— Раис бува боплади!

— Нима қилди?!

— Нима қилди, нима қилди!— энсаси қотиб Отақўзи машинанинг зинасида оёғини чалиштириб ўтирган шофёрга қаради,— шунақами, йўқми, амаки?

Шофёр бош силкиб тасдиқлади. Лабига папирос қистириб, кафтида гугурт чақди-да:

— Яхшики, у кишининг кайфиятлари дуруст эди!— деди хахолаб.

— Дуруст эди,— деди Отақўзи,— ҳой, Муниса, деворий газетага муҳаррирсан-а? Сағал бўлмаса: «Фалон синф ўқувчиси Отақўзи фалон куни, фалон соатда, фалон минутда қаҳрамонларча нокдан бўкиб ўлди», деб ёзардинг! Муниса хахолаб кулиб юборди.

— Сен-а?!

— Ҳой, овқат деса, осмондан ўзини ташлайдиган одам сира овқатдан ўлмайди,— деди Нури.— Қўрқма, Отақўзи!

— Э, ишонмасанг, сўра!— Отақўзи яна шофёрга қараб қўйди.— Шу десаларинг, бир машина нокни кўриб раис бува «баракалла» деб бирам қувонди. Яшикларни ту-

шириб қайтамиз деб турганимизда имлаб, «бу нима», деб қолди уч-тўртта заҳа нокни олиб. Мен ғўлдираб: «Энди, раис бува, битта-иккита шунақаси ҳам бўлади-да», дейишимни биламан. «Унда, ўғлим, ўша битта-иккита шунақасини ажратинг-чи»,— деб идорага кирди-кетди. Мен аҳмоқ беланги бўлиб қирқ яшик нокни саралаб чиқдим: па-чақ, уринган-сурунганлари роппа-роса икки яшик бўлса!

— Тавба,— деди Муниса,— уринган-сурунганлари деганинг нимаси?

— Қаёқдан билай,— йиғламоқдан бери бўлиб деди Отақўзи,— Раис бува «хўш» деди. «Хўш, буни нима қиламиз, то шаҳарга олиб боргунча қорайиб расвоси чиқса, қолаверса, одамлар буни ҳар донасини торозига қўйиб ҳалоллаб олади-я!» Мен аҳмоқ...

Отақўзи «шақ» этиб пешонасига урди.

— Вой, мен аҳмоқ «молхонага топширайми», дебман. Раисни мўйлови силкиниб кетди!

— У кишини кайфиятлари яхши эди,— деб қўйди шофёр кулиб.

— Ҳа, мўйлови силкинса ҳам яхши эди!— деди Отақўзи,— раис бува: «Хўш, нокни молга терганмисиз ё одамларгами», деди. «Одамларга, раис бува, одамларга», дедим. «Унда, ўғлим, сизга битта жумбоқ, то жумбоқни ечгунча, мана шу нокни бир чеккадан тановул қиласиз, топсангиз жавоб». «Шу икки яшикни битта ўзим ейманми?!» десам, «ўзингиз ҳам ейсиз, машинага солиб бераман, ўртоқларингизни ҳам сийлайсиз», деб жумбоқни айтдилар. «Хўш, ёнғоқ билан нок қандай йиғиштирилади?» Битта нок ейман, битта ўйлайман, хаёлимга келганини айтаман, пешонамга мушт ургандай деразани олдида «шақ-шақ» чўт қоқаётган раис бува бош чайқайди, яна нокка қўл чўзаман ва ниҳоят...

— Ул-е!— капалаги учиб кетди Мунисанинг,— икки яшикни пок-покиза туширдингми?!

Отақўзи қўл силкиди.

— Нима қилай, нок ўлгурдан кўнглим нари бориб бери келяпти, зўр-базўр ўн олтинчисини қўлга олганимда «раис бува», дедим аламимдан, «ахир ёнғоқни калтак билан қоқади, нокни қўл билан теради, буни бир ойлик бола ҳам билади-ку», дейишим билан: «Балли-е, ўғлим, балли! Бошқаларга ҳам шуни бир карра айтиб қўйинг», дедилар. Қорнимни зўрға кўтариб машинага чиқдим, айбдорни ушласам, хиппа бўғаман!

Отақўзи аланглаб ҳамма пақир, саватлардаги ноклар-

ни титкилай бошлади-ю, тўсатдан Бўрижон аканинг олдига келиб қолди.

— Мана, қара,— деди Бўрижон ака ҳам кулиб, қилмиши наша қилиб Отақўзи «сиз мустасносиз», деганча нари кета бошлаган эди, Бўрижон ака ҳам бўш келмади.

— Йўғ-е, кемага тушганинг жони бир, Отақўзи, қарасанг, ҳамманикини баравар қара!

— Майли,— деди Отақўзи. Саватчани титкилаб бўлгач, ўртада эгасиз қаққайиб қолган иккита пақир тепасига келди-да:

— Кимники?!— деди.

Мелиқўзи тескари қараб елкаларини учирди.

— Мен қаёқдан билай,— деди Мирфаёз осмонда оғир-оғир қанот силкиб яна қайтиб келган бургутга аланглаб. Отақўзи «ҳа, айёр» деганча пақирнинг юзидаги беш-олтита сарҳил-сарҳил нокларни териб олди-да:

— Ҳаҳ!— деб қийқириб юборди,— қўлга тушдиларингми?!

Болалар чуввос солишиб:

— Қани, қани!— дейишганча югуриб келишди, Отақўзи ҳузур қилгандек қўлларини ишқалади.

— Хўш, аввал қай бирингдан бошлай?

— Хоҳишинг,— ночор илжайди Мелиқўзи,— майли, мендан бошла.

— Ке, бу галча гуноҳларидан ўта қол,— кулди Холпошша,— эгилган бошни қилич кесмасмиш.

— Ия, қилич кесмасмиш деб, бўкиб ўлайми?!

— Вой, нега бўкиб ўларкансан, соппа-соғсан-ку,— деди Муниса.— Анави икковини бўғиб қўйсанг, раис буванинг олдига борганингда пақирдаги нокларни яна ўзинг еб келасан-да.

— Нима қилай бўлмаса?!

— Э, ўзларини олиб бор,— дейишди чувиллашиб болалар,— нокхўрлик қилиб келишади!

Бўрижон ака эса мийиғида кулимсираб, битта заҳа нокни олди-да, кафтида ушлаганча беихтиёр раис буванинг «одамлар ҳар донасини ҳалоллаб олади», деганини эслаб:

— Гап икки яшик нок уринганда ҳам эмас,— деди,— раис бувани сўзларида шундай маъно борки...

Боғдан Нафиса шипиллаб чиқди-да, Холпошшанинг олдига келиб қулоғига пичирлади:

— Мутал...

— Қани?!

— Боғ этагига кетди.

— Нега?!

— Отақұзига ағрайиб турганинда мени имлаб, «айтиб қўй», деганча ўша ёққа қараб кетди. Бор, Холпошша, бир бало бўлган. Кўзлари жинниникига ўхшаб олайганки!

Холпошшанинг кўнгли ғашланди-ю, авжига чиққан ғала-ғовурдан фойдаланиб, аста даврадан чиқди-да, нокзорга ўтиб, дарахтларни оралаганча боғ этагига тез-тез юриб кетди...



Олисида дарахтлар орасида қизчанинг қораси кўринар-кўринмас Мутал бирдан оёқлари чалишгудай бўлиб югурди-ю, аммо кўкрагидан биров итариб юборгандай қалқиб тўхтади. Ерга қараганча жойида қола қолди, қиз олдига келганда ҳам бошини кўтармади.

— Вой, Мутал, қаёқда юрибсан-а?!

Мутал хўрсинди.

— Нима деди, нима гапи бор экан?!

— Э, қўявер, шунчаки...

Қизча унинг бесаранжом кўзларига қаради.

— Олишмадингми?

— Бе, аксинча, ҳар икки томон ўзаро қизиқтирган жиддий масалалар юзасидан атрофлича фикр-мулоҳаза алмашиб, суҳбатлари ғоят дўстона вазиятда ўтди!

— Шунақами? Унда нега бу ерда турибсан, вой, юр!— қизча унинг қўлидан судради.— Раис бува Отақўзини шунақа боплабдики! Шунини айтиб ҳаммани кулдириб ўлдирди.

Мутал бир қадам ташлаб тўхтади.

— Ке, қўй... кўргим йўқ.

— Қимни?

— Ўша, ҳаммани,— бола юзларини терс бурди.— Билдингми, кўргим йўқ!

Қизча ажабланиб:

— Унақа дема,— деди ўпкалаб.— Ўша «ҳамма»ни ичида мен ҳам борман, унда нега мени чақирдинг?

— Билмайман!— боланинг важоҳати ўзгарди, кўзлари олайиб, лаблари титради, ёнидаги катта туп нокни оҳиста қучганча, бужур танасига юзларини қўйди-ю, елкаси ғалати силкиниб кетди. Қизчанинг кўнгли шувиллади: боя юраги ғаш бўлгани бежиз эмас экан-да!

— Алдама, Мутал, алдама, айт ҳаммасини!

— Айтолмайман.

— Нега?— қизчанинг кўзларига дув этиб ёш келди.— Нега айтолмайсан?!

Унинг йиғламсираган овозига бола ажабланиб ўғирилди-ю, ҳув ўшандагидай, узоқ қараб, қўрқа-писа бармогини чўзди-да, юзидаги ёшини секин сидириб олди.

— Манави,— деди кўксини босиб,— манави ердагини биров ўғирлабди.

— Ўғирлабди?!

Бола оғир-оғир энтикди.

— Қирда сув ташийдиган бочкали аравада ўтирганларимизни биров оқизмай-томизмай ёзиб берибди.

— Кимга?!

— Анави... Мирҳалим акага.

Қизча бошига мушт тушгандай гангиб қолди.

— Нега?!

— Билмадим.

— Унақа дема,— қизчани совуқ титроқ босди.— Қўй, унақа дема, кимни қўли боради шунга?!

— Борибди-ку.

— Наҳотки...

— Уз қулоғим билан эшитмасам...

Қизча жим қолиб:

— Ким?!— деди,— ким?!

— Билмадим, дафтарни шундоққина бурним тагида ўқиб берди-ю, кимникилигини айтмади.

Айтмади! Унда нега ўқиб берди?! Йўғ-е, буларнинг ба-ри туш, наҳот шу нарсалар ўнгида содир бўлса?!

Олисда шағал тўкилгандай қаҳ-қаҳ овоз эшитилди. Нокзордан париллаб бир гала қуш кўтарилди. Қизча чўчиб аланглади. Осмонни бир лаҳза қушлар қуюни босди. Аммо, харсангтошларга бош уриб чил-парчин бўлган телба тўлқиндек бирдан ҳар ёққа тўзиди-ю, яна нокзорга сочилиб кетди. Аҳён-аҳён кулги, қийқириқлари шу ёққа эшитилаётганлар орасида «ўша» ҳам борми, бўлса Отақўзи баҳона-ю, аслида қилмишига қувониб кулармиди?!

— Юр,— деди бола тутақиб.

— Қаёққа?

— Майли, қаёққа бўлса ҳам майли.

Бола ҳовлиққанча сўқмоққа юрди. Қизча шу тобда тўсатдан боши оққан томонга кетгуси келиб, индамай эргашди унга. Кўп ўтмай йўлга тушиб олишди-да, шсв-шув нокзор орқада қолиб, қир билан қишлоқни тўсган дўнгликдан ўтишганда бола қизга қараб қўйди.

— Нега индамайсан?

— Узинг-чи?

Бола тўхтаб олисларга кўз тикди. Офтоб оғиб борарди. Бепоен ясси қир аллақандай улуғворлик билан жимгина мудрарди. Кўксидан ўрмалаган телба сой ҳар ер-ҳар ерга тўкилиб ётган шиша синигидай ялтирарди. Қирғоқда бир гала бола чуввос солиб от қуварди. Жонивср эса сувдан ҳуркиб ҳар ёққа ташларди ўзини. Мовий осмонда кўққисдан оғир-оғир силкиниб бургут пайдо бўлди, унинг баҳайбат кўланкаси ҳаммаёқни, ҳамма нарсанинг ғуборини, бирма-бир супуриб ўтди-ю, қир-адирлар янгидан ярақираб кетди!

— Менми?— деди бола,— билсанг эди нималарни ўйлашимни.

— Айт, айта қол...

— Ҳалигина... Ростовани ипидан-игнасигача...

— Ке, қўй, Мутал, қўй ўшани!

— Йўқ, сўрадингми, эшит!— бола қизишди.— Унинг туйғулари ҳаммага яқин шундайми, йўқ, айт, шундайми?

— Шундай.

— Ундан аввал Тургеневнинг «Илк севгиси», бошқа китобларидаги... демак буларни ҳар қанча ўрганишга ҳаққим бор, бор, ҳатто қанча фикр-мулоҳаза юритсам, айб эмас, биров майна қилмайди, шунақами, йўқ, аввал айт, шунақами?

— Шунақа,— деди қизчанинг юраги дукиллаб,— шунақа, тинчлан, Мутал, шунақа дедим-ку!

— Унда нега, шу нарсага ўзимни ҳаққим йўқ?

— Нимага?!— деди Холпошша.

— Уша... нарсага!

Боланинг вужуди титради. Қизча чўчиб, кўзларини катта очганча қолди. Йўқ, унинг сира бунақа куйиб-пишганини кўрмаганди.

— Айтдим...

— Нимани?!

— Шунди...

— Кимга?!

— Анавиги, майна қилиб жилмайган башарасига қараб айтдим, кўнглимда бор гапни айтдим, мен буни... истасам дадангдан ҳам сўрайман!

— Жинни!— қизча боланинг кўкрагидан итариб юборди,— жинни, нима деяпсан, нималар деб валдираяпсан?!

Бола беҳос мункиди, елкалаб бориб дўнгга урилди, аммо дарров ўнгарилди-да, сапчиб турди.

— Йўқ,— деди бошини оғир-оғир чайқаганча тисарилиб,— буни нимаси майна, ҳаққим борми, йўқми?!

— Тўхта! — қичқирди қизча, — тўхта, Мутал, қийнама, ёлбораман тўхта!

Иўқ, бола тўхтамади. Ҳатто қизчанинг овозинч ҳам эшитмади. Юриб эмас, елкасидан биров чанг солиб ушлаб қолаётгандай югуриб дўнгга чиқди-ю, бирдан пастга тушиб кетди. Қизча жон аччиқда чопди, орқасидан югурганча ялинди, ёлборди. Бола тўхташни хаёлига ҳам келтирмасди, ҳаллослаб чопарди. Қизча бир лаҳза даҳшатда туриб қолди, сўнг чинқирганча югуриб, болага етиб олди, йўлини тўсиб тўхтади. Бола бўшашди, биров куч-қувватини суғуриб олгандай, чўққайиб ўтириб қолди.

## VI Б О Б

Мелиқўзи олма ғажиб, папкани бепарво силкиганча дарвозадан кириб келди. Ҳовлида уёқдан-буёққа бесаранжом юрган Мирфаёз кўзлари ола-кула бўлиб унинг тирсагидан тутди-да, чеккага бошлади.

— Ошна, ўзингни бос, — деди уёқ-буёққа қараб, — бунақада тош бўлсанг ютасан.

— Қанақада?!

— Анави нокда ўтирганларимизни...

— Хўш?

— Ушани қоғозга солиб, залга осишибди.

— Ким?

Мирфаёз илжайди.

— Тавба, била туриб сўрайсан-а?

— Ушами?! — Мелиқўзи олмани улоқтириб, нах «ўша»нинг бошига пақиллатиб туширгудай жаҳл билан папкани у қўлидан-бу қўлига олди-да, залга кирди. Кетма-кет бораётган Мирфаёз нимагадир айниди, Мелиқўзи бурилиши билан у орқага қайтди.

Зал гавжум эди: шов-шув, қийқириқ-кулги эвжида, майда-чуйда болалардан тортиб, юқори синф ўқувчиларигача шу ерда. Бир-бирларининг елкаларидан ошиб, зал тўридаги стендга мўралашарди. Мелиқўзининг синфидан ҳеч ким кўринмасди. Мелиқўзи болаларни туртиб-суртиб ёриб ўтди-ю, кўзлари соққасидан чиққудай олайди. Бу ерга Нафиса чизган ўндан зиёд расм қўйилган эди: ўртада Нурининг ўйин тушгани, похол қалпоқни бостириб олган Бўрижон аканинг нок тергани-ю, Ҳикматилла ака билан сочлари саватдай хурпайган аллақандай кишининг қўлтиқлашиб турганигача, ўша номаълум одам ярим кеча аллақандай ўлган отни жон-жаҳди билан судрагани — хуллас, ҳар бало бор эди. Ёнма-ён ўсган икки туп нокнинг

пастки катта шохида Мелиқўзи билан Мирфаёз иккови чўзилиб ётарди. Расм тепасига «буюк кашфиёт» деб ёзилган-у, пастрогида эса Мирфаёзнинг оғзидан чиққан ўша сўзлар: «Авлод-аждодларимиз то биздек одам бўлгунча мана шундай дарахтларда тунаб юришган». Тўп бўлиб турган болаларнинг бир-иккитаси Мелиқўзини пайқади шекилли, бир-бирини турта бошлаган эди, Мелиқўзи зинкин сирганиб чиқди. Аранг зал остонасидан ҳатлаб, сингиллаганча синфга юрганда, боя орқасидан эргашиб келаятган Мирфаёзни эслаб аланглади. Ошнаси Мирфаёз аллақачон қуён бўлганини кўриб, бир алами икки бўлди; вой мингаймас қиз! Пойлагани-пойлаган, яна оғизларидан чиққан сўзларни ҳам қулоғига зиракдай илган экан да! Эҳ, дадасининг ҳалок бўлгани, онасининг кетиб қолиб, кекса бобоси билан ёлғиз яшашини эшитгандан бери Мелиқўзи бу қизга раҳм-шафқат қилиб юрса, бунақа қилиқлари бор экан-у. Тавба, нега ўшанда бургутнинг қанотларига эмас, чақчайган хунук кўзларига ўқ узмади?! Битта маҳлуқнинг, Мелиқўзи жинидан ёмон кўрган маҳлуқнинг қаноти сағал лат еганига қанча машмаша бўлди-я. Дам Бўрижон ака чақириб изза қилди, дам анави ўртоғи Холпошша. Холпошша-я, шу қизни-чи, одамни жинни қилган кўзлари демаса, ўша мингаймасдан сира фарқи йўқ экан. Айниқса, Мирфаёзнинг тунов куни айтганларидан кейин офтобни ҳам куйдирган кўзлари бирдан Мелиқўзи назарида... ҳай, майли, хуллас, шу Холпошша ўша маҳлуқнинг қаноти яраланганда худди аммасининг уйига келгандай, тўппа-тўғри Мелиқўзиникига кириб, айвон устунда турган шундоқ милтиқни қарсиллатиб иккига бўлиб ташлади-я! Йўқ, энди билса, ҳаммаси ўша Мирфаёз айтган нарсанинг алами, тўхта, шу қилмишларингга, деб Мелиқўзи ғазаб билан эшикни очди-ю, ўзига ўхшаб ҳовлиқиб чиққан аллакимга беҳос урилиб кетди. Мутал экан!

— Ҳа?!— пешонасини ишқалади,— нега калла қўясан?

— Ким?

— Сен!

— Оғзингга қара,— деди Мутал эшик тутқичини ушлаганча. Кейин остонада турганча бошини кўтариб бир Мелиқўзига, бир синфга қараб, чиқиб кетди. Уни кўзлари жиққа ёш эди! Буни ҳеч ким сезмаса ҳам, Мелиқўзи пайқади, пайқади-ю, бояги ғазабини ел совургандай бўшашиб, Мирфаёзнинг ёнига келиб ўтирди.

— Нима гап?

— Уқимасмиш.

— Нега?!



— Узидан сўра,— деди Мирфаёз кулиб.

...Мирҳалим ака ўғли билан Мелиқўзини ёнма-ён кўриб мамнун жилмайди-ю, аммо анавининг кетиб қолганини эшитиб, юраги хижил бўлди. Озгина кечаги хархашаси демаса, бола бугун гаҳ деса қўлга қўнғудай талпиниб-талпиниб ўтириши керак эди! Ҳай, майли, Ростованинг жанжалидан қутулдим, деб тинчиди-ю, йўқламани очди. Дарҳақиқат, дарс осойишта ўтди. Дарс охирида эса иншоларга тўхталди. Баъзи болаларни, айниқса Мелиқўзини ўзига хос ижод соҳиби бўлиб етишувига катта умидворлигини билдириб дафтарларни тарқатди.

Холпошшани дарвоза олдида Нафиса тўхтатди.

— Йўлинг буюқда эмас-ку?

— Йўқ, шу ёқда,— деди Нафиса,— мунча шошасан?

— Узим,— деди Холпошша мактаб орқасидаги сайҳонга бурилаётди. Бу йўл кўнглини қандай ҳаяжонга солмасди авваллари!

— Қаёққа?— энтикиб сўради Холпошша.— Қаёққа-кет-япсан?

— Бошим оққан томонга!

— Нима деганинг?

— Буми,— деди Нафиса тўхтаб,— бу, ёлғиз гаплашай деганим.

— Нима дейсан?

Холпошша орқасига қарамай илдам-илдам юрган эди, Нафиса қўлидан ушлади.

— Тўхта!

— Қийнама, билмайман.

— Йўқ, биласан, ҳаммадан яширсанг ҳам, кеча Муталнинг аҳволини ўзим кўрганман, ўзим сени чақириб берганман, биласан!

Холпошша ночор тўхтади. Бошини қуйи солганича:

— Мен нима қилай?— деди.

...Қизлар кун ботгунча сайҳонда қолиб кетишди. Сўқмоқнинг у бошидан-бу бошига қанча бориб келишмади? Ҳар гал Нафисанинг кўнгли эзилиб:

— Бечора Мутал!— дерди,— уни ўрнида балки, мен ҳам шундай қилардим! Нима десанг де, аммо шубҳа билан яшаш...

— Нима?

— Қим қилган бўлса.

— Ҳаммага ёясанми ҳали?!

— Холпошша!

— Кейин-чи, кейин нима бўлади?

— Бас қил!

— Аралашма, Нафиса, аралашма, билдингми!

— Менга қара!— қизнинг қўлларини ушлаб олди Нафиса,— менга қара, ўртоқжон, бир йил ҳа-ҳув деб ўтади-кетди ҳаммамиз учирма қушдай ҳар ёққа тарқаймиз, балки, кўришмасмиз, Холпошша. Наҳот, умр бўйи шубҳаланиб яшасак?!

— Билмайман, билмайман!— деди Холпошша. Кейин ўртоғининг елкасига бошини қўйиб, бирдан ҳўнграб юборди.

Эртасига учинчи соат чет тили эди. Уқитувчи бетоблиги сабаб Мирҳалим ака мустақил машғулот топшириб, чиқиб кетиши ҳамон Нафиса доска олдига борди-да, бу ерга адашиб келган одамдай ҳаммага бир-бир ғалати қарай бошлади.

— Вой, расмимни соласанми?— Муниса ҳазиллашди,— сочимни тараб олай!

— Ҳа!— Отақўзи кафти билан бошини силади,— ҳой, ҳамманг ёқангни тўғрилади!

— Сенларга майнавозчилик бўлса!— деди Нафиса,— аммо нега, нега Мутал келмади, биронтанг ўйламайсан ҳам!

— Унақа дема,— деди Нури,— нега ўйламас эканмиз?

— Уйласанг, айт, нега келмади?

— Билмасам.

— Сен-чи!— деди Отақўзига,— сен-чи, биласанми?

Отақўзининг кўзлари пир-пир уча бошлади.

— Кеча, «Бу ерни елкаминг чуқури кўрсин», деб ҳазиллашгани демаса.

— Ҳазил ўлсин шунақа бўлса!— қичқирди Нафиса кўзларига ёш олиб, Холпошша қўй, қўй, дерди ёлбориб, аммо Нафиса унга қарамасди. Синфни сув қуйгандек жимлик босди, аллаким секингина:

— Узинг-чи?!— деб қўйди.

— Узимми? Мутал келмайди, сабаби: биттамизнинг хоинлигимиз!

— Хоинлигимиз?!

— Қимни?— бўйини чўзиб олайди Отақўзи.

— Оҳ, билсам эди,— деди Нафиса унга қараб,— бу нима?

— Значок.

— Ниманики?

— Кўрмисан!

— Шуни кўксимизга таққанимизда ҳаммамиз покизаликка қасам ичганмиз, виждон олдида, энди бўлса...

— Қим?!— деди яна Отақўзи,— ким ўша хоин?

— Балки, сендир?  
— Э, э, э!— ҳавога чанг солгандай қўлларини силки-  
ди Отақўзи,— оғзим бор деб, нима деяпсан?  
— Балки,— дея Нафиса Нурига қаради,— сенми?  
— Эсингни едингми?!  
— Унда,— бир лаҳза жим қолди Нафиса.— Қим? Ме-  
лиқўзим, ё анави Мирфаёзми, ким?!  
— Бас-е,— сапчиб турди Отақўзи,— билсанг, Муталдан  
жонимни аямайман, нима қиласан ҳаммага шубҳа солиб,  
билсанг, дангал айт, билмасанг...  
— Билишни истайсанми?  
— Истайман.  
— Яна ким, ким истайди?  
— Ҳамма,— чувиллашди болалар.  
— Унда, қани ҳамма физиллаб уйдан кечаги иншони  
келтириб манави столга қўйсин! Қим бош тортса, демак,  
ўша!

Орага жимлик чўкди-ю, бирдан:

— Шунақами?— деб Нури чиқиб кетди.  
— Бундан мен-у, Мурод мустасно!  
— Нега?— деди Отақўзи.  
— Биз қирда бўлмаганмиз. Қолаверса ёзган иншола-  
римиз қирга алоқадор эмас.  
— Демак, гап буёқда экан-да!— деб Отақўзи ҳам  
эшикка қараб юрди, Нафиса Муродга ўгирилди:  
— Сен ер тагида бўлса ҳам Мутални топиб кел! Дарс  
охиригача топиб кел!  
— Келмаса-чи?!— деди Мурод.  
Нафисанинг нима бало, кимсан, деб юборишига оз  
қолди-ю, аммо дарров ҳовуридан тушди.  
— Келмасами? Қўлларини орқасига бураб, олдинга  
солиб кел!

Мурод қизарганча латтадай бўшашиб ташқарига чиқ-  
ди-да, пешонасига шақиллатиб уриб қўйди. Асло унақа  
демоқчи эмас эди. Йўқ, билмай айтиб юборди шу гапни.  
Уни бирдан ҳайратга солиб, бунчалар довдиратган — На-  
фиса эди! Уша ўзи билган мулойимгина, мудом ялинаёт-  
ганга ўхшаб гапирадиган бўш-баёвгина Нафиса кези кел-  
са бунчалар шаддот, пахтадай юмшоқ табииати тошдай  
қаттиқ бўлишини хаёлига келтирмаган эди. Эҳ, қиз бола-  
ни беш қўлдай биламан деб керилганларнинг ҳаммаси  
лақма! Кўчага қараб юрганда ичкарида зал шипига тек-  
кудай деразани тўсиб девдай одам ўтди, Мурод беихтиёр  
орқага тисарилиб, ўзини тут панасига олди. Кўп ўтмай  
тиш доктори залдан чиқди! Уёқдан-буёққа бесаранжом

кўз ташлади. Қўлидаги бир даста қоғозни ғижимлаб чўнтагига солди-да, қадамини катта-катта ташлаганча кўча томонга кетди. Мурод панадан чиқди. Эшикдан киргани эриниб, деразадан залга қаради. Стендаги расмларнинг ярми йўқ эди: нега олди?! Синфга югурмоқчи бўлди-ю, Нафисанинг бояги қарашларини эслаб, бўшашганча кўчага бурилди. Мирҳалим ака, қўлларини орқасига қилиб, уёқдан-буёққа юмшоқ қадам ташлаганча қуйи синфлардан бирида дарс ўтарди. Майда-чуйда болаларнинг садағаси кетсанг арзийди, ҳой, қитиққа тегиш уёқда гурсин, нафас олганини ҳам эшитмайсан-а, дея хаёлидан ўтказар, ора-чора деразадан бўм-бўш ҳовлига қараб қўяркан, оёғи куйгандек чопқиллаб ўтган Нурига кўзи тушди. Бир оздан сўнг лопиллаб Отақўзи, кетидан Мелиқўзи кўринди. Орқама-орқа Мирфаёз ҳам кўчага югурди-ю, нега буларнинг ини тўзиди, деб ташқарига чиқди-да, дарвозага етиб қолган ўғлини чақирди.

— Ҳой, бери кел.

Мирфаёз орқага қайтди.

— Нима, дада, нима?

— Ўт тушдимми? Қаёққа?!

— Уйга, дада, уйга.

— Анавилар-чи?

— Улар ҳам!

— Дарсни ташлаб-а, нега?!

— Иншо дафтарини олиб келгани.

— Шунақами,— деди Мирҳалим ака ажабланиб. Ўғли кетаётган эди, Мирҳалим аканинг қони қайнаб келди.

— Эшшак, қаёққа?!

— Нима дейсиз, дада? — дадасининг оппоқ қошлари баланд-паст тушганини кўриб Мирфаёз секин қайтди.

— Борма.

— Йўқ, дада!— йиғлагудай бўлди Мирфаёз,— борма-сам «ўша» деб ўйлашади.

У ҳовлиқа-ҳовлиқа ҳаммасини айтиб берганда, Мирҳалим аканинг ажабланиши яна ошди. Ҳа, бемаврид югур-югур бежиз эмас экан! Ўғлининг елкасидан тутганича секин-секин алланарсаларни уқтира бошлади. Ўғли дам-бадам бош силкитар, ора-чора чўчиб, дадасига қарарди.

— Уқдингми?— ниҳоят гапдан тўхтади Мирҳалим ака.— Уқдинг-а?

— Ҳа, дада.

— Нимани?

— Аввал уникига, кейин уйга, кейин...

— Бора қол!

Мирфаёз ёввойи эчкидай сакраб, югурганича дарвозадан чиқиб кетди. Мирҳалим ака эса, «арини уясидай ғувиллаб ётган» синфга қараб юрди. Унинг кириб келиши Холпошшани бир оз саросимага солса-да, аммо Нафисага қилча таъсир этмади. Мирҳалим ака бир қарашдаёқ бун пайқади-ю, бепарво жилмайди:

— Нима гап, қизим?

— Мажлис...

— Мажлис?! Аҳли мажлис қани?

— Ҳозир йиғилади.

Мирҳалим ака бош чайқади.

— Дарс вақтида...

— Йўғ-е,— деди шошиб Нафиса,— мажлис ҳам эмас, фавқулодда йиғилиш. Шундай бўлиб қолди, мустақил машқни ҳаммамиз уйда бажарамиз.

— Ҳар қанақа йиғилиш аввало синф раҳбарининг розилиги билан бўлармиди, қизим.

— Бўрижон ака йўқ эканлар,— деди Нафиса,— раис бува билан тоққа кетган эканлар.

— Дарвоқе,— деди Мирҳалим ака,— аммо, мен бор эдим.

— Сизни дарсдан чалғитамизми деб...

— Шундайми? Жилла бўлмаса кун тартиби каминага аён бўлганда ҳам.

— Виждон ҳақида!— деди Нафиса.

— О, бағоят муҳим!— Мирҳалим ака эркалаб унинг елкасига оҳиста уриб қўйди,— баракалла, аммо йиғин масалага монанд савияда ўтсин, тузикми!

Мирҳалим ака ҳовлига чиқди-да, дарвозага кўз ташлаб, майда болалар олдига кирди. Кўп ўтмай боягидай ҳовлиқиб Нури, орқасидан лапанглаб Отақўзи, бирин-бирин бошқалар ҳам келиб, синфга ўтиб кетишди. Алламаҳалда Мирфаёз келиб, дадаси дарс ўтаётган синф эшигини очди. Мирҳалим ака ўғли узатган дафтарни остонада турганча варақлаб, қайтариб берди. Мирфаёз боягидай югуриб кўчага чиқди-да, ҳаялламай Мелиқўзи билан бошлашиб кирди.

Ҳамма дафтарини столга қўйиб, жой-жойига ўтирди. Нафисанинг юрагига ғулғула тушди: мана шуларни биттаси!

— Меники билан Муродникини ҳисобга қўшмаса,— деди санаб,— роппа-роса йигирма битта!

— Бошла,— деди Отақўзи.

— Нимани?!

— Ҳа, ўқи!

Нафиса ўзини йўқотиб қўйди, буёғини ўйламабди! Шунча машмашадан сўнг «ўқи» деб туриб олишса, қўлидан нима келарди?! Холпошшанинг аллақандай илтижо билан жавдираган кўзларига қараб:

— Йўқ, йўқ,— деди шошганча,— Муталнинг ўзи келсин, ўзи ҳал қилсин.

— Нимани?!— деди Нури.

— Уқиймизми-йўқми?!

— Ол-ла!— боядан бери миқ этмай ўтирган Мирфаёз ўрнидан турди,— ҳозиргина ҳаммага қўлингни бигиз қилиб, «сенми, сенми», деб чиқдинг, энди бўлса...

— Айлантирма!— деди Отақўзи ҳам,— мақсад кимлигини билишми?

— Уқи!— деди Мирфаёз,— ким хоин!?

— Балки туҳматдир?

— Ҳа-я!

— Нега унақа дейсан?

— Билишни истаймиз!

— Ҳа, истаймиз!— деди болалар чувиллашиб.

Отақўзи «сен ўқимасанг, мен ўқийман», деб сапчиб турган эди, Холпошша қичқириб юбораёзди!

Синфда шовқин-сурон кўтарилди.

— Нега лақиллатдинг!

— Бу қанақаси?

— Ўзи субутинг борми?

— Бор!— қарсиллатиб мушт урди столга Нафиса,— бор, аммо, мана, масалан сенинг, Отақўзи, дунёда ҳеч кимга ишонмаган кўнгил сирларинг бўлса, шуни ўртага солиб ўқисак, қай аҳволга тушардинг, қани, айт!

Отақўзи бақрайди-қолди.

— Ҳой, Нури, сени-чи?!

— Жинни!— деди Нури тескари қараб.

— Қўйинглар,— деди ёлбориб Нафиса,— наҳот, Мутал умр бўйи ҳаммадан шубҳаланиб яшаса?! Дафтарда нима бор, майли, ўзи кўрсин-у, аммо хоиннинг номини кейин бизга айтсин!

Отақўзи бўшашиб:

— Майли,— деб жойига ўтирди.

Эшик шаҳд билан очилди.

— Келмасдим,— остонада Мутал силкиниб-силкиниб кулди,— аммо... ҳузур қилиб ўтирганларингни бир кўрай деб келдим!

— Кўрай деб келдингми?— деди Отақўзи қизишиб.

— Кўрай деб келдим!

— Артист бўлиб кет-е,— деди олайган кўзларига қараб Нури,— саҳнада... ўйнасанг, Отеллонни зап қотирадинг!

— Кесатма!

— Бас қил!— деди Нафиса,— бас қил, ҳеч ким ҳеч нарса ўқигани йўқ, мана... ўзинг қара!

Нафиса чиқиб кетди. Отақўзи ҳайкалдек қотиб турган Муталга маъюс кўз ташлади-да, Нафисага эргашди. Кетидан Муниса, Нури чиқишди. Охири Мирфаёз билан Мелиқўзи... Остонага борганда негадир Мелиқўзи довдираб, орқага қайтганди, Мирфаёз қўлидан маҳкам ушлаб судради.

Ҳамма йўлакка тўпланиб зимдан бир-бирига назар ташларди. Нури кафтларини ишқалаб, Мирфаёз қўлларини чўнтакка солиб, полданнарса қидиргандай уёқдан-буёққа юрди. Отақўзи оғир-оғир бош чайқади, Мелиқўзи эса ичига ўт тушгандай дам-бадам водопроводдан сув ичди. Орадан беш, ўн, чорак минут ўтди ҳамки Муталдан дарак бўлмади. Отақўзи эшик тирқишига қулоқ тутди-да:

— Ҳой,— деди Холпошша билан Нафисага,— нима бало, Мутал ҳамма дафтарни қўлтиққа уриб, ойнадан қочдим, кириб қараларинг!

Қизлар синфга киришганда дафтарлар стол билан битта бўлиб сочилиб ётар, Мутал эса бошини чангаллаб ўтирарди.

— Йўқ,— деди бўшашиб.

— Нима йўқ?!

— Уша!

— Нега?!— деди Нафиса столда сочилиб ётган дафтарларни дасталаб санаркан. Мирҳалим акани имзосига-ю, баҳоларига ҳам қараб чиқди, йўқ, ҳаммаси жойида! Нафиса ажабланиб бир Муталга қаради, бир Холпошшага. Холпошша эса қалтираб кетди.

— Мутал?!

— Йўқ, ўша йўқ!

— Бекор айтибсан!— унинг ёқасидан ушлаб Холпошша жон-жаҳди билан силкиди,— нега кап-катта одамга туҳмат қилдинг?!

— Қўйиб юбор,— қитиғи келгандай Мутал хахолаб кулди,— йўқ дедим-ку, йўқ бўлса нима қилай?

— Шунақами?!

Холпошша унинг ёқасини бўшатди-ю, бирдан... Мутал эса маст одамдай гандираклаб кетди. Йўқ, огриқдан эмас, қулоқлари остида қарсиллаган овоздан ҳаммаёқ қоронғи-

лашиб, кўзларидан сачраган учқундан ҳайратда туриб қолди.

Ҳамма синфга ёпирилиб кирганда, Мутал лунжини ушлаганча отилиб ташқарига чиқиб кетди.

— Хўш?— деди Отақўзи,— ким экан?

Холпошша дераза раҳига пешонасини қўйганича ҳовлидан кўз узмасди.

— Ким?!— деди Нури,— нега миқ этмайсанлар, ҳой, ким экан?

— Қим билсин...— хўрсинди Нафиса,— билмайман, сўрама, билмайман!

— Айтмадимми!— кулди Мирфаёз. Аммо унга ҳеч ким эътибор бермади. Боядан бери остонада турган Мелиқўзи эса чўчиб ўгирилди-ю, қичқирди.

— Жим, Мирфаёз, жим, яна битта кулсанг!

— Мунча,— деб Мирфаёз секин жойига ўтирди,— хўп, вой-бўй...

Қўнғироқдан сўнг таёқчами бепарво силкиб синфга кирган Мирҳалим акани ғоят таажжублантирган нарса — ўғли билан Мелиқўзининг бошқа-бошқа ўтиргани бўлди!

## VII Б О Б

Муроднинг шубҳаси бежиз эмас эди...

Қамбар ота ўчоқдаги оловни тортиб, қозонни милтиратиб қўйди-да, бирпас мизғиб олай деб, сўрининг олачалпоқ соясида эски симкаравотга чўзилди. Чўзилди-ю, қумтошдай қотиб қолди. Чолда ҳаловат йўқ эди. Кечалари биров наҳ ҳиқилдоғини қитиқлагандек бўлиб уйғониб кетарди-ю, кейин тонг отгунча мижжа қоқмай ўтириб чиқарди. Шунинг учун кундузи уйда, ё бўш пайти мактаб қоровулхонасида мизғиб оларди.

Аллакимнинг нафасидан чўчиб кўзини очди, анави бир қўлида беш-олтита кўкпиёзни буклаб, бир қўлида нон ушлаб тепасида турарди. Ҳеч нарсага пичоқ урдирмас, сассиқ саримсоқдан оқ пиёзгача тишни пухталайди деб бутун чайнарни. Унинг музволтидай тишларига ҳавасланиб ўрнидан турди-да, икки коса серқатиқ мастава сузиб, айвонга чиқди. Овқатдан сўнг анави қўлтиғига ястиқ тортиб ёнбошлади. Папирос тутатди. Оғзидан самоварнинг карнагидай паға-паға тутун чиқариб ётганда, идиш-товоқдан қутулиб Қамбар ота ҳам чойнакда чой олиб келди. Папироснинг аччиқ тутунидан Қамбар ота димоғини елиб қўйган эди, ҳузур қилиб кулди.

— Чекканмисиз?



— Худо асрасин.

Анча-мунчадан кейин сўради.

— Нос-чи?

Қамбар ота индамай чой қўйди.

— Нос-чи?!— деди яна.

— Бир маҳаллар,— деди Қамбар ота истар-истамас,— у ҳам хоҳишим билан эмас, ўша тентак Оппоқхўжани...

— Йўғ-е?!

У чол билан камдан-кам одамга ўхшаб гаплашарди, шунгами, ё чолнинг қулфи-дили очилиб кетдими, пиёлани оҳиста чайқаганча, алланарсаларни эслаб овозсиз кулди:

— Лаънати... чўпдан ҳам ҳадиксирайдиган одам эди, тавба, овқатга асранди қизидан кейин қўл урарди. Носни аввал менга чектириб, сўнг носқовоқни оларди. Бир гал мажбуран чектирганда ичимга кетиб, наҳ ўласи бўлганман.

— Қаранг-а!— бош чайқаб қўлтиғига яна битта ёстиқ тортди,— кеча, нок теримида зап иш бўлди-да!

— Хўш, хўш?

— Уста Олимнинг куёви билан иноқлашиб қолдим. Жуда очиқ, дилкаш экан. Аста гапга солсам, ажаб нарсаларни сўзлади денг.

— Дуторними?! Дуторни изига тушдингизми?— деди қизиқиб Қамбар ота.

— Йўғ-е, унчалик эмас, бошқа нарса...

— Нима экан?

У ёнбошлаганча папиросни жон-жаҳди билан сўриб, оғзидан чиқарган ҳалқа-ҳалқа тутунга қараб узоқ ётди-да:

— Устани... ўлимини айтиб берди,— деб қўйди.

— Шунақами.

Қамбар ота қизиқмади. Чойни янгилай деб бир йўла дастурхонни ҳам йиғиб пастга тушди. Барглари шапалоқдай-шапалоқдай райхоннинг ариғига дастурхонни қоқиб, ошхонага ўтди-да, алламаҳалда қайтди.

— Нега сўрамайсиз?

— Бе,— қўл силкиди Қамбар ота,— ажални тафсилоти қурсин, нохуш нарса, ҳар қандай кўнгилни ҳам вайрон қилади.

— Айниқса устаники!

— Нега ундай дейсиз?!

— Йўқ, сиз эшитинг-а!

У чордана қурди-да, уккиникидек кўзларини чолдан узмай хотиржам, босиқ гапирди. Ана шуниси Қамбар отани бирдан жиловлаб қўйди.

— Уста Олим дўконда тўсатдан қазо қилганини биласиз-а?

— Шундоқ,— деди Қамбар ота.

— Аммо, уста ажал билан эмас, ўткинчининг бир отим носидан бехос ташлаб юборган экан ўзини! Шогирдлари табиб олиб келишганда, табиб носдан гумонсираган!

Чол чурқ этмади.

— Буни,— совуққина кулимсиради тиш доктори,— буни шунча йил, шунча замон ўтиб, мана шу тобда ўзингиз ҳам тан олдингиз!

— Нимани?!

— Устани нега тўсатдан ўлганини-да!

— Ё тавба?!

Қамбар ота тарашадай қотиб қолди.

Анави пашша қўригандек қўл силкиб, ёстиқни бир уриб шиширди-да, чалқанча думалади.

— Нега яширган эдингиз?!

— Нимани?!

— Ўзингиз, «бир гал мажбуран чектирганда ичимга кетиб, наҳ ўласи бўлганман», демадингизми?!

— Деган бўлсам нима бўлибди?

— Шунини ўзи тасдиқ эмасми?

— Нечун?!

— Нечунми?!— шипга қараб узоқ ётди тиш доктори,— шу ҳодисадан сўнг, дарҳақиқат, носни оғзингизга қандай олардингиз?

— Қўйинг!— чол ўрнидан турди-да, каловлаганча ичкари уйга кириб кетди. Тиш докторининг кўзларига қон қуйилди-ю, аммо ўзини босди. Қандай ётган бўлса, шу кўйи ётаверди. Аввалгидек, битта пўписа билан... Йўқ, шабадага пирпираган шам пилигидек жони халқумида турибди, товонига қолиб нима қилади. Шундоқ ҳам чўнтагидаги сурат кўнглини вайрон қилиб юборди. Оббо, гирмизак, анави чолнинг невараси билан сада остида ўтирганида: «Шу одамни қаерда кўрганман-а», деган эди-я! Эслабди-да! Эслаб қизга айтган. Кейин иккови ўйлаб-ўйлаб, битта-яримтага шипшитишдан аввал шубҳа қанчалик ҳақиқатга мослигини аниқлаш мақсадида атайин шундай қилдими? Ҳа-я, нега бўлиши мумкин эмас?! Булар оғзинг қани деса қулоғини кўрсатадиган бўш-баёвгина кўриниш-са ҳам, аслида Мирҳалим ака айтганча, анави бир сўзли, чўрткесар одамнинг таълимини олганки, бай-бай, муштдай бўла туриб ҳам каттадай ақл ишлатса, ҳам тутган жойидан шартта узса! Бунақалар улғайиб, бир ишни бошини тутати! Ана унда балойи-азим бўлади. Шундай хаёллар-

га гарқ бўлиб жунжикиб ётганда, нохуш шубҳа кўнглига соя солди. Шунча маҳал кирмаган зал ўлгурда пишириб қўйганмиди?! Аттанг, шу иши хом бўлди-да. Киришга кирди, индамай чиқиб кетавермайдими? Бу гал ҳам раҳматли тоғаси айтмоқчи, шошма-шошарлиги панд берди! Панд бердимикин-а?!

Эшик гижирлагани кўнглига тошдай ботди, Қамбар ота остонада тура-тура секин жойига келиб чўкди-да, боши эгик ҳолда узоқ ўтирди.

— Гапиз ўйлатиб қўйди мени.

— Айтмадимми!

— Ошиқманг, иним,— деди секин инграгандай Қамбар ота,— модомики шу ишга қўл урдингиз, майли, ҳамма жиҳатини билинг.

Анави ҳовлиққанча ёнбошлаб, чолдан кўзини узмай, ердан пайпаслаб папирос олди.

— Шундайликка шундай-ку, аммо, уста тасодифнинг қурбони бўлган.

— Тасодифни?!— деди чордана қуриб тиш доктори.

— Бунга раҳматли тоғангизни ҳам даҳлдор жойи борки, билганингиз яхши.

— Тоғамни?!

— Шундай,— чол кўзларини юмиб, алланарсаларни эслагандай жим қолди.— Бой билан заргар тоғангизни иноқликларидан батафсил хабардорсиз. Бунга тўхтамай қўя қолай. Ҳар икковларини алоқалари аксари мен орқали эди. Қачонки, харидга шаҳар тушсам, бой совға-салом юборарди. Тоғангиз ҳам ўн чандон жавоб қиларди. Хуллас бир гал тоғангиз антиқа носқовоқ олдириб қўйган эканлар, кўз ололмайсиз! Бой мана шунақа майда-чуйда ипиристики нарсаларни ўлгудай яхши кўрарди. «Ўзингиз нос отасизми?» дедилар тоғангиз, рост гап, отмасдим, аммо, бойни қилиқларини айтгани иймандим. «Йўқ» дедим, унда, дедилар жилмайиб, шуни бойга элтиб беринг, кафтига ҳар нос қоққанда мени эсласин. Ҳатто идишни ўзлари тайёрлатган носга тўлдириб бердилар. Носқовоқни белбоққа қистириб, бой буюрган нарсаларни харид қилдим. Қайтишда бойнинг устага берадиган озгина омонатини эслаб, устани дўконига ўтдим.

Чол узоқ сукут сақлади.

— Хўш?— анави тоқатсизланди,— ўтдингиз, ундан кейин-чи, хўш?

— Ўтдим,— деди чол,— уста аччиққина чой дамлаб ўтирган экан, бир пиёла-бир пиёла ичдик. Уста бесаранжом бўлиб, ён-верига қаради. Белбоғини, пўстак остини

титди. Қурсин, уйга ташлаб чиқибман шекилли, деди. Ке, бир отим нос билан бой хонавайрон бўлармиди деб, тоғангиз берган носқовоқни узатдим. Уста носқовоқни завқланиб, узоқ томоша қилди-да, кафтига бир уриб қайтиб берди. Аммо, олдимда чекмади, йўқ, ўттиз-қирқ қадам юришимни биламан, тўсатдан ғала-ғовур бошланиб кетиб, қайтиб борсам...— Чол бўзариб кетди.— Носқовоқни ариққа ташлаб қочдим!

Чолни титраши унга ўтди.

— Йўғ-е, йўғ-е!

— Худо шоҳид. Аммо бойга айтмадим. Айтмай яхши қилган эканман.

— Нега?

Чол тўмтоқ бармоғига қараб қўйди.

— Кечқурун тўсатдан ўзлари келдилар.

— Ким?

— Тоғангиз. Қўрада ёлғиз эдим. Дағ-дағ титраб пичан кесардим. Тепамга келдилар. Ё фармони худо, ўша қарашларини ҳануз унутолмайман. Бир қўлим пичанда, бир қўлим жоду дастасида қотиб қолибман. Жилмайиб, тирсагимга бир урдилар, жоду мана шу бошмалдоғимни шартта олиб кетди. Шу-шу буни на бировга айтдим, на кейинчалик тоғангизни ўзларига эслатдим.

Ҳа, фирибгар тоғасининг бунақа ишлари анча-мунча. Чолнинг гапларига ишонмай илож йўқ. Аммо, ажаб, нечун тоғаси лом-мим демаган эди?!

— Айтинг-чи, буюртмадан аввалмиди, ёки...

— Кейин,— деди чол,— бой дуторни устадан олиб кетгандан кейин содир бўлган.

— Тасодифни қурбони денг!— деди тиш доктори. Чол индамади. Ҳар икковлари хаёлга берилиб индамай ўтиришарди. Шунчадан бери битта ипга терилса бошлаган воқеалар яна тўсатдан чалкашди. Тиш доктори ҳаммасига айбдордай чолга ёмон назар билан қараган эди, чол кўзларини олиб қочди.

— Қўйинг шуни, қўйинг, ёпиқлик қозон ёпиғлигича қолаверсин, ёшсиз...

— Эндими?!— сапчиб турди, чўнтагидан аллақандайғижимланган қоғозларни олиб чолнинг олдига ташлади. Чол қоғозларни очди, патнисни тўнтариб устига ёйди-да, қоқ суяк кафтлари билан текислаб узоқ термилди.

— Ўзингизми?

— Зумраша пайқаган экан, ўшанда!

Чол ташвишда:

— Айтмабмидим сизга,— деди,— айтмабмидим!

— Бефойда, боринг!

— Қаёққа?

— Анави тутинган инингизга, тезлатсин!

— Ваъдаси бор-ку.

— Пишириб есин,— оғир-оғир нафас олди,— менга ўша хотинсупургидай юмшоқ инингизни қуруқ ваъдаси эмас, иши керак, иши!

Чол ўйланиб:

— Нима ютасиз,— деб қўйди,— мунча ёпишдингиз шу аёлга?

— Менми?— кулди у. Илинжи-ю, ҳаловати шунда! Аввало манави ипирискини ўзидан. Ҳа, ҳа, тошни эса сув чиқади, аммо бу одамдан энди тузик-қуриқ бирон нарса чиқиши амримаҳол. Аввалгидек эски қишлоқ ўрнини беш панжадек билиши асқотадими деса, йўқ, бу хомхаёл, хомхаёлки, юлдузни бенарвон уришга қодир тоғасини шунчалар лақиллатган бой, бор-йўғини эт-бетига чўқилаб кўмиб қўя қоладиган анойига ўхшамасди. Унда дутор-чи?! Ана шу дутор тоғасини-ю, ўзини шунча йил сарсон-саргардон қилганини ўйлаб кетди. Одамларни лақиллатишга ишлатилган найрангми. Шундай бўлса-чи?! Ё тавба, эндиги илинжи-ю, ҳаловати ёлғиз ўша аёлга уйланишми? Одамови чол хонадони, демакки, устанинг куёвига боғланган занжирнинг битта ҳалқаси айни ўша бўлиб туюлди. Қолаверса, балки, тўфонда адашган кемага ўхшаб бу ҳам ҳаёт денгизида писта пўчоғидек қалқиб юрибдими, лангарни пухта ташламаса, сурилган чўпхасдек... Товон-товонигача совуқ титроқ босди, аммо, аранг ўзини тутиб:

— Боринг,— деди оғир энтикиб,— пайсалга солиб нима қиласиз? Кекса одам, ош-овқат, кир-чир, ётар-тура-рим бор, десангиз...

Чол шундаймикин, деб ноилож қўзғалди.

Аммо, Мирҳалим акани уйдан тополмай, ўйлаб-ўйлаб мактабга ўтганда, дарвоза олдида нақ қирпичоқ бўлган икки боланинг жанжали устидан чиқиб, ёқасини ушлади. Бири умрида пашшага озор бермаган — Мирфаёз-у, бошқаси шундоқ одамнинг боласи — Мелиқўзи эди!

— Ҳой, бас!— деди уларни ажратиб. Мелиқўзи қўлини олди. Мирфаёз ёқасини тўғрилаб, ердан папқасини кўтарди.

— Даданг шу ердами?— деди Қамбар ота.

— Йўқ,— Мирфаёз папқани тапиллатиб қоқди,— кетган.

— Қаёққа?!

— Билмасам,— деди Мирфаёз йиғлагудек бўлиб, кейин Мелиқўзининг орқасидан югурди,— алам қилдими?

Мелиқўзи анча жойга борганда латтадай бўшашиб тўхтади.

— Алам қилди!

Бунни у шундай ўксиб айтдики, Мирфаёзнинг ўзи ҳам галати бўлганча, қўрқа-писа яқинлашиб:

— Менга қара,— деди,— ўша куни ким иншони қайта ёзди?

— Ўзим.

— Даданга билдирма, дафтарни алмаштириб қўй, деб ялинган ким?

— Ўзим, ўзим!

— Бўпти-да!

Мелиқўзи бирдан ловиллади.

— Қим ўшанда мени қизитди?

— Ўзинг айт, айт, деб жон-қолимга қўйдингми.

— Боя-чи?

— Нима боя?

— Судраган ким?

— Судрамасам-чи?!

Мелиқўзи ўқрайди, аммо индамади, тез-тез юриб кетди. Аслида Мирфаёзнинг нияти ўзига яна бир карра ўша нарсани тасдиқлатиб қўйиш эди. Хотиржам орқага қайтди. Аммо «қизитгансан» деганини ўйлаб, кўнгли хижил бўлди. Мелиқўзи куйиб-пишиб борар эди; судрамаса, синфдан судраб чиқмаса, бор нарсани Муталга дангал айта олармиди?! Кўнгли уюшиб, бирдан алғов-далғов бўлган ўша дақиқада балки айтарди! Уйга келиб анчагача чорпояда шумшайиб ўтирди. Хонтахтада ётган бир парча қоғозга кўзи тушиб, истар-истамас қўлига олди. Ойисими, йўқ, келган дадаси экан. Дадаси кунора шаҳарга тушар эди. Қайтишда майда-чуйда олиб уйга кирар, Мелиқўзи билан бирпас чақчақлашиб яна тоққа жўнар эди. Хатни ўғлини учратолмаганига қолдирган, ҳа, худди шундай. Дадаси анча-мунча пойлаб хавотирланганини ёзибди. Нима, нима? «Кеча,— дебди хат охирида,— одамларимиз тоғдан тушиб, жар ёқасини текислашаётганда, анави ўзинг кўрган уйда-уйдай харсангтошлар орасидан занг босган эски милтиқ топишди. Тошлар орасига қандай тушган, кимники, ҳеч ким билмайди. Хаёлимга бир гап келди, ўғлим, синфингда бир маҳаллар дадаси шу тоғларда фожиали ҳалок бўлган қизчани, оти ёдимдан кўтарилибди, дадасининг милтиғимкин?!» Қизчаними? Бўлса бордир,

ким билсин! Аммо уни ҳозир харсангтошлар орасида занг босган аллақандай милтиқ қизиқтирмасди. Қайтага дадаси «қизча» деб Нафисани ёдига солиб қўйди-ю, баттар тутоқиб кетди. Чалгимоқчи бўлиб дарсга ўтирди. У-буга уринди. Бари бир ғашлик тарқамади. Кеч кириб, чорпога ўрин тўшаб, ажриққа ағанагандек чўзилди. Осмон тўла милтираган юлдузларга қараб ёта-ёта, қирдаги ўша ширин тушга ўхшаган воқеаларни хаёлида давом эттиргиси келди. Аммо, бу гал ўшанақа ажойиб-ғаройиб бўлмади. Офтоб уриб ётишига қарамай, Холпошша аввалгидек куйиб-пишиб тепасида чўққаймади, ўгирилиб ҳам қарамади. Муниса олайиб ўтди. Отақўзи «баттар бўл» деб тўнғиллади. Мелиқўзи ҳайратда қолди. Тавба, бу нарсани қирга нима алоқаси бор? У бошқатдан бошлаганда, ўша манзара яна такрорланди-ю, ўтов олдида маъюс турган Холпошша, «нега алоқаси бўлмасин?» деб, офтобни куйдирган кўзлари билан қараб қўйган эди, шундоқ вужуди ловиллаб ёнаётган Мелиқўзининг жизғанаги чиқиб кетди.

— Ҳали шунақамисан?— деди Холпошша,— бировларни кўнглидагини ҳаммага ёйгани уялмадингми?

Мелиқўзи минг офтоб уриб, минг латтадай бўшашиб ётса ҳам, бошига тўқмоқ тушгандай сакраб туриб кетди. Шунда Холпошша бирдан (дунёда қиз боладан раҳмдили борми) унинг бетоблигини эслаб:

— Вой, ёт, ёт,— деди,— узилиб қолма.

Мелиқўзи чўзилди-ю, ўпкаси тўлди.

— Билсанг, билсанг эди...

— Нимани?!— куйиб-пишди Холпошша,— бечора Мутални бадном қилганингими? Қилмишингни нима деб атай?

Холпошша тепасига келганда, жизғанаги чиқиб ётган Мелиқўзи бир ҳовуч кулга айлангандай бўлди! Кейин бола хаёллари тушга уланди. Уша бир ҳовуч кул орасидан ҳам «мунча бешафқатсан» деб жаврармиш! Қизча бўлса «кўргани кўзим йўқ сени», деб ташқарига отилибди. Мелиқўзи югурганча орқасидан чиқса, ҳаммаёқ шунақа қоронғи зимистонмишки, бир қадам нарини кўз илғамасмиш. Ўтов оғзиде тура-тура овозининг борича чақира бошлаган экан, ичкаридан Отақўзининг яна, «баттар бўл», деганини эшитибди-ю, аламидан қоронғи зулматга шўнғиб кетибди! Қанча қидириб, бақириб-чақирибди, ниҳоят ҳолдан тойибди. Орқага қайтайми деб турганда аллақерда кимдир тўлиб-тошиб қўшиқ айтибди:

Кўзинг осмонга тушса,  
Ловиллаб офтоб куйгай,

Қаранг-а, мабодо Холпошша осмонга битта қараб қўй-са, оламни мунаввар қилган офтоб ҳам ловиллаб куярмиш-а! Мелиқўзи яхшилаб қулоқ солса, қўшиқ ўзининг овози билан айтилаётган эмиш. Боланинг кўнгли ажаб жўшиб кетибди-да, сайёҳлардай осмонга қараб-қараб йўл топмоқчи бўлибди. На қир-адирни оппоқ сутга чайиб ёритгувчи ой, на милт этган юлдуз кўринибди. Ҳаммасининг ўрнига офтоб пуфакка ўхшаб осилиб турганмиш-у, на ёруғи, на иссиғи бормиш. Шунда, ким билсин, Холпошша осмонга қараб қўйдими, анави қип-қизил пуфакдек офтоб бирдан ловиллаб ёниб, оламни кундуздек ёритиб юборибди?! Бола кўзлари қамашиб ўтовга югурибди, югурибди-ю, эҳ, аттанг, Холпошша кўзини осмондан олдими, олам тўсатдан яна қоронғи зулматга ботиб кетибди. «Майли,— дебди бола,— майли, кўргани кўзинг бўлмасин мени, аммо ўтинаман сендан, осмонга яна бир қараб қўй, офтоб озгина ловиллаб турсин». Хаёлида эса қизча, нима қиламан ҳамманинг тинчини бузиб, адашдингми, адашган бўлсанг, йўл кўрсатай, дебди-ю, олисда машъала ёнибди. Машъалани баланд тутганча силкитиб борармиш-у, аммо ўзи кўринмасмиш. Бола югурди. Шошиб алланарсага қоқилди. Бор бўйи билан учиб кетди. Тиззалари ловиллаб ачишди. Аммо яна сапчиб машъалага қараб чопди. Аллаким беҳос гарданига чанг солди. Орқага судради. Қараса, Мирфаёз экан! Унинг қўлларидан силтаниб чиқди-да, яна югурди. Машъала ўтовга етиб келиб, бирпас ёритиб турди-да, бола яқинлашиши билан бирдан узоқлаб кетди! Бола йиғлагудай бўлиб ўтов оғзида туриб қолди, йўқ, етолмади, шамолдек минг елиб-югурмасин, энди унга сира етолмайди!.. Алланарса чиппа бўғзига ёпишди, ўпкаси тўлди. Утовга кирса, анави Нафиса ўтирибди. У бобоси бетоблиги учун қишлоқда қолганди, бу ерда нима қилиб юрибди? Уртоғини кўргани келганми?! Кўзлари хунук чақчайган бургутни елкасига қўндириб ўтирган экан. Утовни кўтариб кетгудай бўлиб бургут баҳайбат қанотларини кенг ёзди-ю, Мелиқўзининг бошига сакраб, хўрозга ўхшаб қичқирса...

Мелиқўзи додлаб туриб кетди. Деворда жонини жабборга бериб қичқираётган қўшнанинг хўрози экан. Мелиқўзи анчагача ўзига келолмай ўтирди. Ердан олма олиб отди. Хўроз патиллаб пастга тушиб кетди, узоқ-яқиндан араванинг ғичирлаши, машинанинг гувиллаши эшитиларди. Эшик олдидан бир тўп одам гурунглашиб ўтди. Мелиқўзи кечаги овқатни иситаркан, дадасининг «қизча» деганини эслаб, кўнгли алланечук увишди-да, чойдан сўнг



кўчага чиқди. Олисда, бепоён далалар аллақандай оппоқ ҳовурга кўмилиб ётар, фақат йўл ёқасидаги қатор тераклар якқол кўзга ташланарди. Елкасига бир боғ ўт қўйиб, аллаким, йўғ-е, худди «қизча»ни ўзгинаси ўтиб борарди. Рўмол ўраб, жирафани терисига ўхшаган йўл-йўл эски халат кийганига Мелиқўзи таниёлмади.

— Ҳой, «қизча!»— Мелиқўзи яқинлашганда, Нафиса ўгирилиб тўхтади.

— Мени чақирдингми?

— Сени-да, кармисан?

— Нима дейсан?

Мелиқўзи довираб қолди.

— Буёқларда нима қилиб юрибсан?

Қизча жилмайиб қўйди.

— Вой, ҳар куни ўтга ўтаман-ку.

— Кўрмас эканман.

— Мен ўтганда ухлаб ётасан-да,— деди қизча,— нечук бугун эрта турдинг?

Шуни сўрамаса, балки Мелиқўзи индамай уйига кириб кетган бўлармиди?!

— Муборак бўлсин!

— Нима?

— Жар ёқасидаги харсангтошлар орасидан дадангнинг милтиғи топилганмиш.

— Нима?!— ўшқирди қизча,— ким айтди?!

— Дадам.

— Даданг?!

Қизча бақрайиб қолди.

— Қиз бола милтиқни нима қиласан?

Қизча киприк қоқмасди. Мелиқўзи кулгиси келмаса ҳам қорнини чангаллаб кулди:

— Ё анави янги дадангга берасанми?

Қизчанинг елкасидаги ўт «тап» этиб ерга тушди. Боғи узилиб ёйилиб кетди. Аммо нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, қизча чўнқайди-да, шошиб-пишиб ўтни йиға бошлаган эди, Мелиқўзи уни ғалати-ғалати жавдирашларига тоб беролмай, товони билан тепиб эшикни очди-да, ичкарига кира туриб:

— Ойингни ҳолвасидан беришни унутма!— деди.

Қизча бирдан ўзини ерга ташлаб, ёш бола кўрпада ағанагандек, ўт устида думалаб чинқириб юборди.

— Сенга нима қилдим, нима? Мунча дилозорсан?!

Раис йиғилиш ўтказарди. Бўрижон ака бемаврид келдимми, деб боши қотиб турганда раис деразадан қараб, «кетманг» деди. Бўрижон ака ташқарига чиқди. Катта ариқнинг энсиз темир кўпригидан ўтиб, сўрига келиб ўтирди. Чойхоначи бола шошганича чойнак-пиёла қўйди. Бўрижон ака хаёл аралаш чой қўйди. Нега чақирди экан?! Бир тавақаси очиқ деразага кўз ташлади. Раис ҳамон бояги важоҳатда қўлларини силкиб гапирарди. Аммо сувнинг шалоплаб қирғоққа урилган шовқинидан ҳеч нарса эшитилмасди. Чамаси ярим соатлардан кейин одамлар тарқалди. Раиснинг нордон-нордон гапларини эшитган Уроз сувчи экан, қўлини силтаб ҳаммадан бурун идорадан чиқди. Кетма-кет раис кўринди-да, кўприкка яқин келиб тўхтади.

— Чой ичяпсизми?

— Йўғ-е,— Бўрижон ака шошиб турди,— шунчаки эрмакка...

— Унда юринг,— деди раис одатдагидек қадамини ўзига монанд бир қулоч-бир қулоч ташлаганча. Бўрижон ака етиб олганда, раис мўйловини кафти билан силаб кулди,— сёқни чигали қанча ёзилса, асабга шунча фойда эмиш!

Бўрижон ака раиснинг феъл-атворига бирмунча тушиниб қолган. Бундай пайтда битта гап оз, иккитаси кўплик қилади. Индамаган маъқул. Йўлни кесиб ўтишганда:

— Қизим қалай?— деди раис икки томондаги полизларга кўз ташлаб. Уша воқеадан бери Холпошшани шундай деб атар эди, — келмайди ҳам?

— Айтаман,— деди Бўрижон ака,— ўқиш, уй ишлари, айтаман, келади!

— Шундай қилинг, ойиси ҳам қайтар?

— Шу қишгача...

— Оз қопти.

— Ҳа, — деди секингина Бўрижон ака, — кела қолса...

— Нима, шаҳарга қайтиш ниятингиз борми?

— Йўғ-е, айтдим-қўйдим-да.

— Онаси келса, ҳар қанча иш ўзимизда топилади, колхоз агрономи олима бўлса, ёмонми-а?

Жимгина анча йўл босишди.

— Оз қопти,— деди яна раис алланарсани ўйлаб,— ўғил болага ота, қизга она ҳаводай зарурки, айниқса бу ёшда ўнта ота битта онани-ю, шунча она битта отани зинни босолмас экан!

Ажаб, нега тўсатдан бундай деди?! Бўрижон тушунмади-ю, аммо боя кела қолса деганда, айни шу нарсани хаёлидан ўтказган эди:

— Шундай,— деди-ю ўйлаб кетди: «Тавба, бўйи бўйинг билан тенглашиб қолган кап-катта қиздан, фақат ойисига айтадиган нарсаларни сўраб бўлмаса?!»

Раис ниманидир пайқаб тўхтади. Полизга тушди. Ариқ ичида юмалаб ётган олачипор тарвуз тепасига келиб, «зап бўптими» деди-да, секин кўтариб пайкалга қўйди.

— Тентак!— деди «лов» этиб,— сувни полизга бос!

Полиздан чиққанда сўради.

— Сўрамайсиз-а?

— Нимани?

— Қаёққа, нега деб?

Бўрижон ака кулди.

— Айтдингиз, оёқни чигали ёзилса, асабга шунча фойдамиш!

— Шундай,— деди раис маъюсланиб. Сўқмоққа чиқишди. Қолхоз боғига, болаларнинг кўмаги керак бўлса, шуни маслаҳатими, деди Бўрижон ака ўзича. Боғ дарвозасидан киришганда, Мутал чинор остига кўлоплаб сув сепарди. Уқишга бормаптими?! Раис супадаги кўрпачани тортиб ўтирди.

— Хўш, ишлар қалай?

Муталнинг кўзлари жавдираб:

— Яхши,— деди зўрға.

— Ота қани?

— Анорзорда,— деди бола пақирни ерга қўйиб,— чақирайми?

— Майли, ўша этакда беш-олти туп анжир бор, қара-чи, ўғлим, уч-тўртта қолганмикин?

Мутал бош силкиб, шошганча кетди. Боланинг орқасидан анчагача хомуш қараб тургач:

— Ишлармиш!— деди раис.

Бўрижон ака ажабланиб, секин келиб унинг ёнига ўтирди.

— Ишлармиш?

— Ҳа.

— Нега?!

Раис оёғи остига қараганча:

— Биласиз,— деди,— бағри кенг, яхши одам эди отаси! Кўпчиликка балли, кўпчилик бор экан, учта егим билан қолган онани ўкситмади, оғирини енгил қилди. Ўзи ҳам тишли-тирноқли аёл экан, эплаб кетди. Эндигина каттаси, мана шу Мутал, кўзга кўриниб, алами бир оз бо-

силди деганда. Кеча ўгли билан бирга бориб ўзини ётқи-  
зиб келдим, докторлар кўришди, текширишди, дарди оғир  
экан. Аттанг, ўзимдан ўтди, билмай қолдим, бор гапни  
болани олдида айтишди.

— Наҳотки...

— Қайтиб кириб яна сўрадим.

— Хўш?

— Бугун эрталабдан уёққа-буёққа телефон қилиб сў-  
роқладим...

— Хўш?!

— Иложсиз, дейишди, «ўтқизиб қўйибди», дейишди.

Бўрижон ака жунжикиб кетди.

— Кўпчилик бор,— оғир хўрсинди раис.— Болаларнинг  
ҳаммаси ўқийди, қоқилмайди, ҳаммасини оёққа турғиза-  
ди— аминман. Буёғи ташвишга солмайди мени, аммо,  
битта паллага жумла-жаҳонни, бошқасига онани, она де-  
ган зотнинг меҳрини қўйинг, қайси бири босаркин, қайси  
бири!

Раис узоқ жим қолди.

— Ўзим ҳали қўмсайман, ҳали... Чидолмадим бир ку-  
ни. Онаминг қабрини қучоқлаб, юзларимни муздек тош-  
га қўйиб ётдим. Қўлимга иссиқ нарса тегди. Қарасам, шу,  
шу Мутал! «Қўйинг, раис бува, қўйинг,— дерди нуқул қўл-  
ларимни силаб-сийпаб,— юринг, ёмғир ёғиб кетди, юринг».  
Қарасам, ёмғир шивалаяпти. Бола тортқилаб, қўйинг, не-  
га йиғлайсиз, деб жавдирарди. Сизга айтсам, тўлиб кет-  
дим, Бўрижон, тошиб кетдим. Бекаму кўст орзуси ушал-  
ган одам борми деса, мен дейман, аммо... пешона терим  
билан топган бир дона нонни онаизоримнинг қўлларига  
тутқазиб, қувонган чеҳрасини кўришдай бахтдан дунёда  
бенасиб қолганимга йиғлайман, дедим. Кўнглимга армон  
бўлиб қолди шу, дедим. Шунини эслатди кеча, шу жойим-  
дан ушлади! Қасалхонадан қайтганда «ишлайман» деб  
туриб олди, «йўқ» дедим. Ялинди-ёлворди, кўнмадим,  
юпатдим, ҳайҳотдай ҳовлида иккита укаси билан шумша-  
йиб қолганига, унамаса ҳам «бугунча юр», деб зўр-базўр  
уйга олиб кетдим, ёнимда олиб ётдим. Бир маҳал «раис  
бува, мен ҳам ўзингизга ўхшаб йиғлаб юрайми»  
деса...

Раиснинг оғир гавдаси бирдан ғалати силкиниб кетди!  
Кези келса битта қишлоқни ётқизиб-турғизишга қодир бу  
қаттиққўл одамнинг кўнгли бунчалик бўшлигидан Бўри-  
жон ака ҳаяжонланди.

— Қўйинг.

— Шунақа десам, йўқ, деёлмадим, ишласа, ҳовуридан

тушгунча, боққа қараша қолсин, армони қолмасин бола-ни...

— Уқиши-чи?!

— Кечкига ўтсами...

Бўрижон аканинг юраги алланечук ачишиб кетди.

— Эсиз, озгина қолганда...

— Мени ҳам шу нарса тошдай эзиб турибди.

Раис супа орқасига ўтди. Сувни шалоплатиб ариқда юз-қўлини ювди. Чўнтагидан чақалоқнинг сочигидек рў-молчани олиб бир силкиди-да, артина бошлади. Аммо кўзларининг қизиллиги кетмади.

— Болага оғир,— деди Бўрижон ака,— ҳаддан ташқари оғир. Ҳозир билинмас, кейин шунча йил бирга ўқиган болалардан ажралиб, яққаланиб, ўксимасмикин?!

— Балки, Бўрижон, балки!

— Уксиши аламга айланса, дардига чипқон бўлмасмикин.

— Унда ўзингизга маъқулини айтинг, эшитай.

— Майли, ўқишдан кейин бўлсин.

— Нима?

— Ишлаш.

— Ярим кун дейсизми?

— Хўп денг, бир-икки йил ўтади-кетади...

— Ҳа, шу маъқул!— деди аллаким орқадан. Нафисанинг бобоси боядан бери гапларини бўлгани истиҳола қилиб турган экан.

— Майли, бола ёниб турибди, майли, сазаси ўлмасин, аммо ўқиши увол бўлмасин!

Раис ўйланиб қолган эди:

— Мўминжон,— деди бобоси,— буёғига хотиржам бўлинг.

— Майли,— деб қўйди раис енгил тортиб.

Чол икки пақир анор узиб чиққан экан, «буни қаранг» деб раиснинг олдига қўйди. Ҳар биттаси кичкина чойнакдек келадиган анорларнинг пўсти қатқалоқ босган ерга ўхшаб тарс-тарс ёрилиб кетганди. Уч-тўрттасини қўлига олиб раиснинг қовоғи осилиб кетди.

— Ҳеч керакмас жойга сув босиб, қилган ишини!

Бўрижон ака бояги жанжалнинг маъносини энди тушунди. Раис тўсатдан сўраб қолди.

— Анави тиш докторингиз қанақа?

— Дуруст, ўз ишига...

— Йўқ, қанақа одам?— сўради раис қизишиб,— ичиб юрадими, йўқми?

— Йўғ-е.

— Шу одамни ким олиб келди-а?

Бўрижон ака ўнғайсизланиб, ажиңдор кенг пешонаси-ни ишқалаб қўйди.

— Ўзингиз.

— Мен-а!

— Уша, жароҳат билан ётганингизда «олинглар» деган экансиз.

— Қимга?!

— Мирҳалим акага, тиш доктори йўқлигига, Мирҳалим ака, райздрав билан дарров гаплашиб келган эди.

— Э, ҳа,— деди раис эслаб,— ўшаникидан гандирак-лаб келиб денг, полизнинг сувини анорга очибди! Минг туп-а! Эсиз.

— Нес-нобуд бўлмай ёрилган-ёрилганини узиб олай-ликми, — деди бобо. Раис «майли» деб қўзғалганда уч-тўртта баргга бир ҳовуч анжир солиб Мутал келиб қолди.

— Бор экан, раис бува, бор экан!

— Буни қара,— раис биттасини оғзига солди,— бай-бай, новвот-а, барака топ, ўғлим.

Дарвозага юришганда Мутал секин Бўрижон акага назар ташлади. Уни ғамгин кўзларида шунча илтижо бор эдики... Бўрижон ака кўнгли жўшиб, елкасидан оҳиста қучди-да:

— Аммо, дарсдан кейин!— деди.

Бола беихтиёр унинг кўксига бир лаҳза бошини қўйиб, энтикди.

\* \* \*

Шу бир-икки кундан бери директорни холи учратол-май, Мирҳалим акани жони ҳалак бўлиб юрган эди. Шун-ча ташвиш етмагандай, анави боланинг мактабга қатнай бошлаши билан Мелиқўзи, аввалги Мелиқўзига ўхшамай қолди. Мирфаёздан ўсмоқчилаб билса, гап бошқа ёқда экан. Бу нарса анча ташвишга солди уни... Бўрижон ака-нинг ҳовлидан ўтганини кўриб, шошиб қолди. Дарров котиб қизни чақирди. Мабодо улуг кирсалар, деб кўпдан бери тишининг қавагида олиб юрган бир юмалоқ чойни очди; чойни тозаси чой-да, гуркирайди-я! Кўзларини юмиб искаб қўйди. Сўнг бир эмас, икки қайнатимини қогозга солди. Чойнакни қайноқ сувга бир чайиб дамлашни буюр-ди. Шу ер тинчроқмикин, деб кирса, олдида Ҳикматилла ака оёғини чалиштириб ўтирибди. Йўлакдан ўтдимиз, ё деразадан сакраб тушдимиз, лип этиб кирганини пайқа-мабди-я! «Эсиз чой», деди-ю, аммо ичидагини сиртига чи-қармай:

— И-и-и, буни қаранг-а,— деди қўлларини ёзиб,— аввал Бўрижонни-ю, сўнг ўзларининг олдиларига ўтмоқчи эдим, Ҳикматилла!

— Тинчликми?

— Битта чой дамлатдим денг!

— Чойингизни ичган одам,— деди Бўрижон ака.— бир ҳафта кайфини суради, чиқамизми, ё шу ерга...

— Хоҳишингиз!— ҳавони тўсгандек қўлларини кўтарди Мирҳалим ака, шу ерда десангиз, таъми яна ҳам бўлакча бўлади-да!

— Майли,— кулди Бўрижон ака.

Мирҳалим ака пиёлани дасталаб, пахта гулли чойнак билан кирди:

— Қўйинг-э,— деди Бўрижон ака,— кап-катта одам-сиз, шу чўпчакка ишониб... Мирҳалим ака, сиз нима дейсиз?

— Нима экан?— Мирҳалим ака чиннидай ювилган пиёлани яна ҳамманинг олдида бир-бир чайди, сувини деразадан сепди.

— Тавба деб гапирай, жардан баъзан, чинқириққа ўхшаш ғалати овоз келармиш. Ҳикматиллани синфидагилар шуни аниқлаймиз деб тўпалон қилиб юрганмиш. Сиз нима дейсиз?

Авваллари Қамбар отадан, «жар одам чақириб чинкирармиш», деган гапни кўп эшитган, аммо нечун кавлаштириб қолишди буни?!

— Қайдам,— дудмал қилди Мирҳалим ака,— шу нарса қулоғимга чалинган, аммо, камина, қаерда эшитганимни эслолмайман.

— Ўзим кулиб юрган эдим,— деди Ҳикматилла ака,— аммо синфингиздан ҳам эшитган болалар чиқиб қолди, кап-катта болаларга ишонмай бўладими! Битта эмас, иккита эмас...

— Ким?

— Холпошша!

— Йўғ-е, яна ким?

— Нафиса, мана,— деб Мирҳалим акага ўгирилди,— Мирфаёз, Мутал...

— Мутал,— деди оҳиста Бўрижон ака хўрсиниб, негадир хаёли бўлинди-да, бола унинг кўксига бошини қўйиб энтикканини эслади-ю, анчагача кўнгли бузилиб ўтирди.

Бўрижон ака бошини кўтарди.

— Болага бағоят қийин, камна сўз билан ифодалашга ожизман, аммо, кўра-била туриб ўзимиз ҳам жабр қил-

дикми, деб қўрқаман. Менми десам, бошқа ўқитувчилар ҳам ташвишда.

— Сабаб?!

Мирҳалим ака чой қўйди.

— Бир ҳафтадан бери дарсини қилмай келишини айтмай, майли, аммо, дарсда сурункасига ухлаб ўтириши... Ҳали чет тили ўқитувчиси ҳам шундай деди.

— Чарчайдим.— Ачинди Ҳикматилла ака.— Ўқишдан ишга югурса! Ярим кун бўлса ҳам иш-да! Кечқурун укаларини ташвиши!

— Укаларини раис яслига жойлади,— деди Бўрижон ака.

— Шунда ҳам, Бўрижон, шунда ҳам. Ҳикматилла ҳақки, бола на уёқлик эмас, на буёқлик, ўртада сарсон-саргардон бўлиб қолди.

— Кечкига ўтказсак дейсиз-да.

— Улуғ ҳам шу хаёлда эдилар чоғимда, ўзингиз айтган эдингиз.

— Айтган эдим.

— Олисни мўлжаллаб иш кўриб келган тадбиркор одам шу хаёлда бўлсалар, болани фойдасини кўзламаган-микинлар?

— Менми? Сиз нима десангиз шу-да, қачон қўллаб-қувватламаганман сизни,— деди,— аммо бундан буёғи қандоқ бўларкин дейман-да.

— Буёғими?!— Бўрижон ака оҳиста ўрнидан туриб, деразадан қий-чув, тўс-тўполон айни авжига чиққан ҳовлига қаради. У мисдай қизий бошлаган пешонасини муздек ойнага қўйганича, узоқ туриб қолди. Шу нарса боғдан қайтгандан кейин безовта қилганди уни. Аммо, Мирҳалим ака қайта эслатганда бирдан шу дақиқада ҳал этилиши муқаррар нарсага айланди-ю, хаёлини минг бир хил савол қуюндай босиб гангитиб қўйди: оппа-осон нарсани мунча муаммога айлантирмаса?! Кечкини камситишми? Асло! Устунлиги-чи? Ажаб, унда нега шунча ташвиш? Тош кўча овози эшитилади! Аммо бирга қувлашиб, қувонишиб тетапой бўлган бола ораларидан ночор сирғалиб чиқиб кетаётганда нечун анавиларнинг юраги «жиз» этмаса?! Бола-ку, йўғ-е, нима қипти. Оламини ушлаб турган меҳр-шафқат, инсоф-диёнат деган нарса ахир ўша болаликда «жиз» этган битта учқуннинг алангаси эмасми! Ҳа-ҳа, Мирҳалим ака айтмоқчи, «жуғрофия, кимё, она тили — тилимизнинг беқиёс бойликларини ўқиш-ўрганиш» муҳим. Аммо ундан ҳам муҳимроғи эса... Қани энди бу дунёда ҳамма бир-бирининг қувончи-ю қайғусига кўнгли,



«жиз» этиб яшаса! Анавиларки кўнглида алангалаши лозим бўлган ўша битта кичкина учқунни чақолмаган бўлса, демак, ҳаммаси: бедор кечалар-у, шунча ташвишлар зое экан.

Бўрижон акани муздек тер босди.

— Чой совиди-я, Бўрижон,— деди секин Мирҳалим ака.

— Буёғими?!— деб ўгирилди-ю, Бўрижон ака эслади,— ҳа, Мирҳалим ака, боя Улуғ сўраса довдираб қолдим: анави тиш доктори ким асли, қанақа одам?

То Мирҳалим ака оғиз очиб жавоб қилгунча Ҳикматилла ака:

— Ҳа, айтмоқчи,— деди,— олдингизга кирганимни сабаби: ўғлим билан Нафиса кўнглимга ғулғула солиб қўйди. Аввалгиси мана шу одамнинг қўлида эмиш-у, буни Нафиса қайта чизибди, ажаб, Бўрижон ака, бу жумбоққа нима дейсиз?!

У бир даста қоғозни шошганча Бўрижон аканинг столига ёза бошлади...

Шу тобда Отақўзи кичкина тугунни қўлтиғига қисиб, бир ёғи тарвуз, бир ёғи қовун полизни кесиб ўтган йўлдан шипиллаб борарди. Майин шабада пайкалларда думалаган шакарпалак, ананас, босволдиларнинг хушбўй ҳидини димоққа уриб қитиқларди. Қани энди ғир-ғир шабада чайлада ўтириб, тўнкадай-тўнкадай келадиган анави олачипор тарвуздан биттасини қоқ бўлиб, қошиқ билан қириб-қириб сувини қулт-қулт ичсанг! Отақўзи ширин тамшанди, вақт зиқ, кун кетмай, анча-мунча иш қилса бўлади ҳали, аммо нима дер экан?! Олдига солиб қувса-я, бе, Отақўзи анойими индамай қочадиган! Ойиси зап қилдида, иккита лочира патирнинг орасидаги манави сомса — баҳона, қани, «ғинг» деб кўрсин-чи! Келса, ойиси сомса узаётган экан. Қўлларини жизиллатиб биттасини дарров косадаги сувга ботириб олди. Ечиниб чиқиб, тандир олдида чўнқайганча саватга «тап-тап» тушаётган сомсани танлаб-танлаб еб ўтирди.

— Ҳой, Мутални ойиси тузикмишми?— деди ойиси енгликни куйган жойига сув сепиб.

— Тузикмиш, ойи,— деди-ю, Отақўзининг кўнгли орзиқиб кетди: Уртоғининг ойиси тезроқ оёққа туриб, тузалиб кетишини жудаям истарди. Қани Мутал борганда бирдан ойиси деразадан кулиб қараса. Мутал олиб келган ярим халта анорни кўриб, «оҳ, бола-я, нордон нарсани шунданшунга кўтариб нима қилардинг, Отақўзини ойисига айт-

санг, тұрттагина сомса ёпиб берармиди, бирам егим келяптики», деса...

— Нима дединг, болам?

— Нима дебман?

— Ойисини сомса егиси келибди, дедингми?

— Шунақа, ойи,— Отақұзи баттар бұшашди,— борса бирам сомса егим келяптики, дермиш!..

— Унда, кунига ёпиб берай-а, ўзи ўқишга келадими?

— Келади!

— Сўраб-сўраб тур, болам, ойисини кўнгли нима тусаса айтсин!

— Хўп, ойи.

Отақўзининг иштаҳаси бўғилди. Косадаги сомсани олиб анчагача ўтирди, емади, суви чак-чак оёғига томди, этлари жимирлади. Ойисини алдади! Ахир кўра-била туриб, сўрашга кимнинг тили боради дейсиз? Мутал ҳам аввалги Мутал эмас, бир ҳафтада сўррайиб, юзларида фақат олайган кўзлари қолганга ўхшарди. Шундай бўлса ҳам бировга нолимасди. Миқ этмай келарди-ю, миқ этмай кетарди. Фақат дарсини улгуролмагани-ю, ора-чора мудраб ўтириши демаса, танаффусга ҳам чиқмай, бошини паргага қўйиб мизғиб оларди, ким билсин, балки...

— Ҳой, нимани пичирлаб келяпсан?

Отақўзи чўчиб қараса, Муниса шундоқ тумшугини тагида қўлида яримта анор донини битта-битта оғзига солиб кулимсираб турибди! Отақўзи ҳам қувонди, ҳам юрагини ҳовучлаб сўради.

— Боғданми?

— Ҳа, ўшани олдидан!— деб орқага қараб қўйди Муниса.— Эсини еганми? Олдига солиб қувласа, шиппагимни бир пойи боғда қолибди. Орқамдан чойнакдек анор отганди, яхшики бошимни эгиб қолдим. Анор дарвозага тегиб қоқ иккига бўлиниб кетди, ердан битта бўлагини олиб, эси пас, энди ўлсам ҳам сен билан гаплашмай, қадимимни ҳам босмай, деб чиқиб келдим!

— Ҳой, шундай дедингми-а?!

— Жинниманми!— деди Муниса алам билан,— ичимда айтдим, ма, анордан есанг-чи!

— Э, қўй, кўрсатма.— Тишлари қамашди Отақўзининг.— Оғзим сув очиб кетди. Нега борган эдинг?

— Ўзинг-чи? Ўзинг нега кетяпсан?

— Ўтмади,— Отақўзи томоғини гиппа ушлади,— ойим сомса қилган экан, ўтмади!

— Вой, сендан-а?— кулди Муниса.— Сендан овқат ўтмадимми-а?

— Кулма!

Муниса бирдан жиддийлашиб:

— Шу Муталга қарасам,— деди,— раҳмим келади.

— Мени айтмайсанми?— хўрсинди Отақўзи.— Уйласам нчимни ари талаганга ўхшайди!

Муниса бошини чайқаб.

— Буни қара,— деди.

— Улай агар!

— Ҳали бу қилиғи билан ҳаммани жинни қилади, ҳаммани! Кечагина, ёзган иншоларингда бир бало бор деб шубҳаланди, энди бўлса...

— Ке, ҳали ҳам юр,— Отақўзи ялиндди,— майда-чуйда нарсага аразлаш инсофдан эмас, зора икковимизни кўриб...

— Борайми-а?— деб Муниса беш-ўн қадам юрмай, бирдан айниди.— Йўғ-е, ўлсам ҳам келмайман, деб чиққанман!

Муниса орқасига шартта бурилди-ю, Отақўзини ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай жўнаб қолди. Анави Мурод ҳақ: «Қиз болани беш қўлдай биладан деганларнинг ҳаммаси лақма экан», деди-да, йўлида давом этди. Аммо юрган сари юраги шувиллаб борарди. Мунисани ўзида ҳам айб бор, осмондан тушгандай, мана биз деб киргандир-да! Бунақада, эҳ-ҳе, сўз деганнинг дурларини топиб-топиб айтгинки, йиғлаб туриб кулсин-у, кулиб туриб йиғласин. Мирфаёз айтмоқчи, енгидан кириб, ёқасидан чиқиб кет-у, аммо ўзи билмасин!

Дарвоза олдига келиб, ичкарига секин қаради. Чинор соясидаги супа бўм-бўш, сағал нарида бир дунё яшик қалашиб ётибди. Орқасидан «тақ-туқ» товуш келиб, Отақўзи оёғининг учида айланиб ўтди. Нафисанинг бобоси яшикларни ажратаётган экан.

— Ке, ке, Отақўзи,— деди ўрнидан туриб,— қара, болам, арзимаган нарса ҳам одамни қўлини тутар экан-а!

— Мутал қани?— деди Отақўзи аланглаб.

— Анор узяпти.

Отақўзи қўлтиғидаги тугунчани супага қўйди. Дарров енгларини шимарди:

— Оҳ-оҳ, жон-танним осмон баробар уюлган яшикни яроғлисини бир ёққа, синиқ-пинигини бир ёққа ажратиш!

— Бўлмаса шундоққина устидан чиқибсан!— деб кулди бобоси.

— Ота, мабодо бошқа юмшнингиз борми?

— Бор, болам, нима эди?

— Сиз, бемалол боравернинг, мен буни!— деб Отақўзи

чунонам ишга киришдики, бамисоли машинага айланиб кетди. Бобоси, «Муталга боқиша қолай», деб, бўш пақирларни олиб, боғ ичкарисига қараб кетди. Хаш-паш дегунча яшиқлар ажратилди, яроқлилари тахланди, ёмонлари бир чеккага йиғилди-ю, Отақўзи энди дам олгани ўтирганда, боғдан икки пақир анор кўтариб Мутал чиқиб келди. Отақўзини кўриб тўхтади. Унинг оёғида қайтарма этик, бошини эса Нафисанинг бобосининг эски қийиғи билан танғиганига деҳқон болани ўзгинаси бўлибди.

— Ҳорманг, Муталжон!— деди Отақўзи, худди кўчадан ўтиб бораётган одамдай бепарвогина. Мутал қўлларини белларига тираганча туриб қолди:

— Ҳозиргина биттанг келувдинг,— деди,— энди сев пайдо бўлдингми?

— Қимни айтяпсан?

— Айлантирма!

— Ие, боғ сеникимми?

— Ачиндингми?

— Оғзингга қара!

— Раҳминг келдимми?

— Тентак, нима деяпсан!

Хаҳ, боя йўлда хаёл қилган, дурдона сўзларнинг бир донаси тилига келмаса-я! Орага жимлик чўкди, бу жимлик яна бирор дақиқа давом этсами, Мунисанинг куни келади, деб Отақўзи челақдаги пўстлари ёрилиб-ёрилиб ётган анорларга қаради-да, тишлари ўз-ўзидан ғичирлай бошлади.

— Ҳа, тўғри гап ёқмадимми?

— Анави анорингга оғзимни суви келди,— деди Отақўзи кўзларини анордан узмай, ширин-ширин тамшаниб.— Тавба, кечадан бери бир дона нордон анор егим келади, егим келади...

— Йўғ-е?!

— Ке, Мутални олдига борай-чи, ҳам сўрайдиган нарсаларни сўраб олай, ҳам боғнинг анори нордон дейишарди, деб келсам...

— Шунақами?— Мутал битта анорни қоқ бўлиб узатди.— Мана!

— Э, бормисан!— деб Отақўзи «қувончдан» сакраб турди. Ҳали анорни оғзига олмай туриб тишлари шундай қамашдики, кўзлари ғилай бўлиб кетди! Йиғинларда катта одамлар, «дўстинг учун заҳар ют», деб бир-бирларига қўймай қадаҳ тутишади-ку, шунини эслаб «эҳ, катталар, ўша гапингизнинг маъносига мен ҳам етдим», деди-да, умрида анор кўрмаган одамдай ғарчча тишлади. Бай-бай-

бай, буни еган одамнинг бўйнига, шу анордай-анордай олимпиада ғолиблариникидай қаҳрамонлик медали осиш керак! Қани энди Муталнинг кўзини шамғалат қилиб, бир четга улоқтирса!

— Қалай?

— Бўлмади,— деб Отақўзи пақирни яшикка ағдариб, индамай боққа йўл олди,— берган аноринг унча нордон эмас экан, билиб-билиб ўзим узмасам...

— Пақирни қўй!— деди Мутал,— тўғриси айт, нега келдинг?

Отақўзи тўхтаб қолди: эҳ, аттанг, бу найранги ҳам ўтмади!

— Ҳа, шундоқ дегин,— деди Отақўзи,— боя мана шундай, одамга ўхшаб сўрасанг, айтардим-қўярдим.

— Қани, бўл!

— Геометрия билан алгебрани ишладингми?

— Улгурсам, кечқурун, кейин қиламан...

— Э, аттанг! Шунча йил ўқиб бунақа расво масалани энди кўришим, миямни қатигини ўйнатиб юборди, қани жавобга тўғри чиқса?

— Шуми?!

— Ке, Мутал, ке, битта одамгарчилик қил, қариб-чириб ўлаётганимда ҳам сени эслай, ке!

— Нима дейсан?

— Олса, ярим соат вақтингни олар, шуни ишла. Жавобига тўғри чиққанини кўрай, бўлмаса эртага армонда юраман!

— Ишдаман.

— Ишдамисан?

— Ие, кўрмисан?

— Ҳали шунақами?— деди Отақўзи «жаҳл» билан,— одам деб келсам. Қани, айт, шу саккизта масалани ечгунча қанча анор терасан?

— Ўн пақир!

Отақўзи бундай пайтда таппа боссанг, ютасан, деди-ю, ҳужумни кучайтирди:

— Ўн пақирми?!— деб «қичқирди» у.— Ҳали мени ўн пақир ёрилган анорча қадрим йўқми?! Шунақами? Мен сенга ўн пақир эмас, йигирма пақирини узиб берай!

— Ҳой, менга қара!

— Э, ишла!— деди Отақўзи «ғазабга» тўлиб, Мутал пақирга ёпишди, Отақўзи уни силтаб ташлади, кейин юриб эмас, оёғини қўлига олиб югуриб кетди.

Мутал унинг орқасидан узоқ қараб қолди. Эҳ, айёр Отақўзи, нимага келганини наҳот кўрмаса, билмаса. Аммо

унинг беғараз қилиқлари кўнглининг аллақасерига илиққина тегди-ю, кўзига ғилт-ғилт ёш келди. Одам довдираб қолганда оламда ўзини ёлғиз эмаслигини кўриб, кўнглининг бир чеккаси тўсатдан ёришгандай бўлади-ку...

Отақўзининг мияси ачиганча бор экан, мисол деган нарсани бамисоли электрон машинадай ишлаб ташлайдиган Мутал ҳам ўйланиб қолди. Кўрпачага чўзилди-да, китобдан кўзларини олмай, боягини таъсиридами:

— Наҳот билмасам, кўрмасам,— деб ўзича пичирлаб ётганда, аллаким тепасига келиб:

— Э, билсанг билавер!— деб чунон қичқирдики! Мутал чўчиб орқага қараса, Муниса экан!

— Ҳой, билиб қўй, яна битта анор отсанг,— деди зарда билан,— мен ҳам энди қараб турмайман. Бошингга яшик-пашиги билан туширайки, билдингми! Отақўзи қани?

Мутал ҳеч нарса деёлмади, кўзлари билан боғ ичкарисига имо қилди, холос. Сўнг алламаҳалгача юзларини кўрпачага қўйиб ётди-да, кўнгли тўлиб кетиб, жилмайди. Бу унинг шу ҳафтада биринчи жилмайиши эди!

Муниса боғда узоқ тўхтамади, дарров қайтиб чиқди-да, орадан ярим соатлар ўтгач, Нурини бошлаб келди. Улар бўш пақир тополмай битта яшикни икки томонидан ушлаганча, Муталга ҳам парво қилмай боғ ичига ўтиб кетишди.

Алламаҳалда дастурхонга ўроғлиқ бир нарсани супага «тап» этиб қўйди-да, Холпошша унга тескари қараб ўтириб олди. Мутал кўзларига ишонмасди!

— Келмасдим,— деди Холпошша,— аммо, Отақўзини деб келдим.

— Отақўзини?!

— Нордон-нордон анорларингга тўйиб, анорзорда сулайиб ётган эмиш, мабодо Холпошша овқат олиб келмаса, товонимга қолади, уйга етолмайман, дебди.

— Қимга?

— Мунисага.

Отақўзининг ҳийласи-ю, қизчани баҳонасини қаранг! Аммо ичида боладан жуда миннатдор бўлиб ўтирганда қизча тўсатдан ўгирилди.

— Хафасан-а?

Бола, юзлари ловиллади-ю, аммо унга эмас, бошқа нарсага ўксиб қўйди.

— Эҳ, ишонмадинг-а?

Қизча хўрсинди.

— Ушанда ишонмагандим!

— Энди-чи?!

— Айтайми?

— Айт!

— Аввал бир эмас, иккита илтимосим бор, хўп дейсанми?

— Қанақа?

— Йўқ, олдин айт, хўп дейсанми?

— Хўп, хўп!!!

Қизча дарвоза томонга ўгирилди.

— Ҳой, бери кел!

«Мелиқўзи? Нега келди?!» деб ўйлади Мутал.

— Қани, гапир.

Дарвозани олдида сочлари ҳурпайиб, кўзлари бежо турган Мелиқўзи беш-ўн қадам юриб келди. Аллақандай дафтарни Муталнинг оёғи остига мўлжаллаб улоқтирди-да, шошганча чиқиб кетди. Бир эмас қўшалоқ дафтар супа ёнига тушди. Бу нима?! Мутал эгилди.

— Тегма!— деди қизча туриб келиб.— Биттаси Мирҳалим ака ўқиб бергани, бошқаси синфда ўзинг кўрганнинг — икковини Мелиқўзи ёзган экан.

Қизча йўлда Мелиқўзидан эшитганларини оқизмай-томизмай айтиб берганда Мутални бирдан титроқ босди-да, кўзлари олайиб, супадан сакраб тушди, дарвозага қараб югурганда:

— Қўй, тегма,— деди қизча ялиниб,— бояги илтимосини биттаси шу, қўй, тегма!

Бола бўшашиб тўхтади.

— Бошқаси-чи?!

— Бошқасими?— қизча ердан дафтарни кўтарди, ҳамма-ҳамма аламларини шундан олгандек, жон-жаҳди билан майда-майда қилиб йиртди-да, ариққа улоқтирди, бир бўлаги ялпизга илашган эди, оёғининг учи билан туртиб уни ҳам сувга туширди!

— Бошқасими?— қизча бирдан юзини тутди,— энди, қарзингни узасан!

— Холпошша,— деди Мутал орқага қалқиб.

— Узмасанг, армон бўлади менга!

Бола ҳаяжонда оғир энтикиб, майли-майли, деди кўнгилида, шу гапларинг чин бўлса, дунёда мендан ҳам бахтли одам бўладими?! Аммо, бу гал ҳам қизчанинг дилидағини ажабтовур жавдираган кўзларига қараб ажратолмади! Шу пайт боғнинг «нордон-нордон анорларига тўйиб, анорзорда сулайиб ётган» Отақўзи инқиллаб-синқиллаб яшик кўтариб келиб қолмаса... йўқ, ҳар иккови умр бўйи бир-бирига термилиб турнишга рози эди!

Бўрижон ака ҳовлини айланарди, эски иморат торлик қилиб, раис янгисига ваъда берган эди; шу жой тузикми, ё буни ҳам олиб қолиб, ҳовли этагидаги тажрибага ажратилган ерга қурган маъқулми? Шундай хаёллар билан юрганда деразанинг очиқ тавақасидан ичкарига кўзи тушди. Бўм-бўш синфда Мирҳалим ака бошини ушлаб, ёлғиз ўтирарди. Ажабланиб, олдига кирганда, Мирҳалим ака бирдан уҳ тортди.

— Келинг, Бўрижон, шу тобда десангиз, юрагим ўтдай ёниб турган эди!

— Тинчликми?

— Ҳой, майда-чуйда болалар-ку, майли, баъзан шўхлик қилиб... аммо, булар-чи?!

— Нима бўлди?

— Камина дарсдан сўнг суҳбатлашмоқ ниятида эдим. Оҳ, бу ёшда қулоғига қўйиб турмасангизми буларни... Қайта-қайта тайинлашимга қарамай, Мелиқўзи, Мирфаёз... яна уч-тўрттаси қолибди. Жавоб бериб юбордим. Мана аҳвол. Аттанг, бир-иккита болани Муталга тиркаб қўяйми ҳам деган хаёлда эдим.

— Йўқ, қўйинг,— деди шошиб Бўрижон ака,— бу ёшда, биласиз, гурур, хамиятига билмай тегиб қўйилса! Қўйинг! Уқиса бинойидек ўқийди ўзи. Кўнгли чўкмасин, кичкина бошига тоғдай ғам-ташвиш тушганда, ёлғизлиги билиниб ўксинмасин дейман. Аммо болаларнинг кетиб қолганига келсак...

— Шундай қилинг,— деди Мирҳалим ака оғир энтикиб,— кўпдан айтай дейман, аммо дилингизни сиёҳ қилмай деб, ичимга ютаман, ўшандаёқ майнавозлик билан кутиб олишган мени!

— Э, йўғ-е, Мирҳалим ака, чоғимда муболаға қилдингиз.

— Унақа деманг, Бўрижон, унақа деманг,— қўллари титраганча Мирҳалим ака кўкрак чўнтагини титкилай-титкилай гижимланган, тўрт букланган қоғоз олди.— Бошқаларни айтмай, майли, шу Мутал деса, шу бола деса улуғдай одам жонини жабборга беради. Ўзингиз-чи, Бўрижон, ўзингизни бир ҳафтадан буён на ичганингизда ҳаловат бор, на еганингизда. Ҳой, шу бола ҳам ўша куни нима деб калака қилганини қаранг!

Бўрижон ака қоғозни олиб кўз югуртирди.

— Йўқ, Бўрижон, овозингизни чиқариб ўқинг!

— Майли,— кулди Бўрижон ака,— «авваллари ойнаи-



жаҳон дастидан кўчага қочиб қутилардик, энди-чи?»

— Кўрдингизми, Бўрижон, кўрдингизми нимага шама қиляпти!

— Очиғини айтайми?

— Айтинг, Бўрижон, айтинг.

— Биласизми, Мирҳалим ака, болани пойламанг?!

— Пойлаб нима қилдим?!

— Шу нарса иззат-нафсига теккан бўлса... шахсан мен...

— Хўш?!

— Дангал узр сўрардим!

— Кимдан?!

— Ушалардан!

— О, Бўрижон!— деди Мирҳалим ака,—«ўшалар» деганингиз бамисоли ғувиллаган шамол-ки, дарахтнинг шохиди эмас, баргида бўлмасангиз...

— Балки, аммо шамол дарахтни шохидан кўра баргини кўпроқ силкитади, Мирҳалим ака!

Йўқ, шунча йил ишлаб, Мирҳалим ака бунақа оғир гап эшитмаган эди! Ҳар икковлари боядан бери остонада ҳайкалдек қотиб турган Мелиқўзига кўзлари тушмаса, ким билсин, бу сукунат ҳали қанча давом этарди. Мирҳалим ака кўрди-ю, чўккалаб қолаёзди. Вожаб, қайдан яна пайдо бўлди бу бола, кўпдан шу ердами, ё шу тобда киришимми?! Наҳотки, йўқ, бола эшитди, эшитди ҳаммасини, бўлмаса, бутун вужуди билан қичқиргудай бўлиб Мирҳалим акага қарармиди?! Унинг нигоҳи, сиз, ахир сиз, бу қоғозни ҳамманинг кўз олдида майда-майда қилиб, деразадан отиб юбормаганмидингиз, дер, аммо Мирҳалим акадай одамдан бундай нарсани ўнги тугул тушида ҳам кутмагани учун бола оғзини очмасди. Унинг қарашига Мирҳалим ака тоб беролмай, кўзларини олиб қочди. Қулоқлари остида Бўрижон аканинг «баргини кўпроқ силкитади», дегани қайта жаранглаб кетди! Орадаги гапсўзсиз тўқнашувдан беҳабар Бўрижон ака:

— Ке, Мелиқўзи,— деди.

— Сизни излаб юрувдим, овозингизни эшитиб, буёққа кирдим,— бола довдираб унга гапирса ҳам, аммо кўзларини Мирҳалим акадан олмасди,— дадам кечқурун раисни олдига келармиш, сизда гапи бор эмиш, шуни айтиб қўй деган эди, боя эсимдан чиқибди.

— Майли, ўтаман.

Мирҳалим аканинг бу қадар ўзгарганига, Бўрижон ака, гапим қаттиқ ботдими, деб боягини юмшатмоқчи эди, бўлмади, нима дейди?!

У Мирҳалим акани ўша аҳволда қолдириб, идорага кирди-да, ишга уймалашиб кетди. Уйига қайтаётганда эса бирдан эрталабки: «Буёғи энди нима бўлди дейман-да», деган гапларини эслаб анчагача сайхон ўртасида қаққайиб туриб қолди. Шундоқ ҳам кўнгли алғов-далғов эди: тавба, ўз қизини таниёлмай ҳайратда юрса! Кеча хонасида чироқ ўчди, ёнди, яна ўчди, алламаҳалда яна ёнди! Кирса, қизи ғалати энтикиб, юзини ёстиққа қўйиб ётибди.

— Нима бўлди, қизим?

— Узим...

— Эг-бетинг оғрияптими?

— Йўқ, дада...

— Ойингни соғиндингми?

— Кеча хат келди-ку!

— Бўлмаса, нега йиғладинг?!

— Узим, дада,— қизи ёстиқдан юзини олди,— ўзим, қўйинг, хавотир олманг, ўзим, дедим-ку!

Бўрижон ака қайтиб чиқиб, тонготар мижжа қоқмади. Нима гап? Бу ниманинг йиғиси?! Йўқ, ҳозироқ бориб уни кўрмаса... Бўрижон акани фикри-зикри қизида бўла туриб, тўсатдан орқага қайтганини пайқамади. Боққа қараб тез-тез юра кетди. Узи-чи?! Нима қилиб боланинг оғирини енгиллатди-ю, дардига малҳам бўлолди?! Аммо яқин қолганда бирдан аллақерда, ҳа, ҳа, аллақерда камларнингдир шўх-шўх овози, кимларнингдир қийқириб кулгани қулоғига чалиниб аланглади. Овоз ҳам, кулги ҳам боғдан келди! Дарвозага суянганча узоқ турди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Уни пайқашмади, аммо пайқашлари шартмиди?! Шанғур-шунғур қилиб Муниса супага кўрпача тўшарди. Нури қумгоннинг қизиган бандини ушлолмай тепасида гир-гир айланарди, қизи бўлса, дастурхонга ўралган ниманидир очарди. Мутал билан Отақўзи тўнтарилган яшик устида алланарсаларни бир-бирларига маъқуллашарди.

Бўрижон ака секин орқага қайтди, у қалби жўшиб, бедор ўтган кечаларга-ю, чеккан барча азоб-уқубатларига шу тобда минг-минг рози бўлиб борарди! Шулар кўнглида ўзи чақа олган ўша учқунни мабодо ҳаммадан кейин пайқаган бўлса, балки, бу ҳам бир яхшилик аломатидир?

Ҳали вақт эртага ўхшади. Раис билан Абулқосим аканинг «кечқуруни» камида соат ўндан кейин бўларди. Ўзи ҳам жуда очиққан эди. Овқатланиб кела қолайми деб уйига қайтди. Келса, ўз қўли билан узиб тўғрайдиган помидордан бўлак ҳамма нарса столда, қизи устига дас-

турхонни қайириб кетган экан. Очса, хат, ўқиди, ўқиди-ю, кўзлари ёшланиб кулди. «Дадажон, ҳамма боғда, анор узяпти, мен ҳам ўша ёққа кетдим, яхши кўрасиз деб, биричи маротаба ўзим ош қилдим! Ухшадими, йўқми. Қозонда иссиққина, ош қилганингизда: «кўриб ўргансанг-чи», дердингиз, қулоғимга олмас эдим, кечаги хафалигим ўшаники».

Шундоқмикин-а?! Аммо, қизини беҳад ҳаяжонланиб ёзгани кўриниб турарди. Овқатдан кейин Бўрижон ака қоғозни яна кўлига олди, «опоқ қизим, йиғлаб-йиғлаб ош дамлама, кулиб-кулиб шўрва қил», деб кулимсираб хаёлидан ўтказди-да, кўчага чиқди.



...Кечки салқин Мирҳалим аканинг мисдай қизиган бошини бир оз совитди. Битта-битта юриб Қамбар отанинг ҳовлисига йўл олди. Йўқ, бормасди. Ушанда у дунё-бу дунё остонангни кўрмай-а, деб чиққан! Аммо бояги нарсалар, вожаб, тепасида қуюқлашган чўяндай оғир бутулни тилка-пора қилган чақмоқ бўлди. Хонасига ўтиб, дарров котиб қизга Қамбар отани айттириб келди. Сўнги кунлари анавининг хархашаси билан уч-тўрт даққир уйига борганда ҳам, мактабда ҳам жилла рўйхуш бермаганига, Қамбар ота ўликнинг юзида қотганга ўхшаган ғалати жилмайиш билан кириб келганда Мирҳалим ака бурунгидай курсига қапишиб эмас, нақ шипга теккудай бўлиб гердайиб ўтирарди.

— Келинг,— деди Мирҳалим ака диванга имлаб. Чол бир ҳовучгина бўлиб секин чўқди. Мирҳалим ака тирсагига таяниб, унинг ёшланган кўзларига узоқ қаради.

— Анави одам аслида ким?

— Кимни сўрадингиз, Мирҳалим?

Мирҳалим ака ўзини курси суянчигига ташлаб кулди.

— Э, ҳа, жиян, Мирҳалим, жиян!

— Бе, шунча ош-қатиқ бўлиб, ажаб, жиянингиз борини билмас эканман?!

Чол ғалати киприк қоқди-да, тўсатдан бошини ҳам қилиб, кесакка айланди; бас, ортиқча замзама бефойда! Мирҳалим ака кўнглида борини тўкиб солди. Чол чурқ этмади. Аммо раиснинг «ким олиб келган», деб қайта-қайта қизиққанига келганда уни ёздаги дағдағасини эслаб чол тилга кирди:

— Қийнаманг, Мирҳалим, қўйинг.

Мирҳалим ака бошига не-не кўргиликлар солмаган

манави сўхтаси совуқни оламдаги бор ҳақорат билан етти пуштини булғарди. Мушти билан столни қарсиллатиб, устидаги жами нарсани нақ шипга урарди. Аламидан бақриб-чақирарди! Аммо, овозига эрк бериш — заиф одамнинг иши, деб ўзини босди. Иссиғида даф бўлсин, демоқчи эди, бирон нарсага узил-кесил муносабат билдиргандан, ўша нарсага бетараф қолган бехатар, деб буни ҳам айтмади. Мавриди билан бафуржа гаплашармиз, деб Қамбар отани чиқариб юборди. Шошганча синфга ўтса, уч-тўртта бола қолибди. Кўнглига қил сизмай, уларга ҳам дарров жавоб берди. Мана жумбоқ ўлгур қаёқда экан! Тавба, нечун бу бетовфиқ тунларни изғиб юради, Қамбар ота билан қандай алоқаси бор? Отнинг ўлигини ташлаб қочганда кимдан, нимадан чўчиган?! Бир балоси борки, раис шунча шов-шув кўтарди-ю, бари бир тагига етмай қўймайман, деди. Қани иккови бир-бирининг оёғидан олиб, қўшмозор бўлса! О, унда ҳаммаси бошқача бўлар эди. Анави новбакор директор билан юзма-юз қоларди-ю, шу қилмишларига тавбасига таянтириб юборарди. Мабодо болани эслаганлари чин бўлиб, битта-яримта раиснинг қулоғига шипшитсами, раис имонсиз билан бетовфиқнинг чангини чиқаради: Мирҳалим ака ўзини бирдан қушдай енгил сизди, ҳаяжондан довдиради. Шу пайт Бўрижон ака кириб қолиб, болани ҳам пайқамай, чўнтагидаги қоғозни кўрсатиб юборгани — шуни оқибати эди. Аммо ҳозир фикр-зикри анави бетовфиқда эди. Чолдан билган-у, жуфтакни ростлаганми, ё майда-чуйдасини бўҳчага тиқяптимми?! Қалтакесакдай махлуқнинг боши мажақланса ҳам, узилган думи ўлгур аллавақтгача жон талвасада сакрайди. Мирҳалим ака ана шуни кўрнш иштиёқида борарди!

Аммо, қай кўз билан кўрсинки, кичкина темир ўчоқни ўрик соясига қўйиб олиб, тиш доктори дарё бўйига ёнбошлаган одамдек хотиржамлик билан ош дамлайпти. Унинг бақувват, сержун қўлларида росмана капгир ёш боланинг қошиғига ўхшарди.

— Э, келинг,— деди қозонга товоқни босиб,— битта ош дамладим, Мирҳалим ака, ўлик еса тирилади. Нега деб сўрамайсиз-а?

— Нега?— деди Мирҳалим ака бўшашиб.

— Гўшт харид қилганда қора қўчқорнинг ўнг биқинини олинг! Сабаб?— капгир учи билан товоқнинг қийшайган жойини туртиб қўйди.— Қўй мудом бир ёни билан ётиб-турганига, ҳамиша офтоб ўнг томонида бўлади, ҳамма маза шунда!

Мирҳалим ака ҳангу манг бўлганича, «ақлингизга балли», деб бош силкиди-да, айвонга чиқди. Айвон баланд, икки томони очиқ, баҳаво эди — тоғ томондан ғир-ғир шамол эсарди. Аммо, Мирҳалим ака қизиб борарди. Ҳа, бу осонликча даф бўладиганга ўхшамайди, деб қўйди ичида. Аммо унинг қоронғида қўрққанидан ашула айтган одам аҳволида эканидан мутлақо беҳабар эди. Қамбар ота айвон бурчагида гуваладек думалаб ётган экан. Гангур-гунгур овоздан уйғонди. Қора қўчқорнинг ўнг биқинидан бўлган ош ейилди. Қамбар ота чой дамлаб келди.

— Боя тоғамга айтганларингизга келсак, ака, ҳеч ташвиш тортманг, бе, бола деганни хаёлига нималар келмайди дейсиз?!

— Ҳар ҳолда,— деди Мирҳалим ака, секин,— ишга олаётганда кўрганман, паспортдаги суратга ҳам айни ўша қиз чизган соч билан тушгансиз!

Одамни бунақа ноқулай аҳволдан ё сохта кулги, ё ҳазил-ҳузул қутқаради. У биринчисини афзал кўрди, Мирҳалим ака бармоқларини нақ иккала қулоғига суққудай бўлди.

— Ҳа, боринг, ўша от ўлдирган мен бўлай, хўш, нима қипти?!

Мирҳалим ака бўзрайди. Чолга қараган эди, Қамбар ота дастурхон поугини ўйнаб минғиллаб қўйди:

— Ажалга даво йўқ.

— Ҳа, балли!— деб чолнинг сағал босса мўрт ёғочдай қарсиллаб синадиган елкасидан қучганди, Қамбар ота тиш докторининг қўлтиғида йўқ бўлиб кетди,— кеч бўлса ҳам тоғагинамни дийдорига бир тўйиб келай, деб келгандурман, от ўлиб қолганидан кўрқиб қочгандирман, отнинг хунини аллақачон эгасига тўлагандирман, хўш-хўш?!

— Ҳар ҳолда,— гўлдиради Мирҳалим ака.

— Нима ҳар ҳолда?

— Дейман-да...

— Бе, қизиқсиз-а,— қўл силтади тиш докторч,— ҳар ким бошига ёққан қорни ўзи курайди, қўяверинг. Эшитдингизми?!

— Нимани?

Чолга қаради.

— Айтмабмидингиз, тоға?

Чол аъзагача индамади:

— Хаёлимдан фаромуш бўлибди,— деди.

— Ана холос!

Мирҳалим аканинг кўнглига гўлғула тушди.

— Нима гап?

— Харсангтошлар орасидан анави йигитнинг милтиғи топилганмиш, бунга нима дейсиз?!

— Топилганмиш?— деди Мирҳалим ака карахт аҳволда, боя Мелиқўзининг тўсатдан синфда пайдо бўлиб, «дадамини иши бормиш», деганини эслади.

— Сизга алоқаси бўлмаса ҳам, дейман-да, Мирҳалим ака, ҳар ҳолда эски яра ўлсин, тимдаланса, кузги арининг захридай оғриғи ёмон бўлади!

Тиш доктори ёнбошлаб бошини чайқади.

— Оҳ, бечора, ўғлини қайта кўмгандай бўлди десангиз-чи?! Ҳар куни кўзи-кўзингизга тушадиган кап-катта қизини айтинг...

Мирҳалим ака бирдан чўкди-да, боягидай беш баттар кесакка айланди. Хаёлида эса қизча бир лаҳза сочларини юлиб, дод солди-ю, кесак ҳам совуқ жимирлаб кетди! Суҳбат мавзуси айланиб, аввалги нозик масалага тақалди. Мирҳалим ака нима бўлганда ҳам бу нарсага қаттиқ бел боғлаганини қайта-қайта изҳор қилиб, латтадай бўшашиб кўчага чиққанида тун яримлаб, кўчада ҳеч зог кўринмасди. Унда-бунда симёғоч чироқлари ғарибона милтирарди. Эски чопонини елкасига ташлаб кетма-кет чиққан тиш доктори, шўппайиб бораётган Мирҳалим аканинг орқасидан бирпас тикилиб турди-да, пастга қараб изғиб кетди. Қалласида тобора чувалашган ўй-хаёлларни тиндирмаса бўлмайди. Ажаб, битта арзимаган нарса кўнглини шунчаларзага солса-я! Арзимаган дедими?! Тоғасининг жонитани улоқ эди. Кексайган чоғида ҳам улоқ деса, ҳассага таяниб борарди. Болалиғида, беш-олти яшармиди, уни ҳам бирга олиб борган. Уша манзара ҳали-ҳали кўз олдида. Одам демагани тирбанд, катта майдонни ўраб олган на арава, на юк машина устида жой бор. Тоғасидай серошна одам бўлмаган оламда. Аттанг, қариганда биттаси итмисан-эшакмисан деб қайрилиб қарамади. Тоғаси баъзи-баъзида ўкиниб, бор бўлсанг ҳамма ширага ёпишган пашшайдай гувиллаб атрофидан кетмас экан, йўқ бўлсанг... деб кўп афсус-надомат қилар эди. Хуллас, серулфат тоғасининг битта ошнаси уни дарров машинанинг устига чиқариб қўйди-ю, тоға-жиян маза қилиб улоқни томоша қилишди. Аввалига болани ҳайратга солган — одамлар бўлди. Қийқириқ, кулги, бақир-чақир оламни тутарди! Шундоқ ёнларида турган шопмўйлов киши гулдурак овоз билан қичқирар, ҳаяжондан мўйловини битта-битта узаётганини ўзи ҳам пайқамасди. Боланинг назарида то улоқ тугагунча бу одамнинг мўйловидан бир туки ҳам қолмас-

лиги керак эди. Бир тўп чавандозлар машинага яқин жойга келганда, боланинг кўзлари ўйнаб кетди. Улоқни тақимига олган одам қуршовни ёриб чиқолмас, сув гирдобига тушган чўпдай, гир-гир айланарди. Рақибларидан бири эгарга ётиб олиб, жон-жаҳди билан улоқни тортди. Улоқ босган уни қамчилади. От ҳам ўгирилди-ю, кўзлари соққасидан чиққудай бўлиб, рақибнинг елкасидан ғарчча тишлади, қани улоқни қўйиб юборса! Бола «дод» деб юборди. Бир ҳафта шайтонлаб чиқди. Ҳозир эса негадир ўшани эслади. Ажаб, елкасини от ғажиган одам ўшанда улоқни олишга муяссар бўлганми, йўқми?!

...Дарсга чамаси ярим соатлар қолганда Мирҳалим ака секин Бўрижон аканинг хонасини очди. Бўрижон ака столга мукка тушиб алланарсаларни ёзиб ўтирарди, уни кўрар-кўрмас:

— Э, келинг,— деди ўрнидан туриб,— ўзим ҳам олдингизга кирмоқчи эдим.

Мирҳалим аканинг кўнгли шувиллаб, «шунақами» деди. Бўрижон ака столни айланиб жойига ўтирди. Кейин Мирҳалим аканинг қовоқлари салқиб, ич-ичига ботиб кетган кўзларига қаради.

— Мазангиз йўқми?

— Ҳа, бир оз уйқусизлик,— деб қўя қолди Мирҳалим ака,— нега йўқламоқчи эдингиз?

— Абулқосим ака билан улуғ хафа!

— Нечун?

— Тоғда шунча одам ишласа, шунча иш қилса, наинки бирон ўқитувчи шуларни олдинга бориб, битта суҳбат ўтказиб келмаса, деб қолишди!

— Балли,— Мирҳалим аканинг кўнгли озгина жойига тушди,— улуғни ҳамма деганлари олтинга тенг, Бўрижон, камина шундай деб биламан.

— Шунга бир гал мен, бир гал сиз-у, майли, бир сафар Ҳикматилла... кейин бошқалар галма-гал борсакми?

— Оҳ, қани эди!

— Маъқул десангиз, унда бугун мен борай, бўшман.

— Майли, Бўрижон, ўзингиз бошлаб беринг, хосияти бўлакча бўлади!

Кўнгли анча тинчиб Мирҳалим ака эшикка юрганда:

— Дарвоқе,— деди Бўрижон ака,— кеча Абулқосим ака ажаб бир нарса айтиб, вақт топсам мактабга ўтарман, дегандай қилди.

Мирҳалим аканинг эшик бандини тутган қўли музлаб қолгандай бўлди.

— Не экан, Бўрижон?

...Дарс охирлаб борарди. Доска олдида уёқдан-буёққа аста юриб, болаларнинг қироат билан шеър ўқишига қулоқ солаётган Мирҳалим аканинг ярим хаёли ҳовлида эди. Аммо бирон шарпа, тиқ этган овоз йўқ: ҳой, мунча, тавба, кап-катта одам. Ҳовлиқмалик ҳам эви билан-да, ҳали келадими, йўқми?! Мабодо келса нима қилибди?!

Узига таскин берган сари ғашлиги ортиб борарди. Уйлаб кўрса, шу тобда директорнинг тоққа шошилини даф бўлгани ҳам бир жиҳатдан маъқул экан. Ҳар қалай Абулқосим Шаропович мижғов одам эмас. Қолаверса... деразага кўзи тушиб, хаёли бўлинди. Қамбар ога узун резинка ичакни судраб келди-да, жўмракка улаб сув очди, аллақасери буралганми, ичак пақиллаб отилиб кетди! Сув шариллаб оқди. Чол водопроводга энгашганча негандир дарвозага қараб қолди. Қерза этик шалаббо бўлди. Мирҳалим ака ажабланди. Эшикни очиб қаради. Аллакимнинг идорага ўтган қораси кўринди-ю, нафаси халқумига тиқилиб ўша ёққа юрди... Тиш доктори секин хонадан чиқиб келди. Чол пайқамади. Идора томондан кўз узмай сув сепарди, унинг хаёли паришон эди.

— Келган ким?

Чол олдида шопдай турган тиш докторни кўриб сесканди.

— Абулқосим.

— Э, шу одамни... нега кепти?!

— Қайдам.

Котиб қиз кўчага чиқиб, Абулқосим аканинг шофёри-ни бошлаб кирди. Шофёр йигит қопга ўроғлиқ алланарсани қўлтиқлаб олган эди. Чол бир лаҳза талмовсираб турди-да, дарров сувни тўхтатиб резинка ичакни йиғишга тушди. Тиш доктори совуққина кулди.

— Сепганингиз бир бўйра жой холосми?.. Қаёққа?!

— Нима дейсиз?

— Қизиқ,— деди,— нега тўппа-тўғри уйга олиб бормай...

Қамбар отанинг қўлидаги резинка ичак оғзидан оёғига шариллаб сув тушди.

— Аввал йили чолни юраги хасталаниб, бир ўлимдан қолган дейишади...

— Шунгами?

— Балки.

— Ҳа-я,— деб қўйди,— тўсатдан қизи «дод» солса, филни юраги ҳам дош беролмас!



— Боя директор келаётиб Мирҳалимга «аввал қизнинг эти ўлсин», дегани қулоғимга чалинганди.

Чол резинка ичакнинг ярмини қўлига ўради, қолганини судраб ҳовли этагига қараб кетаркан, ичидаги сув илонизидай ерга оқиб борарди. Кўп ўтмай котиб қиз шипиллаб синфга ўтди. Анчагача йўқолиб кетиб, Нафиса билан чиққанда бирдан қизчанинг сабри чидамади, идорага югуриб қолди. Чолнинг айтганлари чинга ўхшарди! Шу тобда анавининг хаёлига лоп этиб... ё тавба, ўйлаган нарсаси сувга чўккан одамнинг сомонга интилишидай умид бағишласа ҳам, аммо беҳад қалтис эди. Вужудини биров исканжага олгандай жойида туролмай типирчилаб қолди: аччиқни аччиқ кесади. Ё буларнинг бари раҳматли тоғаси айтмоқчи, шошмашошарликми?! Мабодо темирни қизиғида босмаса, кейинги пушаймон ўзига душман бўлмасмикин?! Хаёлида соққадай айланган сон-саноксиз «нима-нима»лар бирдан гангитиб қўйди-ю, вужудига совуқ титроқ солди. Фалокатга учраган кемани сандиқ-сандиқ олтин-жавоҳири қанча кўп бўлмасин, қутурган денгизга улоқтиради, юкини енгиллатади, қирғоққа интилади! Йўқ, ҳозироқ, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилади... Шу одамни топмай қўймайман деган на анави раис, на тошдай қаттиқ директор-у, ва на «қаердадир кўрганман» деб тусмоллаб юрган бола билан тузоққа илинтириш пайида сурат чизган шумтака қиз тиш докторининг оламда борлигини мутлақо унутиб юборсин. Ҳаммаси ўзи билан ўзи овора бўлиб қолсин. Йўқса, ё тавба, эртагаёқ қаққайган бақатеракдай шўппайиб қолади-ю, аммо бунга чол бардош берармикин? Мирҳалим акани-ку, ўйламасди, аммо чол жон аччиқда лақиллаб қўйса, йўғ-е, лақиллаганда ким ҳам осмонда ногоҳ пақиллаб кўз қамаштирган мушак ёруғида гугурт оловига эътибор берарди?! У таваккал қилди, талвасада қоровулхонага ўтди. Чолни қўярда-қўймай, етаклаб идорага кирганда, юқоридаги курсида Абулқосим ака кўкрагини столга бериб, ғамгин ҳолда ўтирарди. Қизча йиғлай-йиғлай хумордан тарқаганди. Бошини қуйи солиб, юзларини тўсганча аҳён-аҳён пиқиллаб қўярди. Мирҳалим ака бўлса қизчанинг «этини ўлдириб», афтидан, энди тўхтаганми, қиссадан ҳисса ясаб:

— Оҳ, қизим-а,— дерди олдида энгашиб,— айт, Абулқосим Шароповичдай одамга, ё менга осон деб ўйлайсанми?!

— Абулқосим акамларни билмадим-ку,— деди гўсатдан тиш доктори,— аммо, Мирҳалим ака, сизга осон эмас!

Абулқосим ака тўсатдан пайдо бўлган одамнинг ўзидан кўра ҳам момақалдироқдек гулдурарган овозига ажабланиб бошини кўтарди. Ўгирилди-ю, Мирҳалим ака остопада кўзи бежо бетовфиқни, унинг ёнида мушук боладай мўлтираб турган имонсиз чолни кўриб, гарданига мушт тушгандай гангиб қолди. Хаёли тариқдай сочилиб кетдида, оғир-оғир киприк қоқди. Анави эса ғалати ишшайганча бамайлихотир ичкарига ўтиб, столдаги занг босган милтиқни қўлга олди. Худди харид қилган одамдай уёқ-буёғига узоқ қаради. Чириган қайиш тасмасини ҳам авайлаб тортиб кўрди ва бирдан «уф» тортди.

— Мабодо тилга кирса... оҳ, нималарни айтиб бермасди, Мирҳалим ака?!

— Шундоқ,— деди оёқ-қўли бўшашиб Мирҳалим ака,— шундоқ, ука!.. Каминада бирор зарур гапингиз бўлса, майли, айтинг, йўқса, Абулқосим акангизни йўлдан қўймай деб, шу тобда бошлаб бораёми, деб турган эдим.

Абулқосим ака ниҳоят жўшиб кетди.

— Балли, Мирҳалим ака, балли, келишимдан айни муддао ҳам шу эди!

Мирҳалим ака уйига ўт тушганини эшитган одамдек бесаранжомлик билан эшикка юрганда анави симёғочдай жойида қаққайиб тураверди.

— Қаёққа?

— Боққа...

— Нима қиласиз?!

— Нозик гап бор, йингит,— деди Абулқосим ака ғамгин.

— Бас қилинг!— қалт-қалт титради Мирҳалим ака,— бас! Абулқосим Шароповичдай одамнинг олдиларида бу нима қилиқ?!

— Қанақа қилиқ?!

Мирҳалим ака довдираб қолди.

— Билмасам, билмасам!

— Билмасангиз, билганларимни айтиб бераёми?! — деди-ю, анави қўлига шартта милтиқни олиб Абулқосим акага юзланди,— ака, ўрнингизда бўлсам занглаган шу темирни уйимни тўрига осиб, кунига бир маротаба сажда қилардим-у, эгасини қабрига бориб...

Мирҳалим ака биров кўкрагига тепгандай қалқиб кетди. Деворга суяниб қотиб қолди; нима бу, нима деб алжираяпти, наҳотки?.. Хонага кира солиб, эшик олдидаги курсига чўккан Қамбар ота бир туриб, гандираклаб, яна ўтирди. Боядан бери орадаги гап-сўзга жилла эътибор бер-

май ўтирган Абулқосим ака бўлса Мирҳалим аканинг тўсатдан ўзгариб қолганини кўриб «йигит, нима дедингиз?» деб қўзғалди.

\* \* \*

...Мелиқўзи боя қизчани чақириб кетишгандаёқ дадасининг шу ердалигини пайқаган эди, сабрсизлик билан қўнғироқни кўтарди. Аммо вақт деган шундай имиллаб ўтардики! Ҳаммадан аввал папкасини қўлтиқлаб ташқарига чиқди, идорага ўтиб, шошганча Мирҳалим аканинг хонасини очди. Очди-ю, остонада анчагача ғалати аҳволда туриб қолди: гўё хонадаги катталар тоза қирпичоқ бўлишган-у, энди ҳаммалари ҳолдан тойишиб, нафасларини ростлашар, яна вақт пойлаб бир-бирига ташлангудай важоҳатда ўтиришарди! Дадаси, қаттиқ-қурум гап-у, бақирши-чақирши нималигини билмаган дадаси, хона ўртасида қаққайганча қўлларини ёзиб, алланарса қидиргандай гир-гир айланарди.

— Ё тавба! — дерди қичқиргудай бўлиб, — тушимми-ўнгимми?!

Аммо биронтасидан садо чиқмасди. Қамбар ота курсига қапишиб олганди. Анави минғайма суратга тушмоқчидай бақраярди. Мирҳалим ака бўлса курсида эмас, негадир деворга суяниб, ерда чўққайиб ўтирарди. Ораларида битта тиш доктори ҳеч нарсага парво қилмасди. Хонани буруқтириб бамайлихотир папирос чекарди. Папирос деган нарсани кўчадаги тутунига уйда тоқат қилмаган дадаси нега индамайди анави одамга? Дадаси Мелиқўзига ҳам қарамай бориб ўтирди, аммо курсидан миҳ чиққандай яна сапчиб турди-да, қўлларини пахса қилиб, Мирҳалим аканинг тепасига келди.

— Ҳой, сиздай одам... ақл бовар қилмайди-я?!

Мирҳалим ака бош кўтармади, анчадан сўнг инграгандек ғалати товуш чиқариб, кесакка айланди. Аммо анави одам Мирҳалим аканинг шу тобда ёрилишини истарди, эҳшусини йиққач, рўкач қилиши мумкин бўлган нарсаларни, майли, ҳозир айтсин. Тўпнинг гумбури олдида милтиқнинг пақиллагани қаёққа ҳам борарди. Шунда ҳаммаси эртага беқадр бўлади-қолади!

— Шуни айтинг! — деди анави папиросни деразадан улоқтириб, — улоқ ўлсин, Мирҳалим ака, одамдан азиз бўлса!

Унинг овози Мирҳалим аканинг қулоқларига нақ нинадай ёмон санчилди-да, ёз чиллада жини қўзган телбадек аланг-жаланг кўзларини секин кўтарди.

- Қўйинг, сизга ярашмайди!
- Нима ярашмайди?
- Ўзингизга қаранг!
- Нима қипти ўзимга?!
- От ўлдирдингиз!
- Хўш?!
- Ташлаб қочдингиз!
- Шуми?
- Ҳа, бу камми?!
- От... одам эмас-ку!

Мирҳалим ака бақрайди. Яна алланималар демоқчи бўлиб оғзини очганда, бирдан қотиб қолди: вожаб, унинг айтганларига нечун ҳеч ким эътибор бермади?! Буни кўриб, Мирҳалим ака қармоққа илинган балиқдай шундай типирчилай бошладики.

— Э, майда-чуйда гапни қўйинг, ака, милтиқнинг тепкисини ким босди — шуни айтинг!

Мирҳалим ака кўзлари отилиб чиққудай бўлиб Қамбар отага ўгирилди:

— Анавидан сўранг!

— Уялинг, Мирҳалим, уялинг! — деди Қамбар ота еб юборгудай ўқрайиб, — қилғилиқни сиз қилиб, менга тўнкайсизми?!

— Имонсиз! — оғзидан кўпик сачратиб қичқирди Мирҳалим ака, — қўлимга ёпишиб тепкени босган ким?!

— Қўйинг, Мирҳалим, қўрққан аввал... қабилида иш тутманг.

— Ким деяпман?!

— Сўзингизнинг тутириғи бўлса, қўлингизда турган милтиқ тепкисини нега мен босаман?!

Мирҳалим ака вужудига шундай ғазаб қуйилдики, сапчиб турай деган эди, аммо силласи қуриб, гавдасини аранг тутган оёқлари қўлтиқтаёқни беўхшов ушлаган одамдай тўсатдан чалишди-да, елкаси билан деворга урилди. Қамбар ота назарида хона бир силкинди. У курсига чўкди!

— Ҳой, бас! — деди анави, — Абулқосим ака, қайта-қайта ижикилаб сўрашимни боиси, ҳамма билганларингиз, содир бўлган нарсалар бир ипга тизилмаса... Мирҳалим ака айтмоқчи ҳақиқат ўлмасин дейман-да, ҳақиқат!

— Майли, ука!

Абулқосим ака ҳамон ўзига келолмай ўтирарди. Қани, шуларнинг бари оғир туш-у, ё бирон англашилмовчилик бўлса?!

— Абулқосим, — деди Мирҳалим ака йиғлагудай, — майли, ука, шунча йил кўнглимни тошдай эзган анави имонсиз-

нинг қилмишларини ўз оғзимдан эшитинг, майли, аммо, айтинг, анавилар чиқиб турсин.

— Қимлар?! — деди-ю, Абулқосим ака боядан бери хо-на бурчагида бақрайганча турган қизча билан эшикка су-янган ўғлига қараб баттар тутақиб кетди.

— Нега?!

— Хўп денг, Абулқосим, хўп денг!

— Нечун деяпман?!

— Ўқув-тарбиянинг қуюшқонига хилоф иш тутманг, ука! Абулқосим ака сапчиб кетди. «Шундайми», деганча эшикка борди-да, ўглининг қўлидан силтаб, шундоққина Мирҳалим аканинг рўпарасига қаққайтириб қўйди.

— Манави болани бир қаричидан соянгизга тиз чўк-тириб катта қилганман, энди унга нима деб тушунтирай, хўш?! Вожаб, оқни оқ, қорани қора дейиш нечун тарбия-нинг қуюшқонига хилоф бўлсин, нечун, айтинг?!

Мирҳалим аканинг нафаси ичига тушиб, узоқ вақтгача юзини қўллари билан тўсиб ўтирди.

— Шундай қилиб,— деди анави,— чамаси ўн йиллар аввал икковингиз битта улоқ орқасидан қувиб, ҳориб-чар-чаб кечгача тоғда қолиб кетдингиз. Қайтаётганингизда шунчалар сарсон қилган ўша лаънати улоқ лоп этиб ол-дингиздан чиқди-ю, Мирҳалим ака, сиз, нишонга олдингиз, шундайми?

Қамбар ота бош силкиди, аммо, Мирҳалим ака миқ эт-мади. Бир зум бошини кўтариб, атрофга маъносиз алангла-ди, кейин юзларини яна тўсди: наҳот, тош теккан ойнадек бирдан чилпарчин бўлса?! Ғафлатда қолди. Бетовфиқ, ахир оёғидан шартта олди-я! Аммо, кўзлагани нима, не истай-ди?!

— Шунда,— деб сўзини давом этдирди анави,— улоқ турган жойдан чамаси юз-юз эллик метр чапроқдаги уйдек-уйдек харсангтошларни панасида...

Мирҳалим ака жунжикди.

— Уни аввал мен кўрдим-у...

— Қўйинг-е,— деди Қамбар ота,— аввал мен пайқаб, «қаранг, Мирҳалим, қаранг, анави йигит нечун тоғнинг у томонига аланглаяпти», деб мен айтдим, кўзингиз улоқда бўлганига гапимни эшитмадингиз. Қолаверса, Мирҳалим, ўшанда, йигитнинг хаёли бошқа ёқдалигига бизни пайқа-мади-я, деганимни ҳам бир эсланг!

— Ё, тавба!— Мирҳалим ака ёқасини ушлади. Анави бўлса оғзини ҳам очирмай, гапни илиб кетди.

— Тоғни у томонида, қатор ўтовлар олдида ёш бола пилдираб юарди. Кўпдан бери тепасида айланаётган қуз-

ғун эса сира нари кетмас, болани ёлғизлиги-ю, атрофда хавф-хатар йўқлигини пайқаб аста-секин пастлай бошлаганди. Йигит шошиб қолди, иккита катта тош орасида кўринган арча илдизига осилиб зўр-базўр харсангининг синган жойига чиқиб, битта оёғининг учини арча илдизига аранг илинтириб, яна ўша томонга аланглай бошлади. Алаҳсиб, мувозанати сағал йўқолсамн... Аммо, афтидан, бўлак илож йўқмиди, қузғун эса тўсатдан қанотини йиғдида, пастга ўқдай шўнғиди-ю, йигит шошганча қўшоғизни елкасидан олди, шундайми?

— Шундай,— қалт-қалт силкинди Мирҳалим ака,— байни шундай, анави, имонсиз улоқ чўчиб қочади деб жонҳолимга қўймаса-я!

Қамбар ота жойидан бир қўзғалиб қўйди.

— Мен шундай дедимми?

— Шундай дедингиз!

— Акси эмасми, Мирҳалим, анави йигит побоп жойда турибди-я, ҳой, чўчиб қалқиб кетмаса гўрга, қўйинг, деб худонинг зорини қилмадимми?!

— Е, тавба, мен баайни шундай деганимда, сиз, чўчиб қаёққа боради, деб қўлимдаги милтиққа ёпишмадингизми?!

Орага шунақа совуқ жимлик чўкдики, Мирҳалим ака билан Қамбар ота бир-бировларининг кўзларини ўйғудай бўлиб, хириллаб оғир-оғир нафас олганлари баралла эшитилди.

— Баравар отилган ўқни бири,— деди анави,— ўтов олдида бепарво юрган болани қузғундан сақлаб қолди-ю, улоқни қулатган бошқаси эса...

Бошқаси эса... Йўқ, ўша, манзара ҳануз икковининг — Қамбар ота билан Мирҳалим аканинг кўз ўнгидан сира-сира нари кетмасди. Ногоҳ гумбурлаган овоздан йигит симга янги чиққан дорбоздай қўлларини ҳавода силкиб тўсатдан қалқиди, қўлидаги милтиқ учиб кетди! Орадан талай вақт ўтганда икковлари ҳовлиқиб жарни айланиб келишди. Йигит пастда — тошлар устида қимир этмай ётарди, даҳшатдан улоқни ҳам унутиб, олдинма-кетин қочишди. Анча-мунча жойга борганда ит-мушук бўлиб узоқ туриб қолишди. Шунда қояга қўнган бир гала қузғун алланарсани пайқаб ҳавога кўтарилди-да, харсангтошлар тепасида айлана бошлади. Аммо, вожаб, аллақердан (ё йигитининг ўзи бирга олиб келганмиди?) пайдо бўлган бургут жон-жаҳдн билан уларга ташланди, эгасига яқин йўлатмади! Мирҳалим ака бўлса Қамбар отанинг қистови билан хабар қилгани кетди...

— Буёғи менга аён,— деди Абулқосим ака,— халоско-

римни излаб, бир неча кун тоғ орасидаги қишлоқларни кезиб чиқдим, сўроқладим, суриштирдим, ниҳоят...

У курсида ғужанак бўлиб ўтирган Қамбар отага кўз ташлади.

— Анави одам учраб, Мирҳалим ака, олдингизга бошлаб борди, шу-шу уялмай-нетмай... ё, тавба?!

Шу тобда қизчанинг тўсатдан жон талвасада қичқирганига анави тиш докторидай одам ҳам беихтиёр орқага қалқиб деворни ушлаб қолди. Қизча ранги оқариб, Мирҳалим аканинг олдига келди.

— Дадамни, дадамни топиб беринг, дадагинамни! — деб қичқирди алам билан.

Абулқосим аканинг кўзларига ёш қалқиди. «Қизим, менга қара, қизим», деб ўрнидан тургунча қизча ташқарига ўқдай отилиб чиқаётган эди, эшик олдидаги курсини туртиб юборди. Курси қарсиллаб ерга тушди... Абулқосим ака деразадан гавдасини ярим белигача чиқариб қичқирди.

— Ҳой, қизим, тўхта, қаёққа?!

Мелиқўзи бирдан хушёр тортиб, қизнинг орқасидан югурди...

## Х Б О Б

Қизча орқага қарамай борарди. Қаерга кетаётганини, нима қилмоқчилигини ўзи ҳам билмасди. Мабодо тўхтагудай бўлса, шайтонлаб қолишдан қўрқарди. Жон-жаҳди билан югурарди. Унинг кичкина юраги қабиҳликка дош беролмади. Кўнгли аламга тўлиб, ноҳақликка исён кўтарди. Хаёлида ҳаммаёқ остин-устин бўлди: олисда қўш сада инграб чайқаларди, дадаси, дадагинаси эккан сон-саноқсиз анави ноклар бир-бирига қарсиллаб уриларди. Тепасида хомуш учиб юрган бургут ҳам баҳайбат қанотларини ёйиб ҳайратда қолганга ўхшарди.

— Нафиса, тўхта!

Юрагига қадалган бу овозга тўхтамади, йўқ, қайрилиб ҳам қарамади. Қайтага алами бешбаттар бўлиб, нокзорга шўнғиди. Бола уни сайҳонда йўқотди. Аланглади, уёқдан-буёққа елиб-югурди, бақирди-чақирди, аммо изини тополмади. Бўшашганча келиб тўнкага чўққайди. Вужудини совуқ титроқ босди. Сайҳонни бошига кўтариб чинқиргиси келди: ҳозироқ топмаса, оёқларига бошини қўйиб, дод деб йиғламаса... аллаким тўсатдан устига баҳайбат қора чодра ташлагандай бўлди. Бола чўчиб букчайиб олди, тепасидан қалқиб бургут ўтди. Мелиқўзи сакраб пастга тушди-

да, ғалати бұлиб алламаҳалгача бургут орқасидан қараб қолди, сўнг қўлларини оғзига карнай қилиб қичқирди.

— Қаёқдасан, Нафиса!

Аммо овози сойнинг шовиллашига сингиб кетди. Анча вақт ўтгач, олисда, нокзорнинг сойга яқин жойида қизчанинг қизил кўйлаги ҳилпираб кўринди. Нега, нега сойга қараб боряпти?! Наҳотки... Бола ўлар-тирилариға қарамай, югурди! Ҳали қизча қирғоққа етмаган эди. Ёнидан шамолдай елиб ўтди-да, бор бўйича сойга шўнғиди! Тўлқин анча жойга суриб кетди уни. Сув бетида кўриниб-кўринмай, қалқиб-қалқиб бораркан, қирғоққа келиб тўхтаган қизчаға қичқирди.

— Узингни сойга ташлайсанми, майли, ташла, бари бир ушлаб оламан!

Қизча орқаға бурилди. Уйға қайтгиси, ҳеч кимни кўргиси келмасди, ёлғиз қолишни истарди. Болалигида дадаси тоққа олиб борарди. Бургут уя қурган қоя биқинидаги катта силлиқ тошга ўтқизиб қўярди. Шунда, шундай қийқириб кулардики! Уша ёққа юрди! Аммо жарга яқинлашган сари юраги ўйнаб, анави харсангтош устидан қалқиб йиқилган дадаси тўсатдан кўзларига кўриниб кетди. Додлаб юборди! Овози узоқ-узоқларга тарқаб, анчагача аксадо берди. Қизча юзини муздай тошга қўйганча туриб қолди. Сўнг битта-битта юриб жарга тушди; аёвсиз сел ва бўронларда қулаган арчалар остидан ўтди. Айланма йўлдан юқорига кўтарилиб, қоянинг ярим белидан туртиб чиққан тошга чўнқайди. Бу жойдан деярли ярим қишлоқ кўринарди. Илон изи йўлда, яккам-дуккам тераклар орасида ўрмалаган от-арава осмондан тушган кўланкада йўқолиб, яна пайдо бўлди. Устидан бургут ўтди. Қизчани кўнгли бузилди. Ё тавба, нега шу қушдаги вафо, баъзан одамларга етишмас экан-а? Қузғунларга ташланиб, кўздан айрилиб келганда ҳам қадрдон жойларни ташлаб кетолмай эгасини қўмсаб шунча йил чарх уриб айланадими?

— Нафиса?

Қизча жунжикиб аланглади, овоз тоғнинг нариги ёғидан келдими, деб ўйлаган эди, йўқ, чап томондаги ялангликдан экан. Чамаси бир ярим терак пастда Мелиқўзи бақрайиб турарди, афтидан ҳаммаёқни тоза изғиб чиққан-у, юқорига йўл тополмай гаранг эди. Жардан ўтиб қояга олиб борадиган айланма йўлдан эса беҳабар эди.

— Нега ўз ҳолимга қўймайсан? — деди қиз қичқириб.

— Илтимос, туш пастга!

— Тушмайман, кет, ҳозироқ кет!

— Менга қара, Нафиса, бу ерда нима қиласан?!



— Нима ишинг бор!

Боланинг кўнглига боягидан баттар ғулғула тушди: ташлаб юборса-чи ўзини! Ҳаммасига қоққан қозикдай қақ-қайиб турган анави сабаб. Ҳа, ўша сабаб, бўлмаса, дадасининг дийдорига тўйиб-тўйиб яшамасмиди. Йўқ, аламини олмаса, асло чидолмайди, йўқ, чидолмайди! Битта ўша, «милтиқни янги даданга берасанми», деганининг ўзигаёқ қояни унинг бошига қулатса кам! Қизча ғазабдан қалтираб бесаранжом типирчиларди. Шу тобда у ҳеч нарсадан тоймасди! Бола чепаликни чамалаб кўрди-да, ҳар қалай эпласа бўладиган жойидан юқорига чиқа бошлаган эди, қизча хахолаб кулди, этни жунжитган совуқ кулги тоғу тошларни ларзага келтириб шундай акс-садо бердики, бола одам бўйи жойдан коптокдай юмалаб тушиб, яна тир-машди.

— Йўқол!

Бола бошини кўтармас, унинг дод-войига парво қилмай, ҳамон юқорига ўрмаларди.

— Йўқол деяпман, йўқол!

Йўқ, бола тўхтамади. Қизча чамаси ярим метр пастроқда қоя камтигидаги харсангтошни пайқади-ю, секин сирғилаб тушди, тошни итариб кўрди, тош қимирлади! Қизча қувончдан қийқириб юборди: ҳозироқ анавини мажақлаб ташламасами! У жон-жаҳди билан тошни силкиди, тош жилди, жилди-ю, қияликда лопиллай-лопиллай бир лаҳза тўхтаб қолди-да. Нима? Ҳой, нима қилипти?! Наҳотки, дадаси ўлимдан қутқариб қолган болани... Қизча сапчиб тошга ёпишди, аммо оғирлиги пастга тортди. Қўлларида сирғалиб чиқиб кетди! Қизча силкиниб-силкиниб тўнтарилган баҳайбат тошга қараб даҳшатга тушди. Тош яна бир қалқиб то ҳамма зарбини йиғунча қизча тош устидан сакради. Йўл-йўлакай болани бир томонга туртиб юборди. Ўзи бошқа ёққа юмалаб ағдарилганда, харсанг, майда-чуйда тошларни суриб, икковининг орасидан қарсиллаб ўтди. Кўнглидаги ғазаб ҳам отилиб чиққандай бўлди-ю, қизча анчагача бўшашиб ўтирди. Оёқ-қўллари шилиниб ачишарди. Шундай бўлса ҳам боланинг олдига келди.

— Майиб бўлмадингми?!

Бола оғир туш кўриб, босинқираётганга ўхшарди. Қизча елкасига туртгандан кейингина ажабланиб унга термилди.

— Ҳой, тур! — деди қизча.

— Нима?

— Тур деяпман.

Бола харсангтош бошига тушгандай гандираклаб қўз-

ғалди, илдам-илдам бораётган қизчага эргашди: буюғи нима бўлади, қандай бўлади? Уша кунни чақиб-чақиб олганларини эсласа, қизча ўтга мук тушиб: «Мунча дилозорсан, сенга нима қилдим», деб дод солганини кўз олдига келтирса, харсангтош остида қолганига минг-минг рози бўларди. Энди нима қилмоқчи-ю, қаёққа бошлаб боряпти?! Аммо нима қилганда ҳам ғинг демайди. Ҳаммасига рози бўлади, фақат, кечирса, кечирса бас, қилмишини кечириб бўлармикин... Аммо қизча полиз томонга бурилганини кўриб, бола орқага қоча бошлади. Қизча бир ўгирилиб қаради-да, индамай кетаверди. Анча-мунча жойга борганда бола, ҳаммасига минг-минг розилигини ўйлаб, ночор орқага қайтди. Бобосига йўлиқишдан катта жазо йўқ эди унга.

Улар олдинма-кетин боққа киришганда қай кўз билан кўрсинки, дадаси билан Нафисанинг бобоси бошларини ҳам қилиб хомуш ўтиришарди. Қизча бобосининг ёнига келиб ўтирди, бошини бобосининг елкасига қўйди. Бобоси қоқ суяк қўли билан унинг елкасидан оҳиста кучди. Ота-бола алламаҳалгача шу аҳволда қолишди. Хаёлларидан нималар кечарди, ким билсин! Ота ўғлини қайта дафн этиб кўнгли фарёд чекармиди, қизча, ҳамма «дадажон» деб отасига талпинганда, нега мен оламда ўксиб юрай, деб ичидан аччиқ-аччиқ йиғлармиди?! Бола чидолмади, йўқ, чидолмай қолди, бу сукунат, бу жимлик харсангтошдан баттар эза бошлади. Шу тобда қизча ҳам, бобоси ҳам оламни бошларига кўтариб аюҳаннос солишса, бақириб-чақиришса, майли, ҳамма аламларини олишса, енгил бўлмасмиди?! У бирдан бобосининг оёқларини қучоқлади!

— Ота, оёқларингизга тиз чўкиб яшай, фақат...

Бобоси нурсиз хира кўзлари билан болага узоқ тикилди. Унинг кўзларида ғазаб, қаҳр-алам ўрнига аллақандай мсҳр-шафқат бор эдики, болани баттар ҳаяжонга солиб юборди.

— Қўй, болам,— титроқ қўллари билан боланинг бошини силади,— қўй, ўғлим, сени, оламда тиз чўкиб яшасин, деган умидда қутқармагандир-ку! Сенлигингни билмасам, армонда ўтармидим оламдан, қўй, болам, тур!

Бола турмади, юзини чолнинг тиззасига ишқаб, тўсатдан ўкириб юборди, умрида биринчи бор ўксиб-ўксиб йиғлаши эди...

Ҳикматилла ака қараса бўлмайдиган. Беш-олти бола ё кечаси, ё тонготар жарга борамиз, деб шайланиб юрганмиш. Ўзи олиб бормаса бўлмайдди. Кундузи бефойда. Негаки Нафиса билан Холпошша, Мутал билан Мирфаёзнинг ёзда, ўша бир маротаба эшитгани демаса... Аммо туннинг йўриғи бошқа, суриштирса, жардан келган ўша ғалати овозни кўпчилик тунда эшитган! Эслироқ болалардан Мелиқўзи билан Мунисани, Отақўзини олди. Яқинда касалдан турган Нафисага индамади. Қизча ўксимасин дедими, ўғлини ҳам қолдирди. Орқаваротдан эшитиб Мирфаёзнинг ўзи келиб қўшилди. Хуллас, бир гала болани эргаштириб Ҳикматилла ака йўлга чиқди: ой кўринмас, фақат симёғочнинг хира чироқлари милтирарди.

Жарга ҳали анча-мунча бор. Аммо, олисда чўккан туяга ўхшаб шўппайган яккам-дуккам харсангтошлар хунук кўринарди. Ортида аллаким, алланарса тўсатдан қичқиргудай бўлиб ваҳима соларди. Ҳаммалари гап-сўздан тўхтаб, атрофга секин аланглаб боришарди. Қишлоқ тугаб, пастбаланд, эгри-бугри сўқмоқ бошланди. Кимдир бехос қалқиб кетди. Бор бўйи билан йиқиларди-ю, шериги аранг ушлаб қолди. Қўрққанини яшириб, «ҳаммаёқ зимистон-а», деб қўйди. Олдинда, ён томонда шуъласи ерда коптокдек сакраб фонарь ёнди.

Мирфаёз нч-ичидан эзиларди. Бир маҳаллар шу жойдан, шу сўқмоқдан Холпошшани бошлаб бормаганмиди? Тиззалари қалтираса ҳам, қизнинг қўлидан ушлаб ваҳимали қоронғи жардан бирга ўтмаганмиди?! Энди тушида ҳам кўрмайдиган ўша дамлар ҳаётининг энг ширин дақиқаларига ўхшаб кетди-ю, хўрсинди. Аттанг...

Ўшанда эшитилган ғалати овоз, Нафисанинг овозими деб ўйлаганди. Қояга олиб борадиган айланма йўлни қўйиб Нафиса мудом ўтирадиган жойга тикка кесиб чиқмоқчи бўлди. Аммо ярмига бормаё оёғи тойиб, арчанинг кичкина шохига осилиб қолди. «Мирфаёз» деб қичқирди. Шунда Мирфаёз анча-мунча жойга бориб қолган эди. Ўгирилди-ю, югурмоқчи эди, бирдан қулоғига, ҳа, ҳа, бирдан: «Ўзингни бил, болам», деган аллақандай таниш овоз эшитилиб кетди. Кўкрагидан биров итаргандай таққа тўхтаб қолди... Мана ҳозир ўйласа, барча аламлари-ю, барча изтироблари ўшандан бошлангандек! Балки ўша овозга қулоқ солмаса бўлармиди! Аммо қандай журъат қила оларди?! Икки ўт орасида боланинг вужуди ёниб борарди. Икки ҳафта аввалги воқеалар-чи? Эсласа, йўқ, эсламагани яхши!

Аммо уни унутиб бўлмасди! Мактабда кўтарилган шовшувдан даҳшатга тушиб келди-ю, ҳовлига ҳам киргани юраги дов бермай, алламаҳалгача остонада турди. Наҳотки дадаси?! Оёқ-қўли бўшашди. Эшик кесакисига ҳолсиз суяниб, бирдан ўпкаси тўлди. Ичкари уйда алланарса чилчил синди. Ойсининг куйиб-пишиб, «эс-ҳушингизни йинг, аламингизни шундан оласизми», деган овози эшитилди-да, бирдан атрофга сув қуйгандек жимлик чўкди. Бу бўрон олдидан бўладиган кўнгилсиз, мудҳиш сокинликка ўхшарди. Йўқ, ҳозироқ дадасининг олдига киради, шунақами, деб сўрайди! Бола ҳовлиққанча келиб, эшик бандини ушлаганда чақмоқ ургандай қалқиди. Ҳаммаси рост бўлса-я?! У алламаҳалгача ҳиссиз, шуурсиз қаққайиб турди, сўнг ўзининг хонасига ўтди. Тўрдаги деворда уч-тўрт яшарлигида дадасининг тиззасида тушган сурати бор, ўшанга қараб кўзлари ўз-ўзидан ёшланди.

— Дада, айтинг!

Дадасидан садо чиқмади.

— Айтинг, дада!

Хаёлида сурат жонланаётгандай бўлди. Қани энди, дадаси, шу суратдаги дадаси тўсатдан тилга кириб: «Куйма, болам, куйма, бу нарсалар бари англашилмовчилик», деса! Аммо мулойим кулимсираган дадаси мумдай қотганди. Бола кўзларини ишқаб узоқ йиғлади. Кечаси билан безовталаниб чиқди. Эрталаб ўрнидан туролмади. Бир ҳафтагача доводи раб юрди-да, кейин чўлу биёбонда адашиб йўл топишдан умидини узган одамдай тўсатдан ҳамма нарсага бефарқ бўлди-қолди. Мактабдан келиб хонасидан чиқмасди. Ташқарига чиқса ҳам бир нуқтага тикилганча «миқ» этмасди. Бола кундан-кун озиб кўзлари ичига тушиб кетди. Онаси чидолмади. Дадасининг олдига кириб, «дод» солди. Ўша воқеадан бери бошини боғлаб, войвойлаб ётган дадаси ҳовлига оёқяланг югуриб чиқди. Ўрик остида ғамгин ўтирган ўғлининг олдига келди. Қўлларини силкиб алланималар демоқчи эди, айтолмади. Тепасида анчагача турди. Алаmidан пешонасига қарсиллатиб мушт туширди-да, каловлаб орқасига қайтди.

Шу пайт болаларнинг жарга бормоқчилиги Мирфаёзнинг ёдига тушди. Онаси жар ҳақида Қамбар отадан эшитганларини эслаб, «қўй, болам», деб ялинди. Дадаси деразадан норизо қараб қўйди. Мирфаёз қулоқ солмади. Болаларга қўшилди. Энди, мана, оёқларини аранг судраб ҳаммадан кейинда боряпти. Майли, шундан кўра, ўлгани яхши. Мабодо ўша нарса жарнинг қаъридан чиқса, ҳаммадан аввал югуради-ю, унга ўзини ташлайди. Мирфаёз

шундай хаёлларда келарди. Жарга юз-юз эллик метр қолганда Ҳикматилла ака тўхтади. Еш болаларни бундан бўғига олиб боргиси келмади.

— Таклиф бор! — деди. — Ҳамма шу ерда қолса! Аввалига болалар ҳеч нарса тушунмай чувиллашди.

— Нега?!

— Биз-чи, Ҳикматилла ака?

— Нега келдик бўлмаса?

Ҳикматилла ака қўл кўтарди.

— Гап битта! Ҳамма шу жойдан кузатади, жарга мен тушаман.

— Сиз?! — деди Отақўзи, — ёлғиз-а?

Ҳикматилла ака кулди.

— Мабодо ўша нарса менга ташланса, дод десам, қутқармайсизларми?

Ҳикматилла ака, «қайтмагунимча ҳеч ким жойидан қи-мирламасин», деб қайта-қайта тайинлади. Жарга қараб юрганда Муниса орқасидан чопди.

— Мен ҳам бораман!

— Қўй, қизим, қайт орқага! — деди Ҳикматилла ака. Лекин шу пайт «мен қоламанми» деб Отақўзи ҳам уларнинг ёнига келди. Мелиқўзи индамай қўшилди. Ҳикматилла ака у деди, бу деди, хуллас, гапга кўндирилмади. Учови, биз ҳам борамиз, деб туриб олишди. Ҳикматилла ака ноилож рози бўлди-ю, аммо Мелиқўзини ҳам шу илинжда юрганини кўриб:

— Қаёққа? — деди, — сен ҳам борсанг, унда болалар олдида ким қолади?!

Мелиқўзи ночор орқага қайтди.

Жар олдида бир лаҳза тўхташди. Нақ қаърига ютгудай қоронғи бўшлиқ Отақўзига бошқача таъсир қилди. Худди кўйлагининг ичида чумоли юргандай эти жимирлади. Ҳикматилла ака фонарь ёқиб, йўл бошлади. Пастга битта қадам босиб, битта ўгирилади. Ҳар жой, ҳар жойдан туртиб чиққан тошларга, дарахтларнинг очиқ қолган илдизларига оёқ қўйиб, аста-секин тушаётганда, аллақандай ёқимсиз вишиллаган овоз эшитилди. Гўё қоронғи, тубсиз жарда сон-саноксиз илон ўрмалагандек эди. Муниса тўхтаб, Отақўзининг қўлига ёпишди. Шундоқ ҳам аранг келаётган Отақўзи мункиб, Мирфаёзга урилди. Мирфаёз арчани ушлаб қолмаса, бир-бирларига урилиб думалашарди.

— Сув, сув-ку! — деди Мирфаёз, — жар тубида оқаётган сувнинг шовқини!

— Ваҳимасини қара-я, — деди Отақўзи, — ҳой, келинг-

лар, ҳеч бўлмаса бирон нарсани хиргойи қилиб борайлик, бунақада...

Отақўзининг гапи оғзида қолди. Сел ва довулларда илдизлари бўшаб, устма-уст мингашиб ётган арчалар тўсатдан шовиллади. Ҳикматилла ака чироқни кўтарди. Жарга ёпирилган баҳайбат дарахтлар устида аллаким атайлаб шох-шаббаларни силкитарди! Атрофига ғуж бўлган болалар тугул Ҳикматилла аканинг ўзи ҳам на орқага қайтишни, на олдинга юришни билмай қолди. Ниҳоят, ҳаммалари пастда жилдираб оққан сувдан ўтиб, жарнинг нариги томонига чиқишганда ҳайратда қолишди. Бояги — пастлаб ўтган бургутнинг шамоли экан. Шу тобда у кимсасиз тоғу тошларни, зимистон тушни танҳо ҳокимига ўхшарди. Бургут баҳайбат қанотларини кенг ёзиб, қоя атрофида айланарди. Жарнинг тепасига келганда эса харсангтошларга тўш ургудай бўлиб ўтарди. Сўнг бирдан жазаваси тутиб, осмону фалакка кўтариларди. Ўлжани мўлжалга олгандек, узоқ-узоқ учиб, қанотларини ёнларига йиғиб ўқдек пастга шўнғирди. Шунда тошларга урилиб, бирдан чилпарчин бўлгудай ҳаяжонга соларди одамни. Унинг бетоқат, бесаранжом парвозига ажабланиб ўтиришди. Бургут учаётиб қичқирганга ўхшаш шундай бир овоз бериб ўтдики... Ҳикматилла ака ҳам чўккалаб қолди. Бу нима?! Чиндан ўшанинг овозими?! Ҳадеганда ҳеч кимдан садо чиқмади. Муниса Ҳикматилла акага ёпишиб олди. Мирфаёз жойидан туролмай, нуқул дағ-дағ титрарди. Отақўзи ер тишлаб ётибди. Ҳикматилла ака ҳамон ўзига келолмасди, хаёлида бир нарса патнисга тушган соққадай айланарди, мабодо, чидолмай эгасини кўмсаб чарх урса, бу қуш, бу доғ, бу аламга одам боласи қандай бардош бераркин! Узоқ қолиб кетишди шу ерда. Бургут бошқа қайтмади. Аллақаерларга йўқолиб кетди. Ҳар ким бу хусусда ўз фикр-мулоҳазасини айтди. Аммо, негадир, Ҳикматилла аканинг гапига кўпчиликнинг жуда-жуда ишонгиси келарди. Ким билсин, балки шундайдир, балки, ҳақиқатга мос келмас, унда бу мўъжизани қандай изоҳлаб бўларкин? Ёввойи ҳислари тугёнга келиб, нега қоя атрофидан кетолмайди-ю, нечун харсангтошларга бош ургиси келади?! Аммо, бургут ўшанда бир кўздан ажраб, эгасини тоғу тошларда қолдириб аранг учиб келди. Шу-шу ўша қадрдон одамни яна бир кўриш, эгасининг меҳрибон қўллари яна бир бор эркалаб силаши насиб қилмади унга. Эсиз, кейин ўшани деб, ўшани кўмсаб, ўзини тоғу тошларга урди, қидирди, излади ва ниҳоят кўприб тошган тоғ шалолалари ҳам бора-бора ҳовурдан тушиб, сокин жилғага айлангандек, йиллар ўтиши билан

тақдир деган нарсага тан беришдан бұлак иложи қолмади. Аммо шунда ҳам, ёпирай, ҳар гал қишлоқдан мана шу харсангтошлар тепасидан учганда пастан кўз олмасди: ўша, ўша қадрдон одамнинг қораси кўриниб қолармикан? Қушларда вафо йўқ, деб ким айта олади? Бўлмаса, диққинафас бўлган кезлари шу қишлоқни, шу одамларни, қишлоқ ўртасидаги чинорни ташлаб боши оққан томонларга, ҳув ўша, оппоқ қорларга чулғаниб кўз қамаштириб турган чўққиларга, уруғ-аймоқлари олдига учиб кетишга неча бор жазм қилди. Аммо кетолмади, йўқ, кетолмади. Ўша тоғ чўққиларига яқин қолганда орқасидан қизалоқнинг қадрдон товуши эшитилаётгандек бўлаверди!

...Болаларни аллақандай оғир ўй-хаёл босди, гап-сўз-сиз, жимгина яна орқага қайтишди, нотекис сўқмоқ тугаб, қишлоққа киришганда тоғдан ой қалқиб ҳаммаёқни сутга чайгандек ёритиб юборди. Мактабга яқин жойда Мирфаёз тўпдан ажраб, уйга қайтди. Дадасининг қилмишларини ўйларди-ю, тоғларни титратган бургут қичқириғи қулоқлари остидан кетмасди!

Шу кун Мелиқўзи ҳам ухлай олмади. Тиканда ётгандай туни билан ўринда ағанаб чиқди. Қўшнининг «демона» хўрози оламини бошига кўтаргудай қичқирганда ўрнидан турди. Йўл четидаги теракларнинг уч-учлари оқариб келарди. Бола кўнгли уюшиб, кўчага чиқди. Сув бетида қалқиб юрган чўп-ҳасдай боши оққан томонга тентираб кетди. Юра-юра сайҳонга келди. Олисда, сойнинг темир кўпригидан анча берида дастлабки йўловчининг қораси кўриниб, аланглади. Шипиллаб бораётган бола Мутал эди! Ҳар кун ғира-ширада ойисини кўради, ойиси касалхонада, оғир ётибди дейишади, ишдан кейин яна боради! Шу пайт кўприкнинг нариги томонида шошиб-пишиб келаётган бошқа йўловчига кўзи тушиб, Мелиқўзининг юраги ўйнаб кетди. Холпошша, ҳа-ҳа, Холпошша! Мунча эрта турмаса, буёқларда нима қилиб юрибди? Кўприк ўртасида учрашиб, Мутал иккови бирпас гаплашиб туришди, сўнг ёнма-ён кета бошлашди. Мелиқўзи беихтиёр ўша ёққа қадам ташлаганда Нафисаларнинг ҳовлиси томондан бургут осмонга кўтарилди! Бола бир уларга, бир мовий кўкка қаради, бургутнинг мағрур парвози билан икки покиза юракнинг яхши ниятига гувоҳ бўлиб янги кун бошланди. Аммо бу кун Мелиқўзи учун қандай кун бўларкин? Бола кўприкка яқин жойда тўхтади. Нафиса айтмоқчи: бир йил ҳа-ҳув деб ўтади, кетади. Кейин эса ҳамма учирма қушдай ҳар ёққа тарқайди, балки, ҳеч ким бир-бири билан учрашмас, кўришмас, ким билсин... аммо улар худди мана шундай ёнма-ён

кетаверади-кетаверади! Бола ҳавасланиб термилди, ҳаяжондан энтикиб, дилидан тўлиб-тошиб ўтказди: майли, Холпошша, майли, дунёнинг қаерида бўлсанг ҳам бир қараб қўй, шу оламда борлигингни билдириб офтоб ловиллаб турсин!

*(Иккинчи қисм тугади)*



# ПЪЕСАЛАР

«Э, АТТАНГ...»

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

1. Аббос — 4-синф ўқувчиси.
2. Азим — 4-синф ўқувчиси.
3. 1-қиз — 1-синф ўқувчиси.
4. 2-қиз — 1-синф ўқувчиси.



ИЛОВА — қолган қатнашувчилар саҳна срақасида, овози эшитилса ҳам ўзи кўринмайди.

# БИРИНЧИ ПАРДА

## БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Саҳнанинг асосий қисми — синфнинг давоми. Орқадаги бир-иккита тарта кўзга ташланади. Қолгани — ингичка йўлак ва 1-«А» деб ёзилган бошқа синфнинг эшиги. Парда очилганда охириги қаторда ёнма-ён ўтирган бола кўринади. Синфдаги мунозара охирида қолган-у, гапга аралашолмай икковининг ҳам аҳволи мушкул.

У қ и т у в ч и — (*Саҳна орқасидан*). Баракалла! Ёз бўйи бўйингиз ҳам чўзилибди, ақлингизга ақл қўшилибди.

А б б о с — (*Пичирлаб*). Эшитдингми?

А з и м — (*Пичирлаб*). Қар эмасман.

А б б о с — Бўлмаса... букчайма.

А з и м — Ҳа?!

А б б о с — Бўйингни ўсганини кўрсатиб, мундоқ қаддингни гоз тутиб ўтир.

А з и м — Ўзинг-чи?

А б б о с — Менга нима қилибди?

А з и м — Партанинг тагига кириб кетяпсан-ку.

А б б о с — Э, мени қўявер. Менинг ақлим ўсан. Бошим оғирлик қилиб... белим букчайиб кетяпти.

У қ и т у в ч и — (*Саҳна орқасидан*). Баракалла. Синфни яхшилашга қаратилган яхши истак, орзу-мулоҳазаларингизни эшитдим. Хўш, яна ким гапиради?

А б б о с — (*Пичирлаб*). Эй!

А з и м — Ҳа?

А б б о с — (*Бошини тартага қўйиб*). Уқитувчи... шу томонга қарадингми?

А з и м — (*Унинг ҳам боши эгилиб*). Қим билади. Менинг ҳам ақлим ўсганга ўхшайди.

А б б о с — Бекор айтибсан! Битта одамнинг ақли ўсса, иккинчи одамнинг бўйи ўсади... Сенинг бўйинг ўсан.

А з и м — Нима?!

У қ и т у в ч и — (*Саҳна орқасидан*). Ие, не, Аббос билан Азим ҳам бир нима демоқчи бўлишяптими?

А б б о с — (*Туртиб*). Нега миқ этмайсан?

А з и м — Ўзинг-чи?

У қ и т у в ч и — Қани, Аббос!

А б б о с — (*Ноилож*). Ёзи билан... Азим икковимиз шу кунни шунақа орзиқиб кутдик, шунақа орзиқиб кутдик-ки...

У қ и т у в ч и — Йўғ-е?

А б б о с — Ҳа.

А з и м — (Ўзича). Вой тентак... нима деяпти-а?

А б б о с — (Ҳовлиқиб). Шу десангиз, хаёлимизга антиқа бир нарса келиб қолиб, қачон ўқиш бошланаркин, деб Азим бизникига югуради, мен уларникига. У бизникига... мен...

У қ и т у в ч и — Хўш, хўш?

А б б о с — Зўрга ёзни ўтказдик. (Нима дейишини билмай, беихтиёр дераза томонга қарайди. Ўзича). Анави ҳазон супуриб юрган Насиба холага маза, на ташвиши бор, на ғами бор.

У қ и т у в ч и — Қани... қани, ўша антиқа нарсани эшитайлик-чи!

А б б о с — (Довдираб). Э, ўшаними?

У қ и т у в ч и — Ҳа-да.

А б б о с — Ҳозир! (У ўртоғига энгашиб). Эшшак, биқинимни тешиб юбординг-ку, мунча туртасан?

А з и м — (Пичирлаб). Ёзда тилингни ари чаққан эди.

А б б о с — Чақса нима қипти? (Бошини кўтариб.) Мен ҳозир...

У қ и т у в ч и — Майли, маслаҳатли иш тарқамас, майли, шошилмай гапиравер.

А з и м — Ушанда тилинг сапча қовоқдай шишиб, огзингдан осилиб тушган эди.

А б б о с — (Хуноб). Ҳа, осилса нима қипти?

А з и м — Тилингни номақоб сувга солиб ўтирган ким эди?

А б б о с — Ҳа, сен эдинг!

А з и м — Бекор қилган эканман! Тилинг бутунлай осилиб тушса, ё танглайингга ёпишиб қолса бўлмасмиди-а?

А б б о с — (Жаҳл билан). Бўларди!

У қ и т у в ч и — Нима «бўларди?»

А б б о с — (Довдираб). А? Э... ўша нарсани ўшанда айтсак бўларди, деяпти.

У қ и т у в ч и — Э, унинг аҳамияти йўқ. Муҳими ўша антиқа нарсани эшитишда.

А б б о с — (Ҳовлига қараб). Ушанда иккаламизга... мана шу Насиба холани оталиққа олсаг-у, синфга ўзимиз қарасак, деган нарса келиб... (Синфда шов-шув. Азим Аббоснинг биқинига бир туртиб, партанинг остига кириб кетади).

У қ и т у в ч и — Баракалла! (Азим аланглаб яна парта тагига кириб кетади.) Баракалла. Мана буни антиқа фикр деса бўлади!

1-овоз — (Саҳна орқасидан). Қойил-э!

2-овоз — Бормисан!

Аббос — (Ҳовлиқиб). Хўш, нега бели камалакдай эгилган қари одам пол ювади?!

Ўқитувчи — (Ҳайратда). Ҳа-я?

Аббос — Нега ойна артади? Нега парта тозалайди?

1-овоз — Рост-а!

Аббос — (Шунақа дадилки, важоҳатидан партанинг устига сакраб чиққундай). Хўш, сиздан сўраяпман? Синфда ким ўқийди, бизми ё Насиба холами?

2-овоз — Биз!

Аббос — Бас! Шундай экап, синфга ўзимиз қарайлик! Майли, Насиба хола ишимиздан қувониб-қувониб, ҳужрасида қурт шимиб ўтирсин.

Азим — (Ҳайратда). Э, қойил-е.

Аббос — (Оғайнисига энгашиб). Шундайми?

Азим — (Ҳаяжондан сакраб парта остидан чиқади). Э, қўлингни бер!

Ўқитувчи — Бўлмаса... Бу ишни... эртаданоқ...

1-овоз — Ўзларига топширсак!

Аббос — Бўпти!

Азим — Бўпти!

(Қўнғироқ. Болаларнинг шов-шуви. Азим папкасини қўлтиққа уради. Аббос тўхтатади.)

Аббос — Ҳовлиқма, гап бор.

1-овоз — (Саҳна орқасидан). Юрмайсизларми?

Аббос — Сизлар бораверинглар, биз эртанги ишни гаплашиб оламиз.

1-овоз — Майли, хайр!

(Синфда иккови қолади.)

Аббос — (Керилиб). Хў-ў-ўш?!

Азим — Қойил-е! (Аббосни бир уёғига, бир буёғига ўтиб қарай бошлайди.) Вой, эй, ростданам бошинг катталашганга ўхшайдими-а?

Аббос — Э, «ми»сини олиб ташла! Борган сари белим букчайиб кетяпти, бошимни партага қўйиб ётаверсам, ётаверсам...

Азим — (Ҳайратда.) Йўғ-е...

Аббос — Кечалари (бошини ушлаб) ичига қовоғари кириб қолгандай ғув-ғув қилади.

Азим — (Ўртоғининг бошига ниқтаб). Ақл!

Аббос — Ўзим ҳам шунақамикан дейман!

Азим — Э, бояги гапинг буниниботи!

Аббос — (Керилиб). Ўзи ҳам ҳазилакам гап бўлди-ми?.. Синфни тозалаш-а!

А з и м — (Хурсанд). Бизни ишни  
Ҳамма кўрсин,  
То ўлгунча  
Мақтаб юрсин.

А б б о с — Полимизга  
Қарасангиз,  
Бўлар соч ҳам  
Тарасангиз.

А з и м — Ойна артсак  
Бир кўринг-а.  
Қўлинг асло  
Дард кўрмасин,  
Деб юринг-а.

И к к о в и — Бизни ишни  
Қампир кўрсин,  
Маҳаллада  
Мақтаб юрсин!

А з и м — (Ойнага қараб). Э, юр, чиқайлик, қара!

А б б о с — Оббо, кампир хола-ей, тоза эринмай ха-  
зон йиғиптими, юр!

(П а р д а)

Мактаб ҳовлиси. Уртада шохлари атрофга тарвақайлаган каттакон тут остида ҳар жой-ҳар жойдан супуриб-сидириб уюлган ҳазон.

А б б о с — (Кайфи чоғ). Оҳ, анавини.

А з и м — (Дарахтнинг учига қараб). Олтин-а!

А б б о с — Кузнинг гашти бор, ошнам.

А з и м — Рост айтасан.

А б б о с — Э, бунақада енгингни шимариб-шимариб ишласанг.

А з и м — (Таъсирланиб). Оҳ, ишласанг.

А б б о с — Анави кампир шошмаса хазонни ўзимиз йи-ғиштириб берардик.

А з и м — Ҳа-я!

А б б о с — Эсиз, ҳаммасини ахлатга ташлайди.

А з и м — Ке, у ахлатга ташлагунича, хазонга ёнбош-лаб бояги ширии-шакар гаплардан гаплашайлик.

А б б о с — Ке! (Иккови хазонга юмалайди). Эртага бечора кампир суюнганидан оғзидаги қуртни ютиб юборади.

А з и м — Узи ҳам ҳазилакам нарсани бўйнимизга олганимиз йўғ-а.

А б б о с — Пол ювиш-а!

А з и м — Пол ювиш! Бу осондек кўрингани билан ҳазилакам иш эмас.

А б б о с — Рост айтасан. (Жимлик). Ҳа, нега индамай қолдинг?

А з и м — Эртага бўладиган ишни ўйлаяпман, ошнам, пол ювиш-а?!

А б б о с — Э, ваҳима қилма... Латтани оласан-у, бирпасда ҳаммаёғни шипиллатиб ювиб ташлайсан.

А з и м — Нима? Мен-а?!

А б б о с — Ҳа, сен.

А з и м — Мен пол юваманми?

А б б о с — Ҳа, пол ювасан.

А з и м — Ўзинг-чи?

А б б о с — Сув ташиб тураман.

А з и м — Сувни мен ташийман, сен пол ювасан.

А б б о с — Ана холос. Ҳам сени қутқарай, ҳам пол ювайми? Йўқ, ошна, бекор айтибсан.

А з и м — Мен-а?

А б б о с — Ҳа, боя ким партанинг тагига кириб кетгудай бўлиб ўтирган эди? Мен аҳмоқ бошимни шунча қо-

тириб, шундоқ нарсани иккаламизнинг номинимиздан таклиф қилиб юрибман-а.

А з и м — Э, таклифингни пишириб е!  
(Азим сакраб туради. Эгнига ёпишган хазон дув этиб Аббоснинг устига тўкилади.)

А б б о с — Ҳа, нега менга хазон сочасан?

А з и м — Қим?

А б б о с — Сен! (Аббос бир қучоқ хазонни Азимга сочади. Азим қалт-қалт титраб, серрайиб туриб қолади. У ҳам ердан хазон олиб, Аббоснинг бошидан тўкади, шу аллозда иккови ҳаммаёқни пайҳону палак қилиб, хазонларнинг остида қолиб кетади ва эс-ҳушларини йиғиб олиб, хазондан бошларини чиқаришади.)

А б б о с — (Узича). Бор-е, деб кетиб қолса-я?! (Азимга) Оббо, қўй энди. Бўпти, ҳаммасини галма-галдан қиламиз.

А з и м — (Чўчиб). Нима галма-гал?

А б б о с — Полнинг ярми сеники, ярми меники!

А з и м — Сув-чи?!

А б б о с — Нима «сув?»

А з и м — Қим ташийди?

А б б о с — Бир гал мен, бир гал сен ташийсан! Бўл-дими?

А з и м — Ҳа, бу бошқа гап. (Жон кириб). Вой-ей, иккаламиз бир ёқадан бош чиқарсак борми?

А б б о с — (Завқи келиб). Сен бир ёқдан,  
Мен бир ёқдан.

А з и м — Ҳа, яша!

А б б о с — Челақни кўтарамиз.

А з и м — Ҳай-ҳай!

А б б о с — Супур-сидир нарсаларни.

Аравага ағдарамиз.

А з и м — Ҳай-ҳай!

А б б о с — Сен бир ёқдан,

Мен бир ёқдан.

А з и м — Аравани итарамиз.

А б б о с — (Завқ билан). Ҳай-ҳай!

А з и м — Қани кетдик, ошна!

А б б о с — Кетдик. Эртага барвақт келамиз-у, қўнғи-роққача ҳаммаёқни ярақлатиб қўямиз.

И к к а л о в и — Бизнинг ишни  
Ҳамма кўрсин,  
Кўча-кўйда  
Мақтаб юрсин.

(П а р д а)

# ИККИНЧИ ПАРДА

## УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Ўша биринчи кўринишдаги сахна. Парда очилганда икки ошнанинг бири пол латта, бири челақ кўтариб синфга кириб келади. Азим ваҳима билан партага ўтириб олади.

А б б о с — Ҳа, ошна?

А з и м — (*Ҳайрон*). Энди пайқабман-а?

А б б о с — Нимани?

А з и м — Синф ҳам шунақа катта бўладими-а?

А б б о с — Рост-а!.. Шунча деразанинг нима кераги бор экан-а?

А з и м — Бир эмас, олтига-я!

А б б о с — Ҳар биттаси мактабнинг дарвозасидек келади-я!

А з и м — (*Ҳайрон*). Тавба!

А б б о с — Аввал замонларда одамлар қоп-қоронғи мадрасаларда ўқиган. Ўшанда ҳам зўр-зўр олимлар чиққан.

А б б о с — Э, пол деган нарса ҳам бўлмаган.

А з и м — Ҳа-я! Бир парча тақир пўстакни ташлаб ўти-раверишган.

А б б о с — На пол бўлган, на парта.

А з и м — (*Чўчиб*). Вой... ҳали партани ҳам арта-мизми?

А б б о с — Ие, бўлмасам-чи!

А з и м — Ана холос!

А б б о с — Эҳ-ҳе, камида икки кунлик иш бор!

А з и м — Тунов кун фаррош хола қанақа қилиб бир-пасда тозалаб чиқди экан-а?

А б б о с — Э, ўша ҳам тозалашми? Уёғидан кириб, буёғидан чиққандан кўра, қўлига латта ушламаган маъқул.

А з и м — Ҳа-я... Тозалаганга яраша, шундай тозалаш керакки, синф чўмилтирилган қўғирчоқдай ярақ-ярақ қилиб турсин.

А б б о с — Тўғри айтасан! (*Полни тегиб*). Манави дардисар бўлмаганда-ку...

А з и м — Ҳамма гап шунда-да, дунёда пол ювишдек бемаза иш йўқ. Челақ-челақ сув керак.

А б б о с — Э, бу ҳеч гап эмас, ювган саринг, қуриган томони чала артилган доскадай оқариб қолаверади.



А з и м — Шуниси одамни эзиб юборади-да.

А б б о с — Аммо, кўз қўрқоқ, қўл ботир. (Енгини шимаради). Қани, бошладик.

А з и м — (Қафтларини бир-бирига шиқаб). Қани, бошладик! (Аббос латтани учидан кўтаради. Азим челака ёпишади.)

А б б о с — Ҳа, қаёққа?

А з и м — Сувга!

А б б о с — Ҳо-о. (Латтани шеригига ирғитади). Ма, ол!

А з и м — (Орқага тисарилиб). Э-э-э. (Қоча бошлайди, латта бошига тушади, юз-кўзини тўсади). Ол, бунингни ол!

А б б о с — (Челака ёпишиб). Ҳеч-да! Аввал полни сен тозала...

А з и м — (Жон ҳолатда бошидаги латтани олиб шеригига ирғитади). Йўқ, сен тозала! (У шеригининг қўлидан челакани юлқиб олади). Мен сувга... борай.

А б б о с — (Уни чалиб юборади). Сен-а?.. Йўқ, ошна! (Челака бир томонга, шериги бошқа томонга учиб кетади.)

А з и м — (Эмаклаб бориб челакака ётиб олади). Йўқ, ўлдирсанг ҳам бермайман!

А б б о с — (Челакани тортади). Бер буёққа, эшак!

А з и м — Қўйиб юбор! Қўлингни тишлаб оламан!

А б б о с — Ҳо, нима деб келишганмиз?

А з и м — Бир гал сен-у, бир гал мен.

А б б о с — Бўпти-да. Нега фирромлик қиласан?

А з и м — Қим? Ўзинг-ку, ўзинг!

А б б о с — Э, бўлди, бунча бақирасан? Мен аввал, кейин...

А з и м — (Челакани қучоқлаб). Йўқ, мен аввал!

А б б о с — (Ҳовлиқиб). Э, нега ади-бади айтишиб ўтирибмиз. Бунинг оппа-осон йўли бор-ку. Сен шу ерда тур. (Кета бошлайди.)

А з и м — (Ҳайрон). Қаёққа?

А б б о с — (Олисдан). Азим, э тентак, қаердасан? Деразадан қара, деразадан!

А з и м — (Азим ҳамон челакани қучоқлаб... дераза олдига боради). Вой-ей, буёққа чўз! Тўхта-тўхта, ушлаб олай! (Челакани бир чеккага ирғитиб энгашади ва резинка ичакни тортади.)

А б б о с — (Ҳовлиқиб киради). Қалай?

А з и м — (Хурсанд). Зўр! (Аббосни бир у томонига, бир бу томонига ўтиб бошига узоқ разм солади.) Вой-ей, бошинг кечагидан ҳам катталашганга ўхшайди-а!

А б б о с — Бўлмасам-чи!.. Мана, ошна, челақ-челақ сув ташишдан қутулдик-а? Қани, резинка нчакни ушла-ю, партага чиқ.

А з и м — Хўш?

А б б о с — Аввал парталарни... кейин синф деворларини ювасан.

А з и м — (*Ҳайрон*). Нима?

А б б о с — Қармисан? Биз тозалаган синфнинг деворлари ҳам...

А з и м — (*Гипини бўлиб*). Деворлари?! Сув тегса девор уваланиб-уваланиб...

А б б о с — Нега уваланади? Оқ мойга бўялган девор сув ўтказадими?

А з и м — (*Деворни ушлаб*). Ҳа-я.

А б б о с — Мен сувни варанглатиб очаман. Сен кўзингни юмиб, синфдаги ҳамма нарсани чўмилтиравер!

А з и м — (*Завқланиб*). Бўпти!

(*Аббос кетади*).

А б б о с — (*Олисдан*). Очдим!

А з и м — (*Шовиллаб сув келади*). Қойил-е, қойил!

А б б о с — (*Хурсанд*). *Ишимизни*

Ҳамма кўрсин,

Кўча-кўйда

Мақтаб юрсин.

А б б о с — Ҳаммаёқ ярақлаб кетди-я!

А з и м — Бўлар дейман-а!

А б б о с — Майли, сувни ёпиб келай. (*Кетади*).

А з и м — (*Пастга қараб*). Расво-ку!

А б б о с — (*Деразадан қараб*). Ҳа, нега қаққайиб турибсан?

А з и м — Нима қилай?

А б б о с — Э, туш пастга!

А з и м — (*Қичқириб*). Эсимни еганним йўқ, қара!

А б б о с — (*Ҳуши учиб*). Вой-бў... Қайнқда сузадиган кўл бўпти-ку!

А з и м — Энди нима қиламиз?

А б б о с — Э... Яхшироқ қара, полнинг тешигидан оқиб кетяпти, ана, ана!

А з и м — Ҳа-я... Ие, қолган-қутганини-чи?

А б б о с — Пол латтани...

А з и м — (*Чўчиб*). Вой-ей, пол латта ушлаймизми-а?

А б б о с — (*Орқага аланглаб*). Нима деясан, ошна? Пол латта ушлаб жинни бўпмизми? (*Хурсанд*). Вой, ни-

мага пол латта ушлар эканмиз? (*Овозининг борича*).

Ҳой, оппоқ қиз, қайси синфда ўқийсан?

1-Қиз — (*Саҳна орқасидан*). Биринчи «А»да.

Аббос — Сен-чи, Холдорхон?

Азим — (*Қичқириб*). Отини қаёқдан биласан?

Аббос — Юзига пашшадек бир нарса ёпишиб ётибди. Холи бўлса керак. Холи бор қизларнинг ҳаммасини оти Холдорхон бўлади, тентак, шуни ҳам билмайсанми?

2-Овоз — (*Саҳна орқасидан*). Отим Холдорхон эмас, Холпошша!

Аббос — Оҳ-оҳ-оҳ, Холпошша! Маъносини биласанми, оппоқ қиз. Сен унақа-бунақа қиз эмас, оламдаги ҳамма холдор қизларнинг пошшосисан! Қани, икковинг бирпас тўхтаб тур-чи!

(*Аббос кетади. Азим қўрқа-писа настга тушади. Резинка ичакни деразадан ҳовлига ташлаб юборади. Йўлакда Аббос кўринади, эшикни очиб, Азимни имлайди.*)

Аббос — Бери кел!

Азим — Ҳа?!

Аббос — (*Йўлакдаги бошқа эшикни кўрсатиб*). Анави нима?

Азим — Эшик.

Аббос — Э, эшиклигини ўзим ҳам кўриб турибман. Анавунга қара, ана унга!.. «Биринчи синф» деб ёзилган тунукачани чиқариб оламиз-у, ўзимизни эшикка шиппа ёпиштирамиз. Ўзимизникини у ерга!

Азим — Хўш, кейин-чи?

Аббос — Кейинини кейин биласан. Бу ҳаммаси вақтинча. Яна жой-жойига қўямиз, тушундингми? Э, бўл, вақт ўтмасин. Мен келгунча тўғрилаб қўй.

(*Аббос югуриб чиқиб кетади*).

Азим — (*Ҳайрон*). Товба. (*Тунукаларни бир-бирига алмаштиради*). Манавини уёққа, анавини буёққа, кейин яна манавини буёққа-ю, анавини бу ёққа... Ҳеч бало тушунмадим.

Аббос — (*Овози*). Оббо, Холпошша-ей, шунга хафамисан-а?

1-Қиз — (*саҳна орқасидан*). Ҳа.

Аббос — (*Шеригининг олдига олиб киради*). Буни қара, ҳой, Азим, буни қара.

Азим — Хўш, хўш?

Аббос — Холпошша отнинг расмини солган экан.

Ўқитувчи эшаққа ўхшаб қопти депти-я?

Азим — Йўғ-е.

А б б о с — Қани, оппоқ қиз, Азим акангга кўрсат-чи! Азим аканг расмга шунақа уста-ки... ҳар қанақа эшакни отга, отни эшакка айлантириб ташлайди.

А з и м — Қани қани? (*Холпошшанинг дафтарини олиб*). Бай-бай-бай, расм ҳам шунақа бўладими?

А б б о с — Қара-я, ахир бу расмларнинг расми-ку! Буни каттакон рамкага солиб, шаҳардаги рассомлар мактабининг тепасига илиб қўйиш керак!

А з и м — Ҳа, илиб қўйиш керак!.. Ҳой, шундай нарса... «Эшак»мишми-а?

1-Қ и з — (*Ифламсираб*). Ҳа.

А б б о с — Ҳой, Азим ке, нодир расм нималигини тушунмаган ўша ўқитувчисининг ҳам кўнгли қолмасин. Оёғини чўзиб от қилиб бера қол.

А з и м — Э, ол қаламни!.. Мана, оёғини чўзиб... қулогини кесамиз, оппоқ қиз... манави орқасида арқонга ўхшаб осилиб ётган нима бало?

1-Қ и з — Думи.

А з и м — Э-ҳа, думими?

А б б о с — Буни қара-я, думмисан дум-а! Нодир асарлар одамни ўйлатади, бу ҳам ўшанақалардан!

А з и м — Ҳа, ўшанақалардан.

А б б о с — Дунёдаги ҳамма ҳайвонларнинг нозик жойи бу — думи!

А з и м — Ҳа, дум!

А б б о с — Демак, бу қизча дум ҳақида... атрофлича ўйлаган ва фикр қилган!

А з и м — Худди шундоқ!

А б б о с — Шундан сўнг, у отнинг думини миллион йилдан кейин қанақа бўлишини кўз олдига келтирган ва қогозга туширган!

А з и м — Балли!

А б б о с — Ке, шартта кесиб, ўқитувчиси тушунадиган дум қилиб бера қол.

А з и м — Эсиз дум-а. (*Расмни ўзгартира бошлайди*). Майли, мана!

1-Қ и з — Вой, ўқитувчи манави жойи нега кесилган деса нима дейман?

А б б о с — (*Дафтарни олиб*). Э, қўлинг билан манавиндоқ... беркитсанг, эшак, қўлингни очсанг — от, демак... битта расмда иккита расм!

А з и м — Ҳамма битта баҳо олса, сен, оппоқ қиз, иккита баҳо оласан!

А б б о с — Оҳ, Азим, энди манави қизнинг дардини эшит, дардини!

А з и м — Қани, қани?

2-Қ и з — Дангаса... эканман.

А з и м — Ким айтди?

2-Қ и з — Меҳнат дарсида уй ишини бажармай келган эдим. Ҳуқитувчимиз шунақа деди.

А з и м — Йўғ-е.

А б б о с — Вой-вой, шундоқ қизни-я? Қўзларига қара, қўзларига. Ғайрат ёгилиб турибди-я, ғайрат! Э, бунақа қизлар меҳнат деса, ўзини томдан ташлайди!

А з и м — Шунақамикин-а? Қани... кўрамиз!

А б б о с — Кўрсанг, кўравер. (*Қизчага*). Қани, оппоқ қиз, анавини ол!

2-Қ и з — Нимани?

А б б о с — Латтани-да, оппоқ қиз, латтани!

А з и м — Ола қол!

А б б о с — Латта билан полдаги сувни йиштириб челақка сол! Рассом қиз челақдаги сувни ойнадан шарақлатиб тўкаверсин. Оппоқ қиз, бир ўзингни кўрсат! Ушадангаса деган ҳуқитувчинг минг-минг пушаймон бўлиб юрсин.

А з и м — Ҳа, пушаймон бўлади ҳам!

А б б о с — Бўлмаса-чи!

2-Қ и з — Вой, ҳуқитувчи кўрадиган бўлса, ўзимизнинг синфни тозалайман-да!

А б б о с — Ис, бошқа синфни тозалаб, жинни бўпсанми?

А з и м — (*Энди тушуниб*). Қойил-е! (*Ошнасининг бошига синчиклаб разм солади*). Бошинг яна катталашганга ўхшайди-я!

2-Қ и з — Бу бошқа-ку!

А б б о с — Ие, ие, нимага бошқа бўларкан? Бугундан сенлар шу синфда, биз у синфда ўқиймиз.

1-Қ и з — Нега?!

2-Қ и з — Нега?!

А б б о с — Ҳой, миллион йилдан кейин отнинг думи қанақа бўлишига ақлинг етган, наҳот, шу нарсага ақлинг етмаса-а? Сенлар то ўнинчигача ҳамма синфда бир-бир ўқиб чиқишларинг керак.

А з и м — (*Иккаласини етаклаб*). Мана, қара! (*Ўзларининг синфлари эшигида 4-«б» бу синфда 1-«а» деган тунукачани кўриб қизлар ҳайратда қолишади.*)

А б б о с — Кўрдингми?.. Ол латтани!

А з и м — (*Ҳовлиқиб*). Э, ол-е!

А б б о с — Э, бошла-е!

*(Қызларнинг бири латта, иккинчиси пақир кўтариб, ишга тушиб кетишади. Икки ошна хурсанд бўлиб партага чиқиб ўтириб олади.)*

А б б о с — Ишлашини қара-я!

А з и м — Бай-бай-бай!

А б б о с — Машинанинг ўзи-я... шундоқ қизни дангаса дейишса-я.

А з и м — Бу! Бунақа қизни дангаса деганнинг ўзи дангаса.

А б б о с — *(Қийқириб)*. Ўзи дангаса!

*(Қызлар ўлиб-қутулиб ишлашади-ю, ниҳоят иккови ҳаммаёғи кир-чир, одам таниб бўлмайдиган алпозда бош кўтаришади.)*

А з и м — *(Ҳайратда)*. Вой-ей, қайси биринг рассом қиз-у, қайси биринг чаққон қиз. Ажратолмай қолдим!

А б б о с — Бор, бошқа кийимларингни кийиб оларинг! Бўлмаса, бу бегона қизлар қаёқдан келиб қолди, деб ҳали ўқитувчиларинг дарсга киргизмайди. *(Иккови кетади)*. Қойилмисан?

А з и м — Қойилман! Бизни ишни

Ҳамма кўрсин,

Кўча-кўйда

Мақтаб юрсин.

А б б о с — *(Олисда шов-шув эшитилади)*. Юр!

А з и м — Қаёққа?

А б б о с — *(Ҳовлиқиб)*. Кейин биласан. *(Ошнасининг кўлидан етаклаб, судрайди, парда ёпилади, иккови парданинг томошабин томонида қолади, қўнғироқ овози.)*

А з и м — Ҳа?

А б б о с — Гап бор!

А з и м — Хўш?

А б б о с — Мана кўрасан, ҳаммаси синфга киради-ю, оғзи очилади-қолади.

А з и м — *(Керилиб)*. Ўзи ҳам унақа-бунақа иш бўлмади-да.

А б б о с — Рост айтасан, синф — синф бўлиб, бунақа чўмилган эмас.

А з и м — Қаёққа қарасанг ярақ-ярақ!

А б б о с — Ана шундан кейин ҳамма бизни қидириб қолади-ю...

А з и м — Вой-ей, шунча ишни боплаб қўйиб, биқиниб ўтираверамизми?

А б б о с — Э, нега биқинамиз? Қидир-қидир тўхтагандан кейин... ғоздек кириб борамиз-да!

А з и м — (Энтикиб). Оҳ-оҳ-оҳ!

А б б о с — Эшитяпсанми?.. Ҳаммаёқ жим... Ҳаммалари бизни қидира-қидира ҳолдан тойишган, қани, юр!  
(Парда очилади. Энди синфнинг орқадаги партасида рас- сом қиз билан чаққон қиз ўтирган бўлади. Аммо болалар уларни кўрмай, йўлакдан аста юриб боришади. Азим эшик- ни очади-ю, дарров ёпади, шартта орқага қочади. Қети- дан Аббос ичкарига қараб ҳайратда туриб қолади.)

А б б о с — (Пешонасига уриб). Вой, хомкалла!.. Шун- ча ишни дўндириб, эшикнинг тунукачасини алмаштириб қўйишни унутибмиз-ку, аттанг!

(П а р д а)

# ҲАҚИҚИЙ ҲҒИЛ БОЛА

## ҚАТНАШУВЧИЛАР

Қўчқор — 6-синф ўқувчиси.

Рустам — шу ёшда.

Кўзойнакли бола — шу ёшда.

Кампир — кўзойнакли боланинг бувиси.

Қўчқорнинг ойиси ва дадаси.





Саҳна иккига бўлинган. Уртада пастак девор. Чап томондаги ҳовли Қўчқорларники. Девор тагидаги шохлари тарвақайлаган ўрик ҳар икки томонга қуюқ соя ташлаб турибди. Парда очилганда Қўчқор ўриқнинг катта шохида оёғини осилтириб ўтиради. Қўшни томонда эса кўзойнак таққан бола ҳовли супуриш билан банд. Қўчқор уни зимдан кузатади, ора-чора ўчакишиб ўриқнинг шохини силкитади. Уриқнинг баргини юлиб, боланинг устига сочади, бола бошини кўтаради.

Бола — Эй, бу нима қилиқ?

Қўчқор — Ҳа?!

Бола — Бас қил!

Қўчқор — *(Баттар ўчакишиб, ўриқнинг шохини силкитади, барг тўкилмаганини кўриб, кичикроқ новдани эгиб тортади-да, кафти билан баргларини сидириб, қўшни ҳовлига сочади)*. Узи тўкилса нима қилай!

Бола — *(Супуришдан тўхтаб, афсус билан қарайди)*. Жудаям бетамиз бола экансан, шундан бошқа ишинг йўқми?!

Қўчқор — Ие, ие, нега бўлмас экан, эҳ-ҳе, қиламан десам шу қадар иш кўпки!

*(Қўчқорларнинг қўча эшиги очилиб, Рустам кўринади)*.

Рустам — *(Ҳаммаёққа аланглаб)*. Қўчқор!

Қўчқор — *(Пастга қараб)*. Э, бери кел, томошадан қоласан!

Рустам — *(Ҳайрон)*. Қанақа томоша?!

Қўчқор — Олдимга чиқ, кўрасан. *(Қўшни томонга қараб)*. Бай, бай, буралиб, супуришини қара-я, ҳой, яхши қиз, менга битта қаранг, ойнмнинг ўсмаларидан олиб чиқиб бераман!

*(Бола ғазаб билан яна бош кўтаради, узоқ тикилади, Қўчқор довдираб нима қилишини билмай қолади. Рустам ҳеч нарсага тушунмай, Қўчқорга ҳайратланиб қарайди)*.

Рустам — *(Ажабланган)*. Ҳой, ким билан гаплашяпсан?

Қўчқор — Ана, супурги ушлаб турибди-ку!

Бола — Пастга туш, ҳадеб жиғимга тегаверма.

Қўчқор — Оҳ-оҳ, бунча тикилдингиз, юрагим қинидан чиқиб кетай деяпти-я!

*(Рустам тирмашиб ўриқка чиқади ва девордан қўшникига қарайди)*.

Рустам — (Боланинг ҳафсала билан ҳовли супуришига қизиқади). Ҳо, супуришини қара-я, супуришини.

Қўчқор — (Суюлиб). Э, мана мен деган қиз бола ҳам супурги деган нарсани бунақа ўйнатолмайди, битта қара!

Рустам — Рост айтасан, роса машқини олган экан!

Бола — (Бош кўтариб). Биласанми... биласанми, душман одам бировнинг ҳовлисига мўралайди.

Қўчқор — Нима? Қим душман?

(Қўчқор худди ҳозир бир сакраб қўшнисининг ҳовлисига тушмоқчи бўлгандай ҳаракат қилади. Буни кўриб Рустамнинг эси чиқиб кетади, дарров шеригининг қўлидан ушлайди, шериги эса унга сари талтайиб, Рустамнинг қўлидан чиқмоқчи ва сакраб тушиб анави кўзойнакли боланинг таъзирини бермоқчи бўлади.)

Қўчқор — Қўйиб юбор деяпман!

Рустам — Э, эсингни едингни, нима қилмоқчисан?

Қўчқор — Ҳозир бир сакраб анавини елкасига миғиб оламан-у, ким душманлигини кўрсатаман!

Рустам — (Чўчиб). Э, тентак, оёғинг синади. Оёғинг-а!

Қўчқор — Э, майли, қўйиб юбор, қиз боладан гап эшитгандан кўра оёғим сингани яхши.

Бола — (Бепарво). Қўйиб юбор-чи, майли, сакрасин! Худди коптокдек бир уриб яна жойинга чиқариб қўяй!

Қўчқор — Нима? Мени-я!

Бола — Ҳа, сени.

Рустам — (Довдираб). И-и, юр, тентак, нима қиласан ўша билан олишиб, ўгил боласан-а, қиз бола билан тенг бўлиб ўтирибсан, юр пастга. (Аранг судраб шеригини пастга олиб тушади. Кўзойнакли бола эса яна бепарво ўз иши билан шугуллана бошлайди. Қўчқор эса ғазабдан ўзига келмай қалт-қалт титрайди). Ке, ўша билан тенг бўлиб ўтирасанми?

Қўчқор — (Девор томонга қараб). Кўрмайсанми?

Рустам — Бу бола ким ўзи?

Қўчқор — Қим билади, шу ҳовлида бир ҳафтадан бери пайдо бўлиб қолди. (Хохолаб). Ҳали қарасам, айтсам, ўлай агар ишонмайсан, ҳали қарасам, қозон ювяпти!

Рустам — (Ишонмай). Йўғ-е?!

Қўчқор — Ҳа, кейин ўтириб картошка артди. Э, ҳаммаси ҳам майли-я, бир маҳал бувисининг жомашовида гупиллатиб кир ювди.

Рустам — Э, бор-е, мени лақиллатяпсан.

Қўчқор— Ишонмайсанми, юр, ўрикка чиқ, ҳовлига ёйиб қўйган бир дор кирни кўрсатаман. (*Қўчқор ўр-нидан туриши билан Рустам капалаги учиб уни дарров тўхтади.*)

Рустам — Э, нега ишонмас эканман, бўлса бордир, буралиб, буралиб ҳовли супуришидан ҳам қиз болалиги шундоқ кўриниб турибди-ку!

Қўчқор — Бўптди-да, оббо, тагин мени коптокдек тепиб юборармиш-а!

Рустам — Э, қўй ўшани, юр, яхшиси, кўчага чиқайлик, даданг бугун ҳам овқатлангани келадими?

Қўчқор — Билмадим. (*Овозининг борича*). Ойи!

Ойиси — (*Ичкаридан*). Мунча шанғилламасанг, нима дейсан?

Қўчқор — Дадам келадиларми?

Ойиси — Билмадим, вақтим бўлса тушда овқатлангани кираман, дегандилар.

Қўчқор — Ана! Кираман деган бўлсалар, албатта кирадилар.

Рустам — Яхши бўларди-я, кечагига ўхшаб бир маза қилардик.

Қўчқор — Бўлмаса-чи! Қатта кўчанинг бошигача кабинада, даданинг ёнида борардик.

Рустам — (*Ҳовлиқиб*). Э, юр кўчага, офтобни қара, ҳали замон даданг келиб қолади, юр, остонада пойлаб ўтираминиз.

Қўчқор — Бўпти.

Саҳна — кўча, икки қўшнинг эшиги, кўча бўм-бўш. Ариқ бўйидаги дарахтларнинг барглари сарғайган. Унг томондаги эшик остонасида Қўчқор билан Рустам ўтирибди, Рустам офтобдан кўзларини юмиб олган Қўчқорнинг икки кўзи кўча бошида.

Рустам — *(Хузур қилиб)*. Бай-бай, қара, одамга хуш ёқади-я.

Қўчқор — Куз офтоби ўзи шунақа бўлади, кечгача исиниб ўтирсам дейсан.

Рустам — Тўғри айтасан.

Қўчқор — Шу десанг... *(Гапидан тўхтаб қолади, шеригини туртади, қўшни эшикдан кўзойнакли бола кўрилади, бола ғизиллаб уларнинг олдидан ўтиб кетади)*. Тавба! *(Кетидан)*. Оёғини қўлига олиб қаёққа кетяпти?

Рустам — Ким билади?

Қўчқор — Шу десанг... *(Яна қўшни эшикка қараб жим қолади, кўзига кўзойнак таққан мункиллаган кампир пайдо бўлади, у қўлини пешонасига қўйиб уёқ-буёққа аланглайди, сўнг эшикнинг олдидаги эшакка ўтиради)*. Бувиси шекилли.

Рустам — Ҳа.

Қўчқор — Ўзига ўхшаб кўзойнак тақаркан. Тавба, битта эмас, иккита-я.

*(Кампир юзини офтобга тутиб кўзларини юмиб олади.)*

Рустам — Ухляяпти шекилли.

Қўчқор — Ким билади.

Рустам — Йўғ-е, менимча исиняпти!

Қўчқор — Бояги айтганинг тўғри, ухляяпти.

Рустам — Тавба, кап-катта одам кўчага чқиб ухлайдими?

Қўчқор — Ҳозир кўрамин. *(Қўчқор кампир ўтирган эшикдан икки метр берироқни мўлжаллаб кесак отади, кампир чўчиб кўзини очади, осмонга қарайди, осмонда бир тўда олақарға қағиллаб ўтади)*. Қара!

Кампир — *(Болаларга ўгирилиб)*. Ҳой, қоқиндиқлар.

Рустам — Оббо, ҳамма нарсани расво қилдинг, сени чақиряпти!

Қўчқор — Ие, нега мени бўларкан, сени!

Рустам — Аттанг, яхши бўлмади.

Қўчқор — Тур!

Р у с т а м — Ие, қилгиликни сен қилиб, нега мен турар-  
канман, турсяк, баб-баравар турамыз.

Қ ў ч қ о р — Бўпти. (*Иккови баб-баравар туриб кам-  
пирга яқинлашади*). Нима дейсиз, хола?

К а м п и р — Ҳали анави ерга бир нарса тап этиб туш-  
гандек бўлдими? Қаранглар-чи, қарга ёнғоқ ташлади ше-  
килли. (*Иккала бола ҳайрон, нима дейишини билмай қо-  
лади. Уларнинг жим турганини кўриб кампирнинг ўзи  
инқиллаб-синқиллаб ўрнидан туради ва ҳасса билан ха-  
зонни титкилай бошлайди*). Бекорга овора қилдим сиз-  
ларни.

Қ ў ч қ о р — (*Енгил тортиб*). Ҳечқиси йўқ, хола.

К а м п и р — (*Жойига ўтириб, яна кўзларини юмиб ола-  
ди*). Қаричилик-да, бўлмаса оёғим тагига тушган нарса-  
нинг нималигини ажратолмай ўтираманми. Бу йилдан ма-  
зам йўқ, кўзим ҳам бурунгидек эмас, хиралашиб қолган  
десам, неварам янги ойнак тақсангиз, кўзингиз бояги-боя-  
ги бўлади, деб енгади. Ҳали шу тобда ойнак қидириб кет-  
ди. Бола-да! Уғил бола бўлса ҳам жуда ювош. Ота-онаси  
мени шунга ишониб командиронда юрибди. Бола бечора  
бир хилларга ўхшаб ўйнай-кулай демайди. Уқишдан ке-  
лади-ю, иш билан куйманишиб кетади. Қозон-товоқдан  
кутулиб, ярим кечагача дарс қилади. Бир қошиқ овқатга  
қарашиб юбора қолай десам, кўзим ўлгурдан қўрқаман.

Р у с т а м — (*Четга қараб.*) Уф-фф.

Қ ў ч қ о р — Қари одам бир гапга тушдими, ҳеч тўх-  
татиб бўлмайди.

К а м п и р — Шунақа, одам қаригандан кейин бамисо-  
ли боладек бўлиб қоларкан. Вой ўлмасам, ўзимни ҳам  
эсим қолмабди. Кастрюлдаги сут хонтахтанинг устида  
очиқ қолаверибди. Мушук ўлгур ичиб кетдими. (*Кампир  
ўрнидан туриб ҳассасини дўқиллатганча кириб кетди.*)

Қ ў ч қ о р — Уф-фф, яхшиям сут эсига тушди. Бўлма-  
са торс ёрилиб кетардим. Сенга ҳам қойилман-е.

Р у с т а м — Ҳа?

Қ ў ч қ о р — Оғзингни очиб эшитиб ўтирибсан-а, ин-  
дамай орқангни ўгириб кетганинда мен ҳам сенга эргаш-  
ган бўлардим, эсиз, шунча вақт бекор ўтди.

Р у с т а м — Остонада ҳам ўтирардик-да. Қайтага кам-  
пирнинг хурсанд бўлгани қолди. Бечора юрагини бўша-  
тиб олди. (*Иккови яна остонага келиб ўтиради.*)

О й и с и — (*Ичкаридан*). Ҳой, Қўчқор!

Қ ў ч қ о р — Ҳа?

О й и с и — (*Ичкаридан*). Кўчада нима қиласан, болам,  
сен ҳам одам бўлиб уй ишларига қарашсанг-чи!

Рустам — Оббо!

Қўчқор — (*Жаҳл билан*). Нима қил дейсиз, ойн!

Ойиси — Қиламан десанг ишдан кўпи борми?

Рустам — Оббо, ойнинг ҳам айнибди, илгари бунақа эмас эди-ку, нима бўлди?

Қўчқор — Ҳаммасига ўша қиз бола айбдор. Ойим икки-уч кун ўшаларникига чиқди-ю, тавба, айнади-қолди. Ҳар гапининг бирида, «сен ҳам анави қўшни болага ўхшаб уй ишларида ёрдам берсанг нима қилади», дегани-деган.

Рустам — Ана холос. Ўша қиз болага ўхшаб-а!

Қўчқор — Ҳа.

Ойиси — (*Ичкаридан*). Ҳой, Қўчқор!

Қўчқор — Уф-фф, шу қиз бола келди-ю, тинчим бузилди, юр!

Рустам — Қаёққа?

Қўчқор — Э, юр, у-бу иш бўлса қарашиб юборайлик, бўлмаса бари бир тинч қўймайди.

Рустам — Э, нима деяпсан, ўзим ишдан қочиб буёққа чиққанман-у!

Қўчқор — (*Гапни бўлиб*). Оббо, юра қол энди. (*Қўлидан судрайди*). Юр, номига у-бу қилган бўламиз-у, яна дарров кўчага чиқиб оламиз.

Рустам — (*Аранг*). Майли.

Яна ўша биринчи кўринишдаги ҳолат. Қўчқор «юр-юр», деганча шеригини судраб, ҳовлига олиб киради, аммо шеригининг кўзлари бежо. Ўртоғининг қўлидан чиқса-ю, ўзини кўча эшикка урса. Шу пайт Қўчқорнинг ойиси кўринади-ю, Рустам саросимада туриб қолади.

Қ ў ч қ о р — Қани, ойи?

О й и с и — (*Ажабланиб*). Нимани сўраяпсан?

Қ ў ч қ о р — Э, нима бўларди, иш-да.

О й и с и — Оббо ўғлим-ей, қасрга қарасанг иш-ку, ҳеч бўлмаса ҳовлини йиғиштириб ол, қара, ҳаммаёққа хазон сочилиб ётибди.

Қ ў ч қ о р — (*Кўзлари ййнаб*). Нима?

О й и с и — Ҳа, бу иш эмасми?

Р у с т а м — (*Энсаси қотиб*). Ишку-я, аммо...

О й и с и — Хўш?

Р у с т а м — Э, хола, бизга ҳалигидақа, нима десам, хўш, шундай иш бўлсаки...

Қ ў ч қ о р — Уғил болага ярашадиган иш бўлса!

Р у с т а м — Ҳа, балли.

О й и с и — Шунақами? (*Қувониб*). Майли, иш-ку кўп-а, қай бирини айтсам экан.

Р у с т а м — (*Шошиб*). Боғдаги олмаларнинг тагини чопсак-чи!

О й и с и — Кеча дадаси чопиб қўйган.

Қ ў ч қ о р — Рост, кеча дадам ишдан келиб ҳамма олмаларнинг тагини юмшатиб қўйган.

Р у с т а м — Э, эсиз, эсиз!

О й и с и — (*Ҳовлига аланглаб*). Иш-ку кўп-а, шу дейман...

Қ ў ч қ о р — (*Ойисининг гапини бўлиб*). Ойи!

О й и с и — Ҳа?

Қ ў ч қ о р — Анави боғдаги нокнинг танаси кавак бўлиб чириб ётибди. Шунини тагидан қулатсак-чи.

О й и с и — Вой, нима деяпсан, балодек мева қилиб турибди-ку, нега қулатасан?

Қ ў ч қ о р — Майли, қулатма десангиз, қулатмайман, эсиз, тўнкасидан қийматахта ясаб берардим.

Р у с т а м — Эсиз!

О й и с и — (*Ҳайрон*). Тавба, сизларга қандоқ иш буюрсам экан.

Р у с т а м — Бизгами, бизга шунақа иш бўлсаки, одам ҳузур қилиб ишласа, яъни, нима десам экан, масалан, каттакон тўнка бўлса.

Қўчқор — Ҳа-ҳа, каттакан тўнка бўлса.

Ойисп — (Қувониб). Э, тўнками? (Ҳовлининг четига қараб). Ана, бир эмас иккитаси турибди, даданг ўтин қилиб бераман дегандилар, ҳеч вақтлари бўлмапти. Шунини майдалаб берсаларинг, ҳам жой бўшарди, қаранглар, оёқнинг тагида ётибди.

Қўчқор — Қойил! Ойи, сиз бораверинг, биз ўзимиз тўнкани бирпасда саржин қилиб тахлаб ташлаймиз.

Ойисп — (Қувониб). Вой, дастёргинамдан айланай (чиқиб кетади).

Рустам — (Ваҳима билан). Бай-бай, тўнка ҳам шунақа катта бўладими, ёраман десанг роса бир ҳафта ёрасан!

Қўчқор — (Уни ҳам ваҳима босиб). Рост айтасан, бир машина ўтин тушади. Хўш, нима қилдик?

Рустам — Нима қилардик, бошлаймиз.

Қўчқор — (Енгини шимариб). Бошлаймиз. Қани, бўл!

Рустам — (Тушунмай). Нима?

Қўчқор — Сен тўнкани думалатиб кел, мен унғача болта олиб чиқай.

Рустам — Нима, нима? Йўқ, ошна, сен тўнкани думалатиб ке, мен болта олиб чиқай, кеча дадам болта чархлатиб келган, бизни болта жуда ўткир, бир урсанг ўша турган бесўнақай тўнкани иккига эмас, тўртга бўлиб юборади.

Қўчқор — Бе, нима деяпсан, сенинг болтанг болта бўптими, тешанинг ўзи, йўқ, ошна, сен тўнкани думалатиб ке, нима, тўнкани думалатиб келиш ҳам иш бўптими, мен болтани олиб чиқай. Бизнинг болта, эҳ-ҳе, саксон йиллик болта экан, бувамнинг бувасидан қолган экан. Бунақа болта маҳаллада битта. Бунақа болта билан ишлаш, эҳ-ҳе, кишининг завқини уйғотади, тушундингми, завқини!

Рустам — Нима, нима? Мен тўнка думалатиб келайми?

Қўчқор — Ҳа!

Рустам — Бекор айтибсан. Нега энди сенинг тўнкани мен думалатиб келар эканман, керак бўлса ўзинг думалатиб ке.

Қўчқор — Нима, нима? Тўнка ёрамиз деб ким айтди?

Рустам — Иккаламиз.

Қўчқор — Бекор айтибсан. Мен нокни қулатамиз деган эдим. Сен тилингни бир қарич қилиб тўнка ёрамиз,



деб туриб олдинг, ана энди, тўнкани думалатиб кел-у, қўлингга болта бераман, саржини қилиб ташла!

Р у с т а м — Мен-а?

О й н с и — *(Чиқади)*. Ҳой, нима гап?

Қ ў ч қ о р — *(Саросимада)*. Ҳеч гап йўқ, ойи, ўзимиз шундай маслаҳат қиляпмиз.

Р у с т а м — Тўнкани болтада ёрган маъқулми, теша-дами? Шунга гаплашаётган эдик.

О й н с и — Билмадим, ҳар қалай болтада ёрган маъқул бўлса керак.

Р у с т а м — *(Ўртоғига)*. Ана, айтмадимми, сен бўлсанг тешада ёрамиз деб боядан бери қулоқ-миямни единг, теша билан тўнка ёриб бўладими, бор, тўнкани думалатиб кел, мен ғир этиб болгани олиб чиқай, бизнинг болта, эҳ-ҳе, шунақа ўткирки, тўнканинг устига қўйсанг бас, бирпасда икки бўлакка ажратиб ташлайди. *(Қўчқор кўзларини олайтириб ночор тўнкани думалатгани кетади. Рустам шеригига бирпас қараб туради-да, лип этиб кўчага чиқади. Кўп ўтмай Қўчқор ҳаллослаб тўнкани думалатиб ҳовлининг ўртасига олиб келади.)*

Қ ў ч қ о р — Уф-фф, тўнка эмас, бир бало экан. Зилзамбил-а, буни на кўтариб бўлади, на жойидан қўзғатиб бўлади.

Р у с т а м — *(Эшикдан кириб келади, қўлида болта)*. Ҳа, қойил, тўнка деганни ҳовлининг ўртасида ёради. Болта билан пақ-пақ ураверасан, ажралган қисмлари худди ёнғоқнинг пўчоғидек ҳар томонга учаверади, ма!

Қ ў ч қ о р — *(Кўзлари олайиб)*. Нима?

Р у с т а м — Ма, болгани ол, қара, бунақа болта, эҳ-ҳе, бунақа болта билан киши ҳавас учун ишлайди.

Қ ў ч қ о р — Йўқ, ошна, тўнкани мен думалатиб келдим, энди сен ёр!

Р у с т а м — Мен-а? Вой-ей, эсинг жойидами? Нега сенинг тўнкангни мен ёрарканман, сен ёр, мен кўрсатиб турай. Бу бошқа гап.

Қ ў ч қ о р — *(Ииғламоқдан бери бўлиб)*. Ёрмайман!

Р у с т а м — Ёрасан!

Қ ў ч қ о р — Бекор айтибсан.

Р у с т а м — *(Ошхона томонга)*. Ҳой, хола!

О й н с и — *(Ичкаридан)*. Нима?

Қ ў ч қ о р — *(Чўчиб)*. Э, бўлди. *(Болтага ёпишади)*. Менга бер, аммо билиб қўй, бир гал сен ёрасан, бир гал мен ёраман.

Р у с т а м — Майли!

(Қўчқор шошиб болтани олади-ю, кучининг борича тўнкага уради, сўнг болтани шеригига тутқизади, Рустам болтани қўлига олиб, эринмай енгини шимаради, сўнг тўнканинг атрофида гир-гир айланиб тўхтаб қолади, энгашиб тўнкага қарайди, қўлига болтани олади, болтани ҳавога кўтаради, худди сурат олаётган одамдек тўхтаб қолади. Ичкаридан Қўчқорнинг онаси чиқади.)

О й и с и — Ҳа, нега чақирдинг, Рустам?

Р у с т а м — Тўнкаиғизни кўриб юрагим ачишиб кет-  
япти.

О й и с и — Нега?

Р у с т а м — Ёнғоқнинг тўнкаси экан.

О й и с и — Ҳа, ёнғоқпики.

Р у с т а м — Шундоқ тўнкани ёрадимиз?

О й и с и — Ёрмаса нима қилади?

Р у с т а м — (Болтани ерга қўйиб). Эсиз, эсиз!

О й и с и — (Ҳайрон). Ҳа?

Р у с т а м — Одам ёнғоқнинг тўнкасини ҳам ёқадими, хола, биласизми, ёнғоқнинг тўнкаси, бу, асл тўнка, бу тўнкаларнинг тўнкаси. Бунақа тўнкадан эҳ-ҳе, қанақа нарсалар ясаса бўлади, шундайми, Қўчқор?

Қ ў ч қ о р — (Жон кириб). Ҳа, ойи, бунақа тўнкадан хўш, қийма тахта ясаса бўлади.

Р у с т а м — Оштахта!

Қ ў ч қ о р — Хўш, яна, яна...

Р у с т а м — Ёғоч тароқ. Эҳ-ҳе, санайверса, холажон, ёнғоқнинг тўнкасидан шунақа нарсалар ясаса бўладикки, одам санайверса саногидан адашиб кетади.

О й и с и — (Болаларнинг дангасалигини тушуниб). Хўш, нима қил дейсизлар?

Қ ў ч қ о р — Ойи, бу тўнкани бир чеккага обориб тахлаб қўяйлик, ҳамманинг уйида ҳам ёнғоқнинг тўнкаси бўлавермайди, бутун маҳаллани айланиб чиқсангиз ёнғоқнинг тўнкаси фақат бизнинг ҳовлимизда.

Р у с т а м — Ҳа, бир чеккага обориб устини ёпиб қўяйлик, ёнғоқнинг тўнкаси жуда нозик бўлади. Офтобда ҳам, ёмғирда ҳам дарров айнийди.

О й и с и — Бир чеккага обориб устини ёпиб қўяйлик, деяписизларми, ҳа, майли, ундан кейин нима қиламиз?

Қ ў ч қ о р — Ундан кейин. (Рустамга қарайди).

Р у с т а м — (Шошиб). Ундан кейин биз капнукулга чиқиб олайлик, сизга шунақа оштахталар, шунақа қийматахталар ясаб берайликки, ҳамманинг хаваси келсин.

Қўчқор — Ҳа, ойна!

*(Ойиси икки болага қараб бирпас кинояли жилмайиб туради-да, ошхонага ўтиб кетади. Шу пайт машина овози эшитилади. Болалар эс-ҳушларини йиғиб олиб кўчага чиққунларича ичкарига Қўчқорнинг дидаси кириб келади. У хомуш, болаларни кўриб, индамай айвонга ўтиб кетади, бирпасдан кейин қайтиб чиқади.)*

Д а д а с и — (Ўғлига). Бу нима?

Қ ў ч қ о р — Тўнка, дада!

Д а д а с и — Тўнкалигини кўриб турибман, нега ҳовлининг ўртасида қаққайиб турибди, хўш?

Қ ў ч қ о р — Биз, биз... дада...

Р у с т а м — Биз ёзда каникулга чиққанда бу тўнкадан холамга оштахта, қийматахта ясаб бермоқчимиз.

Д а д а с и — Нима, сизлар каникулга чиққунча тўнка мана шу ерда қаққайиб тураверадими?

Қ ў ч қ о р — (Шошиб). Нега қаққайиб тураркан, дада, биз бунга ҳозир бир чеккага думалатиб обориб, устига нарса ёпиб қўямиз. Қани, Рустам, ёрдамлашиб юбор.

*(Иккови ҳаллослаб тўнкани ҳовлининг бир четига думалатиб боришади, дадаси бирпас уларнинг кетидан қараб туради, ойиси ошхонадан чиқади, эрининг авзойини кўриб ажабланади.)*

О й и с и — Ҳой, дадаси, нима бўлди?

Д а д а с и — (Уҳ тортиб). Э, қўявер, онаси. Бир палатим ариди. (Болалар қайтиб келади).

О й и с и — Вой, нима бўлди?

Д а д а с и — Анави дорихонанинг олдида зовур қазишаётган эди. Машинамни ўша ерга қўйиб, папирос олгани тушдим. Мен чакадиган сигарета нарироқдаги дўконда экан, машина билан қайтиб боргани эриндим-у, яёв бора қолдим. Қетаётганимда машинанинг олдида икки-учта майда болалар ўралашиб юрувди. Доим калитни чўнтагимга солиб кетардим, бу гал шошиб машинада қолдирган эканман. Сигарета олиб орқамга ўгирилишимни биламан...

О й и с и — (Ваҳима билан). Вой, ўлмасам, биров машинани ўғирлаб кетдимми?

Д а д а с и — Йўғ-е, бундоқ қарасам, машина қийша-йиб юриб кетяпти. Яна уч-тўрт метр юрса борми, шундоқ зовурга ағанайди. Зовурда эса йигирмага яқин одам бор, жон ҳолатда югурдим...

О й и с и — (Ваҳима билан). Вой, нима бўлди?

Қўчқор — (Чўчиб). Ағанадими?

Дадаси — Шу югурыпман, югурыпман, бари бир ул-гуролмаслигимни пайқаб, жон ҳолатда, уф-фф, эсласам ҳалиям юрагим орқамга тортиб кетади...

Ойиси — Гапирсангиз-чи, нима бўлди?

Дадаси — Бир маҳал қарасам, машина таққа тўхтаб қолди, тагин қаерда дегин, шундоқ зовурнинг оғзида. Етиб келишим билан машинадан бир бола тушди, чамаси, мана шу Қўчқордай, «амаки, машинанинг калитини қолдирманг», деди-ю, дорихонага кириб кетди. Бояги майда-чуйда болалар машинани ўйнаб юрғизиб юборган, дорихонага ўтган бола эса тўхтатиб қолган эди.

Ойиси — Рост, бир палакатиңгиз арибди, машина одамларнинг устига ағдарилса нима бўларди, эҳтиёт бўлсангиз бўлмайдими?

Дадаси — Ким билади, ойиси, ким билади!

Ойиси — Қим экан, ўша бола қанақа бола экан, нега уйга олиб келмадиңгиз?

Дадаси — Қимлигини билмадим, отинг нима, кимнинг ўғлисан, ота-онаңгни олдиға бориб миннатдорчилик билдирай, деб кетидан дорихонага кирдим, бувисига кўзойнак олаётган экан, шунча қилсам ҳам айтмади, қўрққанымдан юзи ҳам эсимда қолмабди. Фақат кўзойнаги борлигини биламан, қани, юр, ойиси, чой-пойинг борми?

Ойиси — Бор, овқат ҳам тайёр, дадаси, юринг. (Кетишади.)

Рустам — (Ҳуши учиб). Ана холос!

Қўчқор — (Аранг ўзига келиб). Нима, нима? Бувисига кўзойнак олаётган эди? (Қўшни томонга қарайди, икки ўртоқ индамай қўшни деворга яқин келишади. Бир-бирига қараб туриб қолишади, сўнг олдинма-кейин секин ўрикка чиқишади, қўшни ҳовлида эса кампир билан невараси алланарсани хурсандчилик билан гаплашиб ўтиришибди, кампир невараси олиб келган кўзойнакни аллақачон тақиб олган, афтидан яхши кўраётганидан хурсанд бўлиб, ҳаммаёққа илжайиб қарайди, бола ҳам бувисининг қувончига шерик, девордан мўралаётганлар билан иши йўқ.)

Қўчқор — (Анчадан сўнг). Биласанми, биласанми... у ҳақиқий...

Рустам — (Ўртоғи гапиролмаган гапни айтади). Ўғил бола экан!

# АЛИ — ВАЛИ

1. Али.
  2. Вали.
  3. Озода.
  4. Дилбар.
  5. Соли.
- } 5—6 синф ўқувчилари.
6. Юлдуз — биринчи синф ўқувчиси, Алининг синглиси.
  7. Асад Саидович — ўқитувчи.
  8. Роҳила — Алининг ойиси.



## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Синф эшиги очиқ. Олди қатор парталар, ўқитувчининг столи, доска кўзга ташланиб турибди. Болалар қий-чув билан синфга кириб келишди. Ҳаммаси Дилбарнинг назоратидан ўтиб, бирин-кетин парталарни тўлдиришмоқда. Йўлакнинг бошида шапкани тескари кийиб, банди йўқ папкани қўлтиқлаган Али билан Вали кўринди. Али Дилбарни кўриб, дарров тўхтади. Шапкасини тўғрилаб олди. Вали эса ўртоғига маънодор қараб қўйди, бироқ олдинга юргани юраги дов бермай тўхтаб қолди.

В а л и — Қўлга тушдик.

А л и — Нима деяпсан?

В а л и — Ана унга қара, дарров эшикнинг тагига туриб олибди-я!

А л и — Ҳали бу ҳолва.

В а л и — Йўғ-е!

А л и — Ҳа, ишонавер, шу келди-ю, ҳамманинг тинчи бузилди.

В а л и — Тўғри айтасан, илгари қандоқ эди-я!

А л и — Оҳ-оҳ-оҳ, у кунлар қани, тушдай ўтди-кетди.

Қадрига стмаган эканмиз, ошна!

*Шу пайт Али билан Валига шубҳали назар ташлаб, Соли шошганча ўтди. Икки ўртоқ унинг орқасидан қараб қолишди.*

А л и — Ана, Соливой келди. Дилбарнинг яна битта думи.

В а л и — Э-э, ундан хафа бўлма, ўзининг калласи борми, ким нима деса, тўғри деб чапак чалаверади.

А л и — Шунақалар бўлмаса анови ойнмиқиз билагига латта боғлаб, эшикда қоровул бўлиб турармиди, кўрасан энди, ҳаммани дикир-дикир ўйнатиб, синфга эмаклатиб киритади. Менга қара, Вали, сен йўл бошла.

В а л и — Нима?!

А л и — Анови палакатни чалғитиб тур, мен лип этиб синфга кириб олай. Кўйлагим бир оз гижим эди, дазмоллагани эриниб, ўрнимдан туриб келаверган эдим. Ҳа, нега нндамайсан?

В а л и — А?! Хўп, майли. *(Вали юрагини ҳовучлаб синфга яқин юрди. Дилбарнинг орқасига ўгирилганидан фойдаланиб, Али синфнинг эшигига яширинди. Дилбарни*

*чалғитиб ўтиб кетиш пайида турган эди, Вали Дилбарни секин тирсагидан ушлаб гапга тута бошлади.)*

В а л и — Менга қара, Дилбархон!

Д и л б а р — Нима?

В а л и — Бир нарсага ҳеч ишонгим келмаяпти-да, ни-мага дейсанми, шунгаки, анови мактабдалигингда тўқсон олти яшар Хадича хола деган кампирни ўқиш, ёзнишга ўргатганмишсан, шу ростми?

Д и л б а р — *(Энсаси қотиб)*. Э-э, бўлди, бўлди. Кўп чўзма. Қани қўлинг?

В а л и — *(Ўзини гўлликка солиб)*. Нима, фол очмоқчи-мисан?

О з о д а — *(Синфдан бош чиқариб)*. Бу нима қилиқ, тартибга бўйсун-да!

В а л и — *(Ноилож қўлини чўзади)*. Мана, кўра қол, топ-тоза!

Д и л б а р — Яхши, кир.

*(Вали яна бир нима демоқчи бўлиб оғиз очади, аммо синфдан чиққан Озода гапиртиргани қўймай судраб кетади. Шу пайт икки-уч бола эшикка яқинлашади-ю, Дилбарнинг чалғитганидан қувониб, Али эшикнинг орқасидан чиқади, лип этиб синфга ўтай деганда, Дилбар кўриб, йўл тўсади.)*

Д и л б а р — Тўхта!

А л и — Нима дейсан?

Д и л б а р — Мен навбатчиман.

А л и — Э, навбатчи бўлсанг доска арт, нега йўл тўса-сан!

Д и л б а р — *(Афсусланиб)*. Мен ўқиган мактабда тартиб бошқача эди. Навбатчи озодаликни текширмай синфга қўймасди. Бу ерда унақа эмас экан.

А л и — Ҳа, унақа эмас. Ҳали ҳам ўша мактабингга боравер. Сени ҳеч ким ушлаб тургани йўқ, қани, ойимқиз, сағал четроққа ўтиб тур-чи!

Д и л б а р — Нега?

А л и — Туртиб юбормай дейман-да!

Д и л б а р — Ҳо-ҳо, қани туртиб ҳам кўр-чи!

А л и — Нима қилардинг?

Д и л б а р — Нима қилардингмиш-а, юзларингни тим-далаб оламан!

А л и — *(Ўдағайлаб)*. Мени-я?!

Д и л б а р — Ҳа, худди сени-да, ке, кўп гап сотмай қўлингни кўрсат, қара, бўйнингни ювсанг бўлмайдимми?

А л и — Бўйшимга нима қилпти?

Д и л б а р — Попкангга ўхшаб қорайиб кетибди. Тир-

ноғингни қара, худди қошиғ-а, вой-бў! Бу аҳволда оёғингга ҳам бир йилда бир марта сув тегмаса керак ўзи!

Али — (Титраб-қақшаб). Нима, яна битта қайтар, нима дединг? (Али ғазабдан қалтираб кетди. Жон ҳолатда қўлтиғидин папкасини олиб, Дилбарнинг бошига туширмоқчи эди, Дилбар кулимсираб Алига яқинлашди. Уни бепарволиги Алини довдиратиб қўйди.)

Дилбар — Ур, ҳа, нега қараб қолдинг, ур! (Али папкани жаҳл билан четга улоқтирди. Нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, шошиб-пишиб ботинкасини ечди ва қўлини ерга тираб, оёғини осмонга кўтарди.)

Али — Мана, оёғимни кўрмоқчи бўлсанг, кўр!

Дилбар — Ҳой, Али, жинни бўлма!

Али — (Баттар ўчакишиб). Йўқ, кўрасан, ҳа, пайпоғимни счиб кўрасан, қани, кўрмай ҳам кўр-чи, нима қиларкинман!

Шу пайт қўнғироқ чалинганини Али ҳам, Дилбар ҳам эшитмади. Йўқлама кўтариб келаётган ўқитувчи Асад Саидович синфга яқин қолганда ажабланиб тўхтаб қолди. Шоша-пиша чўнтағидан кўзойнак олиб тақди, энгашиб, Алининг у томонига, бу томонига ўтиб қаради. Сўнг ажабланиб, Дилбарга ўғирилди.

Асад Саидович — Нима қилиқ?

Дилбар — (Алининг папкасини ердан оларкан бепарволик билан). Э-э, Асад Саидович, янгиликдан хабарингиз йўқ. Али масхарабоз бўлиб циркка кирган экан, циркда намоён қиладиган бир-иккита номерларини менга ҳам кўрсатяпти.

Асад Саидович — Нима, нима?

Али бир жойда қотиб қолди. Сўнг бирдан қочмоқчи бўлди. Аммо шу қадар довдираб қолган эдики, нима қилишини билмай қўли билан эмаклаб синфга кирди-ю, аранг оёққа туриб, биринчи партада ўтирган Валининг ёнига ўзини ташлади. Асад Саидович «аттанг» дея бош чайқай-чайқай синфга кириши билан болалар баравар ўрниларидан туришди.

Асад Саидович — Салом, болалар!

Болалар — Салом!

Асад Саидович — Ўтиринглар.

Болалар ўтиришди. Ўқитувчи йўқлама қилишдан аввал яна Алига қараб бош чайқади. Алининг кўзлари бежю, партидан бош кўтармай ўтирарди. Бутун аламини Валидан олмоқчи бўлиб бир туртди, Вали сакраб тушди-ю, ўқитувчига билдириб қўйишдан чўчиб, тилини тишлаганча ўртоғига ўғирилиб пичирлади.



В а л и — Ҳа?

А л и — Яша-е, лақиллатиб турганинг шуми?

В а л и — Э, кўрмайсанми, анови хира қиз судраб кириб кетди. Лекин хафа бўлма, ҳозир кўрасан, Дилбарни бопладим, роса кулги бўлади.

А с а д С а и д о в и ч — *(Болаларга бир-бир қараб)*. Навбатчи ким?

Д и л б а р — Мен, Асад Саидович.

А с а д С а и д о в и ч — Ҳамма борми?

Д и л б а р — Ҳа, ҳамма бор.

А с а д С а и д о в и ч — *(Бирдан доскага кўзи тушиб)*. Ие, қизим, доскани артиш эсингдан чиқибди-ку!

Д и л б а р — *(Ҳайрон)*. Вой, тозалаб қўйган эдим-ку, мана, ҳозир, ҳозир бирпасда артиб қўяман. Ие, қаёққа кетди, шу ерда турган эди-ку?

А с а д С а и д о в и ч — Нима қидиряпсан, қизим?

Д и л б а р — Латта, Асад Саидович, латта йўқ!

В а л и — *(Пиқ-пиқ кулиб)*. Дилбархон!

Д и л б а р — Нима?

В а л и — Анави мактабда доскани қўл билан ўчирар экансизлар-да!

*(Али оғзини катта очди, Вали унга қўшилди, синфда энди кулги кўтарилай деган эди, Асад Саидович бу нима қилиқ дегандек қараб қўйди. Али шошиб қўллари билан оғзини ёпди.)*

Д и л б а р — Асад Саидович, рухсат беринг, олиб келай.

А с а д С а и д о в и ч — Бунақа нарсани танаффузда тайёрлаб қўйиш керак, бор.

Д и л б а р — Хўп, Асад Саидович.

А с а д С а и д о в и ч — Хўш, болалар, уй вазифа тайёрми?

Б о л а л а р — Тайёр!

А с а д С а и д о в и ч — Яхши, қани, ким чиқади?

С о л и — Мен!

О з о д а — Мен!

*(Асад Саидович бошқа болаларга бир-бир қарай бошлади. Алининг юраги шув этди. Валининг биқинига туртиб қўйди.)*

А л и — *(Пичирлаб)*. Кўтар!

В а л и — Нима дейсан, биқинимни тешиб юбординг!

А л и — Қўлингни кўтар, бўлмаса мендан сўраб расво қилади.

В а л и — Ие... ўзим партанинг тагига кириб кетай деб турибман-у.

Шу пайт латта кўтариб, синфга Дилбар кирди. Шоша-пиша доскани арта бошлади. Асад Саидович ҳамон болаларни кўздан кечириш билан банд... Али Валининг тирсагига туртиб юборади. Вали беихтиёр қўл кўтариб дарров настга туширади.

Асад Саидович — Вали, қўл кўтаргандай бўлдингми, чиқ, чиқа қол.

Дилбар келиб жойига ўтирди. Вали бир лаҳза нима қилишини билмай довдираб қолди-ю, сўнг, зўрға китоб кўтариб доскага чиқди.

Асад Саидович — Масалани ёз. Ишлаш йўллари-ни тушунтир.

Вали — (Довдираб). А?! Хўп, хўп, ҳозир ёзаман. (Вали масалани ёзди, чиқаролмай хуноб, дам доскага чизади, дам қўли билан ўчиради, ора-чора ер остидан Асад Саидовичга қарайди. Асад Саидович жим. Йўқламага ниманидир ёзиш билан банд.)

Асад Саидович — Ҳа, бўлдингми?

Вали — Ҳозир, Асад Саидович, ҳозир, бўлаёзим.

Асад Саидович — (Бош кўтариб доскага қарайди). Баракалла! Тайёр эмасмисан, нега қўл кўтардинг?

Озода — Қўл кўтарсам чиқармайдилар деб ўйлаган-да! (Вали лавлагиси чиқиб, тер босди. Чўнтагига қўл солиб, рўмолча олди ва шоша-пиша юз-кўзларини арта бошлади. Дилбар бирдан сапчиб ўрнидан туриб кетди.)

Дилбар — Ҳой, Вали!

Вали — Нима дейсан?

Дилбар — Қўлингдаги нима?

(Вали бирдан қўлидаги рўмолча эмас, доска артадиган латталигини кўриб, нима қилишини билмай қолади.)

Вали — Ие-не, бу, ие-ие!

Дилбар — Бекор айтибсан, қўлингдаги «не-ие» эмас, доска латта, мен ўқиган мактабда доскани қўл билан ўчирсак ҳам, аммо ҳеч ким дастрўмол ўрнига доска латта тутган эмас, товба, бу янгилик! (Вали қўлидаги латтани четга улоқтиради.)

Вали — (Ўзига-ўзи пичирлаб). Мен қаёқдан билай. Рўмолча ўлгур бу чўнтакда экан.

Асад Саидович — Доскага чиққанинг ҳам яхши бўлди, ҳеч бўлмаса латтани ким олганини билдик. Баракалла, ҳали дарсдан сўнг олдимга кир, ўқитувчилар хонасида бўламан. Хўш, доскага ким чиқади, қани?

П а р д а

## ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Дарс аллақачон тугаган-у, синф ҳам, йўлак ҳам бўш. Фақат Али папкани дам бу қўлтиғига, дам у қўлтиғига олиб, кимнидир сабрсизлик билан кутмоқда. Йўлакнинг бошида бирор одамнинг шарпаси кўринди шекилли, Али дарров папкани партанинг остига қўйиб, чиқиб эшикнинг орқасига яширинди. Кўп ўтмай қўлидаги деворий газетадан кўз узмай келаётган Соли кўринди. Синфга кириб газетани осиб, энди қайтиб остонага қадам қўйиши билан Али эшикни ташқаридан итариб юборди, Соли орқасига думалаб тушди, жон ҳолатда ўрнидан туриб, ташқарига чиққунча Али лип этиб деразадан синфга кириб олди. Соли чиқди-ю, йўлакда ҳеч ким йўқлигини кўриб, ажабланиб туриб қолди, синфга мўралади, эшикнинг орқасига қаради.

Соли — Товба, эшикни биров итариб юбордими, ё ўзидан-ўзи ёпилиб кетдими? *(Соли гурра бўлган пешонасини ушлай-ушлай келган томонига қараб кетди. Али синфдан ўрмалаб чиқди. Қорнини чангаллаб овозсиз куларкан, ҳовлиқиб Вали келиб қолди.)*

В а л и — *(Қовоғини солиб)*. Ҳа, нега куласан?

А л и — *(Ҳамон кулгидан тўхтамай)*. Бопладим!

В а л и — *(Кўзлари ола-кула)*. Нима, нима?

А л и — Қойилмисан, бопладим.

В а л и — *(Тутақиб)*. Ҳа, бопладинг, қойилман!

А л и — *(Кулгидан тўхтаб)*. Э, жиннивой, сенга нима бўлди?

В а л и — Мана ҳозир биласан! *(Вали қўлидаги папка билан Алининг елкасига бир туширди ва ёқасидан маҳкам чангаллади.)*

А л и — Ҳой, эсинг жойидами-а?

В а л и — *(Қичқириб)*. Йўқ, эсимни еб қўйганман.

А л и — Э-э, қўйиб юбор, нима қиляпсан?

В а л и — Қўйиб юбормиш-а! «Бопладинг!» Сени деб битта «икки» олдим, майли, кулганинг нимаси-а, ҳозир кўрасан.

А л и — Ҳой, тўхта деяпман, гапимга қулоқ сол! *(Вали яна Алига ёпишди. Али қочиб синфга кирди. Эшикни ёпиб олди.)*

В а л и — Оч!

А л и — Э, бир бало бўлганми ўзи, нега сендан куларканман, аҳмоқ!

В а л и — Ҳа, бўлмаса кимдан куляпсан, хўш?

А л и — Солини кўрдингми?

В а л и — Кўрдим.

А л и — Қаерда?

В а л и — Водопроводнинг олдида дастрўмолини хўлаб, пешонасига босиб ўтирибди.

А л и — Бўпти-да! *(Вали бўшашиб, эшикдан нари кетди-ю, ёқасини ушлаб Али чиқди).*

А л и — Шундоқ кўйлакни расво қилдинг, туфлаб ёқасини зўрга текислаб қўйган эдим, эсиз! *(Вали жавоб бермади. Али қўрқа-писа унга яқинлашди. Қўлини секин елкасига қўйди. Вали ўгирилиб қаради-ю, яна қовоғини осилтириб олди.)*

В а л и — Хўш?

А л и — Соли... деворий газетани илаётган экан, ўзига билинтирмай шундай боладимки, кўрганингда ичагинг узиларди.

В а л и — *(Унғайсизланиб).* Билмабман. Қўйнингдаги нима, нега кўйлагинг дўппайиб турибди. Попкангни ичинга солиб олганмисан?

А л и — Э-э, секин гапир, битта-яримта эшитиб қолмасин, попкамни қўйнимга солиб жинни бўлганим йўқ, ҳала айтаман, уни-буни қўй, хўш, Асад Саидович нима деди?

В а л и — Мен уни уришганини ҳам, насихат қилганини ҳам билолмай чиқдим.

А л и — Йўғ-е!

В а л и — Худди пахтадай юмшоқ одам экан-у, буни қара, гапирган гаплари энди алам қиляпти менга.

А л и — Хўш, хўш, нима деди?

В а л и — *(Уқитувчига тақлид қилиб).* «Яхши болалардан ўрناق олсанг бўлмайдим, команда тузиб, ажойиб ишлар қилишяпти», дейди-я.

А л и — Дилбардан демоқчи-да!

В а л и — Билиб турибман.

А л и — *(Йўлакнинг бошига қараб).* Қиз боладан ўрناق олиб эсимизни еганимиз йўқ, Асад Саидович!

В а л и — Ҳа, эсимизни еганимиз йўқ.

А л и — Аммо-лекин, мана шу Асад Саидовичга ҳам, анови писмиқ қизга ҳам, қўлимиздан нима келишини кўрсатиб қўйишимиз керак, нима дединг?

В а л и — Бўлмаса-чи!

А л и — Ҳаммасининг оғзи очилиб қолса!

В а л и — Оҳ-оҳ, қани эди!

А л и — Кўрасан, мактабда миш-миш гап, номимиз деворий газетадан тушмайди, болалар кетимиздан соядай юради.

В а л и — Соли, Дилбар, Озода ҳам.

А л и — Бўлмаса-чи!

В а л и — Эҳ, қани эди, роса қойил бўларди-я! Қани энди, қиладиган ишимизни ҳамма билса!

А л и — Қизиқсан-а, сен билан мен бир иш қиламиз-у, ҳеч ким билмайдими? Уйлаб кўр, мактабда бир минг тўққиз юз элликта ўқувчи бор, хўш, бу нима деган гап?

В а л и — Хўш, бу нима деган гап?

А л и — Бу бир минг тўққиз юз элликта маҳалла эшитди деган гап!

В а л и — Қойил-е, қойил-е, гап бориб-бориб «Ленин учқуни» газетаси муҳаррирининг қулоғига етса-я!

А л и — Кўрасан, битта фотограф билан битта яхши мухбир юборади.

В а л и — Эртасигаёқ газетанинг биринчи бетиде иккаламизни расмимиз чиқиб турибди! Қойил-е!

А л и — Хўш, қалай?

В а л и — Зўр, бунақаси дунёда бўлганамас, зўр!

А л и — Энди, ошна, гап, ҳамманинг оғзини очириб қўядиган ўша ишни топишда.

В а л и — Тўғри айтасан, бунинг учун зўр бош керак.

А л и — Бўлмаса-чи!

В а л и — Менга қара, шу битта боғчани оталиққа олсак, чурвақаларга бокс ўргатардик.

А л и — Бўлмайди, бу анови Соли, Озода, Дилбарларга мос иш. Қани энди, куппа-кундузи шаҳарнинг қоқ ўртасидан битта жосус ўтиб кетаётган бўлса, кўзини бақрайтириб, бир қўлидан сен-у, бир қўлидан мен ушлаб, тўппа-тўғри тегишли жойга олиб борсак.

В а л и — Ҳозир чегарани шундоқ қўриқлашадики, жосус тугул, чумчуқ ҳам ўтолмайди.

А л и — Тўғри айтасан.

В а л и — Менга қара, сувга чўкаётган битта-яримтани қутқарсак-чи?

А л и — Қизиқсан-а, сузишни билмаймиз-ку, агар хўп десанг, менда таклиф бор.

В а л и — Қани айт?

А л и — Битта зўр команда тузамиз.

В а л и — Бе-е, қўйсанг-чи, товба, ана туздик ҳам, қилган ишимизни сен-у, мен биламиз, хўш, бунинг нима қизиғи бор, қани, айт?

А л и — Э, гап бошқа ёқда, сен тушунмай турибсан. Биз эски командани Асад Саидович айтгандек «масалага ижодий ёндашиб» янгичасига тузамиз. Бундоқ қиламиз. Битта обши дафтарни қоқ ўртадан бўламиз. Ҳар бетига чиройли қилиб «сизнинг беминнат халаскорингиз, палон

мақтаб ўқувчилари Алижон билан Валижон, ишингиз бўлса марҳамат, бажонидил бажарамиз» деб ёзамиз. Кўчада биров билан саломлашамизми, трамвайда қари-қарангга жой берамизми, қўлига биттадан бояги қоғозни тутқазамиз.

В а л и — (Чўчиб). Бор-е, ҳаммаси мактабга қидириб келса-я!

А л и — Ҳа, балли, гап мана шунда, бирор юз, икки юз одамдан ҳеч бўлмаса ўнтаси қидириб келгандан кейин, бояги миш-миш бошланади-да! Тушундингми? Эҳ, қани энди, тўртта кампир худди Асад Саидович дарс ўтаётганда ҳиссасини тўқиллатиб, синфга кириб келса.

В а л и — Қойил-е, мана буни ҳақиқий иш деса бўлади.

А л и — (Керилиб). Бўлмаса-чи, командага мен бош бўламан.

В а л и — Сен-а?!

А л и — Ҳа. Бунақа ишга сенинг уқувинг йўқ, бошлиқ деган ҳамма нарсани билиши керак. Сенинг қўлингдан нима келади?

В а л и — Мени қўлимдан-а?!

А л и — Бақирма! Нега бақирасан. Умрингда бирон марта овқат қилганмисан, тугма қадаганмисан ё айтайлик, сабзи тўғраганмисан, хўш?

В а л и — Ўзинг-чи, ўзинг!

А л и — Нима мен? Тўғри. Сен ҳам билмайсан, мен ҳам. Ойим айтгандай, нокнинг бир палласи сен-у, бир палласи мен, шунинг учун бир кун сен бошлиқ бўл, бир кун мен.

В а л и — Ҳа, энди ўзингга келдинг.

А л и — Бундоқ қиламиз.

В а л и — Хўш, хўш?

А л и — Битта бечора кампир топамиз.

В а л и — Масалан?

А л и — Масалан, кампир бўлса, хўш, кампир нима қила олади-ю, нима қилолмайди.

В а л и — Овқат пишириш, тугма қадаш, айтайлик, қўлидан келсин.

А л и — Хўш, ўтин ёриш, тўнка ковлаш-чи?

В а л и — Қойилман миянга, ҳозирдан киришамиз. Хўп десанг, маҳалладаги анави ўн олтига невараси, саккизта чевараси бор-ку...

А л и — (Қўл силтаб). Э-э, бўлмайди. Ҳаммани қўйиб ўн олтига невара, саккизта чеварали кампирга иш қилдириб қўярмиди.

В а л и — Мен ҳам шуни айтмоқчиман-да.

А л и — Кампир бўлсаки, жуда ғариб, жуда бечора бўлса. Менга қара, кампирларнинг ҳаммаси ҳам ивирсиб бозор қилишни яхши кўради.

В а л и — Рост айтасан. Бу ерда ўтириб бош қотиргандан фойда йўқ.

А л и — Албатта! Мана бу попкани ол-у, йўл-йўлакай бизнинг уйга ташлаб кел. Мен бояғи обши дафтарни ёзиб, бозорнинг оғзида тураман.

В а л и — Хўп.

А л и — И-и-и, тўхта, тўхта, сен тескари қараб тур.

В а л и — Нима?

А л и — *(Қўйнидаги нарсани папкасига солади)*. Тескари қараб тур деяпман, кейин биласан, бўлди, буёққа ўгирилавер. Тағин йўл-пўлда попкани очиб юрма, хўпми, бўпти энди бор. *(Вали иккита папкани қўлтиқлаб, энди жўнай деб турганда, ҳовлиқиб Алининг синглиси Юлдуз келиб қолади.)*

Ю л д у з — Вой, Али ака, шу ердамисиз?

А л и — Юлдуз?! Нима қилиб юрибсан?

Ю л д у з — Уйга кўмир келди, тез боринг.

А л и — Нима? Кўмир? Қанақа кўмир?

Ю л д у з — Ёқадиган кўмир, қора кўмир.

А л и — Аҳмоқ! Кўмирнинг оқи ҳам бўладими, бор, ишингни қил, Вали, топган гапини қара-я, ёзда ким печка ёқади, ҳали қишга тўрт ой бор. Унгача ташиб олинар, қани кетдик. *(Али Юлдузнинг гапларига эътибор бермай шериги билан жўнайди. Юлдуз кўзлари жавдираб, ними қилишини билмай туриб қолади.)*

Ю л д у з — Вой, энди нима қилдим?

*Шу пайт бир-бири билан баҳслашиб, йўлакдан Дилбар билан Соли ўтаркан, йиғламоқдан бери бўлиб турган Юлдузни кўриб, Дилбар тўхтади.*

Д и л б а р — Ҳа, нима бўлди, синглим, нега бу ерда турибсан, отинг нима?

Ю л д у з — Юлдуз!

Д и л б а р — Хўш, нима гап?

Ю л д у з — Ҳеч гап бўлгани йўқ, ўзим...

С о л и — Бу Алининг синглиси.

Д и л б а р — Шунақами?

С о л и — Юлдуз, ким урди?

Ю л д у з — Ҳеч ким, ҳалиги... уйга кўмир келган эди, оймнинг ишхонасидан, қора кўмир, ёқадиган кўмир, кўчада ётибди. Али акамга айтсам, кетиб қолди, қулоқ солмади.

Дилбар — *(Солига маънодор қараб)*. Ҳа-ҳа, Али шу ердамиди?

Юлдуз — Ҳа, энди нима қиламан, шунча кўмирни битта ўзим қандоқ ташийман.

Дилбар — Соли, Алининг уйини биласан-а?

Соли — Биладан.

Дилбар — Яхши. Сен, синглим, дарсингга кирар-вер.

Юлдуз — Йўқ, ахир кўмир кўчада ётибди, ойим кўчада ётмасин деганлар.

Дилбар — Ўзингдан катта гапирганда хўп дегин, қани, дарров дарсингга кир, боравер, боравер! *(Юлдуз ҳайрон бўлганича бир Солига, бир Дилбарга қарай-қарай йироқлашади.)*

Соли — *(Фурра бўлган пешонасини ушлаб)*. Ҳайронман, ҳали бу ерда ҳеч ким йўқ эди-я!

Дилбар — Қизиқ. И-и-и, ана Асад Саидович шу томонга келяпти.

Асад Саидович — Ҳа, болалар, ҳали кетмадиларингми?

Дилбар — Йўқ, газетани чиқариб бўлдик, пионерлар хонасини беэмоқчи эдик, зарур иш чиқиб қолди.

Соли — Ҳозир, кетамиз.

Дилбар — Ўзингиз-чи, Асад Саидович?

Асад Саидович — Менми? Мен... сизларни кўриб орқамга қайтдим. Бир нарсани сўрамоқчиман. Али билан Вали бутун синфни орқага тортяпти. Нима қилсак бўларкин-а, ёрдам берсаларинг бўлмайдимми?

Дилбар — Хоҳлашмади.

Асад Саидович — Нега?!

Соли — Ким билади.

Асад Саидович — Ҳа, баракалла, ҳамма гап шунда. *(Соли билан Дилбар бир-бирига маънодор қараб олади. Аммо Асад Саидовичнинг гапини тушунолмади ҳайрон бўлганча ундан кўз узмади.)*

Соли — Ишонмаяпсизми?

Асад Саидович — Йўқ, ишончим комил, отряд йиғилишида ҳам гап бўлган, буни ҳам биладан.

Соли — Қарорга ҳам ёзиб қўйганмиз.

Асад Саидович — Уқиганман!

Соли — Ҳар мажлисда танқид қиламиз. Деворий гаетадан номлари тушмайди.

Дилбар — Фойдаси бўлмаяпти.

Асад Саидович — Бир нарсага ҳайронман?

Дилбар — Нимага?



Асад Саидович — Наҳотки, дўст дўст учун берадиган ёрдамини мажлисга солса, шусиз иложи йўқмикин?

Соли — Тушунмадим.

Дилбар — Мен ҳам тушунмадим, Асад Саидович.

Асад Саидович — Шунақами, хўп майли, қани, айтинглар-чи, синфда қанча ўқувчи бор? Уттиз бешта, шундайми, демак ўттиз бешта бир-бирига ўхшамаган дил, кўнгил, табиат, хоҳиш, интилиш, шундайми? Демак, ҳар бирига алоҳида муомала, алоҳида йўл топа билиш керак. Фақат танқид билан тузалса дунёда ёмон одам қолмасди. Балки сизларнинг дабдаба билан ҳамманинг олдида ёрдам бермоқчи бўлганингиз уларнинг иззат-нафсига теккандир. Қисқаси, бир ўйлаб кўринглар-а, яна кейин гаплашамиз, хўпми?

Соли — (Бўшашиб). Хўп.

Дилбар — Майли, Асад Саидович, ўйлаб кўрамиз. (Асад Саидович чиқиб кетди. Дилбар билан Соли анчага-ча сўзсиз бир-бирига қараб қолди.)

Соли — Қизиқ... Дилбар.

Дилбар — Ростдан ҳам... Сен нима дейсан?

Соли — (Елка қисиб). Қим билади.

Дилбар — Яна бир ўйлаб кўриш керак экан.

Соли — Э-э, сен ўйла. Тўғриси айтсам, ўйлайвериб каллам қовоқ бўлиб кетди. Бечора Озода ҳам шуларни оталиққа олиб, гаранг бўлиб юрибди.

Дилбар — Майли, Али билан ўзим шуғулланаман.

Соли — Валиси қаерда қолади?

Дилбар — Алини қўлга олсак бас. Вали унинг сояси Менимча Юлдузни ишга солиш керак, ҳа, Юлдузни!

Озода — (Олисдан). Ҳой, Дилбар, мен кетдим!

Дилбар — Озода, менга қара!

Озода — Нима дейсан, шошиб турибман.

Дилбар — Иш чиқиб қолди.

Озода — Ие, Соли, пешонангга нима қилди?

Дилбар — Ўзи ҳам билмайди, эшикка урилдими ё эшик буни урдими, боядан бери шуни билолмай хуноби чиқиб юрибди.

Соли — Тавба, рост, қали ҳам хунобим чиқиб юрибди. Ҳеч ким йўқ эди-я. Мен мана бундоқ синфга кирдим, газетани осдим, энди чиқаман деб остонага қадам қўйган эдим, не, во-ей, не!

Дилбар — (Ҳайрон). Яна нима бўлди?

Соли — Йўқ!

*Озода билан Дилбар, Солининг кетидан синфга киришади. Соли ҳамон ўнгими, тушими, ажратолмай киприк қоқмай турибди.*

Д и л б а р — Нима йўқ?

С о л и — Газета йўқ, Дилбар, газета!

(П а р д а)

Бозорга яқин кўчалардан бири. Каттакон толнинг тагидаги скамейкада кичкина қизча кўғирчоғини аллалаб ўтирибди. Али икки қўли чўнтакда, шапкасини қошларигача бостириб олган, кўзлари бежо, тоқатсизлик билан уёқдан-буёққа юаркан, бирдан қизчага кўзи тушиб имлади. Қизча боланинг вазоҳатидан кўрқиб кетди. Кўғирчоғимни олиб қўймаса гўрга эди, деган ташвиш билан, нима қилишини билмай қолди.

Али — Ҳой! Қулоғинг борми?

Қизча — Нима?!

Али — Кел, кўчанинг нариги бетига ўтказиб қўяй.

Қизча — Йўқ, кўчанинг нариги бетига нима қилман, ойим, бозордан келгунимча шу ердан қимирлама, деганлар.

Али — Э, тентак, яна жойингга келтириб қўяман, хўпми? *(Қизча кўрқиб кўзларини катта-катта очганча Алига қаради ва кўғирчоғини маҳкам бағрига босди. Али эса унга яқинлашиб қўлидан ушлади.)*

Али — Ҳа, нега бақраясан, юр!

Қизча — Йўғ-е.

Али — Юр-е, баҳона билан кўчанинг нариги бетини кўриб оласан. *(Қизча кўрқиб унга эргашди. Али эса қизчани кўчанинг у бетига ўтказиб, яна жойига келтириб қўйди-да, ёнидаги қоғоздан биттани олиб унга узатди.)*

Али — Уқишни биласанми?

Қизча — Йўқ.

Али — Майли, олавер, ойингга ўқитиб оласан!

*Қизча Али узатган қоғозни кўрқа-писа олди-ю, яна кўғирчоғини бағрига маҳкам босганча унга бирпас қараб турди. Сўнг лип этиб уйига қочиб кириб кетди. Олисдан Вали кўринди.*

Вали — Али!

Али — Оббо сен-е, шунақа юрасанми, қаерда қолиб кетдинг?

Вали — Э, сўрама, кўчанинг оғзида Дилбар, Озода, Соли турган экан. Орқадан айланиб келяпман... Менга қара, ановини қидириб келишган бўлса-я?

Али — *(Шубҳали қараб)*. Попкани очибсан-да!

Вали — Э, нима деяпсан, нега очар эканман, ўзи очилиб кетди.

А л и — Хўш?

В а л и — Нима хўш, яхши ҳам сен билан мен бор, номимиз газетадан тушмайди, уф, ке, қўй, эсласам кўрагимга биров мих қоққандай бўляпти. Яхшиси, ишдан гапир, иш нима бўлди?

А л и — Қойил! Битта қизчани кўчанинг у юзидан-бу юзига ўтказиб қўйиб, бояги қоғоздан берган эдим, суюнганидан ўтакаси ёрилиб уйга кириб кетди, ўқишни билмас экан-у, майли, ойсинга ўқитиб олар.

В а л и — (Ховлиқиб). Одам топдингми?

А л и — Бўлмаса-чи!

В а л и — Йўғ-е!

А л и — Ҳа! Унақа-бунақа эмас. Худди сен билан менинг кўнглимдагидек. Ўзи ҳам роса бозор айландим. Ҳали у кампирга қарайман, ҳали бу кампирга қарайман. Қани биттасининг қўлида ҳасса бўлса. Биз бопи йўқ эканда, деб ҳафсалам пир бўлиб чиқиб келаётган эдим, троллейбусдан биттаси тушиб қолди-ю, қўлида ҳасса, кўзида ойнак, оёғини зўрга судраб келяпти. Қани шу топда сен бўлсанг дейман, дарров бориб кўчанинг у бетидан-бу бетига ўтказиб қўйдим. Кампир миннатдорчилик билдириб бозор қилгани кириб кетди.

В а л и — Қойилман, энди мана шу кампирни маҳкам ушлаш керак.

А л и — Ушлаш ҳам гапми, елимдай ёпишиб оламиз, кел, энди шу ерда кутайлик, ўзи ҳам кириб кетганига анча бўлган эди, нима бало, бозорнинг ўртасида нўхатшўрак сотаётган эди, ўшандан олиб еб ўтирибдими?

В а л и — Бўпти! Шу десанг, и-и-и, ана уни қара!

А л и — Вой-ей, Озода-ку, буёққа нега келяпти?

В а л и — Уйи шу ерда. Тўхтаб турсин, газетага ёзиш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўяман.

А л и — Э-э, эс борми сенда?

В а л и — Ҳа, нима дейсан?

А л и — Газетани тилга ола кўрма, нима, ўзингни-ўзинг тутиб бермоқчимисан, қўявер, оёғи куйган товуқдай қақиллаб қидириб ўлсин. Ундан кўра кел, ўртага олиб бир жинни қилайлик.

О з о д а — (Болаларнинг олдидан тўхтаб). Ҳа, бу ерда нима қилиб юрибсизлар?

А л и — Ўзинг-чи, ўзинг?

О з о д а — Уйга кетяпман.

А л и — (Ҳиринг-ҳиринг кулиб.) Ҳо, қошларингизни кўмир билан бўяб олибсизми-а?

О з о д а — Қани? Вой, қора тегибдими, кетдими?

В а л и — Ҳа, кетди, энди оппоқ пахтадай бўлди!  
(*Озода бурилиб, йўлида давом этмоқчи эди, Вали имлади, Али унинг йўлини тўсди. Озода ҳайрон бўлиб туриб қолди.*)

А л и — Тўхта!

О з о д а — Вой, нега йўл тўсасан?

В а л и — Сизда Аливойнинг икки оғиз ширингина гапи бор экан.

А л и — Гап шу, биринчидан, мени маслаҳатимдан чиқмайсан, иккинчидан, айтганимни ғинг демай қиласан, учинчидан...

О з о д а — (*Жеркиб гапини бўлади*). Учинчидан, бекор айтибсан! (*Озода яна кетмоқчи бўлиб турганда, Вали келиб йўл тўсади, икки бола икки ёғида туриб олади. Озода ҳайрон.*)

В а л и — Ҳа, қаёққа?

А л и — Менинг гапимни эшитмай ҳеч қаёққа кетмайсан. Мен сени ҳозир оталиққа олдим.

О з о д а — Нима, нима, мени-я?

В а л и — Ҳа, алам қилдими? Мажлисда ўттиз бешта болани ичида керилиб, Аливойни оталиққа мен оламан, деганингизда Аливой ғинг демай туриб берган эди.

О з о д а — Ҳа, айтган бўлсам нима, гуноҳ қилибманми?

В а л и — Во-ей, нега гуноҳ бўларкан.

О з о д а — Бўпти-да, мendan нима истайсизлар, хўш?

В а л и — Аливой ҳам бирпасгина оталиққа олиб, яхшилик қилмоқчи-да, шунақами, Аливой?

А л и — Худди, шундоқ!

О з о д а — Менга қара, Али, ҳазилингни қўй, яхшиликча қўйиб юбор, ўлай агар шошиб турибман. (*Шу пайт кўчадан каттакон тоғора кўтарган бир чол ўтиб қолади.*)

А л и — Вали, бор, анови қари одам экан, кўчадан ўтказиб қўй.

В а л и — Майли.

А л и — И-и-и, тўхта, мана бу қоғоздан биттасини бериб қўйишни унутма, хўпми?

В а л и — (*Чолга яқинлашиб*). Ассалому алайкум, бува, йўл бўлсин?

Ч о л — (*Ўгириламани деб қалқиб кетади-ю, тоғорани иккинчи қўлига олади*). Бозорга, болам, шафтоли олиб келяпман, ҳовлида икки туп шафтолим бор, бу йил бирам қилдики, ер ҳам шафтоли, кўк ҳам шафтоли, челақ-челақ қўни-қўшнимга улашдим. Увол бўлмасин деб қолганини бозорга олиб келяпман. (*Чол тоғорани очади, ичида ҳар*

*бири ҳандалакдек-ҳандалакдек шафтоли, Али, Вали, қулт этиб ютинади.)*

Ч о л — Ол, болам.

В а л и — Шафтолингиз яхши экан, қани, биттани еб кўрай, бизда ҳам бор-у, аммо бунақа эмас.

Ч о л — Э-э, олавер, меники бўлакча.

В а л и — *(Лунжини шафтолига тўлдириб)*. Ҳой, Али, яхши шафтоли экан, кел.

Ч о л — *(Али билан Озодани кўриб)*. Ҳой, болам, нега қараб турибсан, кел, кел! *(Али билан Озода чолнинг гапини қайтаролмай биттадан шафтоли олиб, пўстини арча бошлайди.)*

А л и — Бува! Чарчаб қолманг, тоғорангизни мана бу бола — Вали обориб беради.

Ч о л — *(Хурсанд)*. Вой, барака топкур-е!

В а л и — *(Қути учиб)*. Бу зил-замбил-ку, ке, Али, икки ёғидан кўтарайлик.

А л и — Э, эсинг борми, тоғора замбил эмас-ку, икки ёғидан кўтарсанг.

В а л и — Бор-е, лўмбоздай тоғорани бошимга кўйиб жинни бўпманми, бошим лақиллаб турибди-ку, сен кўтар!

Ч о л — Ҳой, ҳой, болаларим, уришманглар, тоғорамни ўзим кўтариб кетавераман.

О з о д а — *(Чолга раҳми келиб)*. Бува, менга бера қолинг.

А л и — *(Терисига сиғмай)*. Ҳа, бормисан, биринчи топшириқ шу, тоғорани бозорга элтиб берасан, ҳой Вали, кел, иккиёғидан кўтариб, Озоданинг бошига кўяйлик. *(Али билан Вали тоғорани иккиёғидан кўтариб, Озоданинг бошига қўяди. Иккови шошиб қолиб, чолнинг икки қўлига иккита қоғоз тутлади. Озода тоғорани кўтариб кета бошлайди.)*

Ч о л — Ҳой, қизим, тўхта, у сен кўтарадиган нарса эмас-а! Ие, бу қоғоз нима, нега бердиларинг, болам?

А л и — *(Пичирлаб)*. Чўнтакка солинг, бува, уйда ўқитасиз.

Ч о л — Ҳой, болам, қоғозинг иккита-ку!

В а л и — Қўяверинг, биттасини маҳаллангизда чойхона бўлса олиб чиқиб берасиз.

Ч о л — *(Узича)*. Товба, кап-катта одамларга хайронман. Ёш болаларга шу ишни буюриб нима қилишадди. Маҳаллада битта-яримта тўй бўлса ошга таклиф қилинганларнинг қоғози бу, товба! *(Чол иккала қоғозни авайлаб*

*белбогига қистиради-ю, Озоданинг кетидан шошиб жўнаб кетади.)*

А л и — Яхши қилмадинг.

В а л и — Нега?

А л и — Шундоқ оёқ остидан чиққан ишни Озодага илдириб юбординг-а. Энди чол маҳаллада Озодани мақтаб юради.

В а л и — Э, парво қилма, қоғозда сен билан менинг номимиз-ку!

А л и — *(Ёришиб)*. Э-э, рост-а, аммо-лекин шу қоғозни ўйлаб чиқиб зўр иш қилган эканмиз.

В а л и — Бўлмаса-чи!

А л и — И-и, ана бизнинг кампир ҳам келяптилар, қара!

В а л и — Қойилман. Биз боп экан!

*Али билан Валининг олдига жуда мункиллаган, кўзига бир эмас, қўш кўзойнак таққан, ҳассали кампир яқинлашди. У нафасини ростлагани тўхтади. Алига кўзи тушиб, жилмайди. Али терисига сиғмай югуриб бориб кампирнинг қўлтиғига кириб, катта тол остидаги скамейкага бошлаб келди.*

А л и — Утиринг, холажон, бирпас дам олинг.

Х а д и ч а х о л а — Рост айтасан, болам, шошиб нима ҳам қилдим, бу бола ким, ўртоғингми?

А л и — Ўртоғим бўлади, хола.

Х а д и ч а х о л а — Ўзингга ўхшар экан. Умриларинг узоқ бўлсин.

А л и — Хола, гап бор.

Х а д и ч а х о л а — Айт, болам, айт.

А л и — *(Чўнтагидан қоғоз олиб узатади)*. Аввало ма-на бунга чўнтагингизга солиб қўйинг.

Х а д и ч а х о л а — Бу нима, болам?

А л и — Солиб қўяверинг, кейин ўқийсиз, ичида ҳеч гап йўқ, мен билан ўртоғимнинг оти ёзилган, холос, сизга эсдалик.

Х а д и ч а х о л а — Шунақами, ҳа майли, илоё барака топинглар, битта-яримгани кутиб ўтирибсизларми?

В а л и — Сизни кутиб ўтирибмиз, хола.

Х а д и ч а х о л а — Мени-я, вой бўйларингдан ўргилай!

А л и — *(Шошиб)*. Ёрадиган ўтинингиз борми?

В а л и — Том сувоқ ҳам қўлимиздан келади.

А л и — Ер ҳам чопа оламиз.

В а л и — Тўнка бўлса яна яхши. Бирпасда ковлаб таш-

лаймиз. (Кампир бир Алига, бир Валига қараб ўзини туголмай кулиб юборди.)

Хадича хола — Утиним ҳам йўқ, лой томим ҳам, ўргилайлар. Ҳукумат уй бергандан бери том сувоқдан ҳам, ўтин-кўмирдан ҳам қутулганман, ҳаммаси ичида. Ҳукуматнинг уйи бунақа яхши бўларкан, бунақа яхши бўларкан, қўни-қўшнилари мени айтмайсизми. Одамнинг устида ўлиб бўлишади. «Сиз,— дейишади,— ёлғизман деб ўкинманг, шу домдаги барча аёл қизингиз-у, барча эркак ўғлингиз»,— дейишади. Унга сари қотиб-қотиб куламан.

В а л и — (Четга қараб). Оббо, топган одамини қара-ю, ҳали-бери гапи адо бўлмайди шекилли. (Вали Алининг биқинига туртди. Анграйиб ўтирган Али чўчиб тушди.)

А л и — Э, хола!

Хадича хола — Ҳа, болам, намунча уҳ тортасан?

А л и — Бизга битта кампир керак эди-да.

Хадича хола — Бо, болам, кампирдан кўпи борми?

В а л и — Сиз айтаётган кампирлардан эмас.

А л и — Ҳеч кими йўқ, ёлғиз, ёрдамга муҳтож бўлса.

Хадича хола — Вой, ўлмасам, нафасингни совуқ қилма, болам, бунақа кампирлар менинг болалигимда бўларди.

В а л и — Биз тимурчилармиз, хола, биласизми?

А л и — Бизга худди ўша болалигиздаги кампирлардан биттаси керак бўлиб қолди.

В а л и — Ҳа, ҳа, биттаси керак бўлиб қолди.

Хадича хола — Вой, қоқиндиқлар-е, шуни нега бояроқ айтмадиларинг. Ойимдан қолган битта обдастам бор. Раҳматликдан ёдгорлик деб ҳали-ҳали тутиб юраман, бурноқ йили қўлимдан тушиб кетгандан бери жўмраги ўлгурдан сув оқади, олиб борсам шуни тузатиб бераркансизлар!

В а л и — Хола, темирчи эмас, тимур, тушуняпсизми, тимурчимиз!

Хадича хола — Ҳа-ҳа, ҳалиги, анови, нима дединг?

А л и — Тимурчи!

Хадича хола — Ҳа-а, ҳа-ҳа, эски ҳовлимдаги қўшнимни қизига ўхшаган экансизлар-да, қоқиндиқлар. У ҳам сизларга ўхшаган... ҳаҳ нима эди?

В а л и — Тимурчи!

Хадича хола — Ҳа, ўшанақа эди. Ҳар кун и ўқишдан келиб бояқиш олдимга югуриб чиқарди. Туққан бо-



ланг ҳам шунчалик бўлади-да, уч йилгача қўлимни со-  
вуқ сувга урдирмабди-я!

Али — Буни қаранг!

Вали — Ҳой, Али, менга қара.

Али — Жим тур, қани хола, гапираверинг.

Вали — (Алини туртиб). Гапни қисқа қил.

Али — (Жеркиб). Нима бўлди сенга?

Хадича хола — Шу денг, бир куни саҳарлаб уйим-  
га чиқибди. Ҳа, тинчликми қизим десам, китоб ўқишни  
ўргатиб қўяман деб қўярда-қўймай туриб олса. Вой, бо-  
лам, қариганимда мени масхара қилиб нима қиласан,  
дейман.

*Кампир ниманидир эслаб, бошларини чайқаб-чайқаб  
овозсиз кулди. Али анграйиб қолди. Валининг ранги ўчиб,  
ўрнидан туриб кетди.*

Вали — (Ўзича). Бу... аниқ... ўша кампир!

Али — Оббо, хола-е, буни қаранг, хўш-хўш, ундан ке-  
йин-чи?

Хадича хола — Ўзи ҳам айтганини қилдирадиган  
ўжар қиз эди. Йўқ, ахир ўргатди-ю, тинчиди. Ҳали-ҳали  
эслаб юраман. Яхши қилган экан. Юрагим қизиган-қизи-  
ганда ҳарфлари ҳассадай-ҳассадай бир талай китобим  
бор, шуларни титиб ўтираман.

Али — (Керилиб). Хола, бизга ўхшаган зўр тимурчи  
экан-да!

Хадича хола — Ҳа, болам, шунақа эди.

Вали — (Сабрсизлик билан). Тез кетайлик.

Али — Э, нима деяверасан ҳадеб!

Вали — (Шеригини туртиб). Тур!

Али — Ҳа, нима дейсан?

Вали — (Пичирлаб). Эси пас бу Дилбарнинг Хадича  
холасига ўхшайди-ку!

Али — (Ҳуши учиб). А?! Нима дединг?!

Вали — Дилбарга айтса, роса шарманда бўламиз,  
қоч!

*Иккови кампирнинг кўзини шамғалат қилиб, икки  
ёққа қочиб қолди. Алининг чўнтагидан нимадир тап этиб  
ерга тушди. Кампир оёғининг тагини тимискилай бош-  
лади.*

Хадича хола — Ҳой, қаёққа?! Вой ўлмасам, калит-  
ку, калити тушиб қолибди-ку, энди бечора нима қилади?

## Парда

# ИККИНЧИ ПАРДА

## ТҮРТИНЧИ КУРИНИШ

Алиларнинг ҳовлиси. Чапда эшик. Ўнг томонда ошхона, товуқхона. Томга қўйилган нарвонда Али бошини чангаллаб ўтирибди. Дамбадам хавфсираб эшикка қарайди, ошхонадан қиз боланинг ўқтин-ўқтин йиғиси эшитилади. Али уҳ тортади, яна бош чангаллайди. Эшик тарақлаб очилади-ю, остонада Вали кўринади.

В а л и — Ҳа, нимага мотам тутиб ўтирибсан?

А л и — Ўзим.

В а л и — Нима бўлди?

А л и — Э-э, айтганим билан барибир тушунмайсан.

В а л и — Нега тушунмас эканман.

А л и — Хўп, тушунсанг айт-чи, масалан сенинг синглинг бўлса, сен ундан ҳеч нарса аямасанг-у, у ўлгудай ўжар, қулоқсиз бўлса, нима қилардинг, қани айт?

В а л и — Менми? Мен бу ёмон одат, бу одатингни ташла, дердим, яна ўжарликка қарши ёзилган китоблардан беш-ўнтасини ўқиб берардим.

А л и — Хўш, унда ҳам бўлмаса-чи, унда нима қилардинг?

В а л и — Ундами?.. Узингдан кўр деб дўппослардим.

А л и — Ҳа, яша. Мен ҳам ҳозир синглимни ошхонага қамаб роса дўппосладим. Урдим-у, ўйлаб қолдим. Ойимга айтади.

В а л и — Э, парво қилма. Ойинг касалхонадан келгунча эсидан чиқариб юборади.

А л и — Ҳамма гап шунда-да. Ойим тўсатдан касалхонадан чиқадиган бўлиб қолибди. Ишхоналаридан местком раиси келиб айтиб кетди. Ишхонанинг машинасида уйга олиб келиб қўямиз, сизлар тайёргарчиликни кўраверинглар, деди. Бораман десам, унамади. Ўжар одам экан. Олиб кетса шу кўнгилсизлик бўлмасмиди. Ўзи бир омад кетмасин экан. Кеча ойим ётадиغان уйнинг калитини йўқотган эдим.

В а л и — Ҳалиям топмадингми?

А л и — Йўқ.

В а л и — Қидирдингми?

А л и — Икки марта бозорнинг оғзига бориб келдим. Қидирмаган жойим қолмади. Ҳали ойим сўраса нима дейман, ҳайронман. Бунинг устига анови Юлдуздан кўмирни ким ташиди десам, уйга келсам кўмирнинг ўзи кўмирхонага кириб қопти, дейди.

В а л и — Бунда бир сир бор.

А л и — Хуллас, ҳаммаёқ расвогарчилик.

В а л и — *(Уҳ тортиб)*. Мен ҳам анови воқеадан бери Дилбардан қочиб юрибман. Товба, шу қизни кўрсам юрагим ўйнайдиган бўлиб қопти. Назаримда, кампир айтган, Дилбар бизни қийнаш учун жўрттага индамай юрибди.

А л и — Э, воҳма қилмасанг-чи, ўша кампирми, йўқми, ўзингча фол очаверасанми? Ўша бўлганда-чи, Дилбар бутун мактабга жар солган бўларди, нима деб юрибсан уни, сенинг ташвишингни олдида меники бир тоғ-у! Кўрасан, ҳали ойим келса анови Юлдуз биттага ўнта қўшиб чақади.

В а л и — Озгина айб бор сенда ҳам, ўртоқ.

А л и — Менда-я?

В а л и — Асли тутиб олиб уришдан аввал яна бир марта ширин гапириб кўрсанг бўларди.

А л и — Бўлмади-да, ўртоқ, бўлмади. Ўтин ёриб бер дегин, ёриб берай, сув ташигин дегин, ташиб берай, нега энди келиб-келиб гуручнинг курмагини терарканман, дедим. Йўқ, кўнмади, ўзи ўжарлик қилиб мен сабзи тўғрайман, сен курмак терасан деб туриб олди. Бир тоғора гуруч-а!

В а л и — Бошқа иш қуриб қолган эканми?

А л и — Ким билади! Индамаган сари елкага чиқади, асли қопга солиб савалаш керак экан. *(Ичкаридан Юлдузнинг яна пиқиллаб йиғлагани эшитилди. Вали бўшашиб, Алининг ёнига ўтирди.)*

В а л и — Менга қара, қиз бола билан олишиб нима қиласан, қўй, яхшиси алдаб-сулдаб йўлга сол. Қиз бола лақма бўлади, бир оғиз ширин гап айтсанг бас, шилқ этиб тушаверади, ишонмайсанми?

А л и — *(Қўл силтаб)*. Э, қўй!

В а л и — Мана ҳозир кўрасан. *(Вали бир-икки йўталиб, ошхонага яқинлашди ва мулойимлик билан гапира бошлади.)*

В а л и — Юлдузхон!

Ю л д у з — *(Ошхонадан)*. Нима?

В а л и — Буёққа чиқинг, синглим. *(Эшик очилиб, кўйлагининг ени билан кўзларини арта-арта Юлдуз чиқди, у ўпкасини босолмай энтикди. Али ер остидан хўмрайиб қўйди-ю, чурқ этмади.)*

Ю л д у з — Нима дейсиз?

В а л и — Бу қандоқ бўлди, синглим, одам акага ҳам иш буюрадими?

А л и — (Қизишиб). Акани биладими? Унга маҳмада-нагарчилик бўлса бас!

В а л и — Акага иш буюриш, синглим, бу одобдан эмас. Уқиш китобингда ҳам худди шундоқ дейилган. Ука акадан фақат илтимос қилиши мумкин. Борди-ю, ака укасининг илтимосини бажармаса, унақа аканинг боридан йўғи яхши, тушундингми?

Ю л д у з — Ҳа, тушундим. Бўлмаса битта илтимосим бор.

В а л и — Марҳамат!

Ю л д у з — Ошхонада ярим қоп гуруч бор. Ушани ошхонанинг томига олиб чиқиб берсанглар.

В а л и — Ҳа, бунинг бошқа масала.

А л и — (Шубҳаланиб). Ундан кейин-чи?

Ю л д у з — Бўлди.

В а л и — Эшитдингми, Али, айб ўзингда, яхши гап билан-чи, э, ошна, нималар қилса бўлмайди-я, тур энди, қопни олиб чиқиб берайлик. (Али билан Вали ошхонага кирди, ярим қоп гуручни кўтариб чиқди. Инқиллаб-синқиллаб нарвондан томга кўтарилди. Гуручни томга қўйиб, Вали чалқанча ётиб олди.)

В а л и — Думала, одам осмонга қараб ётса ғалати-ғалати фикрлар келаркан. (Али Валининг ёнига ёнбошлади. Шу пайт Юлдуз ошхонадан югуриб чиқиб, жонжаҳди билан нарвонга ёпишди. Кўтаролмай, тагидан тортиб юборди. Нарвон қарсиллаб ерга тушди. Али чўчиб ўрнидан туриб кетди. Вали томнинг лабига келди.)

А л и — Расво бўлдик.

В а л и — Нега, нимага?

А л и — Нарвон йўқ.

В а л и — Нега йўқ бўларкан? Вой-ей, рост, нарвон қани?

А л и — Қим билади. Ҳой, Юлдуз, буёққа қара!

Ю л д у з — (Ошхонадан бош чиқариб). Ҳа.

А л и — Буни сен қилдингми?

Ю л д у з — Мен.

В а л и — Нима, нега?

Ю л д у з — Илтимос қиламан, шу гуручни тозалаб беринглар, озроқ ошга олиб қолдим. Ҳар кун ҳиқиллайвериш жонимга тегди. Кейин ўзим нарвон қўйиб тушириб қўяман.

А л и — Нима? Менга қара, писмиқ, яхшиликча ҳозир жойига қўй, бўлмаса жиғингни эзиб қўяман.

В а л и — Ҳозир жойига қўй!

Ю л д у з — Вой, товба, илтимос қилсам ҳам-а!

Вали кўзларини яширмоқчи бўлиб лабини тишлаганча юзини тескари бурди. Али бўлса худди оёғи куйган товуқдай уёқдан-буйёққа югура бошлади. Сўқинди, пўписа қилди, томнинг лабига келиб сакрашни ҳам ўйлаб кўрди. Бироқ юраги дов бермади, ниҳоят ҳолдан тойиб чўнқайди.

Али — Қойилман! Энди курмак тер!

Вали — Ҳо-о, ошни сен егин-у, курмагини мен терайми?

Али — Бас қил!

Вали — Ҳа, нима дейсан?

Али — Бир нарса ўйлаш керак.

Вали — Устасан-ку, ўйла!

Али — Қесатма, бунақада бирлашган ўзади.

Вали — Хўш, хўш?

Али — Бери кел, гап бор. (Али Валининг қулоғига нимадир пичирлади. Вали мамнун илжайди.)

Али — Хўш, қалай?

Вали — Қойилман каллангга.

Али — Бошла!

Вали ўрнидан турди ва ҳушидан кетган бўлиб чалқанча йиқилди, оёқларини типирчилатиб, инграй бошлади. Али эса югуриб томнинг лабига келди ва пастга қаради.

Али — Ҳой, Юлдуз!

Юлдуз — (Ошхонадан ҳовлига чиқиб). Нима?

Али — Тентак! Бировнинг боласини нима қилиб қўйдинг-а!

Юлдуз — Нима қипман?

Али — Ҳали шошмай тур, ота-онасининг олдида жавоб берасан, билдингми?

Юлдуз — Айтинг, нима гап?

Али — Нима гапмиш-а, Валига офтоб тегиб қолди. Нарвонни қўй, пастга олиб тушай. (Вали яна оёқларини типирлатиб, овозининг борича инграй бошлади. Юлдуз ўзини тутолмай пиқиллаб кулиб юборди.)

Юлдуз — Али ака!

Али — Нимага қоққан қозикдай қаққайиб турибсан, бўл, нарвонни қўй!

Юлдуз — Али ака, ўртоғингизга айтинг, ҳамма қиз болалар ҳам лақма бўлавермайди! (Бу гапдан Вали қандай қилиб туриб кетганини билмай қолди. Томнинг четига келиб, овозининг борича қичқирди.)

Вали — Нарвонни қўй!

Юлдуз — Қўймасам-чи?

Вали — Дод дейман!

Юлдуз — (Пинагини бузмай). Майли. Эшитган одам-

лар Алижоннинг жонажон ўртоғи Валижон жинни бўпти дейди.

*Юлдуз ошхонага кириб кетди. Вали ғазабдан қалтиради. Алининг ёнига келиб ўтирди. Икковининг кўзи пастда, иккови ҳам роса ташна. Лабларини ялаб, ариқдаги сувдан кўз узишмасди.*

В а л и — Менга қара, шу аҳволда ўтираверамизми, кел, шуни чакаги тинақолсин.

А л и — Нима қил дейсан?

В а л и — Тозалаб берсак, пича тозалаб бера қолайлик, бир нарса бўлиб қолармидик.

А л и — Майли, лекин пастга тушганда ўзим биламан.

В а л и — Синглинг сингил эмас, алвасти экан! *(Али билан Вали қопни судраб томнинг орқасига ўтиб кетди. Эшик очилиб, остонада Дилбар кўринди.)*

Д и л б а р — Юлдуз!

Ю л д у з — *(Ошхонадан чиқиб)*. Вой, Дилбар опа, сизмисиз, кираверинг, нега у ерда турибсиз, юринг.

Д и л б а р — Қалай, синглим, қийналаётганинг йўқми?

Ю л д у з — Йўқ, опа, сиз бўлмасангиз билмадим нима қилардим.

Д и л б а р — Аканг қани?

Ю л д у з — Ўртоғи билан томда ўтирибди.

Д и л б а р — Томда?! Нега?

Ю л д у з — Ўзингиз айтдингиз-ку.

Д и л б а р — Мен нима дедим?

Ю л д у з — Вой, Алини меҳнатга ўргат дедингиз-ку, мен ҳам томга чиқариб, меҳнатга ўргатаяпман-да.

Д и л б а р — Нима, нима деяпсан?

Ю л д у з — Юринг ошхонага кирайлик, ҳаммасини айтиб бераман.

*Юлдуз билан Дилбар ошхонага кириб кетди. Томда Али билан Вали кўринди. Вали белини маҳкам ушлаб, бирпас турди.*

В а л и — Уф, дунёда бундан оғир иш йўқ экан. Ҳой, Юлдуз!

Ю л д у з — Нима?

В а л и — Бир пиёла муздай сув узат, юрагим ёниб кетди.

Ю л д у з — Ҳозир.

В а л и — *(Алига пичирлаб)*. Ҳозир сув узатаман деб нарвонни қўяди, кўрасан, лип этиб тушиб оламиз. *(Шу пайт Юлдуз ташқарига чиқди. Кичкинагина челақчага сув*

*солиб бандига каноп боғлади, канопнинг бир учини Валига иргитиб кириб кетди.)*

Али — Олла! Бу писмиқни лақиллатиб бўпсан.

Вали — Синглинг роса ичидан пишган экан. Оҳ, оҳ, сув ҳам шунақа бўладими, Али, ол, ич!

Али — Йўқ, ичмайман. Ке, эй, тугатмагунимизча бари бир томдан туширмайди.

Вали — Тўғри айтасан, илож қанча! *(Иккови яна томнинг орқасига ўтиб кетди. Ошхонадан Дилбар билан Юлдуз чиқди. Дилбар кулгидан ёшланган кўзларини арта-арта томга қаради.)*

Дилбар — Вой, Юлдуз-е, нима қилиб қўйдинг-а?

Юлдуз — Қизиқсиз-а, Дилбар опа, бошқа иложим ҳам йўқ эди-да. Ундан кейин мен буни атайлаб қилганим йўқ. Тўсатдан бўлиб қолди.

Дилбар — Ҳа, майли, бўлар иш бўпти. Мен Али уйда бўлса сўрай-чи, дарс тайёрлармикин, деб кирган эдим. Бирпас кутаман энди, иш-пишинг борми, қарашиб юборай.

Юлдуз — Ойимнинг келишларига ош қилаётган эдим, қанақа дамлаш эсимдан чиқиб қопти.

Дилбар — Бўпти, юр. *(Иккови яна ошхонага кириб кетди, томда Али билан Вали пайдо бўлди. Иккови ҳам роса ҳориган, мадори йўқ.)*

Али — Ҳой, Юлдуз!

Юлдуз — *(Ошхонадан чиқди)*. Нима?

Вали — *(Қопни улоқтириб)*. Ол! Энди нарвонни қўй.

Юлдуз — Ҳозир.

*Юлдуз инқиллаб-инқиллаб нарвонни қўйди. Али билан Вали жон-жаҳди билан пастга туша бошлади. Юлдузнинг бирдан ранги ўчди. Ошхонадан Дилбар чиқди. Орқасини ўгириб тушаётгани учун Али ҳам, Вали ҳам уни кўрмади. Али икки зина қолганда тап этиб ўзини ерга ташлади ва Юлдузга отилди, бироқ қаршисида бепарво кулимсираб турган Дилбарни кўриб, қотди-қолди. Вали бўлса, жон-ҳолатда яна қайтиб томга чиқиб кета бошлади.*

Али — Ҳа, нега келдинг?

Дилбар — Узим, сени бир кўрай деб келган эдим.

Али — *(Чўчиб)*. А?! Нега кўрасан?

Дилбар — *(Жиддий)*. Бир нарсага ёрдамнинг керак бўлиб қолди.

В а л и — (Томда туриб). Бор, сенга ёрдам берадиган аҳмоқ йўқ.

Д и л б а р — (Енидан ғижимланган қоғоз чиқарди). Ие, сен бетайин экансан-ку, «ишингиз бўлса марҳамат». Сени гапингми?

*Худди шу пайт машина кўча эшигида тўхтади. Ташқаридан одамларнинг овозлари эшитилди. Дилбар хатни дарров чўнтагига яширди. Остонада Алининг ойиси Роҳила она кўринди.*

Ю л д у з — Ойи, ойижон!

Р о ҳ и л а — Қизим! Оппоқ қизим, ойдин қизим!

А л и — Ойи!

Р о ҳ и л а — Алижон! Бирам соғиндимки, бирам соғиндимки, яхши юрибсанми, болам?

В а л и — (Томдан туриб). Ассалому алайкум, Роҳила кеннойи яхши келдингизми?

Р о ҳ и л а — Ваалайкум ассалом, вой, вой ўлмасам, томда нима қилиб ўтирибсан?

В а л и — (Довдираб). Ўзим... офтобда исиниб ўтирибман.

Р о ҳ и л а — Вой ўлмасам, бу нима қилиқ, туш пастга, офтоб уради. (Вали ранги ўчиб, пастга туша бошлади. Али нима қилишини билмай боши гаранг.)

А л и — Вали, тамом бўлдик. Ҳозир ойим калитни сўраса нима дейман? Менга қара, дўстмисан?

В а л и — Дўст ҳам гапми, соянгман!

А л и — Бўлмаса, калитни мен йўқотдим дегин.

В а л и — (Чўчиб). А?! Қўй-е!

А л и — Хўп де, дўстим, хўп де.

В а л и — Э, қўй-е!

А л и — Қойилман, тагин соянгман дейсан-а!

В а л и — Бўпти, уришсалар ғинг демай ёнингда туриб бераман, шу ҳам катта гап. (Шу пайт ҳаммага ғалати назар солиб турган Дилбар секин Алига яқинлашди.)

Д и л б а р — Мана бу калитни олиб қўй.

А л и — А?! Қалит?! Қаердан олдинг?

Д и л б а р — (Валига). Ҳой, темирчи, Хадича холам айтиб юбордилар, обдасталарини тузатиб бераркансан. (Али билан Вали қочгани жой тополмай қолди. Роҳила Юлдузнинг қучоғидан бўшаб, меҳри жўшиб, Алига яқинлашди.)

Р о ҳ и л а — Алижон-ей, жонгинам, дастёргинам, шунча кўмирни бир ўзинг ташиб, роса чарчагандирсан-а. Вой, болагинам-е, хатингни ўқиб юм-юм йиғладим.

А л и — (Пичирлаб). Нима? Қанақа хат?



Роҳила — (Чўнтагидан хат олади). Вой, сенга нима бўлди. Қаттиқ чарчагансан-да, ёзган хатингни ҳам эслай олмайсан-а. Болам, калитни бер. Қийиниб олай, ҳали замон ишхонамдагилар келиб қолишади. (Али калитни берди. Роҳила Юлдуз билан ичкари уйга кириб кетди.)

Али — (хатни ўқиб). «Ойижон, кўмир нима бўлди деб ташвишланманг. Ташиб қўйдим. Олдингизга боролмаганим учун хавотир олманг, бир оз чарчаган бўлсам керак, дам оляпман».

Вали (Ўзига-ўзи). Э-э, шунинг учун Озоданинг қоши кўмир экан-да!

Али — (Алам билан). Буни, буни, сен ёздингми, Дилбар?

Дилбар — Хўш, ёзган бўлсам нима бўпти. Ёлғон демоқчимисан. Бу гал бўлмаса, янаги гал ташийсан. Ё йўқми?

*Юлдуз билан Роҳила чиқди. Роҳила хурсанд, дам-бадам қизидан, ўғлидан айланиб-ўргилиб кўз узолмайди. Дилбар секин унга яқинлашди.*

Дилбар — Роҳила кеннойи!

Вали — (Ваҳма босиб). Иссиғида қоча қолай.

Дилбар — Ҳой, Вали, қаёққа кетяпсан, тўхта!

Роҳила — Бир нима демоқчимидинг, қизим?

Дилбар — Мен Алининг мактабидан келганман.

Роҳила — Вой, ўлмасам, Али бирор ножўя иш қилиб қўйдими?

Али — (Тамом ўзини йўқотиб). Расво бўлдим!

Дилбар — Ёўқ, йўқ, Роҳила кеннойи, бир илтимос билан келган эдим. Мактабга яқинда келганман. Янги-ман. Шу... баъзи-баъзида Али билан дарс тайёрлаб туришимга рухсат берсангиз, менга ёрдам берса.

Роҳила — Вой, ўлмасам, нега рухсат бермас эканман, майли, бемалол, қизим, ўз уйингдай келиб-кетавер. Ҳеч тортинма. Ойингни ҳам олиб кел. Янги келган одам ҳали ҳеч кимни танимаса, уйда дилгир бўлиб ўтиргандир, хўпми?

Дилбар — Хўп, раҳмат.

Вали — (Ҳайратда ёқа ушлаб). Вой, боппади. (Али бош кўтаролмади. Кўчадан: «Юлдузхон, ойингиз келди»

ми», «суюниб қолдингизми», деган овозлар эшитилди. Роҳила шошиб кўча томон юрди.)

Роҳила — Меҳмонлар келиб қолди шекилли.

Али — (Дилбарга яқинлашиб). Дилбар!

Дилбар — Нима дейсан, Али?

Али — (Сўз тополмай). Сен, сени, умуман, сен янглишиб қиз бўлиб туғилган экансан, ўғил бола экансан!

Али югуриб уйга кириб кетди ва букланган деворий газетани олиб чиқиб, Дилбарга узатди. Дилбар ниҳоятда мамнун. Кўчага қараб юрди.

Дилбар — (Ўзига-ўзи). Ҳа, Асад Сандович, тўғри айтган экансиз. «Фақат танқид билан тузалса дунёда ёмон одам қолмасди». Одамнинг юрагини билиш, сезиш керак экан, жуда тўғри, Асад Сандович!

Вали — (Ҳамон ҳайрон). Товба, Али жинни бўлиб қопти, эшитдингизми, қиз болани ўғил боласан деб ўтирибди-я!

## Парда



## МУНДАРИЖА

### ҚИССАЛАР

Икки дангасанинг саргузаштлари . . . . .	3
Тоғда отилган ўқ . . . . .	46

### ПЬЕСАЛАР

«Э, аттанг...» . . . . .	: 161
Ҳақиқий ўғил бола . . . . .	: 176
Али билан Вали . . . . .	: 189

**Маҳмудов Латиф.**

Тоғда отилган ўқ. Қиссалар ва пьесалар.  
(Ўрта ва катта ёшдаги мактаб болалари учун).—  
Т. Ёш гвардия, 1983. — 224 б., расм.

**Махмудов Латиф.** Выстрел в горах. Повести и пьесы.

Ўз2

Для детей среднего и старшего школьного  
возраста

ЛАТИФ МАХМУДОВ

ВЫСТРЕЛ В ГОРАХ

Повести и пьесы

Ташкент, издательство «Ёш гвардия»— 1983.

Редактор С. Сайдалиева  
Рассом Ҳ. Раҳматуллаев  
Расмлар редактори А. Фуломов  
Техн. редактор Л. Буркина  
Корректор Ш. Шоумарова

ИБ № 1265

Теришга берилди 17.06.1983 й. Босишга рухсат  
этилди 13.09.1983 й. Р—08187. Формати 84×108<sup>1/32</sup>.  
1-босма қоғозга «Литературная» гарнитурда  
юқори босма усулида босилди. Босма листи 7,0.  
Шартли босма листи 11,76. Нашр листи 11,38.  
Тиражи 40000. Буюртма № 1334. Баҳоси 40 т.  
Шартнома № 64—83.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш  
гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кў-  
часи, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг  
Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси.  
«Правда Востока» кўчаси, 26.

М  $\frac{70803-116}{356 (04)-83}$  124—83 48030100

## **ҚИММАТЛИ БОЛАЛАР!**

«Ёш гвардия» нашриёти  
1983 йилда Сиз учун  
қуйидаги китобларни босмадан  
чиқарди:

Абдулла Орипов  
**«ОЛТМИШ ЕШЛИ ВАТАННИНГ  
ОЛТИ ЕШЛИ УЎЛНИ»**  
шеърлар

Толиб Йўлдош  
**«ЗАҒИЗҒОН САЙРАСА»**  
шеърлар

В. А. Жуковский  
**«ШАҲЗОДА ИВАН  
ва  
БЎЗ БЎРИ ҲАҚИДА ЭРТАК»**

Анвар Ҳожи  
**«СЎҚМОҚЛАР»**  
шеърлар

Фарҳод Мусаҷонов  
**«ТУРДИ, ВЕЛОСИПЕД ва МЕН»**  
Ҳикоялар, қиссалар

Қудрат Ҳикмат  
**«ОЛМОС МЕНИНГ ЮРАГИМ»**  
шеърлар

Ўткир Ҳошимов  
**«ЯЛПИЗ СОМСА»**  
Ҳикоялар

Исмат Норбоев  
**«ТОҒ ЙҮЛИ»**  
Ҳикоялар

Кавсар Турдиева  
**«ВАРРАК»**  
шеърлар

Болтажон Содиқов, Ғани Абдуллаев  
**«ҚУНҒИРОҚЧА»**  
шеърлар